

Махон АДАБИЁТИ

Адабий-бадий, ижтимоий-публицистик журнал



Жамоатчилик кенгаши:

Абдулла ОРИПОВ
Омонулла ЮНУСОВ
Муҳаммад АЛИ
Абдухалил МАВРУЛОВ
Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Низом КОМИЛОВ
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ
Хушид ДЎСТМУҲАММАД

МУАССИСЛАР:

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

Бош муҳаррир:
Шухрат РИЗАЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Амир ФАЙЗУЛЛА
Назира ЖЎРАЕВА
Отбек САФАРОВ
Дилдорхон АЛИЕВА
Алимурод ТОЖИЕВ
Алишер ОТАБОВЕВ
Даврон РАЖАБОВ
Севара АЛИЖОНОВА
Шаҳноза НАЗАРОВА

МУНДАРИЖА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Алишер НАВОИЙ. Эл дарди ёрдин кам ўлур... (Рус ва инглиз тилларига Г.Ярославцев, А.Обид тарж.).3

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

У.ФОЛКНЕР. Ҳикоялар. (Рус тилидан И.Ғафуров тарж.).7

НАСР

И.КАЛАШНИКОВ. Қаттол аср. Тарихий роман. (Рус тилидан М.Йўлдошев тарж.).58

НОБЕЛЬ СОВРИНДОРЛАРИ

Б.ШОУ. Қалблар парчаланадиган хонадон. Пьеса. (Рус тилидан М.Хайруллаев тарж.). ...38

ЭПОС – ТАФАККУР ДУРДОНАСИ

А.ПУМПУР. Лачплесис – латиш халқ қаҳрамони. Эпос. (Рус тилидан М.Қўшмоқов, К.Жўраев тарж.).106

ДРАМА

Муҳаммад АЛИ. Навоий ва Бойқаро. Тарихий драма.78

ГЛОБУС

Вьетнам Социалистик Республикаси

Вьетнам адабиёти ва санъати манзаралари.147
Вьетнам шеърляти.163
Вьетнам насри.171

АДАБИЙ САЁҲАТ

О.ОТАХОН. Ҳалоллик мезони.185
Чан ТХЮИ МАЙ. Қақнус ривояти. Ли ЛАН. Эртақлар олами. Ҳикоялар. (Рус тилидан О.Отахон тарж.).186

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

Ш.ТУРДИМОВ. “Лачплесис” – мағрур инсон ҳақида кўшиқ.115
У.ЖЎРАҚУЛОВ. Жанр хронологи типологияси: Хамса. Эпос. Роман.120

ЖАРАЁН

А.САИД. Нобелнинг 2016 йилдаги совриндори.128

ЭССЕ

Савванинг ордени. (Рус тилидан А.Файзулла тарж.).132

ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ

Питер БРУК: “Режиссёр – “Марс”да ҳам режиссёр”. (Рус тилидан Ш.Абдурашулов тарж.). ...136
М.ТҮЛАХҲАЕВА. “Аида” – янги талқинда.143
Данг НЯТ МИН.201

Муқоамизда.203

Тақвим.204

Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни.206



Алишер НАВОИЙ

(1441–1501)

ЭЛ ДАРДИ ЁРДИН КАМ ЎЛУР..

*Эл дарди ёрдин кам ўлур, менда ёр йўқ,
Кўнглумда юз туман ғаму бир ғамгусор йўқ.*

*Жон риштасини чирмадим ўқунгга, войким,
Тигинг багирни ёрдию тикмакка тор йўқ.*

*Деманг ғамида йиғлама кўп ихтиёрсиз,
Беихтиёрликда манга ихтиёр йўқ.*

*Тутса қарор бир нафас олимда, ваҳ, не суд
Ким, ул нафас рамида кўнгулга қарор йўқ.*

*Десамки, тарки ишқинг этай бутма, эй парий
Ким, телбалар ҳадисига кўп эътибор йўқ.*

*Чиқ рўзгор аҳлидин осойиш истасанг
Ким, мунда гайри тафриқаи рўзгор йўқ.*

*Ўзни Навоий айлама усрук бу базм аро
Ким, даҳр айиши бодасида жуз хумор йўқ.*

“Бадоеъ ул-васат”, 312-газал

ЛУҒАТ:

Ғамгусор – ғамни кетказувчи, ғамхўр
Рамида – чўчиган, кўрққан
Бутма – бу ўринда: ишонма

Ҳадис – сўз
 Тафриқа – бўлиш, айириш, тарқатиш
 Рўзгор – замона, ҳаёт, турмуш
 Рўзгор аҳли – замондошлар
 Усрук – маст
 Жуз – бўлак, қисм

Ғазалнинг насрий баёни

Дилнавоз ЮСУПОВА шарҳи

1. Инсоннинг дарду ғами ёр билан енгиллашади, менинг эса ёрим йўқ, кўнглимда юз туман ғам бору, лекин бу ғамларимни аритгувчи ғамхўр йўқ.

2. Жонимнинг риштасини сенинг ўқингга боғладим, лекин додки, сенинг тиғинг (ханжаринг) бағримни ёрди, аммо бу жароҳатни тикишга бир ип топилмади.

3. “Унинг ғамида кўп йиғлайверма”, деманглар, не қилайки, бу ишда менинг ихтиёрим ўзимда эмас.

4. Бир нафас унинг олдимда бўлишидан фойда йўқ, э вох, чунки бу ҳадиксираган кўнглимда ўша нафасда қарор бўлмайди.

5. Эй пари, агар сенинг ишқингни тарк этаман десам, ишонма, чунки девоналар сўзига кўп ҳам эътибор бериш керак эмас (бу сўзни айтганимда ҳушим ўзимда бўлмайди).

6. Агар тинчлик ва осойишталик истасанг, замона аҳлидан юз бур, чунки бунда турмуш ташвишларидан бошқа нарса йўқ.

7. Эй Навоий, ўзингни бу дунё базмида маст айлама, чунки бу олам айшининг майдан хумор (маст) бўлиш имкони йўқ.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Мазкур ғазал, асосан, ишқий мавзуда бўлиб, унда ёридан айрилган лирик қаҳрамоннинг хис-туйғулари ифодаланган. Лекин унда бир вақтнинг ўзида орифона мазмун ҳам мужассамлашганини кузатиш мумкин. Чунки мумтоз шеърят, хусусан, Алишер Навоий ижодида ишқ-муҳаббат бир вақтнинг ўзида олам ва ундаги яратиларга ҳамда Яратганга қаратилган бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, ғазалдаги ёр тимсоли орқали маъшуқа, дўст, пири комил тушунилади ва унга муҳаббат орқали илоҳий қудрат кашф этилади. Бу ҳолат ғазал матлаъсидаёқ намоён бўлади: лирик қаҳрамон дарду аламга дучор бўлганлиги ва инсонлар бундай вақтда ёру дўстларидан тасалли топишлари, лекин унинг ёрию бу ғамларини аритиш учун бир ғамхўри йўқлигини айтиб ўтади. Иккинчи байт ёр озоридан шикоят тарзида кечади: лирик қаҳрамон ўз жонининг риштасини ёр ўқига нишон қилиб боғлаган ва натижада ёрнинг тиғи қаҳрамоннинг бағрини яра қилган, лекин бу жароҳатни тикишга бир ип йўқ. Кейинги байтларда ошиқ ёр ғамида тинмай кўз ёш тўкиши, ёр жафолари ва ситамларидан энди унда

қарор ва ихтиёр қолмаганлигини айтади ва бу ҳолат **иштиқоқ** (*ихти-ёрсиз – беихтиёрлик – ихтиёр*), **такрир** (*қарор, нафас – нафас, қарор*) санъатлари воситасида баён этилади. Бешинчи байтда аввалги байтлардаги маъно кучайтирилади: ошиқ ишқда шундай беқарорки, изтироб зўридан баъзан ёр ва унинг ишқидан воз кечмоқчи ҳам бўлади, лекин хуши ўзига келгач, энди ишқдан эмас, балки айтган сўздан воз кечади, яъни: “Эй парисифат ёрим, агар сенинг ишқингни тарк этаман десам, ишонма, чунки девоналар хушлари жойида бўлмаганидан, нимани сўзлаётганларини билмайдилар”.

Мақтадан аввалги байт Навоийнинг ўз таъбири билан айтганда, “мавъзатангиз байт” бўлиб, шоир “Бадоеъ ул-бидоя” девонига ёзган дебочасида ғазаллар таркибига маърифат ва мавъиза мазмунидаги байтларни киритишни девон тартиб бериш шартларидан бири сифатида айтиб ўтган эди. Шу маънода ушбу байт шоирнинг замон аҳли ва замона ҳақидаги ҳикматомуз фикрларини ўзида акс эттиради. Ундаги хулосага кўра, бу олам ташвишларидан осойиш топмоқчи бўлсанг, замона аҳлидан кўнгил уз, зеро, ҳақиқий ҳаловатга фақат Ҳақ ёди ила эришиш мумкин. Ғазал мақтаъсида ушбу фикр янада ривожлантирилади: бу олам учун маст ва беҳуд бўлиш ярамайди, чунки ҳақиқий беҳушлик фақат Унинг ёди билан бўлади.

Кўринадики, ёрсизлик ва ишқ азобларидан шикоят тарзида бошланган ғазал охир-оқибат орифона мазмун акс этган хулоса билан интиҳо топди, зеро, буюк мутафаккир бадийий услубининг инсониятни ҳайратга соладиган сирларидан бири ҳам шундадир.

Ғазалнинг русча таржимаси

Таржимон – Геннадий ЯРОСЛАВЦЕВ

*Друзей, что нас утешат в горе, зря не ищите, нет.
Готовых нас обидеть – море, быть на защите – нет!*

*Душа послушной нитью вьется вокруг твоей стрелы.
И кровь из раны сердца льется. Защить – так нити нет.*

*Не говори: “О ней безвольно ты в горе слез не лей”.
Ведь и безвольному мне больно, что в сердце прити нет.*

*Пусть веет на меня дыхание любимой – тщетно все:
Опоры этому дыханью в душе, как в сите, нет.*

*Скажи я, что любовью пери не дорожу, – не верь:
К речам безумца и доверья – уж не взыщите! – нет.*

*Когда пустые разговоры тебе претят – уйди.
Все суета, все споры, ссоры... От них укрыться нет.*

*Среди бездумного веселья будь трезвым, Навои.
Иного, кроме как похмелья, в пиру не ждите, нет.*

Ғазалнинг инглизча таржимаси

Таржимон – Аъзам ОБИД

*A sweetheart heals the pain, I do not have love mate,
My soul's full of heaviness, but no compassionate.*

*I tied my heart to your arrow, to who can I wail now,
Your edge cut my flesh and blood – no thread to renovate.*


*Do not tell unwillingly I am mourning over her
In this disinclination, I am at random state.*


*To decide to be with me awhile for sweet is vain,
Since that time in my heart the decision will abate.*

*Hey, peri, don't believe me if I part with your love,
It's good to disregard what madmen annotate.*

*You want to live in peace, abandon population,
Here except for much ado has nothing to relate.*

*Navoi, in this feast don't make yourself a drunk,
No man from this world's wine can luxuriate.*





Уильям ФОЛКНЕР

(1897–1962)

ҲИКОЯЛАР

*Рус тилидан
Иброҳим ҒАФУРОВ
таржимаси*

Уильям Фолкнер XX аср АҚШ адабиётининг улуғ намоёндаларидан. У “Нурафшон август”, “Шовқин ва қаҳр”, “Шаҳар”, “Қўрғон”, “Қишлоқ”, “Айиқ”, “Хоку туробни булғовчи”, “Саҳро”, “Ўлим тўшагида”, “Сарторис”, “Авессалом, Авессалом”, “Роҳибага марсия”, “Ҳикоялар мажмуаси” сингари жаҳонга машҳур асарлар муаллифи. “Ривоят”, “Ўғрилар” романларига Американинг “Пулицер” мукофоти берилган. 1950 йилда Фолкнер асарлари Нобель мукофотига сазовор бўлди. Фолкнер дунёнинг энг кескин услубли адибларидан бири. У инсон фожиаларини юксак гуманизм нуқтаи назаридан ёритади. XIX–XX аср Америка ҳаёти, тарихи реалликларини, танг вазиятларни ҳаққоний, қизиқарли тасвирлайди. Ўзига хос “танг” услубда ёзади. Унинг барча асарлари, уларнинг воқеалари, қаҳрамонлари ўзаро чамбарчас боғланиб кетади. Ва яхлит санъат диёри гавдаланади. Реализм, натурализм, модернизм унинг асарларида ёрқин, таъсирчан адабий-бадиий ҳодиса каби ҳайратга солади.

Биз илгарироқ Фолкнернинг “Уош”, “Эмили учун атиргуллар”, “Қора мусиқа”, “Тўзонли сентябрь” сингари ҳикояларини ўзбек тилига ўгирган эдик. Ўша ишларнинг давоми сифатида Фолкнернинг машҳур “Ҳикоялар мажмуаси”га кирган “Ўт қўювчи”, “Қоронғи тушганда”, “Алвон япроқлар”, “Каркассонн” асарларини ўзбек тилига ўгириб тақдим этмоқдамиз.

Таржимондан

ЎТ ҚЎЮВЧИ

Суд иши кўрилаётган хонада пишлоқ ҳиди анқирди. Одамлар лик тўла хонанинг бурчагидаги тўнтариб қўйилган кичикроқ бочка устида ғужанак бўлиб ўтирган боланинг димоғига пишлоқ ва яна алланарсаларнинг ҳиди уриларди; ўтирган жойидан у япасқи, думалок, дўмпайган тунука идишлар қатор қилиб терилган токчаларни кўрар, идишларнинг коринларидаги ёзувларни худди курсоғи билан ўқиётгандай бўлар,

¹ Манба: Фолкнер У. Собрания рассказов. –М.: Наука, 1977.

зеро, ёзувларнинг ҳарфлари унинг онги-идрокига етиб бормас, аммо кизил чизиклар билан балиқлар думларининг кумушсимон ёйлари бошқача туюларди; буларнинг бари – пишлоқ ва ҳаво ўтмайдиган, зичлаб ёпилган идишлардаги гўштнинг ҳиди унинг иштаҳасини қитиқлар, дам-бадам димоғига урилиб, уни тинимсиз анқиётган бошқа бир ҳид ё сезгидан бироз бўлса-да, чалғитар, бу кўркишданмикин, ё тўғрироғи, алам ва умидсизликмикин – унинг қонини қайнатар, қаҳр-ғазабга тўлдирар, аммо бу биринчи марта бўлаётган нарса эмасди. У судья ўтирган столни ҳам, стол олдида тик оёқда турган отаси ҳамда унинг рақибини ҳам кўрмасди. *“Бизнинг рақибимиз, – деб ўйларди бола аламангиз, – мен ва отамнинг рақибини. Ахир, бу менинг отам-ку!”* Бироқ у гап-сўзларни аниқ-тиниқ эшитиб ўтирар, тўғрироғи, икки кишининг гап-сўзи қулоғига чалинар, аммо отаси бу орада чурк этиб оғиз очмаган эди.

– Сизнинг қандай далил-исботларингиз бор, жаноб Ҳаррис?

– Боя сизга айтдим-ку. Унинг ахта чўчқаси экинларимни пайҳон қилди. Мен уни тутиб ўзига топширдим. Унинг ўралган деворлари ҳам йўқ. Уни огоҳлантирдим. Бошқа сафар унинг чўчқасини ўзимга қўшиб олдим. У чўчқасини олиб кетгани келганида, унга бир ғалтак сим бердим, кўтон қуриб ол деб. Кейинги гал ўзим бордим унинг ерига. Борсам, сим ҳам, ғалтак ҳам ўша-ўша ҳолича ҳовлида ётибди. Мен унга агар пайҳон қилинган экин учун бир доллар тўласа, чўчқасини қайтариб олаверсин дедим. Оқшом у бир қорадан бир доллар бериб юбориб, чўчқасини олдириб кетди. Бегона бир негр экан. У менга: *“Сизга шу гапларни айтиб қўйишни тайинлашди: оғоч ва пичан тез ёниб кетадиган нарсалар”* деди. Мен ўзи нима гап дедим. *“Шу-шу гап, шуни тайинлашди, ёғоч билан пичан тез ёниб кетадиган нарсалар дейишди”*. Шу кечанинг ўзидаёқ менинг молхонамга ўт тушди, мол-ҳолни кутқариб қолдим, молхона ёниб кетди.

– Ўша негр қаёқда? Уни ушладингизми?

– Сизга айтдим-ку, бегона негр, танимаيمان деб. Унга нима бўлганини билмайман.

– Хўш, бу далил бўлолмайди. Сиз буни тушунмайсизми?

– Сиз йигитчадан сўраб кўринг. У билади.

Олдинига бола гап менинг акам ҳақида боряпти, деб ўйлади, аммо Ҳаррис шундай деди:

– Йўқ, унимас. Анавинисини, болақайни. Кичкинасини айтаман.

Шу ориқ елкаси туртиб чиққан, ёшига нисбатан жуссаси ушоқ, паст бўйли, отаси каби қотма, эски-туски, йиртиқ-ямоқ увадалар ичида ўсган, тўғри тикрайган қизғиш-кўнғир сочларига ҳеч қачон тароқ тегмаган, кўзлари худди қора булутдек кўкимтир ва ғайр боқувчи болақай одамлар четланиб стол орасидан ўзича жой очаётганларини, хўмрайган башаралар тизилишиб, охирида сочлари оқара бошлаган, кўримсиз, кўйлаги ёқасиз, кўзойнакли жаноб судьяга тўғри рўпара бўлиб қолганлигини кўрди ва не қилсинки, судья уни ўз ёнига чақирмоқда эди. У яланг оёқлари билан полни қандай босиб бораётганлигини сезмади: барча бадқовоқ нигоҳлар унинг елкасидан оғир юк бўлиб босди, назарида. Ота якшанба кунлари қиядиган қора камзулида хода ютгандай қотиб турарди. Камзулни у судга бораётгани учун эмас, йўлга чиққани учун

кийганди – у болакайга ҳатто кўз қирини ташлагани ҳам йўқ. “У менинг *ёлгон гапиришимни истаяпти*, – ўйланди болакай ва яна умидсизлик ва ғам-андухга чўмди. – *Ёлгон гапиришимга тўғри келади*”.

– Отинг нимадир, болакай? – сўради судья.

– Полковник Сарторис Сноупс¹, – пичирлади бола.

– Ростданми? – хайратланди судья. – Қаттиқроқ сўйла. Бундан чикди сенга туғилганигдаёқ полковник деб от кўйишган экан-да? Хўш, ундай эса номи полковник шарафига кўйилган одам фақат тўғриси айтиши керак. Шундайми?

Сарти индамади.

“*Душман! Душман!*” деб ўйлади у. Бир зум унинг кўзлари ҳеч нарсани илғамади, судьянинг нимтабассум қилиб турганини пайкамади, судьянинг товуши Ҳаррис исмли одамга мурожаат этганида қалтираб кетганлигини сезмади.

– Хўш, сиз шу болакайни сўроқ қилишимни хоҳлайсизми?

Лекин, ҳарқалай, қулоғи эшитаётганди, мана шу одамлар тикилинч, вазмин ва ҳаяжонли нафаслардан бошқа тик этган товуш чиқмаётган хонада у ўзини бошқача сизди, бир куни у жар устидаги узун ток зангига чиқиб бор кучи билан силкинганда, у томондан бу томонга чайқалиб бориб келганда, уни худди бепоён вақт ичидан узиб олингандай, ўзининг фавқулоддалиги билан қарахт қилиб кўядиган туганмас бир лаҳза қамраб олганди.

– Йўқ! – деди зарда ва қаҳр билан Ҳаррис. – Керакмас! Уни уйига қайтариб юборинг!

Ва яна вақт худди оқиб келаётган тўлқинлардай унинг бошига ёғилди, панир-пишлоқ ҳамда идишларга тикиб жойланган гўшт ҳидларига омухта овозлар ёғилди, кўрқув ҳам, умидсизлик ҳам, яна ўша-ўша эски яранинг азоб-оғриқлари ҳам ёғилди.

– Даъво рад этилсин. Сизга қарши сурилган айбловни, Сноупс, мен исботланмаган деб топаман, аммо сизга бир маслаҳат бераман. Бу ердан кетинг ва ҳеч қачон қайтиб келманг.

Шунда бирдан отаси тилга кирди. Унинг товуши совуқ ва ғайр эди, у текис ва ҳеч қандай ифодасиз сўйларди.

– Ўзим ҳам шундай қилмоқчиман. Мен бунда турли-туман ҳалигинакалар орасида... – у муайян бирон кимсанинг шаънига қаратилмаган бўлса-да, айтиб бўлмайдиган коски, кўпол бир сўзни тилга олди.

– Жуда соз! – деди судья. – Аравангизни тортинг, эртага эрталабдан бу ерларда бошқа қорангизни кўрсатманг. Мажлис ёпик.

Отаси шахд билан орқасига қайрилди, шунда бола қотириб кўйилгандай қора камзул ва пайдор қотма қомат орқасидан эргашди, воқеан, бундан ўттиз йил муқаддам худди мана шу ерда ўғирланган отда жанубликларнинг дала жандармалари ёғдирган ўқлардан ана шунақа бош эгмай, шошилмай узоқлашиб кетган, лекин охир-оқибат ўқлардан бири товонига текканди; бола рўпарасида пайдо бўлган икки-та қора елка ортидан борди, чунки қаердандир тўда ичидан қадди-басти отаси билан тенг, лекин ундан кўра миқтироқ катта акаси ҳар доимги-

¹ Болакайга Америкадаги 1861–65 йилларда Жануб ва Шимол ўртасида бўлиб ўтган фуқаролар уруши иштирокчиларидан бири Жон Сарторис номи кўйилган.

дай икки лунжида тамаки сақич чайнаган ҳолда уларга кўшилди; бола бадқовоқ башаралар орасидан ўтиб, бинонинг эскирган айвон йўлаги оша қимирлаб турган пиллаполярдан пастга тушиб, итлару ўсмирлар оралаб билқиллаб ётган май ойининг чанг-тўзон тупроғини босиб борди – ва шунда кимнингдир вишиллаган товушини эшитди:

– Ҳап, сеними, ўт кўювчи!

Яна унинг кўз ўнгида ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетди; унинг бўйидан сал пастроқ бир бола – башарасини худди қизил туман босгандай дум-думалоқ иржайган бир калла – ва шунда бола қизил туманга қараб ташланди, устма-уст тушаётган мушт зарбаларини ҳам сезмади, ўзини чалиб йикитишгани, боши билан ерга гурсиллаб қулаганини ҳам билмади, амал-тақал қилиб ўрнидан турди ва яна ҳалиги думалоқ туманга ташланди ва яна кетма-кет тушган зарбаларни пайқамади, оғзидаги шўр қон таъмини туймади ва яна қаддини ростлади, ташланди, анов сарик туман қочди, изидан қувди, шунда темирдек қўл уни қаттиқ тутди, қайтарди ва ғаюр совуқ товуш эшитилди:

– Қани, тез аравага чик!

Усти ёпиқ катта арава-фургон йўл бўйида акас ва тут дарахтлари тагида турарди. Якшанбаликка ясаниб кийинган тўлачадан келган опалари, қалин сурп кўйлак, енгил бош чепак кийимдаги онаси ва холаси – ҳаммалари не-не дарбадарликларни кўрмаган, боланинг ҳеч эсидан чиқмайдиган эски-туски бўҳчалар, тугунлар устида ўтиришарди; қийшайиб қолган темир печка, синган-чиққан каравотлару курсилар, онасининг сепи билан келган, қандайдир олис ўтмишда қолган ва унутилиб кетган аллақайси бир куннинг икки-ю ўн тўрт дақиқасида таққа қотган, садаф қадалган соат. Онаси кўз ёш тўкиб ўтирар, лекин уни кўргач, ёшларини енги билан артиб фуридондан туша бошлади.

– Бу ёкка! – деди отаси.

– Соғ жойини кўймай уришибди. Мен сув топиб ювиб кўяй...

– Ўтир жойингга! – қайтарди отаси.

Бола орқадаги зиначадан аравага чиқди. Отаси арава ўриндиғида ўтирар, акаси ҳам шу ерга ўрнашган, у қўлидаги узун тол қамчи билан хачирларни кетма-кет икки бора қахрланмасдан, аммо зўр бериб савалади. Унинг бу хатти-ҳаракатида қахру ғазаб йўқ эди, кейин-кейинлар унинг издошлари ҳам шундай қиладиган бўлиб, шунга одатландилар – жилову хивични баравар ишга солдилар, ҳайдовчилар эса турган жойнинг ўзида қаттиқ газ бериб, шу захоти яна тормоз босардилар. Фургон арава ўрнидан жилди, дўкон ҳамда миқ этмай томоша қилиб турган хўмрайган бадқовоқ тўда ёнидан ўтдилар ва мана, ниҳоят, муюлишда ҳаммаси кўздан йўқолди. “Абадулабад, – деб ўйлади бола, – *етар энди шунча кўргиликларим, мана энди у...*” Ҳатто ўзига ўзи бу сўзни айтмаслик учун у тилини тийди. Онаси унинг елкасига қўлини кўйди.

– Оғрияптими? – сўради у.

– Йўқ, – деди бола. – Нимасига оғрийди. Гапирманг.

– Қотиб қолмасдан бурун қонни ювиб ташласанг бўлармиди.

– Кечкурун ювинаман, – деди бола. – Сизга айтдилар-ку, кўйинг.

Фургон-арава олға одимларди. Қаерга кетаётганликларини бола билмасди. Шундай, уларнинг ҳеч қайсилари ҳеч қачон билмаган ва ҳеч қачон сўрамаган, чунки улар доим қайгадир боришар ва икки-уч

кун юрганларидан сўнг уларни доим қандайдир бир бўм-бўш ётган уй кутиб оларди. Чамаси, бу сафар ҳам отаси биронта ферма билан еридан ҳосилини йиғиб-териби беришга келишган бўлса керак, кейин яна худо билади... Ва яна бола ўз ўй-хаёлларига чек қўйди. Отаси ҳар қачон шундай қилган. У бўридек саркаш ва довюрак эди, шунинг учун уни бошқалар ҳурмат қилишарди, босик, шу билан бирга тийиксиз қаҳр-ғазаби унинг мустақиллигини қандайдир ихота қилиб турар, кишилар наздида ўзининг ҳақ эканлигига битмас-туганмас ишончи у билан бир фикрда бўлганлар, бир ёқадан бош чиқарганларнинг ҳаммаси учун фойда келтирадигандек эди.

Кечаси улар эманзор ўрмондаги булоқ бўйига қўнишди. Кечалари ҳали ҳаво жуда совуқ бўларди, аммо улар нима қилишни билишарди, аллакимларнинг четанидан ёғоч ходаларни суғуриб олишардида, майдалаб ўтин қилиб, қаловини келтириб гулхан ёқишарди. Отаси ҳатто қаҳратон аёзларда ҳам гулханни катта қилиб ёқишга рухсат бермасди. Ёши пича каттароқ ва ўзи эслироқ бўлганда, бола бунинг нималигини фаҳмлаши ва ҳайрон қолиши мумкин эди, нима учун отаси гулханни каттароқ қилиб ёқмасин, нима учун киши, урушларнинг бемаъни вайронагарчиликларини кўрган, кичик ёшидан бери бошқаларга тегишли нарсаларни аяб-авайлаб ўтирмасликка жоҳилона ўрганиб одатланган киши нечук катта гулханлар ёқмасин, нечук атроф-тумонолда нимага дуч келса, бари-барини ўт-олов ҳукмига дучор этмасин. Балки болакай эслироқ бўлганда, эҳтимол, бундан кўра ҳам бошқачароқ бир хулоса чиқарармиди; қаердан келиб чиқди гулханни бундай тежаб кичкина қилиб ёқиш, отаси бундан тўрт йил илгари бир қанча аравага қўшиладиган отлари билан (отаси уларни ўлжа отлар дерди) ўрмонликларда барча одамлардан, кўк кийганлардан ҳам, бўз кийганлардан ҳам¹ қочиб, яшириниб юрган чоғларида балки кечаларда чоғроқ гулханлар ёқишга ўргангандир. Балки болакай кейинроқ бориб бунинг ҳақиқий сабабини қидириб топган: англаган ва тушунган бўларди, эҳтимол, ўт-оловнинг асл, азал табиати отасининг туб онги қаърларида ётган алланарсаларга муқобил менгзарди – мисоли порох билан пўлатнинг азал табиати бошқа бир кишилар онги қаърларидаги алланарсаларга мосу муқобил тушгандай – ва булар ўзи учун энг қадр-қимматли нарсаларни сақлаш ва асраш воситасига айлангандай – ва буларсиз ҳаётнинг ўзи ҳам асло ҳаёт эмасдай; шундан эмасми, ахир, оловни эъзозлаш, уни зикналарча асраш, ундан зикналарча фойдаланиш.

Аммо болакай ҳозир булар ҳақда ўйламасди; шу пайтгача у фақат ўта тежамкорлик билан ёқилган гулханларнигина кўрганди. Болакай ўз тунука товоғи устида мудрай бошлаганда, отаси уни чақирди ва у яна отасининг темирдай қаттиқ елкаси, омонсиз оқсоқланган оёқлари ортидан йўл танобини тортиб борди, улар юлдузлар ёғдусида оқариб турган йўлдан тепаликка кўтарилдилар; юқорига чиққанларида отаси унга қараб ўгирилди ва у отасини юлдузлар шуъласида кўрди – юзида юз йўқ, кўримсиз, турган-битгани қора шарпанинг ўзи, япасқи ва қонсиз, худди тунукадан кесиб ясалгандай, бўйига ўлчаб тикилмаган камзулининг бурма қатлари қаттиқ. Тунукадай қаттиқ; япасқи бир овоз эшитилди болага:

¹ Америка фуқаролар уруши даврида Жануб ва Шимол кўшинларининг кийган либослари ранги.

– Сен уларга айтиб бермоқчи бўлдинг. Уларга сен айтармидинг?

У отасига жавоб бермади. Отаси унинг бошига кафти билан қаттиқ урди, аммо ғазаб қилмади, хачирларни суд биноси олдида қамчи кўтариб шундай урганди, худди хачирлар яғринига ёпишган сўналарни уриб ўлдирмоқчи бўлгандай; лекин овозида қаҳру ғазаб ва кин сезилмасди.

– Кўп ўтмай сен эр йигит бўласан. Тушуниш керак. Ўзингнинг кондош қариндошларингга суянишинг керак, кейин сени ҳам суяйдилар. Судда кимдир ёнингни оларди деб ўйлайсанми? Уларнинг бутун ўй-хаёли мени кўлга туширишда, тушунмайсанми шуни? Улар мени бошқача йўл билан кўлга туширолмасликларини яхши билишарди. Хўп, тушундингми?

Кейинроқ, йигирма йиллардан сўнг бола буларни эслаб, шундай деб ўйлаганди: “Агар мен улар фақат ҳақ ва адолатни хоҳлагандилар, десам, отам мени яна урган бўларди”. Бироқ у ўшанда ҳеч нарса демади. Кўз ёш тўкмади. У индамай турди.

– Хўш, билдингми? Гапир, – деди отаси.

– Ҳа, – дея пичирлади бола.

– Бор, ухла. Эртага етиб борамиз.

Эртасига улар етиб бордилар. Тушликка яқин фургон-арава икки хонали бўялмаган уй олдида тўхтади; болакай ўн ёшга киргунча худди икки томчи сувдай бир-бирига ўхшайдиган жуда кўп мана шундай уйларда яшаганди; яна ҳамма вақт бўлганидай онаси ва холаси пастга тушиб, аравадан юкларни бўшата бошладилар, опачалари, акаси ва отаси ёрдамга кўл ҳам чўзишгани йўқ.

– Бу уй чўчкаларга охурликка ҳам ярамайди, – деб гап қилди опачаларидан бири.

– Сенга ярайверади. Чўчкаларни боқиб кўпайтирасан, хурсанд бўлиб юрасан оғзинг қулоғингда, – деди отаси. – Қани, қимирланглар, онангга қарашинглар.

Худди сигирдай йирик-йирик бесўнақай опачалари крахмалланган ленталарини шилдиратишиб ўрниларидан туришди; бириси ўрин-кўрпалар тагидан сирлари кўчган фонарни кўтарди, иккинчиси жунлари тўкилган эски чўткани кўлга олди. Отаси жиловни катта ўғлига берди-да, белини букмай ғилдиракка оёқ тираб аравадан тушди.

– Юкларни тушириб бўлишгандан кейин, хачирларни отхонага олиб бор, емларини бер! – Кейин кўшиб кўйди (аввалига болакай отам акамга айтяпти деб ўйлади): – Юр!

– Менми? – Сергак тортди бола.

– Ҳа, – деди отаси, – сен.

– Эбнер, – деди онаси.

Отаси индамай унга қаради. Оқара бошлаган қуюқ қошларини чимирди, нигоҳи қаттиқ ва маъносиз эди.

– Мени бутун ашқол-дашқолларим билан роса саккиз ойга сотиб олган одамга бир оғиз сўз айтсам жоиздир-ку, а?

Яна йўлга тушишди. Бирор ҳафта бурун ёки кечаги оқшомгача бола балки қаёққа борамиз, деб сўраган бўларди, аммо энди бунга эҳтиёж қолмаган эди. Отаси илгарилар ҳам, кеча кечкурунга довур, уни калтаклаб турар, аммо ҳеч нега калтаклаганининг сабабини айтмасди; мана энди бошига қарс этиб ургани ва ундан кейин худди таҳқирлагандай

осуда, вазмин товуш билан сўйлагани ҳамон боланинг қулоғидан кетмай акс садо бериб турар, лекин бундан унинг болаларча ночорлигидан ўзга ҳеч нимани тушуниб бўлмасди – бошидан кечирган йилларнинг енгил-елпи, ҳилпирак таассуротлари юки мана энди у баногоҳ улоқтирилиб юборилган дунёдан бутунлай узилиб кетишига йўл қўймай халақит берар ва шу билан бирга оёқда маҳкам туриш, бу дунёга қаршилиқ кўрсатиш ва унинг саҳнида нималарнидир ўзгартиришга ҳам ожизлик қиларди.

Кўп ўтмай у куббадор эманзор, тўп-тўп қарағайлар ва яна аллақандай гуллаб ётган дарахтлар, бутазорларни кўрди, бой кўрғон шуларнинг орқасида бўлса керак. Улар учқат буталари ва наъматаклар чирмашган кўк четан девор ёқалаб, тавақалари кенг очилган ғиштин таянчли катта дарвозага боришди, кейин хиёбонга ўтишди; умрида биринчи маротаба бундай кўрғонни кўриши эди ва бир зумга отасини, ўзининг кўркувлари-ю алам-умидсизликларини унутди, хатто отасини эслганда ҳам (отаси тўхтамай одим отарди), кўркувлари ва ўртанишлари бошқа қайталамасди. Қанча кўп сарсон-саргардон юрмасинлар, улар шу чокқача бу қашшоқ юртни, майда-чуйда фермалару озғин кам ҳосил ерлар, хароба кулбалар юртини ҳеч қачон тарк этмагандилар ва шу чокқача у бундай уйни ҳеч қачон кўрмаганди. *“Катталигини қаранг, худди саройга ўхшайди-я”*, деб ўйлади бола кутилмаганда тинчланиб. Ушбу осудалик ва хотиржамлик нимадан эканлигини у сўз билан тушунтириб беролмасди: бунинг учун ҳали анча ёшлиқ қиларди. Бундай ерда яшайдиганлар отасидан кўрқишмайди. *Бундай роҳат-фарозатда яшайдиган кишиларга отасининг кучи етмайди, улар отасига гўнгиллаган арига қарагандай қарашади: нари борса, бир марта чақади – бор-йўғи шу, холос, бу эминлик, фарозат, улугворлик отасининг зиқна юҳо оловидан омборлару молхона-ю отхоналарни тўсиб, сақлаб туради...* Лекин у қорайган каттиқ яғрин, омонсиз оксоқланган оёқлар, уйнинг маҳобатидан заррача ўқсинмаган қадду қоматни кўрганда, осойиш ва қувонч шу заҳоти уни тарк этди; шуниси ҳам борки, отасининг жуссаси ҳеч қачон ҳеч ерда каттайиб маҳобат билан кўзга ташланмасди; мана энди қатор-қатор устунлар кўтариб турган ҳашамдор уй олдида отаси ясси тунукадан ясалган жонсиз лошга ўхшар, у ён тарафдан қараганда, хатто соя ҳам ташламасди. Бола отаси оғишмай тўғри одим отиб бораётганини пайқади; шу билан бирга у отасининг букилмайдиган бир оёғи йўлкадаги от тезагини тик босиб ўтганини кўрди, ҳолбуки, отаси уни босмай осонгина четлаб ўтса ҳам бўларди. Лекин бу фикр бир сония унинг хаёлидан лип этиб ўтди, буни ҳам сўз билан ифодалаб беролмаган бўларди; кейин яна уйнинг ҳашами унинг хаёлини ўзига банд этди – қанийди шундай уйда яшасанг! – Йўқ, у ҳасад қилмади, ўқсинмади – унга бир неча қадам илгарирокда бораётган чўяндай оғир қора камзулнинг кин ва қаҳру ғазабга тўла адовати бегона эди. *“Балки отам ҳам шундай деб ўйлаётгандир. Балки худди шу нарса уни ўзгартириб юборар ва балки ўзи ихтиёрсиз тарзда тушган ҳозиргидақа аҳволдан қутулар?”*

Улар қатор-қатор устунлардан ўтишди. Энди отасининг плиталар устида янграётган зилдай қадам товушлари қулоғида зириллар ва соат овозидай равшан акс садо берарди; товушлар бу уйнинг ҳам, келувчиларнинг ҳам миқёсларига сира мос эмасди; акс садоларни бу ердаги ҳеч

вақо, ҳатто қаршиларида турган оқ эшик ҳам босиб кетолмас, гўё қаҳрли, ваҳшиёна зиддиятнинг энг кескин, сўнгги чегарасига етиб келингандай ва бу ҳолнинг шиддатини ҳеч нарса пасайтира олмайдигандай эди; яна унинг шундоқ кўз ўнгида япаски, айвони кенг қора шляпа, дағал қалин матодан тикилган басавлат камзул турди-қолди; бир маҳаллар туси қора бўлган бу камзул энди эскириб, чирки йилтиллаб, худди гўнг пашшадай кўкимтир товланар, илгарига томон силкинаётган қўл эса худди тирноқлари қайрилган панжани эслатар, ҳаддан ташқари кенг энглари тирсакларига қадар қайрилганди. Эшик шитоб билан очилганидан хизматкор негр улардан кўз узмай кузатиб турганлигини бола тушунди. Жингалак сочларига оқ оралаган, газлама камзулча кийган қари негр; у эшикни гавдаси билан тўсиб деди:

– Оёғингизни артинг, оқ кишисиз, саранжом-озода уйга киряпсиз. Майор ҳозир уйда йўқ.

– Қоч йўлдан, қора ялок, – деди отаси аччиғи чиқмай, хотиржам.

У негрни бир четга суриб, ҳамон бошидан қора шляпасини ечмай ичкари кирди. Шунда бола отасининг оёғидаги тезак юқидан аввал бўсағада, ундан кейин гилам устида из қолганини кўрди; отасининг оқсоқ оёғи тезак юқини худди машинадай муҳрлаб борар, гавдасининг бутун оғирлигини бор куч билан шу оёғига ташларди. Негр унинг орқасидан йўрғалаб:

– Мисс Лула! Мисс Лула! – деб кичқирарди.

Кейин бола гилам тўшалган пиллапоялар, жимираб ялт-юлт этган шокилалар, биллур қандиллар, тилларанг ромларнинг юмшоқ илиқ тўлқинларига ғарқ бўлди; у илдам яқинлашаётган қадам товушларини эшитди, кейин хонимойни кўрди – илгари у ҳеч қачон бундай ойимларни кўрмаганди – аёл тўр ёқали кулранг силлиқ текис кўйлак кийган, белига айлантириб пешбанд ўраган, энглари тирсакдан юқоригача қайрилганди; у залга кириб келаркан, хамир юқи қўлларини сочиқ билан дам-бадам артарди. У отасига эмас, отаси гулдор гиламда қолдирган изларга ишонқирамай ҳайратланиб қарарди.

– Мен ичкарига киритганим йўқ! – деб кичқирарди негр. – Мен унга айтдим, у...

– Илтимос, кетинг бу ердан, – деди ойим овози қалтираб. – Майор де Спейн уйда йўқ. Илтимос, кетинг...

Отаси чурқ этиб оғиз очмади. Оғзини оғритиб ўтирмади. У ҳатто ойимга қарамади ҳам. Бошидаги шляпасини ечмасдан гилам ўртасида қаққайиб турар, кўкимтир бароқ қошларини чимираб, пўлатдай йилтиллаган кўзларини унинг ҳашаматига нафратомуз югуртирарди. Кейин у худди ўшандай нафрат ёғилган беписандлик билан шартта ортига ўгирилди; у соғ оёғига таянган ҳолда эгилмайдиган оёғида ярим доира ясаб айланди-да, гилам узра хайр-маъзур ўрнига узунчоқ тезак изини қолдирди. Отаси гиламга бир боқиб ҳам кўймади-ю, ташқарига чиқдикетди, негр эшикни очиб турди. Эшик орқаларидан қарсиллаб ёпилди. Уй ичидаги аёлнинг асабий чинқириғи эшитилмай кўйди. Отаси остона олдидаги зинапояда тўхтаб ифлос этигини зинага яхшилаб артди. Иккинчи зинага қадам кўяркан, букилмас оёғига бутун оғирини ташлаб яна бир зум тўхтади-да, юзини уйга бурди.

– Оппоқина! Чиройли! – деди у. – Барибир бировнинг пешона тери-

дан бўлган. Занжиларнинг пешона теридан. Балки энди бундай уйлар қурилиши учун занжиларнинг манглай терига қон аралашгандир. Энди балки унга бизнинг пешона теримиз ҳам қурилиши керакдир...

Шундан икки соатлардан кейин бола уй орқасида ўтин ёрар, уй ичида онаси билан бирга холаси ўчоқ бошида тушлик таом ҳозирлаб ўралашиб юришарди (деворлар тўсиб турган бўлса ҳам, ичкарида опачалари ўлардай ялқовлик қилиб ғўнғирлаб вағирлаётганларини эшитарди), шунда бирдан қулоғига отлар дупури чалинди, у газмол костюм кийиб чиройли тўриқ байталга минган чавандозни кўрди; унинг ким эканлигини семиз ахта от устида ўроғлик гиламни олдига қўйиб кўтариб келаётган негр болани ҳали кўрмасданок билди; от чоптириб бораётган одамнинг аччиқ ғазабдан қизариб-бўртиб кетган башараси ёнгинасидан тасирлаб ўтиб, отаси билан қатта ақаси майишиб кетган стулларда ўтиришган уй ортида кўздан ғойиб бўлди; бола ҳали ёғоч ғўлани ёриб улгурмай орадан бир зум ҳам ўтмаган эдики, тағин от тақаларининг тасир-тусур овози келди-да, тўриқ байтал яна кўрғондан чиқиб йўл томонга дупур-дупур ўтиб кетди, кейин отаси қизларидан бирини чақира бошлади-ю кўп ўтмай ўралган гиламни ерда судраб орқасига тислана-тислана ошхона эшигига битта опачаси, кейин унинг изидан бепарво судралиб иккинчиси чиқди.

– Бирга кўтаргинг келмаса, қозонга ўт ёқиб юборсанг-чи, – деди гиламни судраган опачаси тўнғиллаб.

– Ҳой, Сарти! – қичқирди иккинчи опачаси. – Қозонда сув қайнат!

Мулкдор кўрғонининг ҳашаматига қандай лоқайд қараган бўлса, кўримсиз атроф-теваракка ҳам шундай фарқсиз боққан отаси уй эшигида кўринди; унинг елкаси оша онасининг ташвишга ботган чеҳраси қараб турарди.

– Тез-тез қимирланглар, ҳей! – деди отаси. – Гиламни ёзинглар.

Семиз ва бесўнақай опалари гилам устига эгилишди, шунда уларнинг этақлари кенг-мўл қўйлақлари ҳилпираб кетди, ранго-ранг тасмачалари шалдир-шулдир овозлар чиқарди.

– Нима қиларкан шунақа гиламни Франциядан олиб келиб уйига тўшамаса, оёқости бўлиб, булғаниб кетишини билишмайдимиз, – деб тўнғилларди биринчи опачаси.

Улар гиламни кўтаришди.

– Эбнер! – гап қотди онаси. – Мен ўзим қила қолай.

– Бориб овқатингга қара, – деди отаси. – Буни мен ўзим қиламан.

Бола ўтинхонада қуймаланиб юриб, кечгача улардан кўз узмади. Қозонда сув қайнади, гилам ўчоқнинг олдида ерга ёзилди, иккала опачаси истар-истамай уйқузираганча у ёқдан-бу ёққа эмақлашарди, отаси эса уларнинг тепасида қовоқларини уйганча ғўддайиб турар, овозини кўтармасдан уларни қисти-бастига оларди. Боланинг димоғига хомаки ишқорнинг бадбўй ҳиди уриларди; онаси бир марта эшикка чиқиб, буларнинг ҳаммасига ташвиш-хавотирга ботиб, умидсиз ҳолда аламангиз қараб турди. Бола отасининг гавда ўгирганини пайқади ва яна қўлига болтасини оларкан, кўз қири билан отаси эгилиб ердан ясси қумтошни кўтарганини кўрди, унга диққат билан тикилиб қаради-да, кейин қайнаётган қозонга ташлади, сўнг бола онасининг ялиниб-ёлвораётганини эшитди:

– Эбнер, Эбнер! Илтимос, ундай қилма. Ёлвораман, Эбнер!

Бола ниҳоят ўтинларни саранжом қилди. Қош қорайди. Эчкиэмар чурқиллаб қўшиғини бошлади. Тушликдан ортган совиб қолган овқатни кечки таом ўрнида ейишди, ошхона томондан қаҳва ҳиди таралди, бола бу ерга кириб келганидаёқ қаҳва тайёрланаётганини сезган эди, сабаби ўчоқда олов ёниб тургани бўлса керак; ёнаётган оловга яқин қўйилган иккита стул суянчиғига тозаланган гилам ёйилганди. Энди унда отаси қолдирган тезак излари кўринмасди. Лекин улар ўрнида жун гиламда худди тирналгандек нам тортган жойлар кўзга чалинади.

Совиган овқатни еётганларида ҳам гилам стулларда осиглик турди; кейин иккала хонада дуч келганча уйкуга ётишди; онаси каравотга, ёнида отасига жой ҳозирлаб, чўзилди, катта акаси бошқа каравотни эгаллади, боланинг ўзи, холаси ва опалари – сомон тўлдирилган тўшакларни полга тўшаб ётишди.

Бироқ отаси ётмади. Боланинг кўзи уйкуга кетаркан, гилам устига эгилган отасининг ялпоқ шляпаси ва камзулининг қуюқ соясини эслаб қолди, аммо кўзлари ҳали уйкуга тўла чўмиб улгурмай, ўчоқнинг ўчиб бораётган яллиғларидан тушаётган ўша соялар ўзининг устига эгилганини сезди ва шу заҳоти темир қозикдай тизза бикинига туртди.

– Хачирни олиб чиқ! – деди отаси.

Бола хачирни олиб келганда, отаси ошхона эшигида турар, ўралган гилам елкасида эди.

– Нима, хачирда борасизми? – сўради бола.

– Йўқ. Кел, оёғингни қўй.

Бола тиззасини букиб, отасининг қўлига тиралди, хачирга азот жойлашаркан, отаси қўлининг чайир кучини ҳис қилди (бир пайтлар уларнинг эгар-жабдуқлари бўларди, аммо бунга шунча кўп вақт ўтдики, эсидан ҳам чиқиб кетди). Отаси гиламни ҳам шундай енгиллик билан хачир яғрини устига жойлаштирди. Осмонга юлдузлар чиққан эди, улар яна кечаги тупроқ йўлдан, ислари таралган учқат буталари ёнидан, қоронғи хиёбонлардан дарвозадан чироқлари кўринмайдиган кўрғонга ўтиб бордилар; ўша ерда бола ўроғлик гиламнинг қаттиқ қирраси оёғини кириб ўтгани ва ғойиб бўлганини сезди.

– Ёрдамлашайми? – пичирлади бола.

Отаси жавоб бермади. Бола яна қўш устунлар аро акс садо таратган чўлоқ оёқнинг оғир одимларини эшитди, бу одимларда ёғоч каби дағаллик, кишининг жиғига тегадиган бир тирранчалик зуҳур этарди. Ана ниҳоят бурчакка иткитилган гилам ҳаддан ташқари гумбурлаб овоз чиқарди (оҳиста қўйилмаган гилам товуши болага ҳатто қоронғида ҳам анча сезилди), сўнг яна шошилмай ташланган оғир қадам товушлари дўқирлади; уй ичкарасида чироқ ёнди; қадамлар тезлашмай бир меъёрда зинапоядан тушиб келаркан, бола асаблари таранг тортилган ҳолда одатдагига қараганда чуқур ва тез-тез нафас олиб хачир устида ўтирарди, ниҳоят, у отасини кўрди.

– Сиз энди уловга чиқиб оласизми? – пичирлаб сўради бола. – У икки кишини кўтаради...

Дам ёрқин шуъла сочиб, дам хиралашиб, уй ичида чироқ у ёқдан-бу ёққа юрарди. “*Ҳалиям зинадан тушияпти*”, деб ўйлади бола. Хачир нақ зина ёнида тўхтади, ана отаси унинг орқасига ўтирди, бола жиловни

тортди ва хачирнинг бўйнига кафти билан шапатилади, лекин ҳали хачир одимини тезлатмасдан, бола орқасидан темирдай қаттиқ ва чайир кўл узатилди-да, тошдай чўнг ғўдир бармоқлар хачирнинг бошини орқага тортиб, уни бир маромда қадамлатди.

Қуёш илк нурларини соча бошлаганда, улар қўрада хачирларни қўшга кўшиб бўлишганди. Тўриқ байтал бу сафар шу қадар секин юриб келдики, у ҳатто товушини эшитмай қолди; от устидаги одам ёқасиз кўйлак кийган, боши шляпасиз, бесаранжом бир алфозда катта қўрғондаги анави хотин каби титраб-қалтираб сўзлади. Отаси истар-истамас унга бир қараб қўйди-ю, яна айилни торганича ерга эгилди, отда келган киши отасининг эгилган елкасига қараб гапиришга мажбур бўлди.

– Тушунасиғи ўзи, гиламнинг расвосини чиқардингиз! Нима, тозалайдиган хотинлар йўқмиди бу ерда... – от устидаги кимса қакшаб-қалтираб, тили калимага келмай қолди.

Бола ундан кўзини узмас, катта акаси отхона эшигида ҳаммасига бефарқ қараб, сақич чайнаб тупуради.

– Гилам юз доллар туради. Сиз шунча пулни тушингизда ҳам кўрмайсиз. Шунинг учун мен сизнинг ҳисобингиздан йигирма бушель¹ ғалла олиб қоламан. Мен буни сиз билан тузиладиган шартномага киритаман, шерифнинг олдида шартномага имзо чекаётганингизда бунга хайрон бўлиб ўтирманг. Бу миссис де Спейнга тасалли бермайди, лекин эҳтимол сизни бировнинг уйига кираётганда оёқни артиб киришга ўргатади.

Шундан сўнг бу одам жўнаб кетди. Бола шу пайтгача миқ этиб оғиз очмаган, ҳатто бошини ҳам ердан кўтармаган ва шу тобда хачирга бўйинча ўтказаётган отасига қаради.

– Ота, – деди бола.

Отаси унга қаради; бароқ қошлар остидан хўмрайиб боққан бўзарган кўзлар, алланечук башара. Бола бирдан унга қараб талпинди, лекин шу заҳоти ўзини тўхтатди-да, кичкириб юборди:

– Сиз ҳаммасини қилиб бердингиз, кўлингиздан келганча!.. Агар бошқача қилмоқчи бўлса, унда нега ўзи қолиб кўрсатиб бермади? Олиб бўпти! Ҳаммасини йиғиштириб оламиз, яшириб қўямиз! Ўзим кўриқлаб ўтираман!..

– Сен айтганимдай қилиб чимқирқарни пишиқ ўрнатдингми?

– Йўқ ҳали, сэр, – пичирлади бола.

– Бор, жойлаштириб қўй.

Булар чоршанба куни бўлаётган гаплар. Ҳафтанинг қолган барча кунлари бола кучи борича, тиришиб-тирмашиб, жонини жабборга бериб ишлади, у бир гапни икки қиладиганлардан эмасди, бу томондан онасига ўхшарди – фарқи фақат шунда эдики, у қиляётган ишининг лоақал бир қисмини жон-дилдан ихлос билан адо этарди. Мисол учун, у кичкина болтачаси билан ўтин ёришни ёқтирарди, болтачани янги йил мавлудида онаси билан холаси, қаёқдандир пул тўплашибми ё топишибми, унга совға қилишганди. Уйдаги катта ёшли аёллар билан (бир сафар ҳатто опачаларидан бирови билан ҳам) у чўчкалар ва сигирга қўра курди, бу мулкдор билан ўрталаридаги шартномага қўра отасининг вазифасига кирарди, бир куни эса отаси қаергадир кетганда, бола ҳатто далага катта акасига ёрдамлашгани чиқди.

¹ Бушель – АҚШда 1 бушель 35,24 л.га баробар.

Акаси омоч ортида борар, тўғри эгат олар, бола эса тармашлаб тор-таётган хачир ёнида жиловни тутиб қадам ташларди. Ғовлаган қора ер намчил таровати билан яланг оёқларига муздек ёқар, бола ўй ўйлаганча одимларди: *“Балки ниҳоят энди ҳаммаси яхши бўлиб кетар. Арзимаган битта гиламни деб, шунча дон-дундан айрилиб ўтириши одамга алам қилса ҳам, балки энди шу билан бари оппон-соппон бўлиб кетар ва бошқа энди ҳеч қачон қайтарилмас ва отаси ҳам энди бутунлай шу пайтгача бўлгандан кўра бошқача одам бўлиб қолар.* – Бола шунчалар ўз ўйларига берилиб кетдики, хачир ҳам эсидан чиқди ва акаси уни уришиб берди. – *Балки ҳали улар шунча дон-дунни тортиб олиб ҳам ўтиришмас, балки ҳали ҳаммаси – дон-дун ҳам, гилам ҳам, ўт-аланга ҳам – ҳаммаси бир ёқли бўлиб кетар, кўрқув ва қайғу-алам буткул даф бўлар ва худди от қўшилган икки арава сени икки ёққа тортиб, қоқ иккига ажралиб кетаётгандай аҳволдан қутуларсан, – ҳамма-ҳаммаси тугайди, бутунлай, бутунлай тугайди...”*

Кейин шанба куни келди. Бола хачирни нўхталаркан, яна отасини қора камзул ва шляпа кийган ҳолда кўрди.

– Йўқ, – деди отаси, – аравага кўш.

Икки соатлардан сўнг арава манзилга етиб борди. Бола отаси билан акасининг орқасида пештахта ўриндиғи устида ўтираркан, яна дўконнинг бўялмаган, пугурдан кетган биноси, тамаки ҳамда дори-дармонларнинг туси ўчган, йиртилган рекламалари, айвоннинг устунларига бойланган миниладиган отлар ва усти ёпиқ араваларга қўшилган хачирларни кўрди. У отаси билан акасининг орқасидан қийшиқ пиллапоялардан юқорига чиқди ва учовлари одми тахта столга қараб ўтиб бораётганларида яна томоша қилиб турган қатор совуқ башараларни кўрди, стол ортида кўзойнакли бир киши ўтирар, биров тушунтирмасам ҳам, бу кишининг судья эканлиги болага равшан эди. Кейин бола бўйнига ёқа ва бўйинбоғ таққан одамни кўрди ва унга қаҳру ғазаб билан худди еб кўйгудек бўлиб ўқрайиб қаради, бу одамни у икки марта кўрган, икки марта ҳам от устида кўрганди; ҳозир унинг вазоҳатида ғазаб нишонлари кўринмас, нимадандир лолу ҳайрон эди, аммо бола ҳозир бунинг нималигини тушунишдан ожиз эди. Бўлмасам-чи! Кўз кўриб, кулоқ эшитмаган бир воқеа: чоракор ўз мулкдорини судга бериб ўтирса-я. Бола отаси орқасидан мана шу барча одамлар орасидан тўппатўғри столга ўтиб борди-да, судьяга қараб бор овоз билан қичқирди:

– Отам бунақа қилмаган! У ўт кўймаган!..

– Бор, аравага чиқиб ўтир, – деди отаси.

– Ёндирмаган дейсанми? – сўради судья. – Нима, гилам ёндирилган ҳам эдимми?

– Ҳеч ким бундай айбни бўйнимга қўёлмайди! – деди отаси ва болага буюрди: – Бор, аравага чиқ!

Аммо бола чиқиб кетмади, у худди ўтган сафаргидай одамларга лик тўла хонанинг бир бурчагига суқилиб олди, ўтиргани ҳам йўқ, тик турарверди, стол атрофида бўлаётган гапларга индамай кулоқ солаётган издиҳом уни деворга сиқиб қўйганди.

– Сиз гилам эгасига етказилган зарар учун талаб қилинаётган йигирма бушель дон зарарга қараганда анча кўп деб ҳисоблайсизми?

– Хўжайин гиламни олиб келиб тозалашни буюрди. Мен уни тозалаб қайтариб олиб бориб бердим.

– Лекин сиз гиламни қайтариб берганингизда, у аввалгидай эмас эди-да.

Отаси жавоб бермади, шунда бир зум диққат билан тинглаётган издиҳомнинг нафаси, босиқ, теран нафасидан бошқа ҳеч нарса эшитилмади.

– Сиз жавоб беришдан бош тортасизми, жаноб Сноупс? – Яна отаси индамади. – Мен сизни айбдор деб қарайман, жаноб Сноупс. Мен сизни майор де Спейннинг гиламига зарар етказган деб биламан ва зарарни қоплашга ҳукм чиқараман. Бироқ йигирма бушель дон жарима тўлаш сизнинг аҳволингиздаги одам учун ҳаддан ташқари кўп деб ҳисоблайман. Майор де Спейн гиламнинг баҳосини юз доллар дейди. Октябрь ойида дон тахминан эллик цент туради. Агар майор де Спейн нақд пул тўлаб сотиб олган нарса учун тўксон беш доллар миқдорида зарар кўришга қодир бўлса, унда сиз ҳали ишлаб топилмаган беш доллар миқдорида зиён кўришдан қочмасангиз керак, деб ҳисоблайман. Мен сизни майор де Спейнга етказилган зарарни шартномада белгилангандан ташқари ўн бушель дон миқдорида қоплашга ҳукм қиламан ва уни ғалла йиғиб олингандан сўнг дарҳол тўлашни тавсия этаман. Суд мажлисини ёпиқ деб эълон қиламан.

Булар ҳаммаси кўп вақт олгани йўқ, ҳали вақт эрта эди. Бола энди уйга қайтсак керак деб ўйлаганди, балки тўғри далага йўл олишар, чунки улар бошқа фермерларга қараганда анча кечикишаётганди. Аммо бунинг ўрнига отаси арава ёнидан тўхтамай ўтиб кетди, катта акасини имлаб чақириб, йўлни кесиб ўтди-да, темирчилик устахонасига қараб юрди, шунда бола ўзини отаси томонга отди, йўлни тўсиб уни қучоқлаб олди, эски шляпа остидаги қаттиқ, вазмин башарасига тикилиб ғўлдираб пичирлади:

– Бир сиқим ҳам бермаймиз унга. Бир дона ҳам бермаймиз. Биз...

Отаси унга қаради, башараси осуда, совуқ боққан кўзлари узра оқарган қошлари чимирилган, аммо овози мулойим, бир қадар эркаловчи:

– Шунақа дегин? Майли, октябрғача бораверайлик, кўрармиз.

Аравани тузатиш – уч-тўрт кегайларни алмаштириш, тегирчакларни тортиш – кўп вақт олгани йўқ. Аравани темирчиликнинг орқасидаги сув тўлдирилган чуқурга тўғрилаб тегирчакларни совутишди, хачирлар ўқтин-ўқтин сув шимиришар, бола эса арава ўриндиғида ўтириб, жировларни бўш қўйган, тепада қора дуд босган том тагида темирчининг болғаси босинқи тарақлар, отаси эса сарв ғўла устида ўтирганича дам ўзи сўйлар, дам бошқаларни тингларди. Бола ҳаммаёғи ҳўл аравани сув чуқурдан устахона эшигига олиб келганда, отаси ҳалиям ўша ерда ўтирарди.

– Том тагига олиб бор, боғлаб қўй, – буюрди отаси.

Бола хачирларни боғлаб қайтиб келди. Отасининг ёнида темирчи билан яна аллаким чўккалаб ўтиришиб, ҳосил ва қорамоллар ҳақида сўйлашишарди, бола улар ёнига туёқларнинг қирқилган бўлақлари ва занг-зунгларнинг парчалари устига чанг-тупрокқа чўк тушди; отасининг ҳали тўнғич ўғли туғилмасидан илгари жаллоблик қилиб юрган пайтларида бошидан ўтказган узундан-узоқ бир воқеани шошилмай ҳикоя қилаётганига қулоқ солди. Кейин отаси ўрнидан туриб унинг ёнига келди-да, ўтган йили келган циркнинг оқариб-тўзиб кетган рекламаси парчаларини кўздан кечирди, бола шу қизил отлар, масхарабозларнинг бўялган башараларини қинғир-қийшиқ қилиб оҳангжамалар

килишлари, баданларга ёпишиб турган, бир-бирига чатишиб кетган ажиб тўр, йилтироқ либосларни завқи келиб томоша қиларди. Кейин отаси айтди:

– Кетдик, овқатланамиз.

Аммо улар уйга боришмади. Бола акаси билан бирга деворга суяниб тураркан, отасининг дўкондан қоғоз халта кўтариб чиқаётганини кўрди. Отаси қоғоз халтадан каттакон пишлоқ бўлагини чиқариб, паккида хафсала билан уни тенг уч бўлакка бўлди, кейин халтадан қотирилган нон олди. Учовлон тимнинг панжарасига ўтириб, шошилмай тановул қилишгандан кейин ўша дўконнинг ўзида тосга тўлдирилган иликрок сувдан ичишди, сувдан кедрдан ясалган бочка тахтачаларининг, қора қайиннингми, мазаси келарди. Кейин яна улар уйга қайтишгани йўқ, отаси бу сафар уларни от саройига бошлади; баланд узун темир тўсиқларнинг пешсупачаларида анча одамлар ўтиришар, тик туришарди; кўра ичкарасидан дам-бадам отларни олиб чиқишар, совитиб юришар, йўлка бўйлаб у ёқдан-бу ёққа чоптиришарди, орада кўранинг ўзида савдо-сотик борарди. Қуёш ғарбга оққан, улар ҳамон бўлаётган гап-сўзларга қулоқ тутиб, кўзларини ҳар томонга югуртириб айланиб юришарди, акасининг кўзларини уйку босган, ҳамон қарсиллатиб сақичини чайнарди. Отаси онда-сонда қай бир отларни ўзича баҳолаб кўярди.

Уйга қоронғи тушганда қайтишди. Чироқ ёруғида овқатланишди. Кейин бола остонада ўтириб тун қоронғилигининг куюкклашиб боришини томоша қилди, эчкиэмар ва қурбақаларнинг сайрашларини тинглади, бирдан қулоғига онасининг эланиб ёлворган овози чалинди:

– Кўй, Эбнер! Кўй! Худо ҳақи! Йўқ, Эбнер, худо ҳақи!

Бола дик этиб ўрнидан турди, орқасига ўтирилди ва шиша оғзига ўрнатилган шам қолдиғи ёруғида ҳали шляпаси ва камзулини ҳам ечмаган отаси худди шармандали ёвуз бир ишни қилишга отлангандай, айна пайтнинг ўзида ҳам кулгили, ҳам жиддий тарзда чироқ ичидан катта бидон идишга керосин куяр, онаси эса унинг енгидан ушлаб олган, бир маҳал отаси чироқни бошқа қўлига олди-да, тирсаги билан онасини қаттиқ туртиб юборди, у буни қаҳр-ғазаб ва дағаллик билан қилмаган эса-да, онаси унинг турткисидан деворга бориб урилди, алам-ўкинч ичида оғзи очилиб, тамомила умидсиз ҳолда иккала қўли билан деворга тиралиб қолди, онаси боя отасига ялиниб-ёлвораётганда ҳам худди шундай кўйга тушганди. Шу пайт отаси эшик остонасида турган болани кўриб қолди.

– Дарров саройга бориб, қорамой солинган идишни олиб кел, – деди отаси.

Бола қимир этмади. Кейин у тилга кирди:

– Нима? – қичқириб юборди бола. – Нима қилмоқчисиз ўзи...

– Бор бидонни олиб кел, – такрорлади отаси. – Қани!

Шундан сўнг бола уйдан саройга ғизиллади: одатланишнинг кучи шунақа, томирида оқаётган бу қонни у ўзи танламаган, хоҳ-нохоҳ бу унга мерос бўлиб ўтган, унгача қанчадан-қанча томирларда жўшган, қандай зўравонликлар, ваҳшийликлар, хирсу ҳаволанишлар қайлардадир тўкилиб қотиб қуюлгани номаълум. *“Мен қайтиб келмаслигим мумкин, – ўйларди бола. – Шундай югуриб кетаверсанг, югураверсанг ва ҳеч қачон орқанга қарамасанг, ҳеч қачон унинг башарасини кўрмасанг. Аммо*

қўлимдан келмайди...” Мана занглаган бидон қўлида, унинг ичида мой шилқиллайди, у уй томон оёғини қўлига олиб чопқиллайди, уй ичидан онасининг хўнграб йиғлагани эшитилади, бола бидонни отасига узатади.

– Сиз ҳатто негрни ҳам жўнатмоқчи эмассиз? – кичқирди бола. – Сиз илгари негрларни юборар эдингиз...

Отаси бу сафар уни урмади. Ҳозиргина стол устидаги бидонда турган қўл кўз очиб-юмгунча уни ёқасидан тутиб шундоқ силтаб кўтардики, бола ҳатто оёғи ердан қандай узилганини билмай қолди; у фақат ях-малакдек совук шафқатсиз башарани кўрди, ўлим нафаси келган совук товушни эшитди, овоз столга қапишиб турган, худди сигирга ўхшаб жағларини у ёқдан-бу ёққа буриб кавш қайтараётган акасига буюрди:

– Уни қатта идишга солиб олиб бор. Мен орқангдан етиб бораман.

– Яхшиси, уни каравотга боғлаб қўйинг, – деди акаси.

– Айтганимни қил, – деди отаси.

Кейин бола ердан кўтарилганини сизди, қўйлаги бошига сидирилиб чиқди, чўяндай қаттиқ қўл икки елкаси орасидан чангаллаб тутди, оёқ бармоқларининг учи ерда судралди, уни олови сўнган ўчоқ олдидаги ўриндикларга оғир чўккан опачалари олдидан судраб ўтишди, онаси билан холаси бир-бирларини кучоқлаб ўтиришган каравот олдига олиб боришди.

– Ушла уни, – деди отаси. Холаси улар томонга талпинди. – Йўқ, сен эмас, – деди отаси. – Ленни, маҳкам ушла, қўйиб юборма!

Онаси болани қўлидан тутди.

– Йўқ, маҳкам тут. Агар қўлингдан чиқиб кетса, у, биласанми, нима қилади? У ановларникига чопади. – Отаси бошини қимирлатиб йўлни кўрсатди. – Балки уни бойлаб қўйган яхшидир.

– Мен уни маҳкам ушлаб тураман, – деди онаси.

– Қара, қўйиб юборма.

Кейин отаси кетди, унинг бир маромдаги оғир кадам товушлари ниҳоят тинди.

Шунда бола ўзини у ёқдан-бу ёққа отиб юлқина бошлади. Онаси уни иккала қўли билан кучоқлаб олди, у эса ўзини ҳар томонга урарди, ба-рибир чиқиб кетаман дегандай. Аммо вақт зик эди.

– Қўйворинг! – кичқирди бола. – Қўлингиз оғрийди!

– Қўйвор уни, – деди холаси. – У бўлмаса, мен ўзимок бориб айтаман уларга!

– Мен бундай қилолмайман, биласан-ку, – йиғлади онаси. – Сарти! Сарти! Қўй! Ёрдам берсанг-чи, Лиззи!

Бироқ бола алоҳа юлқиниб чиқди. Холаси уни тутиб қолмоққа уринди, аммо иложи бўлмади. У ўқдай учиб кетди. Онаси қоқилиб йиқилди, тиззаларида судраларкан, қизларидан бирига кичқирарди:

– Ушла уни, Нетти, ушла!

Аммо иложи бўлмади. (Опа-сингиллар эгизак эдилар, уларнинг ҳар бирови вазнига ва ҳажмига кўра, қайси бирига бўлмасин, оила аъзоларининг иккитасига тўғри келишарди). Нетти ҳатто ўтирган жойидан кўзғалиб улгурмади, фақат лоқайдлик акс этган юзини ўгириб, унга худди сигирга ўхшаб бакрайиб қаради. Бола эса уйдан отилиб чиқди, йўлнинг билқиллаб ётган юмшоқ тупроғини босиб, димоғига учқатларнинг гупурган ҳидлари урилиб, югура кетди; оёқлари остидаги

бўз тупроқли йўл жуда секин айланаётганга ўхшарди; мана, ниҳоят, дарвоза, яна озроқ, яна озроқ, юрак гурсиллайди, нафас томоққа тикилади; хиёбондан югуради, олдинда чироқлар ёнган уй, чироқлардан чароғон эшик. Бола тақиллатиб ўтирди дейсизми, у бўғзидан бир сўз чиқаришга мажоли етмай, ҳаллослаб хансираганча уйга отилиб кирди; дафъатан сурп куртка кийган негрнинг донг қотиб, кути ўчган бетини кўрди, лекин у қаердан пайдо бўлганлигини идрок қилолмади.

– Де Спейн! – деб қичқирди бола жони борича. – Де Спейн борми...
– Шунда у зал эшигидан чиқиб келаётган ўша оқ танли кишини кўрди.
– Омбор! – қичқирарди бола. – Омбор!

– Нима? – сўради киши. – Омбор?

– Ҳа! – қичқирарди бола. – Омбор!

– Ушла уни! – қичқирди киши.

Аммо яна иложи бўлмади. Негр уни кўйлагидан тутди, лекин йилларча ювилавериб тўзиган кўйлакнинг енги негрнинг кўлида узилганча қолди, бола ўзини эшикка урди ва яна хиёбондан чошиб кетди, у, ахир, шунча пайтдан бери бир зум тўхтагани ҳам йўқ, ҳатто оқ танли кишини огоҳлантираётганда ҳам тўхтамади.

Орқасидан овоз эшитилди:

– Отни олиб кел! Тезроқ!

Бола дарахтзорларни тўғри кесиб ўтиб, четан деворни ошиб йўлга чиқмоқчи бўлди, аммо на парк ичини ва на хмел билан қопланган деворнинг паст-баландлигини билар, шунинг учун юраги дов бермасди. У хиёбондан ўқдай учиб борар, чакка томирлари қаттиқ лўқиллар, харс-харс нафас оларди; ана, ниҳоят, йўлга чиқди, буни оёғи тупроққа ботганда билди. Унинг кўзи кўрмас, қулоғи чиппа битган, сал бўлмаса, гурсиллаб чошиб келаётган от остида қолиб кетай деди, бола эса ҳамон тўхтамай югурар, гўё қайғу-аламининг зўри унга қанот бағишлаётгандек эди; бола охиригача йўлдан четга чиқмади, фақат сўнги дамда қамиш ўсган жарга қулади, шунда фақат бир зумгагина юлдузлар қахрли йўртиб бораётган отнинг ваҳимали шарпасини тўсиб қолдилар, сўнг от дахшатли тасир-тусур солиб ёнидан ўтиб кетди; ҳали отлик кимса кўздан ғойиб бўлмай туриб, яна осуда осмон унинг бошига оғир дахшат солиб ағдарилди; бирдан ақл бовар қилмас, гунг ва туганмас гирдобланган ўкирик янгради ва яна унинг кўзларидан юлдузларни тўсди-кўйди, бола ўрнидан дик этиб туриб, сакраб йўлга чиқди ва энди ҳеч нарсанинг иложи қолмаганлигини билган ҳолда яна чошиб кетди, у ўқ товушини, кейин яна икки марта ўқ узилганлигини эшитганида ҳам, барибир ҳали чошиб борарди, кейин ўзи англамаган ҳолда тўхтади ва “Ота! Ота!” – деб қичқирди – у ўзи англамаган кўйи яна югуриб борар, нималаргадир қоқилар, тояр, нималарнидир оралаб ёриб ўтар ва яна тинмай чопар, ҳатто орқасига ўгирилиб қараб ўт яллиғларини кўрганда ҳам у елиб борарди; у кўзи кўрмаётган дарахтларга урилар, хансирар ва ич-ичидан инграрди: “Ота! Ота!”

Ярим кечада у адир тепасида ўтирарди. У тун ярим бўлганини ҳам, ўзининг қаердалигини ҳам билмасди. Аммо орқасида энди яллиғлар кўринмасди, фақат тўрт кунгина унга бошпана бўлган уйга тесқари қараб ўтирар, олдида қоронғи ўрмонлар ястаниб ётарди, энди у зимзиё қоронғиликда кичкина мурғак жони билан титраб-қақшаб чуврин-

ди юпқа кўйлагига ўралиб бу ўрмонларга кирганда юрагини кўркув ва дахшат эмас, ноумидлик ва азоб қамраб олади, ха, фақат ноумидлик ва азоб. “Отам! Менинг отам...” ўйлади бола.

– У мард одам эди! – деб қичқирди у бирдан, аммо қичқиргани пичирлаш янглиғ эшитилди. – У ботир. У урушда бўлган! У полковник Сарториснинг отлиқ полкида хизмат қилган! – деб қичқирарди, у отаси урушга кўнгилли бўлиб борганлигини билмасди, илгари Европада ландскнехтлар¹ шундай қилишган. Отаси ҳарбий кийим киймаган, устидан ҳеч кимнинг кўмондонлигини тан олмаган, ҳеч қайси кўшин ёки байроққа қасамёд қилмаган, ўзини ҳеч нарсага боғлашни истамаган. Бир замонлар Малбрук² нимага урушга борган бўлса, худди шу мақсадда борган; ўлжа илинжида бўлган, кимни талайди, душманними ё бошқани, буни ўйлаб ўтирмаган, фаркига бормаган.

Осмонда юлдузлар туркумлари оҳиста силжирди. Тезда тонг отади, куёш чиқади, оч қолади. Лекин бунинг фурсати эртага, ҳозир эса у совқотди, юрса, танаси исийди. У биров нафасини ростлади ва ўрnidан туриб юришга чоғланди, кейин у музлаб ухлаб қолганини англади, чунки тонг оқарган эди ва тун тугаганди. Эчкиэмарлар хониши буни тасдиқларди. Ҳали ҳаммаёқда, ҳали қорайиб турган дарахтлар орасида уларнинг тинмаган, безор қиладиган, кун чиққан сайин зўрайиб борадиган куйлари янграрди, аммо тез орада улар ўз ўрнини кушлар сайроғига бўшатиб беради. Бола ўрnidан турди. Увишиб қолган оёқларини ёзолмади, аммо юрса, тез орада бу ўтиб кетади, бадани исийди – ахир, тезда куёш чиқади. У тепадан пастга, қорайган ўрмонзорларга тушиб борди, у ерларда кушларнинг кумушдек янғроқ сайрашлари жарангларди – баҳор наҳорининг куйга ташна юраги кучли зарб билан бетўхтов дукурлаб урарди. Бола орқасига қайрилмади.

ҚОРОНĢИ ТУШГАНДА

I

Энди Жефферсонда душанба ҳафтанинг бошқа кунларидан ҳеч нимаси билан фарқ қилмайди. Кўчаларга тош ётқизилган, телефон ҳамда электр компаниялари кундан-кунга соя-салқин дарахтлар – эманлар, акаслар, заранглар, қайрағочларни таг-тубидан қирқиб – ўрнига тўлғин, шаффоф, туссиз узум бошлари осилган темир устунлар ўрнатишади; бизда ҳам шаҳар қирхонаси бор, душанба куни эрталабдан бўёқлари ялтираган автомобиллар шаҳарни айланиб юради; бир ҳафта давомида тўпланиб қолган кир кийим-кечакларга тўлган ҳолда ён-верингдан худди шарпадек ўтади, автомобилларнинг карнайлари жиртак чалиб ғат-ғут қилади, асфальт устида худди ипак мато шариллатиб йиртилаётгандек шиналарнинг шариллаши эшитилади; одатда оқ танлиларнинг кийимларини ювадиган негр хотин-қизлар либос-анжомларни автомобилларда ташишади.

¹ Ландскнехт – Ўрта асрда Европада ёлланган аскар.

² Малбрук – французлар устидан шонли ғалаба қозонган инглиз герцоги Жон Черчилл Малборонинг тасодифий ўлими ҳақидаги француз халқ кўшиғи. Бу ўринда ўша герцогга ишора қилинган.

Аmmo бундан ўн беш йил бурун душанба куни эрталаблари сокин салқин чанг-чунг кўчалар негр аёлларга тўлиб кетарди, улар ўзларининг шол рўмол танғилган бақувват бошларида катталиги бир той пахтадек келадиган чойшаб тугунларни кўтариб, уларга кўлларини теккизмай оқ танлиларнинг ошхоналари остонасидан то негрлар маҳалласидаги хужралари олдида ўрнатилган қорайиб кетган қозонгача элтардилар

Нэнси¹ боши тепасига кир солинган тугунни ўрнатиб, тугуннинг устига қора похол шляпасини жойлаштирар, бу шляпа қишин-ёзин унинг бошидан сира тушмасди. Унинг бўйи баланд, товоқдек сумрайган юзининг ёноқлари бўртиб чиққан, ёноқлари остида юзи чуқурчадай бўлиб турар – жағларида бирталай тишлари етишмасди. Баъзида биз унга кўчада то ўтлоққача эргашиб борар, бошидаги тугунни чакқон кўтариб боришини томоша қилардик; энг тепага ўрналган шляпаси ҳеч қачон қимир этмас, қийшаймас ва ҳатто жарга тушиб, ундан юқорига чиқаётганда ёки четанлар орасидан ўтаётганда ҳам қимирламасди. У чўкка тушиб туйнукдан судралиб, бошини адл тутиб ўтганларида ҳам тугун бошида маҳкам турар, худди калласи узра ҳаво тўлдирилган пуфак шар сузиб кетаётгандек кўринарди, кейин яна иккала оёғида тик турар ва йўлига кетаверарди.

Гоҳида кир кийимларни олиб кетгани кир юувчи аёлларнинг эрлари келишарди, лекин Иисус ҳеч қачон Нэнси учун бундай қилмасди, ҳали отамиз уни бизникига киритмай қўйгандан анча илгари, ҳатто Дилси² асал бўлиб ётиб қолганида Нэнси унинг ўрнига бизникига келиб кир-чирларни ювиб, ош-овқатга қараганда ҳам, ҳеч қачон бундай қилмасди.

Ҳар куни эрталаб Нэнсининг уйига югуриб бориб, уни тезроқ келиб нонушта тайёрлашга чақирардик. Биз жар ёқасида тўхтаб турардик, чунки отамиз бизга Иисус билан гаплашгани ижозат бермасди. Иисус башарасида чуқур тиғ изи чандиқ бўлиб қолган чорпахил негр киши эди, биз жар ёқасида туриб Нэнсининг уйига майда тошларни отар, ниҳоят, у қип-яланғоч ҳолда эшикда кўринарди.

– Бу нима қилиқ, тош отиш! – дерди Нэнси. – Нима керак сиз шум-такаларга?

– Отам сени дарров келиб нонушта тайёрласин деди, – бидирларди Кэдди. – Отам нонушта ярим соатга кечикди, деяпти, сен тез бораркансан.

– Нонуштасиз туrolмас экансизлар-да, а! – дерди Нэнси. – Ухлагани қўймайсизлар.

– Нима бало, мастмисан, – дерди Жейсон. – Отам сени маст деяпти. Сен мастмисан, Нэнси?

– Ким айтди шунни? – дерди Нэнси. – Уйқуни ҳаром қиласизлар. Нонушта қилмай туrolмайсизларми?

Биз яна бир қанча тошлар отиб, сўнг уйга қайтардик. Ниҳоят, Нэнси уйимизга етиб келганда, мен мактабга аллақачон кечиккан бўлардим. Биз Нэнси қамокқа олингунча буларнинг ҳаммаси унинг виски ичганидан деб ўйлардик. Нэнсини қамокқа олиб кетишгаётганда, йўлда уларга жаноб Стовел дуч келиб қолди – бу киши банкда кассир ва

¹ Виргиния университети талабалари Фолкнер билан учрашувда нега персонажга бундай исм қўйдингиз, деб сўрашганда, адиб Миссисипи негрлари орасида бу исм тарқалганини айтганди.

² Бу персонаж Фолкнернинг “Роҳибага марсия” ҳикоясида ҳам пайдо бўлади.

баптистлар черковининг оқсоқоли бўлиб ишларди. Нэнси уни кўрган заҳоти лаби лабига тегмай шақиллай кетди:

– Сиз қачон менга ҳақимни берасиз, жаноб? Қачон менга пулимни тўлайсиз, жаноб? Меникига уч марта бордингиз, ҳалиям ҳақимни тўламайсиз...

Жаноб Стовел уни қаттиқ урди, Нэнси ерга йиқилди, аммо шунда ҳам унинг жағи тинмасди:

– Сиз қачон ҳақимни берасиз, жаноб? Меникига уч марта бордингиз, мен шу пайтгача...

Шунда жаноб Стовел уни товони билан юзига қараб тепди, шериф уни нари сурди, Нэнси эса ерда ағаниб ётганча куларди. У бошини кўтариб бурилди-да, қон аралаш тушган тишини тупуриб ташлади, сўнг деди:

– Менга уч марта борди-ю, бир цент ҳам тўламади.

Ўша куни ҳамманинг оғзида Нэнси билан жаноб Стовел бўлди, кечаси эса қамокхона ёнидан ўтганлар Нэнсининг кўшиқ айтгани ва додлаганини эшитишди. Пастдан унинг дераза панжараларини чангаллаган қўллари кўринарди, қамок девори олдида анча одамлар тўпланди. Ҳаммалари унинг бақираётганини томоша қилиб туришарди, назоратчи унинг оғзини юмишга, тинчителишга уринарди. Аммо у оғзини юммас, кечаси билан додлаб бақириб чиқди; тонг қоронғисида назоратчи юқорида нимадир тарақлаб, чийиллаётгани, деворни тирнаётганини эшитиб қолди: у юқори қаватга чиқиб, Нэнси дераза панжарасига ўзини осганини кўрди. У кейин гап вискида эмас, кокаинда деб юрди: агар негр бурнига тўйиб кокаин тортмаса, ҳеч қачон ўзини ўлдирмайди, деди. У кокаин тортгандан кейин негрга ҳам ўхшамай қолади.

Назоратчи Нэнсини сиртмоқдан чиқариб, хушига келтирди, кейин хумордан чиққунча қалтаклади. Нэнси кўйлагини арқон қилиб, ҳаммасини жойига қўйиб ўзини осган экан. Уни қамокқа олиб кетишаётганда, эғнида фақат кўйлаги бор экан, қўлини бойлашга бошқа нарса топилмаган, кейин у қўлларини дераза токчасидан тортиб ололмаган. Ана шунда назоратчи юқорида бўлаётган шовқинни эшитиб, югуриб чиққан у Нэнси панжарада қип-яланғоч осилиб турганини кўрган.

Дилси бетоб бўлиб қолиб, ўз кулбасида кўрпа-ёстиқ қилиб ётганди, Нэнси бизникига келиб ош-овқат тайёрларди, биз шунда унинг қорни устида фартуғи дўмпайиб турганини пайқаганмиз. Бу Иисусни отамиз бизникига келтирмай қўйганидан илгарироқ бўлганди. Иисус ошхонада плита ёнида ўтирар, унинг қоп-қора юзидаги чандиқ худди кир чизимчага ўхшаб кўринарди. У бизга Нэнсининг кўйлаги тагида тарвузи бор, деди. Ваҳоланки, қиш пайти эди.

– Қишда тарвузни қаердан олдинг? – сўраб қолди Кэдди.

– Мен олганим йўқ, – жавоб берди Иисус. – Бу менинг совғам эмас. Менданми, менадан эмасми, барибир бир кун уни сўйиб ташлайман.

– Нега болалар олдида бундай гапиряпсан? – деди Нэнси. – Нега ишга бормай ўтирибсан? Нима, жаноб Жейсон сенинг бу ерда ўтириб болалар олдида валдираётганингни эшитсинми?

– Нимани валдираяпти? У нимани валдираяпти, Нэнси? – сўради Кэдди.

– Мен оқ танли одамнинг ошхонасига кирмаслигим керак, – деди Иисус. – Менинг ошхонамга эса оқ танли одам кирса бўлаверади. У уйимга кириб келаверади, мен кирма деёлмайман. Оқ одам менинг уйимга кирдими, тамом, энди у менинг уйим эмас. Мен унга кирма деёлмайман, майли, лекин у мени ўз уйимдан ҳайдаб чиқаролмайди. Йўқ, бу унинг қўлидан келмайди.

Дилси ҳалиям тузалгани йўқ. Отамиз бизнинг уйимизга Иисус келишини тақиқлаб қўйди. Дилси ҳалигача касал ётарди. Узоқ оғриб ётди. Бир куни кечки овқатдан сўнг кабинетда ўтиргандик.

– Нима, Нэнси ишини тугатдими? – сўраб қолди ойим. – Шу вақтгача аллақачон идиш-товокни ювиб қўйса бўларди.

– Квентин бориб қарасин, – деди отамиз. – Квентин, бориб кара-чи, Нэнси ишини тугатдими, йўқми? Айт унга, уйига кетаверсин.

Мен ошхонага йўл олдим. Нэнси ишини битирган экан. Идиш-товок йиғиштирилган, ўчоқда ўт ўчирилган. Нэнси ўчган плита олдида курсида ўтирган экан. У менга қаради.

– Ойим ишингни қилиб бўлдингми, йўқми, деб сўраяпти, – дедим мен.

– Ҳа, – деди Нэнси; у менга қаради. – Ишимни бўлдим. – У яна менга қаради.

– Нима қилди, Нэнси? – сўрадим. – Сенга нима бўлди?

– Мен қора хотинман, холос, – деди Нэнси. – Лекин бу менинг айбим эмас-ку.

У бошида похол шляпаси билан ўти ўчган плита ёнида ўтирар ва кўзини мендан узмасди. Мен кабинетга қайтиб келдим. Плита ўчгани учун бўлсамикин, ошхона ошхонага ўхшамасди, ахир, одатда ошхона иссиққина бўлади, ҳамманинг димоғи чоғ, ҳамма нима биландир банд. Ҳозир эса плита ўчган, идиш-товок йиғиштириб қўйилган, бунақа пайтда ҳеч ким овқат ейишни ўйламайди.

– Нима, ишини қилиб бўлибдими? – сўради ойим.

– Ҳа, ойи, – дедим.

– Ўзи нима қиляпти? – сўради ойим.

– Ҳеч нима. Ўтирибди.

– Бориб қарай-чи, – деди отам.

– У Иисусни кутаётгандир, уйга кузатиб қўяди деб, – деди Кэдди.

– Иисус кетиб бўлган, – дедим.

Нэнси бир куни эрталаб уйқудан кўзимни очсам, ёнимда Иисус йўқ, деб ҳикоя қилиб берганди.

– Мени ташлаб кетди, – деди Нэнси. – Менимча, Мемфисга кетган. Полициядан қочиб юрибди, шекилли.

– Ундан қутулганингга худога шукр қил, – деди отамиз. – Шояд ўша ерда қолиб кетса.

– Нэнси қоронғидан кўрқади, – деди Жейсон.

– Сен ҳам кўрқасан, – деди Кэдди.

– Ҳечам-да, – деди Жейсон.

– Кўрқок! – деди Кэдди.

– Ҳечам-да, – деди Жейсон.

– Кэндейси! – хитоб қилди ойим.

Отам кириб қолди.

- Мен Нэнсини биров кузатиб кўяман, – деди у. – У Иисус қайтиб келди деяпти.
- Уни кўрибдими? – сўради ойим.
- Йўқ. Битта негр айтибди, уни шахарда кўришибди. Мен тез келаман.
- Нэнсини кузатиб келгунингча мен ёлғиз ўтираманми? – деди ойим. – Уни кўриқлайсану мени кўриқламайсанми?
- Мен тез қайтаман, – деди отам.
- Ўша негр шу ерларда изғиб юрибди, сен болаларни ёлғиз қолдирасанми?
- Мен ҳам бораман, – деди Кэдди. – Майлими, ота?
- Болаларингни бошига урадими у? – деди отам.
- Мен ҳам бораман, – деди Жейсон.
- Жейсон! – деди ойим. Унинг овозига қараганда, отамга гапираётгани аниқ эди. Ўзича шундай демоқчи эди: кун бўйи мени қандай қилиб қаттиқ хафа қилишни ўйлаб юрди, мен барибир билардим у бир нарсани ўйлаб топишини. Мен жимгина ўтирардим, биз отам иккимиз билардикки, агарда ойим мени сезиб қолса, албатта, отамнинг сен ойинг билан қол, деб айтишини хоҳларди. Шунинг учун отам ҳатто менга қарамасди. Мен тўнғич фарзанд эдим. Мен тўққизга, Кэдди – еттига, Жейсон – бешга киргандик.
- Аҳмоқлик! – деди отам. – Биз тезда қайтиб келамиз.
- Нэнси шляпасини кийиб тайёр бўлиб турарди. Биз тор кўчага чиқдик.
- Иисус доим менга яхши муомала қилган, – деди Нэнси. – Икки доллар пул ишлаб топса, доим бир долларини менга берган.
- Биз тор кўчадан юриб борардик.
- Фақат тор кўчадан ўтиб олсак, бас, – деди Нэнси, – у ёғига ўзим кетавераман.
- Тор кўча доим қоронғи бўларди.
- Барча авлиёлар куни Жейсон мана бу ерда кўрқувди, – деди Кэдди.
- Ҳечам-да, кўрқмаганман.
- Холаси Рэйчел уни тартибга соллолмайдими? – сўради отам.
- Рэйчел хола қариб-қартайиб қолган эди. У Нэнсига яқин кулбада турарди. Унинг сочлари оқарган, энди ишламасди, уззукун остонага чиқиб ўтирар, тамаки чекарди. Айтишларича, Иисус унинг ўғли эди. Баъзан у ҳа, шунақа, дерди, баъзан менинг ҳеч кимим эмас, деб бош тортарди.
- Йўқ, сен кўрқдинг, – дерди Кэдди. – Сен Фронидан ҳам баттар кўрқдинг. Негрдан ҳам баттар.
- Ҳеч ким уни ҳеч нарса қилолмайди, – дерди Нэнси. – Мен унинг девини уйғотиб юборган эмишман. Энди унинг кўнгли жойига тушмайди, токи...
- Бўпти, майли, – деди отам, – у кетиб қолди-ку. Энди кўрқмасанг ҳам бўлади. Фақат оқ танлилар билан гап-сўзга қолиб юрмасанг бўлди.
- Нега гап-сўзга қоларкан? – сўради Кэдди. – Қанақа оқ танли одамлар?
- У кетмаган, – деди Нэнси. – Юрагим сезиб турибди, у шу ерда. Мана шу тор кўчада. Ҳар бир сўзимизни эшитяпти. Бир жойга бер-

киниб, пойлаяпти. Мен уни кўрганим йўқ, энди фақат қўлида пичок кўтариб келганини кўрсам керак. Пичокни чизимчага бойлаб елкасига кўйлаги тагидан осиб юради. Кўрсам, ажабланмайман.

– Мен ҳечам кўрққаним йўқ, – деди Жейсон.

– Агар сен ўзингни тутиб юрганингда, ҳеч нарса бўлмас эди, – деди отам. – Аммо энди кеч. У ҳозир Сент-Луисда бўлса керак, ўзига аллақачон бошқа хотин топиб олган, сени эсидан ҳам чиқаргандир.

– Шунақа бўлса агар, – деди Нэнси, – мен буни билмаганим маъкул. Бўлмаса, мен уни шундоқ кўймайман, билдингизми! Қани, уни бир кучоқлаганини кўрай-чи, қўлларини чопиб ташлайман! Калласини оламан, ўша хотиннинг қорнини ёраман, мен...

– Жим-м! – деди отам.

– Кимнинг қорнини, Нэнси? – сўради Кэдди.

– Мен ҳечам кўрққаним йўқ, – деди Жейсон. – Хоҳлайсанми, мен тор кўчадан бир ўзим ўтаман?

– Қанақасига! – деди Кэдди. – Биз бўлмасак, тирақайлаб қочасан!

II

Дилси ҳалиям касал ётарди ва биз ҳар оқшом Нэнсини уйига кузатиб кўярдик. Ниҳоят, ойимнинг тоқати тоқ бўлди.

– Қачонгача бу шундай давом этади? Мен ҳар куни кечкурун ҳеч ким йўқ уйда бир ўзим қолавераманми, сен кўрқоқ негр хотинни кузатиб кетаверасанми?

Нэнсига ошхонада тўшак тўшаб беришди. Бир куни кечаси биз аллақандай товушдан уйғониб кетдик, товуш пиллапоя тагидаги коронғиликдан келар, дам куйга, дам йиғига ўхшарди. Ойимнинг хонаси ёруғ эди, биз отам йўлакка чиққанини эшитдик, кейин у четки зинага ўтди, биз ҳам Кэдди билан йўлакка қараб чопдик. Пол муздек совук эди. Оёқларимизнинг бармоқлари совукдан чангак бўлиб қолди, биз товушларга қулоқ тутиб турдик. Бу товуш куйга ҳам ўхшар, куй ҳам деб бўлмас – негрларнинг ишларини баъзан англаб етолмайсан киши.

Кейин товуш ўчди, отам пиллапоядан пастга тушаётганини эшитдик, биз ҳам зина панжараси олдига келиб тўхтадик. Кейин яна ўша овоз энди зинадан охиста эшитила бошлади, биз деворга яқин зина устида Нэнсининг кўзларини кўрдик. Унинг кўзлари худди мушукникидек ёниб турар, худди девор олдида катта мушук яшириниб бизга тикилиб тургандек эди. Биз бир неча зинани босиб пастга тушганимизда, у овоз чиқаришни бас қилди ва биз шу ерда то отамиз қўлида тўппонча билан ошхонадан чиқиб келмагунча туравердик. Отам Нэнси билан бирга пастга тушди, кейин улар орқага қайтиб Нэнсининг тўшагини олиб келишди.

Тўшакни биз ётадиган болалар хонасига жойлаштиришди. Ойимнинг хонасида чироқ ўчгандан кейин, яна Нэнсининг кўзи йилтирай бошлади.

– Нэнси! – пичирлади Кэдди. – Сен ухлаганинг йўқми, Нэнси?

Нэнси нимадир деб пичирлади, мен яхши эшитмадим. Пичирлаган товуш коронғида қаердан келаётганлигини билиб бўлмасди, худди номаълум ёқдан ўз-ўзидан чиқаётгандек эди, Нэнси ҳам у ерда йўқдай эди, кўзлари ёниб турганлигининг сабаби шунда эдики, ҳали зинада турганимизда мен жуда диққат билан унга тикилган эдим, шундан улар менинг

қорачиқларимда ўрнашиб қолганди, куёшга тик қараб, сўнг кўзингни юмсанг, ана шундай бўлади.

– Худойим! – хўрсинди Нэнси. – Худойим!

– У ерда Иисусни кўрдингми? – пичирлади Кэдди. – У ошхонага кирмоқчи бўлдими?

– Худойим, – деди Нэнси. У: “Худооойийимм”, – деди, пичирлаш шу билан шам пилигидай ё гугурт алангасидай сўнди.

– Сен бизни кўряпсанми, Нэнси, – шивирлади Кэдди. – Сен ҳам бизнинг кўзларимизни кўряпсанми?

– Мен бир қора хотинман, холос, – деди Нэнси. – Худойим билади, худойим билади...

– Ошхонада нима бўлди? – шивирлади Кэдди. – Нима, кирмоқчи бўлдими?

– Худойим билади, худойим билади, – деди Нэнси. Биз унинг кўзига қараб турардик.

Дилси соғайиб кетди. У қозон-товоққа қарай бошлади.

– Сен яна бирон кун ётсанг бўларди, – деди отамиз.

– Нима кераги бор? – деди Дилси. – Яна бир кун ётсанг, бу ернинг чанги осмонга чиқиб кетади. Қани, бу ерни бўшатишлар-чи, мен бир ошхонани тартибга келтирай.

Кечки таомни ҳам Дилси пиширди. Кечкурун қош қорайганда ошхонага Нэнси келди.

– Қаердан биласан унинг қайтиб келганини? – сўради Дилси. – Сен, ахир, уни кўрганинг йўқ-ку?

– Иисус – қора ялоқ, – деди Жейсон.

– Кўнглим сезяпти, – деди Нэнси, – у жарда яшириниб юрибди, кўнглим сезяпти.

– Ҳозир-а? – сўради Дилси. – Ҳозир у ўша ердами?

– Дилси ҳам қора, – деди Жейсон.

– Бирон нарса еб олсанг бўларди, – деди Дилси.

– Кўнглим тиламаяпти, – деди Нэнси.

– Мен эса қора эмасман, – деди Жейсон.

– Қахва ичгин, – деди Дилси. У Нэнсига идишда қахва куйиб берди. – Сенингча, у ҳалиям ўша ердами? Сен қаердан биласан?

– Биладан, – деди Нэнси. – Ўша ерда пойлаб турибди. Шунча вақт у билан бекорга яшаганим йўқ. Мен доим унинг нима қилишини биладан, ўзи билмаганда ҳам, мен билиб тураман.

– Қахвангни ичиб ол, – деди Дилси.

Нэнси қахвани оғзига олиб борди-да, уни пуфлади. Оғзи худди резинкадай чўзилди, қахвани пуфлаганда гўё бутун кизиллиги ўчиб кетгандай лаблари оқариб қолди.

– Мен қора эмасман, – деди Жейсон. – Сен қорамисан, Нэнси?

– Мени худо урган, – деди Нэнси. – Тез кунда мендан ҳеч нима қолмайди. Тез орада қайдан келган бўлсам, ўша ерга кетаман.

III

У қахвасини ҳўплай бошлади. Қахва идишни икки кўлининг кафтида тутаркан, уни ича туриб, яна ўша товушни чиқаришга тушди.

Товуш қахва идишга ўтиб, ичидаги қахва чайқаларди ва Нэнсининг

кўлига, этагига тўкиларди. Унинг кўзлари биздан узилмасди; у қаҳва идишни кафтлари орасига олиб, иккала кўлини тиззасига тираб, қаҳва тўла идиш оша бизга қараганча ўша товушни чиқарарди.

– Нэнсига қара, – деди Жейсон. – Дилси келгани учун Нэнси бизга овқат пиширмапти.

– Жим ўтирсанг-а, – деди Дилси.

Нэнси қаҳва идишни икки кўллаб ушлаб, бизга қараб ҳалиги товушни пуркар, худди бир эмас, иккита Нэнси борга ўхшарди: бири бизга қарар, иккинчиси товуш чиқарарди.

– Нега жаноб Жейсон телефонда шерифга айтиб қўйишини истама-япсан? – сўради Дилси.

Нэнси қаҳва идишни катта қора кўлларида тутганча, жимиб қолди. У қаҳвани лабига олиб бориб хўпламоқчи бўлди, лекин қаҳва чайқалиб кўли ва тиззасига тўкилди-ю, у идишни четга қўйди. Жейсон ундан кўзини узмасди.

– Оғзимдан ўтмаяпти, – деди Нэнси. – Ютмоқчи бўлсам, томоғимга тикилиб қоляпти.

– Менинг хонамга бор, – деди Дилси. – Фрони жой солиб беради, мен ҳам ҳозир бораман.

– У қандайдир кора-қуралардан кўрқиб ўтирармиди? – деди Нэнси.

– Мен қора эмасман, – деди Жейсон. – Дилси, мен қорамасман, тўғрими?

– Шунақага ўхшайди, – деди Дилси. У Нэнсига қараб қолганди. – Шунақага ўхшайди. Қани, нима қилмоқчисан ўзи?

Нэнси бизга кўз югуртирарди. У қимир этмас, аммо кўзлари худди ҳаммасини кўрмай қолишдан кўрққандек, жуда тез аланг-жаланг киларди, у бизга қарар, учаламизга бирдан қарарди.

– Сизнинг хонангизда ётиб қолганим эсингиздами? – деди у.

У биз эрта тонгда уйғониб ўйнагани ўтирганимизни ҳикоя қилиб бера бошлади. Биз то отамиз уйқудан тургунча Нэнсининг тўшаги устида ўйнаган эдик, кейин Нэнси пастга тушиб нонушта тайёрлаганди.

– Ойингиздан сўранг, мен бугун ҳам сизлар билан ётиб қолай, – деди Нэнси. – Менга тўшакнинг ҳам кераги йўқ. Биз яна бирга ўйнаймиз.

Кэдди ойимга борди. Жейсон ҳам унга қўшилди.

– Мен қаланғи-қасанғи қоралар уйимизда ётиб қолишларига йўл кўёлмайман, – деди ойимиз.

Жейсон йиғлади. Агар шундай йиғлайверсанг, уч кунгача ширинлик емайсан, деди ойимиз. Шунда Жейсон агар Дилси шоколад торт қилиб берса, бошқа йиғламайман деди. Отамиз ҳам шу ерда эди.

– Нега ҳеч нарса қилмай қараб ўтирибсан? – деди ойим. – Полиция нима қилиб юрибди?

– Нега Нэнси Иисусдан кўрқади? – сўради Кэдди. – Ойи, сиз ҳам отамдан кўрқасизми?

– Полициянинг кўлидан нима келади? – эътироз билдирди отам. – Нэнсининг ўзи кўрмаган бўлса, уни қаердан қидириш керак?

– Унинг нимасидан кўрқади?

– Нэнси у шу ерда, мен биламан, дейди. Ҳатто бугун ҳам шу ерда юрганмиш.

– Ахир, биз бекорга солиқ тўламасак керак, – деди ойим, – сен ҳар

хил қора-кура хотинларни кузатиб юрасан, мен эса хувиллаган уйда ёлғиз қоламан, шу ҳам иш бўлдимми?

– Мен сени қўйнимга пичоқ яшириб таъқиб қилаётганим йўқ-ку, ахир, – деди отам.

– Дилси шоколад торт қилиб берса, мен йиғламайман, – деди Жейсон.

Ойим бизга чиқишга рухсат берди. Отам, билмадим, Жейсон шоколад торт оладими-йўқми, лекин ҳозироқ бу ердан жўнаб қолмаса, Жейсоннинг бошқа нарса олиши тайин, деб пўписа қилди. Биз ошхонага йўл олдик. Шу ерда Кэдди Нэнсига деди:

– Отам сени уйига борсин деди, эшикни беркитиб ўтирсин, ҳеч ким тегмайди деди. Сенга ким тегади, Нэнси? Иисусми? У сендан хафа бўлганми?

Нэнси ҳалиям қаҳва идишни тиззалари орасида икки қўллаб тутиб турар, тирсақларини тиззасига тираган эди. У қаҳва идишга кўзини тиккан эди.

– Нима қилиб Иисуснинг жаҳлини чиқардинг? – сўради Кэдди.

Нэнси қаҳва идишни тушириб юборди. Идиш синмади, фақат қаҳва тўкилди, Нэнси эса ҳамон қўлини ҳовуч қилиб турарди, худди қаҳва идишни тутгандай. Шунда у яна оҳиста бояги товушни чиқара бошлади. Куйга ўхшаб-ўхшамайди. Биз унга қараб турардик.

– Бўлди, бас! – деди Дилси. – Етар энди. Мунақа бўшашиш керак эмас. Шу ерда ўтира тур, мен бориб Вершдан илтимос қиламан, сени уйга кузатиб қўяди.

Дилси чикди. Икки кўзимиз Нэнсида эди. Унинг елкалари силкинарди, аммо энди индамасди. Кўзимизни ундан узмасдик.

– Иисус сени нима қилмоқчи? – сўради Кэдди. – Ахир, у кетган-ку.

Нэнси бизга қаради.

– Мен сизлар билан ётганимда роса хурсанд бўлгандим, а?

– Ҳечам-да, – деди Жейсон. – Мен ҳеч хурсанд бўлмаганман.

– Сен ухлаб қолувдинг, – деди Кэдди.

– Бизга қўшилганинг йўқ.

– Ҳозир меникига борайлик, яна бирга ўйнаймиз, – деди Нэнси.

– Ойим рухсат бермайди, – дедим. – Вақт кеч бўлиб қолди.

– Сиз эса унга айтиб ўтирманг, – деди Нэнси. – Эртага айтасиз. У хафа бўлмайди.

– Ойим рухсат бермайди, – дедим.

– Унга ҳозир айтманг, – деди Нэнси. – Унинг жонига тегманг.

– Ойим борманглар, деган эмас, – деди Кэдди.

– Биз сўрамовдик-ку? – дедим мен.

– Агар ҳозир борсанглар, мен айтиб бераман, – деди Жейсон.

– Биз бирга ўйнаймиз, – деди Нэнси. – Менинг уйимгача борамиз.

Ойингизнинг жаҳли чиқмайди. Ахир, мен шунча вақтдан бери сизникида ишлайман. Ойингиз ва отангиз уришмайди.

– Мен бораман, мен кўркмайман, – деди Кэдди. – Жейсон кўрқади, у ойимга айтиб беради.

– Мен кўркмайман, – деди Жейсон.

– Йўқ, сен кўрқасан. Ойимга айтиб берасан.

– Айтмайман, – деди Жейсон. – Мен кўркмайман.

– Жейсон мен боримда кўркмайди, – деди Нэнси. – Тўғрими, Жейсон?

– Жейсон ойимга айтади, – деди Кэдди.

Тор кўча қоронғи эди. Биз орқа эшикдан ўтлоққа чиқдик.

– Агар эшик орқасидан бир нима чиқиб қолса, Жейсон додларди.

– Ҳечам додламасдим! – деди Жейсон.

Биз юриб кетдик. Нэнси баланд овозда гапирарди.

– Нега бундай овозингни баланд қилиб гапиряпсан, Нэнси? – сўради Кэдди.

– Ким? Менми? – сўради Нэнси. – Қаранг-а, нималар дейишяпти бу Квентин, Кэдди билан Жейсон, гўё мен бақириб гапираётган эмишман.

– Сен худди бу ерда бешинчи бир одам ҳам бордай қилиб гапиряпсан, – деди Кэдди. – Худди отам ҳам биз билан бирга бораётгандай.

– Ким бақириб гапиряпти? Менми, жаноб Жейсон? – деди Нэнси.

– Нэнси укамиз Жейсонни “жаноб” деди, – сўйлади Кэдди.

– Қаранглар, қандай гаплашишяпти, бу Кэдди, Квентин, Жейсон, – деди Нэнси.

– Биз ҳечам гаплашаётганимиз йўқ, – деди Кэдди. – Сен бир ўзинг гаплашяпсан, худди отам...

– Жим, – деди Нэнси. – Жим, жаноб Жейсон.

– Нэнси яна Жейсонни “жаноб” деди...

– Жим! – деди Нэнси.

Биз жардан ва четан орасидан ўтарканмиз, у тинимсиз бақириб гапириб борди, у ҳар доим бошида тугун билан шу четан орасидан ўтарди. Ниҳоят, биз уйга келдик. Биз жадал юрдик. У эшикни очди. Уйда лампа чирок ҳиди анқирди, Нэнсининг ўзидан тарқаётган ҳид эса худди пилкнинг исига ўхшарди, худди янада кучлироқ ис таратиш учун улар бир-бирларини кутиб тургандай эди. Нэнси чирокни ёқди, эшикни ёпди, тамбалади. Шундан сўнг у бақириб гапиришни бас қилди ва бизга қаради.

– Энди нима қиламиз? – деди Кэдди.

– Ўзингиз нимани хоҳлайсизлар? – деди Нэнси.

– Ўзинг ўйнаймиз девдинг.

Нэнсининг уйида нимадир унча яхши эмасди, бу тарқалаётган хиддан бўлса керак. Буни ҳатто Жейсон ҳам сезди.

– Мен бу ерда қолишни истамайман, – деди у. – Мен уйга кетаман.

– Майли, бор, кетсанг, кетавер, – деди Кэдди.

– Бир ўзим кетмайман, – деди Жейсон.

– Мана ҳозир биз ўйнаймиз, – деди Нэнси.

– Нима ўйин? – сўради Кэдди.

Нэнси эшик олдида турганди. Унинг кўзлари бизда эди, лекин кўзлари ҳеч нарсани кўрмаётгандек, бўм-бўш эди.

– Сиз нима ўйинни хоҳлайсиз? – сўради Нэнси.

– Бизга эртак айтиб бер, – деди Кэдди. – Сен эртак айтишни биласанми?

– Биламан, – деди Нэнси.

– Унда, айт, – деди Кэдди.

Биз Нэнсига қараб турган эдик.

– Сен ҳеч қанақа эртакни билмайсан-ку, – деди Кэдди.

– Йўқ, биламан, – деди Нэнси. – Мана, ҳозир сизларга айтиб бераман.

У бориб ўчоқ олдидаги курсига ўтирди. Ўчоқда ҳали сўнмаган чўғлар бор экан, у чўғларни аланга олдирди. Ўт олдиришга ҳожат бўлмади.

Нэнси оловни каттайтирди. Кейин эртак айта бошлади. У шундай сўйлар ва қарардики, худди кўзи ҳам, овози ҳам уники эмас, бошқа бегона бир ровникидай, ўзи ҳам худди бу ерда эмасдай эди. У қайдадир бошқа бир ерда, гўё ниманидир кутарди. У бу ерда уй ичида эмас, балки қаердадир ташқарида, қоронғилик ичида эди. Унинг овози шу ерда эди, танаси, вужуди шу ерда эди, анов бошида катта шардай тугун билан четан орасидан қилт этмай ўтадиган Нэнси эса ҳавол ҳамда вазнсизга ўхшарди. Шу вазнсиз пуфакдек вужудгина ва фақат шугина шу ерда эди.

—...Мана, ниҳоят, қиролича ёмон одам яшириниб турган жар ёқасига етиб келди. У жар ичига тушди-да, шундай деди: “Ишқилиб, мен жардан ўтиб олсам эди...”

— Қандай жар? — сўради Кэдди. — Бизнинг жарга ўхшаганми? У нега жарга тушди?

— Уйга етиб олиш учун, — деди Нэнси. — Уйга етиб олиш учун жарга тушиш керак эди.

— Нима қиларди у уйига бориб? — сўради Кэдди.

IV

Нэнси биздан кўз узмасди. У эртакни тўхтатди. Унинг кўзи бизда эди. Жейсоннинг оёқлари иштони ичидан чиқиб турарди. У кичкина бўлгани учун калта иштон кийиб юрарди.

— Бу ёмон эртак, — деди у. — Мен уйга кетаман.

— Рост, уйга кетайлик, — деди Кэдди ва полдан турди. — Бизни кутиб қолишгандир, қидиришаётгандир. — У эшикка қараб юрди.

— Йўқ, — деди Нэнси. — Очма.

У ўрнидан сакраб туриб, олдинга чопиб борди. Эшикка, ёғоч тамбага у қўл урмади.

— Нега? — деб сўради Кэдди.

— Юр, яна бирпас чироқ олдида ўтирайлик, — деди Нэнси. — Ўйнаймиз. Кетишга ҳали эрта.

— Биз қололмаймиз, — деди Кэдди. — Мабодо, жуда қизиқ ўйин бўлса, бошқа гап.

У Нэнси билан ўчоқ олдида қайтди.

— Мен уйга кетаман, — деди Жейсон. — Мен ҳаммасини айтиб бераман.

— Мен бошқа бир эртакниям биламан, — деди Нэнси.

У Кэддига қараб турар, лекин кўзлари косасидан чиқиб кетаётганга ўхшарди, чўпни бурун учида тутиб турмоқчи бўлиб, унга пастдан юқорига қараганда, шундай бўлади. Нэнси Кэддига тепадан пастга қараётгандай эди, шундай эса-да кўзлари косасидан чиқиб кетаётгандай кўринарди.

— Эшитгим келмаяпти, — деди Жейсон. — Оёғимни тапиллатаман.

— Бу яхши эртак, — деди Нэнси. — Олдингидан анча яхши.

— Нима ҳақда? — сўради Кэдди.

Нэнси чироқ олдида турарди. У чироқ шишасига қўлини тутди. Чироқ ёруғида қўли узун ва қора бўлиб кўринди.

— Қизиб турган шишани ушладинг, — деди Кэдди. — Қўлинг куймадими?

Нэнси қўлига қаради. Уни секин шишадан олди. У Кэддига қараб турар ва қўлини шундай айлантитардики, худди қўли чизимчага осилганга ўхшарди.

- Яхшиси, бошқа бир нарса қилайлик, – деди Кэдди.
- Мен уйга кетаман, – деди Жейсон.
- Менинг жўхорим бор, – деди Нэнси. У Кэддига, кейин менга, кейин Жейсонга, кейин яна Кэддига қаради. – Кел, жўхорини ковурамыз.
- Мен жўхорини яхши кўрмайман, – деди Жейсон. – Мен попуқларни яхши кўраман.
- Нэнси Жейсонга қаради.
- Сен товани дастасидан ушлаб турасан.
- Нэнси ҳалиям қўлини айлантирарди. Қўли узун ва қоп-қора, худди суяги йўқдай эди.
- Майли, – деди Жейсон. – Агар товани ушлаб турадиган бўлсам, мен қоламан. Кэдди товани ушлаб туrolмайди. Агар Кэдди товани ушлаб турса, мен уйга кетаман.
- Нэнси оловни кўтарди.
- Қара, Нэнси тўғри оловни ушлаяпти, – деди Кэдди. – Сенга нима бўлди, Нэнси?
- Жўхорим бор, – деди Нэнси. – Озгина бўлса ҳам, бор.
- У каравот тагидан товани олди. Тованинг дастаси синган эди. Жейсон йиғлаб юборди.
- Ҳеч нарса қилиб бўлмайди, – деди у.
- Барибир уйга кетадиган вақт бўлди, – деди Кэдди. – Квентин, кетдик.
- Тўхтанглар, – деди Нэнси. – Тўхтанглар. Мен уни ҳозир тузатаман. Сен менга ёрдамлашмайсанми?
- Жўхори егим келмай қолди, – деди Кэдди. – Жуда кеч қолдик.
- Унда, сен менга ёрдам қил, Жейсон, – деди Нэнси. – Сен менга ёрдам берасан, тўғрими?
- Йўқ, – деди Жейсон. – Уйга кетаман.
- Керакмас, – деди Нэнси, – керакмас. Қараб тур, мана, менинг нима қилишимни. Мен ҳозир товани тузатаман, кейин Жейсон уни ушлаб туриб жўхорини ковуради.
- У бир бўлак сим топди-да, тованинг дастасини маҳкамлади.
- Яхши ушламайди, – деди Кэдди.
- Яхши бўлади, – деди Нэнси. – Мана кўрасан. Энди менга жўхори пўстини арчишга ёрдамлашинглар.
- Жўхори ҳам каравот остида экан. Биз уни арчиб, товага сола бошладик. Нэнси эса Жейсонга товани олов устида тутиб туришга кўмаклашди.
- У бодрамаяпти, – деди Жейсон. – Мен уйга кетаман.
- Шошма, – деди Нэнси. – Ҳозир ёрила бошлайди. Жуда қизиқ бўлади.
- Нэнси оловга яқин ўтирарди. Чирокнинг пилиги хаддан ортиқ кўп кўтарилган экан, у лопиллаб тутай бошлади.
- Уни пасайтириб қўйсанг бўлмайдами? – деб сўрадим.
- Ҳечкиси йўқ, – деди Нэнси. – Мен кейин қурумани тозалайман.
- Қара: ҳозир ёрила бошлайди.
- Ёриладиганга ўхшамайди, – деди Кэдди. – Барибир уйга кетишимиз керак. Хавотир олишади.
- Йўқ, – деди Нэнси. – Ҳозир ёрилади. Дилси мен билан бирга кетганингизни айтади. Мен шунча вақт уйингизда ишладим. Мен билан келганингизга хафа бўлишмайди. Шошманг. Ана ҳозир ёрила бошлайди.
- Шу вақт Жейсоннинг кўзига тутун кириб ачиштирди-да у йиғлашга

тушди. У товани олов ичига тушириб юборди. Нэнси латтани хўллаб Жейсоннинг юзини артди, у эса йиғидан тўхтамасди.

– Қани, бўлди, – деди Нэнси. – Бўлди қил.

Аммо у бас қилмасди.

Кэдди товани оловдан олди.

– Ҳаммаси куйиб кетибди, – деди у. – Яна жўхори керак, Нэнси.

– Сен ҳаммасини солувдингми? – сўради Нэнси.

– Ҳа, – деди Кэдди.

Нэнси унга қаради. Кейин товани олиб куйган жўхориларни этагига тўкиб, доналарини узун қора бармоқлари билан тера бошлади. Биз кўзимизни ундан узмасдик.

– Бошқа жўхори йўқми? – сўради Кэдди.

– Бор, – деди Нэнси. – Бор. Қара, ҳаммаси куйиб кетмабди. Шуни фақат...

– Уйга кетаман, – деди Жейсон. – Ҳаммасини айтиб бераман.

– Тишш! – деди Кэдди.

Қулоқ солдик. Нэнси бошини эшик томонга бурди, кўзлари чирокнинг қизғиш шуъласи билан тўлди.

– Кимдир келяпти, – деди Кэдди.

Шунда Нэнси ўчоқ олдида ўтириб, узун қўлларини икки тиззаси орасига осилтириб оҳистагина яна бояги товушни чиқара бошлади, кейин бутун юзидан тер куйилиб окди; тер ёноқларидан оқиб, иягида айланар, ҳар бир томчида ўчоқдаги ўтнинг олов нуқтаси аксланарди.

– У йиғлаётгани йўқ, – дедим.

– Мен йиғлаётганим йўқ, – деди Нэнси: унинг кўзлари юмилганди. – Мен йиғлаётганим йўқ. Ким келаётган экан?

– Билмадим, – деди Кэдди; у эшик олдига бориб ташқарига қаради. – Ана энди уйга кетамиз. Отам келди.

– Ҳаммасини айтиб бераман, – деди Жейсон. – Мен келмоқчи эмасдим, сизлар мажбур қилдингиз.

Нэнсининг юзидан ҳамон томчилар оқарди. У курсида ўтирган кўйи ўгирилди.

– Менга қаранглар, унга айтинглар... Айтинглар биз ўйнаймиз деб. Айтсанглар, мен сизларга эрталабгача ўзим қарайман. Илтимос қилинглар, мен сизлар билан борай, тунни сизларникида ўткажай, полда бўлса ҳам ётай. Айтинг, менга тўшакнинг ҳам кераги йўқ. Биз ўйнаймиз. Эсингиздами, ўтган сафар роса маза қилганмиз?

– Мен маза қилмаганман, – деди Жейсон. – Мени қаттиқ ушлаб оғритдинг. Сен кўзимга тутун хайдадинг.

V

Отам кириб келди. У бизга боқди. Нэнси ўтирган еридан турмади.

– Унга айтинглар, – илтижо қилди у.

– Мен келмоқчи эмасдим, – деди Жейсон, – Кэдди эса мени мажбур қилди.

Отам ўчоқ ёнига борди. Нэнси бошини кўтарди.

– Ахир, сен Рэйчел холангнинг олдига бориб, ўша ерда ётиб қолсанг бўлмайдими? – сўради отам. Нэнси икки қўлини тиззалари орасида осил-

тириб, унга қараб турарди. – Ановинг бу ерда эмас, – деди отам. – Мен кўрган бўлардим. Бу ерда ҳеч ким йўқ, тирик жоннинг ўзи кўринмайди.

– У жарда, – деди Нэнси. – Жарга беркинган.

– Бўлмағур гап, – деди отам. У Нэнсига боқди. – У жарда эканлигини каердан биласан?

– Менга башорат бўлди, – деди Нэнси.

– Қанақа башорат?

– Шунақа. Кирганимда стол устида экан. Чўчқанинг қонига беланган суяк гўшти. Стол устида чироқ ёнида турувди. У ўша ерда. Сиз манови эшикдан чиқишингиз билан мен адои тамом бўламан.

– Адои тамом нимаси, Нэнси? – сўради Кэдди.

– Мен чақимчи эмасман, – деди Жейсон.

– Беҳуда гап! – деди отам.

– У ўша ерда, – дерди Нэнси. – Ҳозир ойнадан қараб турибди, сиз кетишингизни кутяпти. Адои тамом бўламан.

– Беҳуда гап! – деди отам. – Уйни беркит. Биз сени Рэйчел холаникига кузатиб кўямиз.

– Бефойда! – дерди Нэнси. Отамга у бошқа қарамасди, отам унинг узун қора беҳол кўлларига қарарди. – Чўзиб ўтиришдан нима фойда!

– Энди нима қилмоқчисан ўзи? – сўради отам.

– Билмадим, – деди Нэнси. – Нима ҳам қила олардим? Яна бироз чўзиш мумкин. Нима фойдаси бор! Афтидан, пешонамга шундай ёзилганга ўхшайди. Ёзилганини оламан.

– Нимани оласан? Сенга нима ёзилган? – сўради Кэдди.

– Булар ҳаммаси беҳуда, – деди отам. – Ҳаммаларингизга ухлайдиган вақт бўлди.

– Мен хохламадим, Кэдди мени мажбур қилди, – деди Жейсон.

– Рэйчел холангникига бор, – деди отам.

– Нима фойдаси бор! – деди Нэнси. У ўчоқ олдида тирсақларини тиззасига тираб, узун кўлларини тиззалари орасида осилтириб ўтирарди. – Ҳатто сизнинг ошхонангизда ўтирганимда ҳам, жоним омонда эмас. Мабодо, мен сизнинг болаларингиз билан бир хонада ётганимда ҳам, барибир эрталаб мени конимга беланган ҳолда топган бўлишарди ва ...

– Жим-м! – деди отам. – Эшикни ёп, чироқни ўчир ва ухлагани ёт.

– Мен қоронгидан кўрқаман, – деди Нэнси. – Мен бу иш қоронгида рўй беришини хохламайман.

– Нима, сен чироқни ёқиб тун бўйи ўтириб чикмоқчимисан? – сўради отам.

Шунда бирдан Нэнси ўчоқ олдида ўтириб, узун кўлларини тиззалари орасида осилтирганча, яна ўша товушни чиқара бошлади.

– Эй, куриб кетмайдими, – деди отам. – Қани, уйга жўнанглар, болалар! Ухлайдиган вақт бўлди.

– Сиз кетишингиз билан мени қуритишади, – деди Нэнси. – Эртага мен ўлган бўламан. Мен тобутимга пул топиб қўйганман, жаноб Лавледига топширганман...

Жаноб Лавледи негрлардан суғурта пули йиғиб юрадиган бўйи пастроқ, искирт бир одам эди, шанба кунлари эрталабдан у барча кулбаларни айланиб чиқар ва негрлар унга ўн беш центдан бадал топширишарди. У хотини билан кўнокхонада турарди. Бир куни эрталаб хотини

ўзини ўлдириб қўйди. Уларнинг битта қизчаси бор эди. Хотини ўзини ўлдириб қўйгандан кейин жаноб Лавледи боласини олиб кетиб қолди. Бироз вақтлардан сўнг у қайтиб келди. Шанба кунлари тонг чоғлари биз унинг тор кўчаларда айланиб юрганини кўрардик.

– Абас, – деди отам. – Эртага эртаминан сен ошхонамизга бор.

– Борганча борарман. Борганда нима кўрарман, ёлғиз худойимга аён.

VI

Биз Нэнсининг уйидан чиқдик; у ҳалиям ўчоқ олдида ўтирарди.

– Эшикни ёп, – деди отам, – тамбани қўй. – Нэнси қимирламади. У бизга боқмади. Биз кетдик, у ўчоқ олдида қолди; эшик ланг очик, чирок ёниб турарди.

– У нима дейди, ота? – сўради Кэдди. – Нима рўй бериши керак?

– Ҳеч нима, – деди отам. Жейсон унинг елкасида ўтирар, шунинг учун ҳаммамиздан баланд кўринарди. Биз жарга тушиб бордик; мен индамай ҳар ёққа аланг-жаланг қарардим. Лекин ой шуъласи соялар билан чаплашган ерларда ҳеч нарсани кўриб бўлмасди.

– Агар Иисус бу ерга беркиниб олган бўлса, у бизни кўриб турибди, тўғрими? – деди Кэдди.

– Бу ерда у йўк, – деди отам. – У аллақачон кетиб қолган.

– Сен мени мажбур қилдинг, – деди Жейсон ўзи ўтирган чўққидан; осмон саҳнида отамнинг иккита боши борга ўхшаб кўринар – бири кичкина, иккинчиси катта эди. – Мен эса бормайман дедим.

Биз сўқмоқдан юриб жардан чиқдик. Бу ердан ҳамон Нэнсининг эшиги ланг очик уйи кўриниб турарди, аммо Нэнсининг ўзи кўринмасди – балки ўчоқ олдида эшикни кенг очиб қўйиб ўтиргандир, чунки у кутавериб чарчаганди.

– Мен чарчадим, – деди у биз кетар пайтимиз орқамиздан. – Оҳ, жуда чарчадим. Мен бор-йўғи бир қора хотинман. Бу менинг айбим эмас.

Аммо ҳали унинг товуши эшитилиб турарди, нега деганда, биз нақ жардан чиққанимизда, у яна ўша товушни чиқара бошлади – товуш куйга ўхшаб-ўхшамасди.

– Энди кийимларимизни ким ювиб беради? – деб сўрадим мен.

– Мен қора эмасман, – деди Жейсон ўз чўққисида ўтириб, у отамнинг елкасида силкиниб борарди.

– Сен баттарроқсан, – деди Кэдди, – сен чақимчисан. Олдиндан бирон нарса чиқиб қолса, сен қорадан ҳам баттар кўрқардинг.

– Ҳечам-да, – деди Жейсон.

– Сен бўкириб йиғлаб юборардинг, – деди Кэдди.

– Кэдди! – деди отам.

– Ҳечам йиғламасдим, – деди Жейсон.

– Кўрқок! – деди Кэдди.

– Кэндейси! – деди отам.

(Давоми келгуси сонда)



Бернард ШОУ

(1856–1950)

ҚАЛЬЛАР ПАРЧАЛАНДИГАН ХОНАДОН

*Инглиз мавзусида русча услубда битилган уч
пардали хаёлий (фантастик) пьеса¹*

*Рус тилидан
Муҳаммад ХАЙРУЛЛАЕВ
таржимаси*

ИККИНЧИ ПАРДА

Менген уйқуга кетади. Элли секин ўрнидан туриб, чироқни ўчириб, боққа чиқиб кетади. Даҳлиз эшиги очилиб, у ердан сизиб кирган нур остида Энага пайдо бўлади.

ЭНАГА (орқасига ўгирилиб, кимгадир гапирди). Мистер Менген йўк бу ерда, жонгинам. Бу ерда ҳеч ким йўк. Ҳаммаёқ қоп-қоронғи, зимистон.

МИССИС ХЭШЕБАЙ (ташқаридан туриб). Бокқа қаранг. Биз мистер Дэн иккимиз менинг хонамда бўламиз. Олдимизга бошлаб келинг.

ЭНАГА. Хўп бўлади, жонгинам. (Қоронғида бог эшиги томон юради ва ухлаб ётган Менгенга қоқилиб кетади. Қичқариб) Вой, Худойим-эй! Қоронғида кўрмай қолибман. Бу ким ўзи? Вой, сизмидингиз, мистер Менген? Бирон ерингиз лат емадими? Буни қаранг-а, оёқларингизга йикилиб тушибман-а! (Унга яқинлашиб) Сизни қидириб юрувдим ўзи. Миссис Хэшебай сизни... (Унинг қимирламай ётганини кўриб). Вой, худойим! Ишқилиб, ўлдириб қўймаган бўлай! Сэр! Мистер Менген! Сэр! (Елкаларидан тутиб силкийди. Менген курсидан аганайди, Энага уни ушлаб қолиб, ёстиққа суяб ўтқзади.) Мисс Гесси! Мисс Гесси! Тезроқ бу ёққа келинг, ўргилай! Мисс Гесси!

Даҳлиздан Миссис Хэшебай билан Мадзини Дэн киришади.

Вой, миссис Гесси! Ўлдириб қўйганга ўхшайман!

Мадзини Менгеннинг атрофида айланиб чиқиб, Энаганинг тўғри гапирётганига амин бўлади.

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонда.

МАДЗИНИ. Ҳой, хотин, бу жинойтни содир этишингизга нима сабаб бўлди?

МИССИС ХЭШЕБАЙ (*хохолаб юборишдан ўзини тутиб, Энагага*)
Буни қасддан қилдим, демоқчимисан?

ЭНАГА. Наҳот шундай ишларга қодир бўлсам?! Қоронғида унга қокилиб, устига йикилиб тушдим, босиб қолдим. Вазним оғир-да. У эса бирон нарса демади, ҳатто силкитмагунимча қимир этмади. Кейин қарасам, полда ўлиб ётибди. Фалокат оёқ остида, деб шуни айтадилар-да!

МИССИС ХЭШЕБАЙ (*Энаганинг ёнидан ўтиб, Мадзинининг олдига боради, синчковлик билан Менгенга қарайди*). Бўлмаган гап! У тирик. Қаттиқ ухляпти, холос. Нафас олаётганини кўриб турибман.

ЭНАГА. Бўлмаса нега уйғонмаяпти?

МАДЗИНИ. Менген, азизим! (*Унинг қулоғига пуфлайди.*)

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Бу иш фойдасиз. (*Уни қаттиқ силкийди.*)
Мистер Менген, уйғонинг! Эшитаясизми?

Менген курсидан сирганиб туша бошлайди.

Вой, энага! Энага! Ағанаб тушяпти, ёрдам!

Энага ёрдамга шошади ва Мадзини билан бирга Менгенни кўтариб, курсига ётқизиб қўйишади.

ЭНАГА (*курси ортида туриб, Менгеннинг устига эгилиб, ҳидлаб кўради.*) Балки мастдир, сен нима дейсан, жонгинам?

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Эҳтимол, дадамнинг ромидан ичиб олгандир?

МАДЗИНИ. Йўқ, бўлиши мумкин эмас. У бунақа одам эмас. Эшитишимча, бир вақтлар яхшигина ичган экан. Ҳозир эса спиртли ичимликларни мутлақо оғзига олмайди. Миссис Хэшебай, биласизми, назаримда, у гипноз таъсирида ётибди.

ЭНАГА. Гипноз? Ким уни гипноз қила қолди?

МАДЗИНИ. Бир куни биз гипноз сеансида қатнашиб, уйга қайтганимиздан кейин болалар “гипноз-гипноз” ўйинини бошлаб юборишди. Ана шунда Элли секин-аста бошимни силади. Тасаввур қилинг-а, қаттиқ уйкуга кетибман. Ҳатто ўн саккиз соатдан кейин мутахассисни чақиришга мажбур бўлишибди. Қизиғи шундаки, болалар мени юкорига, ётоқхонамга чиқариб ётқизмоқчи бўлишибди-ю, қўлларидан тушириб юборишибди. Мен бечора зинанинг бошидан охиригача думалаб кетибман. Аммо шунда ҳам уйғонмабман.

Миссис Хэшебай кулгидан ўзини аранг тўхтатиб туради.

Ҳа, сизларга кулгили, албатта, миссис Хэшебай, мен эса асфаласофилинга равона бўлишим ҳеч гап эмасди.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Барибир жудаям кулгили экан. Сиз ўлиб қолганингизда ҳам ўзимни кулгидан тўхта олмасдим, мистер Дэн. Демак, мистер Менгенни Элли гипноз қилиб қўйган экан-да! Ана сизга қизик хангома!

МАДЗИНИ. Йўқ, йўқ. Ўша воқеа қизим учун даҳшатли сабоқ бўлган. У бошқа ҳеч қачон бунга журъат қилолмаса керак, деб ўйлайман.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Унда ким қилган? Масалан, менинг ишим эмас бу.

МАДЗИНИ. Балки капитан ўзи сезмаган ҳолда шундай қилиб қўйгандир. Ахир, унинг магнитлари кучли. У менга яқинлашгудек бўлса, танамда титроқ пайдо бўлади.

ЭНАГА. Ҳарқалай, уни капитан уйғота олади. Буни менга қўйиб беринглар. Ҳозир бориб, чақириб келаман. (*Эшик томон юради.*)

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Озгина сабр қилиб тур. (*Мадзинига*) Ўн саккиз соат бемалол ухлаши мумкин, дедингизми?

МАДЗИНИ. Ўн саккиз соат ухлаган бу – мен.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Шундан кейин сизга бирон нарса бўлиб, тобингиз қочиб қолмадими?

МАДЗИНИ. Негадир эсимда йўқ. Улар менга бренди ичиришди, биласизми...

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Жуда соз. Ҳарқалай, тирик қолибсиз-ку. Энага, бор, мисс Дэндан илтимос қил, ёнимизга келсин. Миссис Хэшебайнинг сизда зарур гапи бор экан, деб айт. Ҳозир Мистер Хэшебай билан бирга бўлса ажабмас.

ОҚСОЧ АЁЛ. Менимча, жонгинам, мистер Хэшебай мисс Эдди билан бирга юрибди. Қидириб топаман, олдингизга юбораман. (*Боққа чиқиб кетади.*)

МИССИС ХЭШЕБАЙ (*қурсида ётган Менгенга ишора қилиб*). Қаранг, мистер Дэн. Йўқ, яхшилаб қаранг. Сиз ҳали ҳам қизингизни мана шу поллиз қўриқчисига қурбон қилиш ниятидамисиз?

МАДЗИНИ (*хижолат чекиб*). Миссис Хэшебай, сизнинг гапларингиздан кейин бутун борлигим ағдар-тўнтар бўлиб кетди... Кимда-ким мени – озодликнинг туғма аскарини, шундай дейиш жоиз бўлса, кизим Эллини кимга ёки нимагадир қурбон қилиши ёки ҳис-туйғуларини поймол этиши мумкин деб ўйласа, ўша одам қаттиқ хато қилган бўлади.

МИССИС ХЭШЕБАЙ (*бирмунча лоқайдлик билан*). Кечиринг.

МАДЗИНИ (*ҳамон ухлаб ётган Менгенга маъюс нигоҳ ташлаб олиб*). Миссис Хэшебай, бу бечора Менгенда нима хусуматингиз бор? Фикримча, у яхши одам. Мен унга ўрганиб, меҳр қўйганим рост.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Наҳот сизда юрак, қалб деган нарсалар бўлмаса? Мана бу ҳайвонга қаранг. Унинг панжаларида навнихол қизингиз қай аҳволга тушишини бир тасаввур қилиб кўринг-а... Бир умр қанчадан-қанча бесўнақай, бебош ишчиларни бўйсундириб, мол-дунё тўплаш илинжида қора терга ботишга мажбур қилаётган қулдор-ку бу! Сизнингча, у саноат капитани, шундайми? Наҳот бечора фарзандингизни шу қўлларга топширишга қодир бўлсангиз?! Қизингиз серҳашам қошонада дуру гавҳарларга кўмилиб яшаши, нақадар бадавлат эканини бошқалар кўриши учун қияпсизми, шу ишларни?

МАДЗИНИ (*унга ҳайрат билан қарайди*). Азизим Хэшебай, худо хайрингизни берсин, айтинг-чи, ишбилармонлар ҳаёти ҳақидаги бунақа ҳаёлий тасаввур сизда қаёқдан пайдо бўлган? Бечора Менген ундай одам эмас.

МИССИС ХЭШЕБАЙ (*нафратланиб*). Бечора Менген! Ростдан ҳам!

МАДЗИНИ. Биласизми, машиналарга мутлақо ақли етмайди. Ишчиларга ҳатто яқин боролмайди. Шу боис уларни бошқаролмаса керак. Ходимлардан кўрқади. Мен уни ишлаб чиқариш билан ҳеч қачон кизиқтира олмаганман. Бу масалада у сиздан кўп нарса билмайди. Одамларнинг Менген ҳақидаги фикрлари мутлақо нотўғри. Менгеннинг иш услуби кўполрок, шунинг учунми, кўпчилик уни дағал, зўравон, деб ўйлайди.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Жажжигина, бечора Эллини ўзига қарам қилиб олишга Менгеннинг кучи етмайди, деб мени ишонтирмоқчи бўляпсизми?

МАДЗИНИ. Никоҳнинг келажигини аввалдан айтиш қийин, албатта. Лекин шахсан мен, Менгеннинг Эллидан устун бўлиш учун ҳеч қандай имконияти йўқ, деб ўйлайман. Элли иродали қиз. Мен унда болалигиданок Шекспирга муҳаббат уйғотишга муваффақ бўлганман. Ундаги бу хусусият шундан бўлса керак.

МИССИС ХЭШЕБАЙ (*менсимагандек бўлиб*). Шекспир! Энди Менгендан кўпроқ пул тополаман, дейишингиз қолди. (*Ғоят асабийлашган ҳолда диваннинг чап ёнига бориб ўтиради.*)

МАДЗИНИ (*унинг орқасидан юради ва диваннинг иккинчи томонига ўтиради*). Йўқ, бунга қодир эмасман. Кўриб турганингиздек, унчалик хохишим ҳам йўқ. Шухратпараст ҳам эмасман. Менген эса пул масаласида бошқача. Пулдан бошқа ҳеч нарсани ўйламайди. Энг ёмони шундаки, у бечора пуллари нимага сарфлашни, ҳатто ёш бола сингари нима еб, нима ичишни ҳам билмайди. Мана оқибати, жигарини оғритиб олган. Элли уни вақтида овқатланиб, парҳез сақлашга мажбур этади. Уни яқиндан билиб олсангиз, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Сизни ишонтириб айтаманки, Менген – дунёдаги энг нотавон одам. Шу боис унга ачиниб, меҳрибонлик қиласиз.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Айтинг-чи, бўлмаса, у кишининг корхоналарини ким бошқаради?

МАДЗИНИ. Мен ва менга ўхшаган кишилар.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Сиз ҳаммангиз у кишига нисбатан ақллироқ экансиз, нега унга қарам бўлиб қолгансиз?

МАДЗИНИ. Биз усиз хароб бўламиз. Бирор йил ўтар-ўтмас барча ишларни барбод қиламиз. Мен буни синаб кўрганман. Биламан. Биз ҳар хил ишларга, масалан, маҳсулот сифатини оширишга керагидан ортиқча мояна сарфлаб юборган бўлардик. Оқибатда бу ишларнинг бари биз учун жуда қимматга тушарди. Ишчилар билан муносабатда ҳам шундай: баъзи масалаларда уларга ён босган бўлардик. Менген эса барчамизни бир меъёрда ушлаб туради. Ҳар бир ортиқча пенни учун дакки эшитамиз. Биласизми, у арзимаган олти пенни тежаб қолиш учун тун бўйи ўйлашиб ўтиришга қодир. Элли эса бутун оилавий хўжалик ишларини ихтиёрига олиб, Менгенга буйруғини ўтказарди.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Демак, бу нотавон муттахам ҳатто саноат капитани сифатида ҳам бориб турган фирибгар экан-да?

МАДЗИНИ. Саноат капитанларимизнинг бари, сиз айтгандек, фирибгар бўлмаса керак, миссис Хэшебай! Тўғри, айтаётган гапини мулоҳаза қиладиган фабрикачилар ҳам бор, албатта. Лекин улар Менген сингари катта даромадга эга бўлолмайди. Сизни ишонтириб айтаманки, Менген – яхши одам. Жуда хокисор.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Билмадим, кўримсиз одам экан. Бунинг устига ёши ҳам ўтиб қолган.

МАДЗИНИ. Мен сизга айтсам, миссис Хэшебай, ҳеч қандай эркак узок вақт ёш бўлиб қололмайди. Бундан ташқари, ҳозирги замонда йигитлар эрта уйланоламайди ҳам.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Ана, кўряпсизми, агар мен шундай деганимда зукколик бўлиб туюларди. Сизда эса бунинг акси. Сизга нимадир етишмайди. Нима учун ҳурмат ва ишонч қозона олмайсиз?

МАДЗИНИ (*тавозе билан*). Назаримда, гап менинг камбағаллигим-да. Бу оила учун нақадар оғир эканини тасаввур қилолмайсиз. Йўқ, бирон марта нолишган, дея олмайман. Улар мени қаттиқ ҳурмат қилишади, камбағаллигим билан фахрланишади. Ҳатто ҳазиллашиб жиғимга теккан бўлишади. Лекин хотинимга қийин. Барига бардош бериб келяпти.

Миссис Хэшебай беихтиёр бир сесканиб қўяди.

Мана шунақа гаплар, миссис Хэшебай. Хуллас, Элли ҳам шундай кунга тушиб қолмасин, дейман.

Боз эшиги олдида Элли пайдо бўлади, руҳи сўнган.

МИССИС ХЭШЕБАЙ (*ўрнидан туриб*). Мана, ниҳоят – Элли.

ЭЛЛИ (*остонада тўхтаб*). Гинесс мени кўрмоқчи бўлганингизни айтган эди.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Сизни узоқ кутишимизга тўғри келди... Ҳа, майли. Отангиз жуда ажойиб одам экан. (*Мадзинининг сочини енгилгина силаб қўяди.*) Бировга ёқиб қолиш учун астойдил ҳаракат қилганимда, менга чидай олган ягона киши – сизнинг отангиз. (*Менгеннинг чап томонидаги катта курсига яқинлашиб.*) Бу ёққа келинг. Мен сизга бир нарса кўрсатмоқчиман.

Элли курсига яқин боради. Миссис Хэшебай Менгенга ишора қилади.

Кўриб қўйинг!

ЭЛЛИ (*Менгенга бепарқ қараб олиб.*) Биламан. Ухлаб ётибди. Тушликдан сўнг гаплашиб ўтирган эдик. Бир маҳал гап орасида ухлади-қолди.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Ўзингиз ухлатиб қўйдингизми, Элли?

МАДЗИНИ (*ўрнидан сапчиб туриб, уларнинг олдида келади*). Сен ухлатиб қўймаган бўлсанг керак. Ёки чиндан ҳам сенинг ишингми бу?

ЭЛЛИ. Унинг ўзи илтимос қилган эди.

МАДЗИНИ. Бу ўта хавфли-ку! Қай аҳволга тушганим эсингизми?

ЭЛЛИ (*мутлақо бепарволик билан*). Уни ўзим уйғота олсам керак, деб ўйлайман. Мен бўлмасам, бошқа бирор.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Ҳозир бунинг аҳамияти йўқ, чунки Менгенга турмушга чиқишингиз бемаънилик эканига отангизни ниҳоят ишонтира олдим.

ЭЛЛИ (*жаҳл билан*). Нима учун бундай қилдингиз? Мен унга турмушга чиқишни хоҳлайман. Қатъий қарорим шу!

МАДЗИНИ. Элли, бунга ишончинг комилми? Миссис Хэшебай бу ишни калта ўйлаганимга мени ишонтирди.

ЭЛЛИ. Дада, агар миссис Хэшебай қачонлардир бошқа хаёл билан юрганимни сизга тушунтирмоқчи бўлса, қулоғингизни беркитиб, кўзларингизни юмиб олинг. Гесиона мен ҳақимда ҳеч нарса билмайди, ҳеч қачон билолмайди ҳам. Дада, буни қанчалик хоҳламай, фаровон турмушим учун зарур бўлмаган ишни ҳеч қачон қилмайман, деб сўз бераман.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Мен бир нарсани мутлақо тушунмаяпман: ҳаётингизни мана шу полиз кўриқчиси билан боғлаб, Гекторга хотин бўлолмаганингиздан тасалли топа олармикансиз?

ЭЛЛИ. Мен ҳозир эрталабки мулойимгина қизча эмасман, лекин сиз буни тушунмаяпсиз.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Йўқ, тушунаман. Чунки миянғизга, ярамас бир иш қилиш керак, деган бўлмағур фикр ўрнашиб қолган.

ЭЛЛИ. Йўқ, Гесиона, бу менинг хаёлимга ҳам келмаган. Лекин тилка-

пора бўлган юрагимни тинчлантириш учун нимадир қилишим керак-ку?!

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Кўйинг-э! Бари ўтиб кетади. Юрагингиз ҳам бутунлигича қолади.

ЭЛЛИ (*ўрнидан туради ва Менгеннинг тегасига бориб, унга назар солади*). Гесиона, бу хусусда ташвиш тортмасангиз ҳам бўлади. Босс Менгенга кўпроқ нарса беришим мумкин. У эмас, мен уни сотиб оламан. Қиммат баҳода. Аёллар бу каби ишларда эркакларга қараганда яхшироқ фикрлашади. Босс Менгеннинг хотини сифатида кўп нарсаларни амалга оширишим мумкин. Аминманки, бунга ўнта босс Менген ҳам қаршилик кўрсатишга ожиз. (*Менгеннинг танасига энгашади.*) Ростдан ҳам қаршилик кўрсатишмайди, тўғрими, босс? Ишончим комилки, йўқ. (*Чизмакашлик столи олдига бориб, энгашади ва деразага қарайди.*) Ҳарқалай, бир умр кўлқопларим қишга чидармикан, деган ўй билан яшамайман-ку?

МИСС ХЭШЕБАЙ (*улузворлик билан ўрнидан туриб*). Элли! Сиз жуссангиз кичик бўлса-да, ифлос ва разил ҳайвон экансиз. Мен эса сизни асраб қолиш учун шу даражага бордимки, ҳатто бу жирканч махлукни ўзимга ром қилмоқчи бўлдим. Яна шуни маълум қилишга ижозат бергайсиз: мабодо сиз бу жирканч никоҳга розилик берсангиз, Гекторни ҳеч қачон кўрмайсиз. Гапимга ишонаверинг.

ЭЛЛИ (*унинг гапига эътибор бермай*). Мен эса Менгенни, агар менга уйланмайдиган бўлса, сизни ҳеч қачон кўролмайди, деб огоҳлантириб кўйдим. (*Ўрнидан туриб, столнинг бир чеккасига бориб ўтиради.*)

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Сиз... сиз...

ЭЛЛИ. Мана, кўриб турибсизки, дўқ-пўписангиз мен учун кутилмаган ҳол эмас. Яна нима дейиш мумкин. Ҳаракат қилиб кўринг. Мен Маркни хонаки ит эмас, одам қилган бўлардим.

МИССИС ХЭШЕБАЙ (*чатнаб кетади*). Бу нима деганингиз?!

ЭЛЛИ (*дўқ қилгандек бўлиб*). Унга мен ҳақимда ўйлашга имкон беринг-а, кўрамиз нима бўлишини.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Йўқ, мен ҳаётимда бунақа сурбет махлукни ҳеч қачон кўрмаганман. Гектор, маълум бир чегара бор, ундан кейин қонунқоидани менсимайдиган кишиларга нисбатан ягона чора, бу – унинг башарасига тушириш, деган эди. Мен ҳам шундай қилсам-чи?

ЭЛЛИ. Сочларингизни чангаллаб олган бўлардим.

МИССИС ХЭШЕБАЙ (*истеҳзо билан*). Мен эса буни писанд қилмайман. Чунки... кечаси ечиб кўяман.

ЭЛЛИ (*гоят таажжубланиб, унга яқинлашади*). Йўғ-э, бўлиши мумкин эмас, Гесиона. Бунақа ажойиб сочининг сунъий бўлишига ишонмайман.

МИССИС ХЭШЕБАЙ (*сочини силаб*). Фақат Гекторга айта кўрманг. У табиий деб ўйлайди.

ЭЛЛИ. О, уни мафтун этган сочларингиз ҳам, бошқа нарсаларингиз ҳам – ҳаммаси сунъий!

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Қани, тортиб кўринг-чи. Шундай аёллар борки, эркакларни ўз сочлари билан тузукқа туширишади. Мен эса болаларимни шу сочларимда аллалайман. Сиз, тилла соч мисс, бундай қилолмайсиз.

ЭЛЛИ (*шаитидан тушиб*). Йўқ, қилолмайман. Менинг Маркдан туғилажак чақалоқларимни сиз ўғирлагансиз.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Жонгинам, мен ҳозир йиғлаб юборишим мум-

кин. Биласизми, уни хонаки итга айлантирганим тўғрисидаги гапингизда қисман жон бор. Лекин дунёдаги биронта аёл буни кечира олармиди?

ЭЛЛИ. Хўш, уни бутунлай ўзингизники қилиб олишга нима ҳаққингиз бор? *(Ҳаяжонини босиб олиб.)* Хўп, етар, сизнинг ҳеч қандай айбингиз йўқ. Ҳеч ким айбдор эмас. У ҳам айбдор эмас. Бас, менга бошқа гапирманг. Ортиқ чидолмайман. Яхшиси, келинг, ана у ажинани уйғотайлик. *(Менгеннинг бошини энди тескари томонга қараб силайди.)* Уйғонинг, эшитяпсизми? Кўзингизни очинг. Ҳозирок уйғонишингиз лозим. Уйғонинг. Уйғонинг. Уй...

МЕНГЕН *(сапчиб туриб кетади ва дарғазаб бўлиб, уларга ташланади.)* Уйғонингмиш! Нима, мени ухлаб ётибди, деб ўйладингизми? *(Стулни оёғи билан бир чеккага суриб, миссис Хэшебай билан Эллинг ўртасига туриб олади.)* Мени сизлар тарашадек қотириб қўйдингиз: на кўлларимни, на оёқларимни қимирлата олдим. Мени тириклай кўмиб юборишларингиз ҳам мумкин. Яхшиямки, иш бу даражага етмаган. Сизлар эса мени, шунчаки ухлаб ётибди, деб ўйлагансизлар. Мени қайта-қайта силтаб оёққа турғазмоқчи бўлганингизда полга йиқилиб тушишим, бурнимни пачақ қилиб, бир умр пучуқ бўлиб юришим мумкин эди. Энди, мана, сизларнинг ким эканингизни авра-астаригача билиб олдим. Сизлар қандай одамсиз, мен қаерга келиб қолдим, ҳамма-ҳаммасини билиб турибман. *(Эллига)* Барча сўзларингизни аниқ эшитдим. Отангизнинг сўзларини ҳам, *(миссис Хэшебайга)* сизникини ҳам. Демак, мен полиз кўриқчисиман, ажинаман! Мен ярамасман! Ҳатто нима еб, нима ичишни билмайдиган тентакман! Модомики, агар мен ишчиларга мояна олиш имкониятини бермаганимда, бари очдан ўлган бўларди. Лекин ростини айтсам, улардан кўрқаман. Мен... фақат устомон аёлларга, шунингдек, кўл остидаги калтафаҳм иш бошқарувчиларга ем бўлишгагина ярайдиган қари, қабих, зикна одамман. Мен...

МИССИС ХЭШЕБАЙ *(назокат билан)*. Шошманг... шошманг... Мистер Менген, сизнинг обрўйингиз гўё уйқу пайти эшитган барча гапларни хотирангиздан чиқариб ташлашни тақозо этади. У гапларнинг бари сизни эшитсин деб айтилмаган.

МЕНГЕН. Ухлаганга солиб ётганмишман! Наҳот шунча тухмату ҳақоратларни эшитиб, жимгина ётаверсам? Ўрнимдан туриб, сизлар ҳақингизда қандай фикрда эканимни айта олганимда эди! Ёрилиб кетмаганимга ҳайронман.

Чап томондаги эшикдан смокинг кийган Рэнделл, ўнг томондаги эшикдан миссис Хэшебай киради ва чап қўли билан Гекторни, ўнг қўли билан леди Эттеруордни бўйнидан қучиб, диван томонга тортади.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Альф, улар менга ишонишмади.

Ҳамма қизиқиши билан Менгенга қарайди.

МЕНГЕН. Балки мени ҳайвонот боғидаги янги махлук сингари томоша қилгани яна бирон киши топилиб қолар.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Сиз ростдан ҳам янгича ҳайвонсиз.

Менген унга жавоб беришга улгурмасдан тепадан оғир бир нарсанинг ағанаб тушган товуши, сўнг ўқ овози ва кимнингдир қичқиргани эшитилади.

МАДЗИНИНИНГ ОВОЗИ. Бу ёққа келинглари!.. Ўғри!.. Ёрдам беринглари!

ГЕКТОР. Ўғри!

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Йўқ-йўқ, Гектор. Ўлдириб қўйиши мумкин!

Гектор отилиб тепага чиқиб кетади.

КАПИТАН ШОТОВЕР (*хуштагини чалиб*). Ҳамма тепага кўтарилсин!
(*Гекторнинг ортидан чиқиб кетади.*)

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Менинг олмосларим! (*Капитаннинг орқасидан чиқади.*)

РЭНДЕЛЛ (*унга эргашиб*). Йўқ, Ариадна, мен борай...

ЭЛЛИ. Дадамни ўлдириб қўйишган бўлса-я! (*Чопиб чиқиб кетади.*)

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Кўрқиб қолдингизми?

МЕНГЕН. Йўқ. Худога шукрки, бу менинг уйим эмас.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Ўғрини тутишса, балки судда гувоҳ бўлишингизга тўғри келар. Унда бизнинг шахсий ҳаётимизга доир турли саволлар беришлари мумкин.

МЕНГЕН. Фақат у ерда ҳақиқатни айта кўрманг, барибир ишонишмайди.

Даҳлиздан гоят ҳаяжонланган Мадзини дуэлларда қўлланиладиган каттакон, қўпол тўппончани кўтариб кириб келади ва чизмачилик столнинг олдига боради.

МАДЗИНИ. Уни нариги дунёга жўнатишимга сал қолди-я! (*Тўппончани столга қўяди.*) Уни ростданам ўлдирмоқчи бўлганимга ишонмасиз деган умиддаман, ардоқли миссис Хэшебай.

Кекса, юпун бир кишини гирибонидан ушлаб Гектор пайдо бўлади ва уни ўртага тургазиб қўяди. Уларнинг кетидан Элли кўриниши беради ва отасининг ёнига бориб, уни қучоқлайди. Темир косов кўтариб Рэнделл киради.

РЭНДЕЛЛ. Менген, эшик олдида сергак бўлиб туринг. Мен нариги эшикни кўриқлайман. (*Ўнг томондаги эшик олдига бориб туради.*)

Леди Эттеруорд киради ва миссис Хэшебай билан Менгеннинг ўртасига келиб туради. Ундан кейин Энага кириб, Менгеннинг чап томонига ўтиб тўхтади.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Қани, нима бўлди?

МАДЗИНИ. Хизматкорингиз, кимдир тепага чиқиб кетди, деб (*столда турган тўппончага ишора қилиб*) ана у қуролни қўлимга тутқазди. Мен ўғрини шунчаки пўписа қилиб кўрқитмоқчи эдим, аммо уни қўлимга олишим билан ўз-ўзидан отилиб кетди.

ЎҒРИ. Ҳа, қулоғимни яралади. Яхшиямки, ўқ пешанамга келиб кадалмади. Қўлингиз тегиши билан ванғиллаб отилиб кетадиган бу дардисарнинг ўрнига ҳақиқий револьвер олсангиз бўлмайдимиз?

ГЕКТОР. Кечирасиз, бу менинг дулда ишлатадиган тўппончаларимдан бири.

МАДЗИНИ. У шу заҳоти қўлларини кўтариб, таслим бўлди, чунки барча қоидаларга мувофиқ қўлга олдингиз, дея тан берди.

ЎҒРИ. Худди шундай бўлди. Полицияни чақираверинглар.

ГЕКТОР. Йўқ, онт ичиб айтаманки, қоидага мувофиқ эмас бу, чунки бир кишига қарши – тўрт одам.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Уни нима қилишади?

ЎҒРИ. Ўн йил. Тўғридан-тўғри бир кишилик камерага тикиб қўйишади. Ҳаётимнинг ўн йили чиппакка чиқиб кетди, деяверинг. Мен энди шунча йил қамоқда ўтира олмайман, чунки қариб қолдим. Йўқ, бу мен учун айнан гўр.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Нега бу ҳақда олмосларим пайида бўлишдан олдин ўйламадингиз?

ЎҒРИ. Леди, ахир, қайтариб олдингиз-ку уларни. Лекин сиз ўн йиллик умримни қайтариб бера оласизми?

МИССИ ХЭШЕБАЙ. Йўқ, бир неча олмос учун бир одамни тириклай кўмиш адолатдан эмас.

ЎҒРИ. Ўн дона ялтироқ тошчалар учун ўн йиллик жаҳаннам!

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Жиноий ишлар бўйича судда кечадиган машмашаларга дош бериш... Бунинг устига оилавий можароларингиз газеталарда босиб чиқарилади. (*Ўзрига қараб*) Гастингс сизни яхшилаб калтаклаб, кўчага отишни буюрса, ҳеч нарса демаган бўлардим. Аммо бу ерда, Англияда... мутлақо ҳимоясиз...

ЎҒРИ. Леди, мен калтакланишга ярамайман, жуда кексаман. Полицияга одам жўнатишлар, тамом-вассалом. Мана шуниси адолатдан бўлар эди.

РЭНДЕЛЛ (*унинг ишни тинч-тотув йўл билан ҳал қилиш ниятида эканини сезиб, олдинга чиқади*). Оғайни, энди уйғонган виждонингизни енгиллаштириш учун судда кечадиган баъзи кўнгилсизликларга ҳушимиз йўқ. Яхшиси, ҳозирча шундай имконият бор экан, туёғингизни шиқиллатиб қолинг.

ЎҒРИ (*қатъий*). Йўқ, гуноҳимни ювишим керак. Қолган умримни тавба-тазарру қилиб, қоронғи зиндонда ўтказишга имкон беринглар. Мукофотни арши аълода олавераман.

МЕНГЕН. Бу хонадонда ҳатто ўғрилар ҳам ўзларини ўғридек тутишмайди.

ГЕКТОР. Ҳой, илтифотли одам, гуноҳларингизни ювиш учун бошқа бировлардан фойдаланарсиз, бизни эса тинч қўйинг. Сизни қонун қўлига топшириш ниятимиз йўқ.

ЎҒРИ. Шунақами?

ГЕКТОР. Ҳа, шунақа.

ЎҒРИ. Жуда соз. Мен ўзим полиция идорасига бориб, айбимга иқроп бўламан. (*Қатъият билан эшик томон юради.*)

ГЕКТОР (*унинг йўлини тўсиб*). Йўқ, бундай қилмайсиз.

РЭНДЕЛЛ. Бас, аҳмоқлик қилманг.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Майнавозчиликни йиғиштиринг! Нима, уйингизда ўтириб пушаймон қилсангиз бўлмайдими?

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Айтганимизни қилинг.

ЎҒРИ. Демак, жиноятни яширмакчисиз. Шундайми?

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Ахир, бу ўта кетган бемаънилик-ку. Биз таъқиб қилишни истамаяпмиз, ким бунга бизни мажбур қила олади?

МАДЗИНИ (*ишонч билан*). Етар, бас! Истасангиз, жиноятингизни ўз фойдангизга ўгиришни ўргатиб кўяман. Масалан, шу ерда чилангар бўлиб қолишингиз мумкин. Ахир, ҳар қандай қулфни очиш бўйича устаси фарангсиз.

ЎҒРИ. Бу гапингиз тўғри, сэр. Лекин чилангар бўлиш учун энг камийигирма фунт пулим бўлиши керак.

РЭНДЕЛЛ. Сиз учун йигирма фунт ўғирлаш нима деган гап? Яқин-ўртадаги банкка бориб келсангиз, бас.

ЎҒРИ (*даҳшатга тушиб*). Сиздек жентльменнинг гуноҳ ботқоғидан чиқмоқчи бўлган бечора жиноятчига бунақа маслаҳат бергани нима-

си? Уялинг-э! Худо ўзи кечирсин сизни. (*Курсига ўтириб, гўё ибодат қилаётгандек, қўллари билан юзини беркитиб олади.*)

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Рэнделл, ростдан ҳам, гапингизни тушунмадим!

ГЕКТОР. Кутилмаганда тавба қилаётган бу гуноҳкор фойдасига пул йиғиб берсак, деган фикрдаман.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Йигирма фунт, буни қаранг-а!

ЎҒРИ (*юзини очиб*). Леди, зарур ускуналар сотиб олишимга тўғри келади.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Бемаъни гап, ўзингизнинг ўғрилиқда асқотадиган ускуналарингиз бор.

ЎҒРИ. Бурғи, фомка, ацетилин лампа ва қулф очадиган мослама. Бор-йўғи шу. Булар билан кўп иш қилиб бўлмайди. Менга темирчилик устахонаси, темирчилик печи ва бошқа ускуналар керак бўлади.

ГЕКТОР. Йигирма фунтнинг ўзи йўқ бизда.

ЎҒРИ (*энди, ҳозирги ҳолатда ўзининг устунлигини ҳис этиб*). Ўзаро бирикиб, тўпласаларингиз бўлади-ку.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Гектор, бир фунт бергин-да, хайдаб чиқар уни.

ГЕКТОР (*унга бир фунт узатиб*). Мана. Энди жўна бу ердан!

ЎҒРИ (*ўрнидан туриб, пулни олади*). Мен сизларга ҳеч нарса ваъда қилолмайман. Менимча, сизларда кўпроқ пул бўлиши керак.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД (*шиддат билан*). Яхшиси, келинлар, уни тегишли жойга жўнатайлик-да, бу ишни бас қилайлик. Менда ҳам виждон бор. Ўжарлик қилиб, савдолашиб турганини қаранг. Умуман, уни шундайлигича жўнатиб юборишга ҳақли эмасмиз, деб ўйлайман.

ЎҒРИ (*шошиб*). Хўп, леди, хўп. Сизларга ёмонлик қилиш ниятим йўқ. Хайр, леди ва жентльментлар. Ғоят миннатдорман. (*Тезроқ чиқиб кетишга шошади. Аммо эшик олдига етганида капитан Шотоверга рўпара бўлади.*)

КАПИТАН ШОТОВЕР (*бир нафас қараб туриб*). Бу нимаси тагин? Нима бало, сизлар иккитамисизлар?

ЎҒРИ (*капитаннинг олдига тиз чўкиб, қўрқувдан титраб*). О, худо, нима қилиб қўйдим! Капитан Шотовер, наҳот мен ўғриликка сизнинг уйингизга кирган бўлсам?

Капитан Шотовер уни гирибонидан тутиб, ўрнидан тургазади ва хонанинг ўртасига олиб боради. Гектор орқага ўтиб, миссис Хэшебайнинг ёнига бориб туради.

КАПИТАН ШОТОВЕР (*ўғрини Эллига қаратади*). Бу сенинг кизингми? (*Уни қўйиб юборади.*)

ЎҒРИ. Мен қаёқдан билай, капитан? Сиз билан биз қандай яшаганимизни ўзингиз биласиз-ку. Дунёнинг қайси чеккасида бўлмасин, шу ёшдаги хар қандай қиз менинг қизим бўлиши мумкин.

КАПИТАН ШОТОВЕР (*Мадзинига қараб*). Сиз Билли Дэн эмассиз. Мана бу одам – Билли Дэн. Сиз мени алдаб келдингиз-а?

ЎҒРИ (*газабнок бўлиб*). Сиз менинг номимдан фойдаланганмидингиз?! Бу ҳам етмагандек, манглайимга ўқ қадамоқчи бўлдингизми? Демак, агар шундай дейиш жоиз бўлса, ўз-ўзингизни овлаган экансиз-да?

МАДЗИНИ. Азиз капитан Шотовер, мен хонадонингизга қадам қўйганимдан буён сизни ўзимнинг мистер Вильям Дэн эмас, Мадзини Дэн, яъни бошқа одам эканимга ишонтиришга ҳаракат қилиб келдим.

ЎҒРИ. У авлодимизнинг бошқа бўғинидан бўлади. Бизнинг авлодимиз икки бўғиндан иборат: бири олимлар авлоди, иккинчиси – ичкиликбозлар. Мен ана шу иккинчи тоифага мансубман. У эса мияси билан иш қиладиганлардан. Лекин, бу, мени отиб ташлаши мумкин, дегани эмас.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Демак, сен ўғри бўлиб қолгансан?

ЎҒРИ. Йўқ, капитан. Мен денгизчилар шаънига доғ тушишига йўл қўймайман. Мен ўғри эмасман.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Бўлмаса, олмосларимни нима қилдингиз?

КАПИТАН ШОТОВЕР. Ўғри бўлмасанг, нимага бировнинг уйига кирасан?

РЭНДЕЛЛ. Нима, ўз уйим, деб ўйлаганмидинг?

ЎҒРИ. Энди ёлғон гапиришимга ҳожат қолмади. Мен ҳар қандай капитанни лақиллатишим мумкин, фақат капитан Шотоверни эмас. Чунки у Занзибарда иблисларга сотилган, ер тагидан сув чиқаришга қодир бўлган, тилла қаердалигини биладиган, бировнинг юрагига яширинган ҳақиқатни кўра биладиган одам. Фақат мен ўғри эмасман.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Ҳалол одаммисан?

ЎҒРИ. Капитан, ўзингиз яхши биласиз, мен ҳеч қачон ўзимга яқин кишиларга нисбатан яхшироқ бўлишга интилган эмасман. Менинг машғулотим эса гуноҳдан холи, ҳатто худога ҳам мақбул бўладиган иш. Мен аввал яхши одамларнинг қаерда яшашини билиб оламан-да, ҳозиргидек иш тутаман. Уйга кириб, бир нечта қошиқ ёки олмосми, бошқа нарсами, чўнтагимга солиб қўяман-да, шовқин кўтараман, осонгина ушлаб олишларига имкон бераман, сўнг худди ҳозиргидек пул йиғиб оламан. Ўзингни ўзинг тутиб бериш қанчалик қийинлигини тасаввур қилолмайсиз. Бир сафар битта хонадонда анча стул синдиришимга тўғри келди. Лекин, қани энди, бирон тирик жон уйғонса. Хуллас, қуруқ чиқиб кетишга мажбур бўлдим.

РЭНДЕЛЛ. Шундай ҳолларда қошиқ ё олмосларни қайта жойига қўясизми?

ЎҒРИ. Нима десам экан... Яратганнинг амрига қарши боролмайман.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Гинесс, сиз бу одамни танийсизми?

ЭНАГА. Нега танимас эканман. Бу одамхўр золим менинг эрим эди.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Йўғ-э?

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Гинесс!!!

ЎҒРИ. Қонуний никоҳдан ўтмаганмиз. Бунақа хотинларим кўп бўлган. Тухматнинг нима кераги бор?

КАПИТАН ШОТОВЕР. Омборга қамаб қўйинглар. *(Уни ўз ёшига мос келмайдиган зарб билан итариб юборади.)*

ЭНАГА. Ошхонага, демокчимисиз? Бу гўрсўхтани у ерга қўйишмайди. Оқсоч аёл ҳар қанақа ўғрию қаланғи-қасанғилар билан ҳамсуҳбат бўлишни истармиди?

КАПИТАН ШОТОВЕР. Қуруқликдаги ўғрими, денгиздаги ўғрими – бари бир гўр. Уни бу ерда кўришга кўзим йўқ. Ҳар иккаланг йўқолинглар!

ЎҒРИ. Хўп бўлади, капитан. *(Чиқиб кетади.)*

МАДЗИНИ. Уни уйда қолдириш хавfli эмасми?

ЭНАГА. Сэр, нега уни отиб ўлдириб қўя қолмадингиз? Кимлигини билганимда, ўзим ўлдирган бўлардим. *(Чиқиб кетади.)*

УЧИНЧИ ПАРДА

Бог манзараси. Ажойиб сокин кеча. Ой кўринмайди. Леди Эттеру-орд тўр беланчақда, чўзилиб ётибди. Капитан Шотовер эса узунчоқ курсида узала тушиб ётибди. Унинг ёнида Элли ўтирибди. Орқада, нимқоронғиликда Гесиона билан Менген сайр қилиб юришибди. Ичкаридан Гектор чиқиб келади.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Қандай ажойиб кеча! Гўё бу манзара, сокин тун биз учун аталгандек.

ГЕКТОР. Кечанинг биз билан иши йўқ. У учун биз нима? (*Қош-қовоғи осилиб стулга ўтиради.*)

ЭЛЛИ (*уйқусираган ҳолатда капитан Шотоверга суйканади*). Ушбу кечанинг нафосати бутун томирларимга сингиб бораётгандек. Кексаларга ором, ёшларга умид бағишлайди.

ГЕКТОР. Буни ўзингиз ўйлаб топдингизми?

ЭЛЛИ. Йўқ. Бу капитаннинг уйқуга кетишдан олдин айтган сўнги сўзлари.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Ухлаганим йўқ.

ГЕКТОР. Рэнделл ухляпти. Мистер Мадзини Дэн ҳам. Менген ҳам ухлаётган бўлса керак.

МЕНГЕН. Бекорларни айтибсиз.

ГЕКТОР. Сиз ҳам шу ердасиз? Гесиона сизни ухлагани жўнатган, деб ўйлабман.

Уларнинг орқасида миссис Хэшебай билан Менген пайдо бўлишади.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Менген, ўлимим яқинлашаётганини сезяпман, деб қайта-қайта такрорляпти. Ўзига бундай ташналик билан раҳм тилаган одамни умримда биринчи марта кўряпман.

МЕНГЕН (*эланиб*). Ростдан ҳам менда шунақа сезги пайдо бўлди. Рост айтяпман. Сиз эса эшитишни истамаяпсиз.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Мен бошқа бир нарсани тингладим. Ҳавода визиллаган аллақандай ғаройиб товуш эшитилди. Ҳеч ким эшитмадими? Аллақаердандир олисдан эшитилди, сўнг бирдан сўнди.

МЕНГЕН. Поезднинг товуши, дедим-ку.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Бу пайтда ҳеч қанақа поезд ўтмайди. Охиргиси тўққиздан қирқ дақиқа ўтганда келади.

МЕНГЕН. Балки юк ташийдиган поезддир?

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Улар бу йўлдан юришмайди. Гектор, бу ниманинг товуши бўлиши мумкин?

ГЕКТОР. Бу осмону фалакнинг бизга бўлган муносабати. Мана, кўрасизлар, нимадир бўлади. Ё қоронғиликдан ўрнимизни эгаллайдиган янги бир жонзот чиқиб келади, ё осмону фалак гумбурлаб устимизга тушиб, яксон қилади. Мени айтди, дерсизлар.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД (*ўз гамагига бамайлихотир жойлашиб олиб, совуққонлик билан*). Бемаъни гап. Гектор, нима учун бу хонадонга доим фалокат тилайсиз? Ахир, бу ерда, агар Гесиона қандай яшаш лозимлиги тўғрисида озгина тасаввурга эга бўлса, яхшигина ҳаёт кечириш мумкин-ку. Бу хонадоннинг асосий камчилиги нимадан иборат эканини наҳот тушунмасангиз?

ГЕКТОР. Камчилик, бу – биз. Туриш-турмушимизда зиғирча ҳам маъно

йўқ. Биз кераксиз, шу билан бирга хавфли одамлармиз. Шунинг учун ҳам бизни йўқ қилиш керак.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Бемаъни гап! Гастингс бу ерга келиши ҳамон камчилигимиз нимадан иборат эканини менга айтган эди. Бундан йигирма тўрт йил олдин бўлган гап.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Нима? Ўша тўнка шунақа дедими?

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Буни Гастингс айтган, деяпман. У эса анойи одамлардан эмас.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Хўш, уйимдаги камчилик нима экан?

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Кемада қандай бўлса, бу ерда ҳам шундай. Гастингс буни кўра олган.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Аҳмоқ у. Кемада қандай камчилик бўлиши мумкин? У ерда ҳаммаси жой-жойида.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Йўқ, ҳаммаси ҳам эмас.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Хўш, нима экан? Эдди, гапни чўзма.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Қани, топинглар-чи.

ГЕКТОР. Мальунлар, занзибарлик ялмоғизлар!

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Йўқ, тополмадингиз. Сизларни ишонтириб айтаманки, бу хонадонни гўзал, соғлом, ёқимли қилиш учун, барчанинг иштаҳаси яхши, уйқуси соғлом бўлиши учун зарур бўлган нарса, бу – от.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. От?! Беҳуда гап!

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Ҳа, отлар керак. Нега биз бу уйни ҳеч қачон ижарага бермаганмиз? Чунки отхона йўқ. Англиянинг росмана, соғлом, турмушларидан мамнун инглизлар яшаётган қайси жойига борманг, бутун уйнинг асосий устунни – отхона эканини билиб оласиз. Яна, меҳмонлардан биронтаси рояль чалишни истаб қолгудай бўлса, қопқоғини очишдан аввал бутун хонани остин-устин қилишига тўғри келади. Унинг устида нималар сочилиб ётмайди дейсиз! Шахсан мен то от минишни ўрганмагунимга қадар ўзимнинг тирик жон эканимни ҳис қилмаганман. Аммо ҳеч қачон ростакамига юролмайман, негаки, болалигимдан ўргатишмаган. Ҳақиқий инглиз жамоаси икки гуруҳга бўлинади: бири чавандозлар, иккинчиси – асаблари носоғлом кишилар. Ҳар қандай одамга шу нарса аёнки, ов билан машғул бўладиган кишилар – соғлом ва қобил кишилар, ов билан шуғулланмайдиган кишилар эса ҳақиқий одамлар эмас.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Озгина бўлса-да, мантиқ бор бу гапларда. Масалан, мени кема эркак қилиб тарбиялаган, кема эса, денгиз оти.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Дада, ана шунинг учун ҳам сиз, Гастингс айтганидек, ҳақиқий жентльменсиз.

КАПИТАН ШОТОВЕР. У тўнкада сал бўлсаям ақл бор. Уни кейинги сафар олиб келишинг мумкин. Гаплашиб олишимиз керак.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Мистер Менген, номзодингизни тавсия қилган партияга кўп пул тикканмидингиз?

МЕНГЕН. Ёнимдан бир мири ҳам чиқарганим йўқ. Пул масаласи билан синдикат шуғулланган. Ҳукуматга аъзо бўлсам, қанчалик нафим тегишини яхши билишган.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Буларнинг бари ғоят қизиқ ва кутилмаган бир ҳол, мистер Менген. Хўш, маъмурий ютуқларингиз нимадан иборат бўлди?

МЕНГЕН. Ютуқларми? Нимани назарда тутаётганингизни билмаяпман. Илло, мен ўзга бошқармалардаги олчоқ малайларнинг режаларини

устомонлик билан чиппакка чиқаришга муваффақ бўлдим. Уларнинг ҳар бири ўзини мамлакат ҳимоячиси қилиб кўрсатиш, мени эса сиқиб чиқариш, катта раҳбарларнинг ишончидан маҳрум қилиш пайида бўлишди. Камина бунга қарши олдиндан тайёргарлик кўриб қўйган эди. Автомобилларимни бир-биридан фарқлолмаслигим мумкин, аммо бир-бирларнинг машинасига таёқ суқишни яхши биламан. Хуллас, уларнинг бари панд еб, ҳеч нарсасиз қолаверишди.

ГЕКТОР. Сиз-чи? Сизга нима насиб қилди?

МЕНГЕН. Менга бошқаларни доғда қолдириш насиб этди. Буни тад-биркорликнинг тантанаси демай бўладими?

ГЕКТОР. Биз қаерда яшаймиз, ўзи, Англиядами ёки жиннихонада?

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Мистер Менген, сиз мамлакатни асраб қолмоқчимисиз?

МЕНГЕН. Бўлмаса ким асрайди уни, балки сизнинг мистер Рэнделлингиз қодирдир бу ишга?

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Лапашанг Рэнделми? Йўқ, албатта.

МЕНГЕН. Ёки мана бу баландпарвоз гапирадиган, мўйловли кувчангизми?

ГЕКТОР. О, менга шундай имконият беришса кошки эди.

МЕНГЕН (*заҳархандалик билан*). Беришармикан?

ГЕКТОР. Қаёқда дейсиз. Уларга сиз кўпроқ маъқул келасиз.

МЕНГЕН. Ана шунақа. Демак, мени қадрлайдиган, сизни эса менсимайдиган дунёда яшаётган экан, ҳурматимни қилишингиз лозим. Бу ерда мендан бошқа яна ким топилади?

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Гастингс! Сиз аҳмоқона демократиянгизни кўйинг-да, ҳокимиятни Гастингсга беринг. Шу билан бирга британиялик инглизларни хушига келтириш учун етарли микдорда бамбук таёқларини кўлига тутқазинг. Бу ишнинг уддасидан чиқишига ишончим комил.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Бундан кўра барбод бўлиб кетгани маъқул. Кўлида таёқ бўлса, ҳар қандай тентак ҳам бошқара олади. Мен ҳам бошқарган бўлардим. Бу тўғри йўл эмас. Гастингс ғирт тўнка-ку!

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Барингизни бирлаштирганда ҳам у сизлардан устун. Сиз нима дейсиз, мисс Дэн?

ЭЛЛИ. Одамлар менинг отамга туҳмат қилишмаса, алдашмаса ва ҳалол инсон бўлгани учун нафратланишмаса, аъло даражада бошқара олган бўларди, деб ўйлайман.

МЕНГЕН (*нафратланиб*). Тасаввур қилишим мумкин: Мадзини Дэн парламентда ва ҳукумат аъзолигига интиломқда. Худога шукрки, бу кунга етиб бормадик. Сиз нима дейсиз, миссис Хэшебай?

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Биз сизларни бошқариб келаётган эканмиз, давлатни қайси бирингиз идора қилишингиз аҳамиятсиз, деб ўйлайман.

ГЕКТОР. Биз? Сўрашга ижозат беринг, “биз” деганда кимни назарда тутяпсиз?

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Иблисинг набиралари, азизим. Ажойиб аёллар.

ГЕКТОР (*яна қўлларини кўкка кўтариб*). О-о, фалак! Бизни иблислар сеҳридан халос эт!

ЭЛЛИ. Дунёда менинг отаму Шекспирдан ўзгаси сохта экан-да? Маркнинг йўлбарслари, Менгеннинг миллионлари – қалбаки. Ҳатто

Гесионада нафис қора сочидан бўлак табиий ҳеч нарсаи йўқ. Леди Эттеруорд эса рostaкам бўлолмайди, чунки ғоят гўзал. Мен учун чинакам ҳақиқат бўлиб кўринган нарса – бу капитан айтган мушоҳаданинг еттинчи даражаси эди.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Ром.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД (*осойишта*). Сочларимнинг кўп қисми қалбаки эмас. Герцогина Дитеринг (*сочларини силаб*) беш юз гинейга сотишимни таклиф қилган. Парик деб ўйлаган. Рангдан бошқаси табиий.

МЕНГЕН (*баттар дарғазаб бўлиб*). Бу нимаси, а?! Ҳозир кийимларимнинг барини ечиб, қип-яланғоч бўлиб оламан! (*Ечина бошлайди.*)

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Мистер Менген!

КАПИТАН ШОТОВЕР. Бу нимаси! (*Хохолаб кулади.*) Қани, қани...

ГЕКТОР. Ечинаверинг!

ЭЛЛИ. Қўйинг, илтимос.

МИССИС ХЭШЕБАЙ (*унинг қўлидан тутиб*). Альфред! Уялмайсизми! Нима бало, ақлдан озганмисиз?

МЕНГЕН. Уялиш! Бу уйда уят борми, қани у? Келинлар, баримиз қип-яланғоч бўлиб оламиз. Бир нарсаи бошлагандан кейин уни охирига етказиш керак. Маънавий жиҳатдан-ку, яланғоч бўлиб олдик. Энди яланғоч таналаримизни ҳам намоийш қилайлик. Ўзимизга маъқул бўлармикан – кўрамиз. Буларнинг барини ҳазм қилишга қодир эмасман. Мени болаликдан одоб сақлашга ўргатишган. Аёлларнинг соч бўяшига, эркаларнинг ичишига қарши эмасман. Бу ростмана бир ҳол. Бироқ бу ҳақда ҳар қадамда жар солиш одобдан эмас. Қайси бирингиз бўлмасин, оғзингизни очишингиз билан, яна нима дер экан, деб мени ваҳима босади. Ўзимизни бамаънироқ кўрсатиш пайида бўлмасак, қандай қилиб ўзимизни ҳурмат қиламиз?

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Мистер Менген, фикрингизга тамомила қўшиламан. Буларнинг барини ўз бошимдан кечирганман. Биламан. Ўз тажрибамга асосланиб, эркалар ва аёллар ниҳоятда нозик гулга ўхшайди, уларни ойна тагида ўстириш лозим, дея оламан. Бизнинг оиламизда эса истаган томонга тош отиш, деразани очиб қўйиб, елвизак юргизиш одат тусига кириб қолган. Бу беодобликкина эмас, саломатлик учун ҳам зарар. Ўзингизни маънавий шамоллашдан асраб қолмаган экансиз, яна жисмоний шамоллашнинг нима зарурияти бор? Қўйинг, жаҳлингиздан тушинг, кийимларингизни ечманг.

МЕНГЕН. Мен сиз айтганни эмас, ўзим хоҳлаганимни қиламан. Катта ёшдаги одамманми ёки ёш болами? Ота-оналарча ғамхўрликларингиз жонимга тегди. Ситига кетаман, у ердагилар мени ҳурмат қилишади, кадрлашади.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Хайр, Альф. Ўша Ситингизда бизни ҳам аҳён-аҳёнда эслаб туринг. Ёшгина Эллини ҳам унутманг.

ЭЛЛИ. Гесионанинг кўзларию сочлари қанақа эканини эслаб туринг.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Боғимизда одамларнинг йўлини тўсиш учун акиллаб турадиган кўрикчи ит бўлиб қололмаганингизни ҳам гоҳ-гоҳда эслаб қўйинг.

ГЕКТОР. Леди Эттеруорднинг гўзаллиги, оқилона сўзлари, нозик табиатини ҳам ёдингиздан чиқарманг.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД (*Гекторга*). Хушомадгўй! (*Менгенга*) Мистер

Менген, сиз учун дунёда бу ердан яхшироқ жой бормикан? Шуни ҳам эслаб кўйинг. Мухими шу.

МЕНГЕН. Яхши, яхши. Таслим бўлдим. Майли, сизлар айтгандек бўлсин. Фақат мени тинч кўйинглар. Ҳаммангиз баравар менга ташланиб қолсангиз, қаердалигим, мен билан нималар бўлаётганига ақлим етмай қолади. Ҳеч қаяққа кетмайман. Эллига уйланаман. Тинчгина яшаш учун нима зарур бўлса, барини бажо келтираман. Шунга розимисизлар?

ЭЛЛИ. Йўқ. Мистер Менген, аслида мен ҳеч қачон сизга турмушга чиқмоқчи эмасдим. Фақат ўз қудратимни синаб кўрмоқчийдим. Агар истасам сиз қарши тура оласизми-йўқми, шуни билмоқчи эдим.

МЕНГЕН (*жаҳли чиқиб*). Нима-а? Олийжаноблик билан розилик берганимдан кейин мендан юз ўғирмоқчимисиз?

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Мисс Дэн, мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда, бунақа шошмаган бўлардим. Ахир, сиз сўнги дақиқаларга қадар истаган вақтингизда мистер Менгенни рад этишингиз мумкин. Ҳозирги ҳолатда мистер Менгеннинг инкирозга учраши мумкин эмас. Демак, у бой-бадавлат киши сифатида танилган экан, сиз бундан фойдаланиб, бемалол фароғатда яшашингиз мумкин.

ЭЛЛИ. Эрим иккита бўлишини истамайман.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Иккита эр! Нима деб алжияпсиз?

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Иккита эр! Бу билан нима демоқчисиз?

МЕНГЕН. Эрга чиққанман, демоқчимисиз?

ГЕКТОР. Иккита эр! Ростакам жумбоқ бу!

ЭЛЛИ. Бундан атиги ярим соат олдин капитан мени оқ хотинликка олди.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Элли, нима деб алжияпсиз! Қаерда?

ЭЛЛИ. Ҳақиқий никоҳлар қайд қилинадиган арши аълода.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Элли, бу қанақа бемаънилик! Дада, бу нимаси?!

МЕНГЕН. Отангиз мени, ўта қарисиз, деган эди. Ўзи бориб турган мўмиё-ку!

ГЕКТОР (*Шеллинг шеърини ёддан ўқийди*).

*Меҳроб бўлди уларга зимистон ўрмон,
Никоҳлади қовуштириб уларни шамол.*

ЭЛЛИ. Ҳа, парчаланган юрагимни, соғлом ва кучли қалбимни вужудимнинг табиий капитани бўлган, маънавий эрим ва отам мистер Шотоверга топширдим. (*Капитан Шотовернинг қўлини кафтига олиб, уни силайди.*)

Капитан Шотовер ухлаб қолган.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Доноларча иш қилибсиз, қизалоғим! Ғоят ақлли! Альфред, сиз ҳеч қачон Эллига тенглаша олмайсиз. Йўл бўлсин! Энди мендан оладиган жиндак шубҳангиз билан қаноатланишга тўғри келади.

МЕНГЕН (*кўзларини артиб*). Бу ўтакетган шафқатсизлик.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Мистер Менген, ҳалиям осонгина қутулдингиз. Мисс Дэн ўзига шунақа бино қўйганки, Англияга келганимдан бери бунақасини биринчи марта кўряпман.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Йўқ, бунақа эмас, тўғрими, Элли?

ЭЛЛИ. Энди ўзимнинг нималарга қодирлигимни биламан, Гесиона. МЕНГЕН. Беномус! Бошқача баҳолаб бўлмайди.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Жим-м-м... Альфред, кўрслик қилманг. Нахот арши аълода қайд этилган никоҳ кечасининг нақадар ажойиблигини ҳис қилмаётган бўлсангиз? Ёки сиз, Гектор, бунга норозимисиз? Кўзларингизни каттароқ очинглар. Элли билан Эдди нозик таъбли, энг талабчан эркакка ҳам хуш келадиган даражада хуснга эга. Биз яшаймиз, севамиз ва бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйламаймиз. Буларнинг барини сизлар учун биз, аёллар яратганмиз. Нима учун ҳамон ўзларингизни кераксиздек ҳис қиласиз?

Пижама устидан рангдор халат кийиб олган Мадзини уйдан чиқиб, леди Эттеруорднинг ёнига келади.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Менинг ишваларимга дош беролган ягона одам. Нима бўлди, мистер Дэн, тинчликми?

МАДЗИНИ. Ҳеч нарса. Тинчлик. Аммо деразангнинг тагида қизик суҳбат кечаётган экан, бунинг устига, мана бунақа ажойиб кечада ухлаб бўлармиди? Чидаб туrolмадим. Хўш, гап нима тўғрисида кетяпти?

МИССИС ХЭШЕБАЙ. О-о, бу ерда ғаройиб воқеалар бўляпти.

ГЕКТОР. Мана, масалан, Менген тадбиркор сифатида тажриба учун кўпчилик олдида қип-яланғоч ечинмоқчи бўлди ва шармандаларча мағлубиятга учради.

МАДЗИНИ (*усти-бошига ишора қилиб*). Бу киёфада хузурингизга чиққанимга қарши бўлмасангиз керак, деган умиддаман? (*Курсилардан бирига ўтиради.*)

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Аксинча, мен сизни доим шу кийимда кўришни маъкул деб биламан.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Мистер Дэн, қизингизнинг никоҳ масаласи барбод бўлди. Биз ҳаммамиз сармойдор деб ўйлаган Менгеннинг ҳеч вақоси йўқ экан.

МАДЗИНИ. Леди Эттеруорд, мен буни билардим. Аммо одамлар унга ишониб, пул беришар, менга эса ишонишмас, шу боис пул ҳам беришмас экан, қандай қилиб Эллини ўзимга суянишга даъват эта оламан?

МЕНГЕН. Фақат мени қашшоқ экан, деб ўйламанг. Мен...

ГЕКТОР. Изоҳлашга зарурият йўқ. Тушундик. Узоқ муддатли векселларда минг фунт, шунингдек, эллик минг фaйингиз ва олти дона цианли калий таблеткангиз бор. Бу таблеткалар инқирозга учраганингизда асқотиб қолади. Сизнинг миллионларингиз шулардан иборат!

МАДЗИНИ. Йўқ, йўқ. У мутлақо ҳалол одам. У ҳамкорлик қиладиган барча корхоналар мутлақо қонуний.

ГЕКТОР (*жирканиб*). Тўғри, унчалик катта муттаҳам эмас.

МЕНГЕН. Сизнингча, шунақа. Илло, баъзи ҳалол кишилар учун...

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД (*унинг гатини бўлиб*). Сизни тушуниб бўлмапти, мистер Менген. На бой, на камбағаллигингизни ва на ҳалол, на муттаҳамлигингизни билолмай турибмиз.

МЕНГЕН. Сиз яна мени таъқиб қиляпсиз. Бу аҳмоқона хонадонга кириб келганимдан буён мени масҳарабозга айлантиряпсизлар.

ЭЛЛИ. Ростдан ҳам аҳмоқона; бу хонадонга келган кишининг юраги эзилади. Ҳеч қандай заминга эга бўлмаган хонадон бу. Мен бу ерни – қалблар парчаланадиган хонадон деб атамоқчиман.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Бас қилинг, Элли! Бўлмаса бир махлук сингари бўкириб юбораман.

Менген секин йиглашга тушади.

Ана, ахийри кўзёши тўкишга олиб келдингиз.

ЭЛЛИ. Менга унинг ғингшигани кўпроқ ёқади.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Бас қилинг!

Менген йиглашдан тўхтайдди.

Қалблар беун, бетовуш парчалансин.

ГЕКТОР. Уйингизга шунақа ном берилишига қарши эмасмисиз?

КАПИТАН ШОТОВЕР. Бу уй эмас, махлуклар уяси!

Олисдан гумбурлаган товуш эшитилади.

ГЕКТОР (*ўрнидан сапчиб туриб*). Бу нима экан?

КАПИТАН ШОТОВЕР. Нимадир бўлди. (*Хуштагини чалиб*) Олдинда қоялар!

Чироқлар ўчади.

ГЕКТОР (*газабланиб*). Чироқларни ким ўчирди?! Чироқларни ўчиришга ким журъат қилди?!

Ичкаридан Энага чопиб чиқади.

ЭНАГА. Сэр, мен ўчирдим. Полициядан кўнғироқ қилиб, чироқларни ўчирмасангиз, жавобгарликка тортиласизлар, дейишди.

ГЕКТОР. Ҳозир юз мил наридан кўринади. (*Шошиб уйга кириб кетади.*)

ЭНАГА. Черков руҳонийсининг уйида бир уюм ғиштдан бўлак ҳеч нарса йўқ дейишяпти. Унга бир кечага жой бермасак, бечора кўчада қолади.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Черков ҳам расво бўлади.

ЭНАГА. Ҳаммангизни бино тагидаги омборга тушсин, дейишяпти.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Сен ўзинг тушавер. Сен ва бутун жамоа – ҳаммангиз тушинглар. Қопқоқни яхшилаб беркитиб қўйинглар.

ЭНАГА. Мен ўша кўрқоқ билан ёнма-ён тураманми? Бир пайтлари мен аҳмоқ ўшанга турмушга чиқиб юрибман! Ундан кўра томнинг тепасига чиқиб оламан.

Чироқлар ёнади.

Ана, мистер Хэшебай яна чироқни ёқди.

Ўғри пайдо бўлади ва чопиб Энаганинг ёнига келади.

ЎҒРИ. Қум тўлдирилган ўра қаёқда? Ўша ерда ертўла бор, деб ошхонадаги бола айтди. Уйингиз тагидаги омбордан наф йўқ. Қум тўкилган ўраларингиз қаерда, капитан?

ЭНАГА. Ана у ёққа ўт. Тўғри бораверсанг, тепасидан чиқасан. Худо берса, лаънати бўйнинг ўша ерда узилади. (*Уни газаб билан итариб юборади. Ўзи гамагининг тепасига бориб туради.*)

Яна биринчисига нисбатан кучлироқ гумбурлаган овоз эшитилади. Ўғри тўхтаб, титраганича туриб қолади.

ЭЛЛИ (*ўрнидан туриб*). Бу энди янада яқиндан эшитиляпти.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Навбатдагиси бизнинг устимизга тушади. (*Ўрнидан туриб*.) Суд бошланади. Ҳамма ўрнидан турсин!

ЎҒРИ. О, худо! (*Ваҳима босган ҳолда чопиб боғ ичкарисига ўтиб кетади.*)

МИССИС ХЭШЕБАЙ (*қоронғиликдан, боғ ичкарисидан ҳансираб чиқиб келади.*) Ана у чопиб кетаётган ким бўлди? (*Эллинг ёнига келади.*)

Нимадир гумбурлаб портлаганини эшитдингизми? Осмондаги аллақандай товушни-чи? Фаройиб! Худди оркестрга ўхшайди! Бетҳовен!

ЭЛЛИ. Чиндан ҳам, Гесиона, Бетҳовеннинг айнан ўзи.

Улар завқланиб бир-бирини қучишади.

МАДЗИНИ (*ташвишланиб*). Чироклар негадир жуда ҳам чарақлаб кетди.

ЭНАГА (*бинога қараб олиб*). Мистер Хэшебай уйдаги барча чирокларни ёқиб, пардаларни кўтариб қўйди.

Уйдан тижамга кийиб олган, саросимага тушган Рэнделл чиқади.

РЭНДЕЛЛ. Ариадна, жонгинам, қувончим менинг! Юринг, ертўлага тушамиз. Илтимос қиламан!

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД (*гамакда ётганича осойишта*). Резидентнинг хотини хизматкор аёл билан бирга ертўлага тушиб кетса қандоқ бўлади, Рэнделл! Ўйлаб гапиряпсизми!

РЭНДЕЛЛ. Сизни ўлдириб қўйишса, мен нима қиламан?!

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Унда сизни ҳам ўлдиришган бўлади. Қани, ҳеч нарсадан кўркмаётганингизни бир кўрсатиб қўйинг. Флейтангизни чалинг. Илтимос, бизга “Ўчоқларда оловлар олсин аланга” куйини чалиб беринг.

ЭНАГА (*гамгин*). Ҳа-а, ҳалиги... улар аланга олиш қанақа бўлишини кўрсатишади.

РЭНДЕЛЛ (*флейтани чалишга ҳаракат қилиб кўради*). Лабларим титраяпти. Биттаям товуш чиқара олмаяпман.

МАДЗИНИ. Бечора Менген саломат бўлса керак, деган умиддаман.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Қум тўкилган ўрага яшириниб олган.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Динамитимдан кўркиб, ўша ерга яшириниб олди.

ГЕКТОР (*уйдан чиқиб, эски жойига бориб ўтиради*). Чироклар камлик қияпти. Шуъла кўкка етгудек бўлса эди.

ЭЛЛИ. Марк, уйга ўт қўйинг.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Бу менинг уйим, бунга йўл қўймайман!

ГЕКТОР. Бу ҳақда ўйлаганман. Лекин энди кеч бўлди, улгурмаймиз.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Охирзамон бошланди. Жасорат ҳеч кимни асраб қололмайди. Лекин қалбларингиз ҳали тириклигидан далолат беради.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Жим бўлинглар! Қулоқ солинглар! Эшитяпсизларми? Қандай ажойиб!

Ҳамма уйдан тесқари ўгирилиб, осмонга қараб қулоқ солишади.

ГЕКТОР (*салобат билан*). Мисс Дэн, сизнинг бу ерда қолишингизга ҳожат йўқ. Биз, бу хонадондагилар, оловга талпинадиган ҳашоратлармиз. Сиз ертўлага тушсангиз бўларди.

ЭЛЛИ (*дадил*). Бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмайман.

МАДЗИНИ. Элли, қизим, борақол. У ерга тушиб ўтиришнинг номус қиладиган жойи йўқ. Ҳар қандай зобит ўз аскарларига: “Панага ўтилсин!” деб буйруқ берган бўларди. Мистер Хэшебай ўзига эрмак қилмоқчи. Менген билан анави дарбадар тўғри қилишган. Ана ўшалар тирик қолишади.

ЭЛЛИ. Тирик қолаверсин. Мен мистер Хэшебайга таассуф демоқчиман. Сен нима учун ўзингни хавф-хатарга қўйяпсан?

МАДЗИНИ. Тепадагилар-чи? Улар учун ўн чандон хавфли эканини билишмайдими, нима бало?

ЭНАГА. Энди шулар ҳақида ғам чекишимиз қолувди.

Даҳшатли портлаш ерни ларзага келтиради. Улар ўтирган жойларида ўзларини орқага ташлашади, кимдир уй жиҳозига ётишади. Деразаларнинг ойналари жаранглаб тўкилиб тушади.

МАДЗИНИ. Ҳеч ким яраланмадимми?

ГЕКТОР. Қаерга тушди?

ЭНАГА (*заҳархандалик билан*). Айнан кум тўкилган ўранинг устига бориб тушди.

ГЕКТОР. Дунёда эркаклар яна бир кишига камайибди.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Ўттиз фунт динамит бекордан-бекорга кўкка совурилди.

МАДЗИНИ. Бечора Менген.

ГЕКТОР. Унинг нимасини аяйсиз, дунёда боқий яшармиди? Энди навбат бизга келди.

Ҳамма жим бўлиб, асабий равишда кута бошлайди. Гесиона билан Элли бир-бирларининг қўлини маҳкам ушлайди. Портлаш овози олисдан эшитилади.

МИССИС ХЭШЕБАЙ (*Эллинг қўлини қўйиб юбориб*). Бошқа томондан ўтиб кетишди.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Хавф ортда қолди. Рэнделл, бориб ухлагани ётинг.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Ҳамма жой-жойига! Кема шикастланмадимми? (*Гамакка ўтириб, шу заҳоти уйқуга кетади.*)

ЭЛЛИ. Шикастланмади. Афсус.

ГЕКТОР (*қаҳр билан*). Ҳа. Шикастланмади. Яна жимжитлик, яна зерикиш. (*Ўтиради.*)

МАДЗИНИ (*бир чеккага ўтириб*). Мен қанчалар янглишган эканман. Мана, биз ҳаммамиз омон қолдик, Менген билан анави дарбадар эса...

ГЕКТОР. Иккита ўғри...

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. ...иккита ишбилармон одам...

МАДЗИНИ. Ҳар иккаласи оламдан ўтишди. Бечора роҳиб янги уй қуришига тўғри келади.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Лекин қандай ғаройиб таассурот! Балки эртага яна учиб келишар.

ЭЛЛИ. Мен ҳам шундай фикрдаман!

Ниҳоят Рэнделл флейтада “Ўчоқларда оловлар олсин аланга...” куйини чала бошлайди.

Тамом





Исай КАЛАШНИКОВ

(1931–1980)

ҚАТТОЛ АСР

Тарихий роман¹

*Рус тилидан
Муслимбек ЙЎЛДОШЕВ
таржимаси*

XI

Темучиннинг ўғли августнинг саккизинчи кунида туғилди.

Оқшом пайти эди. Майдалаб илиқ ёмғир ёғарди. Темучин ўтовнинг ич-карасида бир ўзи ўтирарди. Саратонда курукшаб қолган ўтлар шитирлар, ўтовга ёғин рутубати уриб турарди. Ҳозиргина Теб-тангри кетди. Шомоннинг жаҳли чиққан эди.

– Мен кўпгина қабилаларни сенга оғдириб бердим. Одамлар сени кутяпти. Сен бўлса, андангнинг чиройли гапларига учиб, жойингдан кимирагинг келмайди. Семириб кетган торбағон уясидан бир қадам жи-лишга кўрқанидек, пусиб ўтираверма. Эркин қабилалар... Нўёнлар би-родарлиги... Буларнинг бари – чўпчак. Ҳозир одамлар бошқа нарсаларни кутаяпти.

– Осмон нимани хоҳлаётганию одамлар нималарни кутаётганини сен биласан. Мен эса бир нарсани – сенинг кўнглингдагини билишни ис-тардим. Бизнинг ҳимоячимиз ва сенинг отанг бўлмиш Мунлик қаерда? Укаларинг-чи? Мен уларга марҳамат кўрсатишдан хурсанд бўлардим. Улар отам даврида яшаган пайтларидек ҳамма нарсаларига эга бўлишади. Лекин улар нимага келишмаяпти?

– Мен уларга “Кутиб турунглар, ҳали вақти эмас”, дедим.

– Шунақами? – Бу гап Темучинга ёқмади. – Бошқаларни чакираверасан, жўнатаверасану, қариндошларингга келганда ҳали вақт келмадимми? Гап-ларинг тушунарсиз, шомон!

– Отангнинг даврида менинг отам ким бўлган, ҳозир мен сенинг ҳузурингда кимман – буни Тўрғутой-Қирилдук яхши билади. Менинг отамни юзлаб кўз пойлаб турибди. Қамирласа, ўлдиришади. Сенинг

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонларда.

газабингдан кўрқиб, унга ҳеч ким тегишга ботинолмайдиган бўлгандагина у бу ерга келади.

– Нахотки сен шунақа замонлар келади, деб ўйлайсан?

– Ўтираверсанг, келмайди. Отанг хон бўлишни истаган эди. Фақат ўлимгина унга халакит берди. Сенга нима халал бeryапти?

– Узокни кўрасан, Теб-тангри. Лекин ўрмонда юриб, дарахтларнинг учига қарайверган одамнинг кўзини буталар шикастлаб қўйиши мумкин...

Қариндошларинг узокда, сен бу ердасан. Нима керак ўзи сенга?

– Менга хон бўлиб кўтарилган Темучин керак.

– Хўп, мен – хонман. Сен-чи?

– Сен – хон, мен – сенинг ҳузурингдаги олий шомон.

– Қабилалар устида биргаликда ҳукмронлик қиламизми?

– Одамларнинг ҳаёти, уларнинг чорвалари, ўтовлари сенга тегишли бўлади. Уларнинг қалблари эса менга.

– Менинг андам Жамухага нима қолади?

– Жамуха сенинг олдингда узок қолмайди.

– Бекор айтибсан, Теб-тангри! Жамуха доим менинг олдимда бўлади.

Биз тутинган ака-укалармиз.

Шомон туйқус кулиб юборди. У кетди, лекин ўша кулгининг акс сандоси Темучиннинг кулоқларида жаранглаганича қолди. Жамуха билан шомон илк учрашувдаёқ бир-бирларини ёмон кўриб қолишганди. Бундан Темучин жуда қаттиқ азият чекди. Жамуха биродари, Теб-тангри эса керакли одам. Ўзи ким? Уларни боғлаб турган арконми? Уларнинг бири сузишни, иккинчиси тепишни бошлаб қолса, унинг ахволи нима кечади?

Ёмғирнинг шивирлаши остида оёқ товушлари эшитилди. Ўтовга Хасар кириб келди.

– Хушхабар, Темучин. Ҳозиргина Хоахчин айтди: ўғилли бўлибсан.

У ўрнидан базўр турди, кўзларини қисиб олди. Анчадан бери ич-эттини емириб кутаётган ва кўрқиб турган нарса содир бўлибди. Ўғил... Ўғлимикан? Эшик пардаси бурмасида сув йиғилиб, остонадаги кўлмакчага “чалоп” этиб тушарди. Ҳозир унинг ҳузурда суюнчи сўраб келувчилар тизилишади...

– Хасар, сен менга ҳеч нима айтмадинг. Мени кўрганнинг йўқ. Бовурчи билан Жалмаларга айт, отларини эгарлашсин.

– Ким ўз ўғлидан қочади, Темучин?

Ўтов қоронғисида Хасарнинг тишлари ярақлади. У масхара қияпти, шекилли. Темучин кулочкашлаб укасининг юзига туширди.

– Ўлдираман!

Хасар ўтовдан учиб чиқиб кетди. Қайтиб бошини эшикдан суқди.

– Шунақа қилаверсанг, бир ўзинг қолиб кетасан!

– Отни олиб кел! – қичқирди Темучин ақлини йўқотаёзиб.

Мангу осмон уни нима учун бунчалик жазолайди? Отасидан жудо этди, шафқатсиз ва беномус одамларнинг қўлида тутқун қилди, неча йиллар қийналиб, шу буюк сахро қўйнида тинч бир бошпана тополмади – бир одамга шунча ситамларнинг ўзи ҳам етарли эди. Йўқ, булар камлик қилгандай, яна бир бахтсизликни раво кўриб турибди. Буниси нақ хотинининг қорнида. Унинг наслини давом эттирувчи бу бола, қонида Қиёт-Бўржигинларнинг бир томчи ҳам қони бўлмаган бир одам бўлиши мумкин.

О, мангу осмон, унга ўлим юборгин, мени бир умрлик шубҳа ва азоблардан халос қилгин!.. Мен аҳмоқ нималар деяпман? Бу бола ўз ўғлим, ўз жигарим бўлса-чи? Ўз боласига ўлим тилаганлардан осмон ғазабланиши мумкин! О, осмон, мени ақлдан оздирма!

Отлар чарчаб, борган сари йўрғалашга ўтарди. Ёмғирда ивиб кетган кийимлари этига муздек ёпишиб титроқ уйғотган, лекин у энди орқага қайтса ҳам бўлади, деб хаёлига ҳам келтирмасди. Бутун тунни шу кўйи чопиб ўтказишди.

Эрталаб навкарларини уйғотди.

– Отларни эгарланг... Кетдик.

– Қаерга?

Отларнинг бошини қаерга буришни унинг ўзи ҳам билмасди. Уйга бормаса бўлди. Агар Жамуханинг ўтови бошқа овулда бўлганида, уникига борган бўларди. Жамуха – дўст. У ҳаммасини тушунади.

Аммо Темучин ўйлаб турган фикрини зўрлик билан ўзига уқтираётгандай бўлди. Бундан унинг кайфияти баттар тушиб кетди. Жилловни бўш кўйиб, отини ниқтади. Қаерга? Балки Хучарникига борсамикин? Йўқ, Хучар кўнглингни тўкиб соладиганлардан эмас. Яхшиси, амакисиникига боргани дуруст. Бу айёр, устомон одам билан гаплашиш хамиша қизиқарли.

Дўритой-ўтчигиннинг овулига тунда кириб боришди.

У Дўритой-ўтчигиннинг овулида бир неча кун меҳмон бўлиб қолди. Амакисини мақтовлар билан сийлаб, ўтган-кетганларни суриштирди. Отаси ҳақида анчагина янгиликларни билиб олди. Ўзини хон қилиб кўтаришлари учун кўп ҳаракат қилгани, лекин сайланмаган бўлса ҳам, бошқа қабила нўёнлари мададига таяниб, мўғулларнинг хони даражасига чиқиб олганини эшитди. Агарда у сал узокроқ яшаб турганида, бўлажак қурултой уни албатта хон қилиб кўтариши мумкинлигини билди. Бу суҳбатлардан яна шуни ҳам билдики, отасининг ҳаёти ўзи ўйлаб юрганидек, ҳечам осон кечмаган экан. Отаси ёнидаги дўстлари билан тинимсиз баҳслашиб, душманлар билан жангларда олишиб, мақсадига етиш учун айланма йўллар билан бўлса-да, ҳаракат қилган экан. Отаси ўлгач, нима ўзгарди? Яхши бўлиш ўрнига ҳаммаси баттар ёмонлашиб кетди. Энди бўлса нафақат хонни сайлаб, балки қурултойни ҳам чақириб бўлмайди. Турли қабилаларнинг нўёнлари шунчалик узоклашиб, бегоналашиб кетишган.

Темучинни кўнгил изгирублари тарк этмаган, аммо улар уни ортик безовта қилмас ва у энди кўп нарсалар ҳақида бошқачароқ, аниқроқ, тушунарлироқ фикр юритарди. Бошқалар кўрмаган ва тушунмаган нарсаларни у яхши кўраётган ва англаётгандай эди. Яна у мана шу кунлар ичида ўзини нафақат Бовурчи билан Жалмадан, балки амакисидан ҳам анчагина улғайгандай сезар эди.

Отлар кадамлаб борарди. Сахро юзасида сароб жилваланиб турарди. Жизғанақ ўтларнинг ачимсиқ хидидан, отлар туёқлари остидан кўтарилаётган сарғимтир чанг ва шувоклар бўйидан ҳаво димиқиб кетган эди. Овул ўтовлари кўринди. Темучин лабларини тишлаб олганди. Қочиш – аҳмоқлик. Ўзингдан қочиб қаёққа ҳам борардинг?

Улардан аввал овул бўйлаб хабар тарқалди – Темучин келибди. Ўтовлардан навкарлар, қариялар, аёллар чиқиб, қўлларини кўксиларига кўйиб таъзим қилишарди:

– Темучин, ўғил муборак бўлсин!

– Ўзинг ҳам, авлодинг ҳам бахтли бўлсин!

Унинг ўткир нигоҳи одамларнинг юзларига тикилар, ичларидаги гапни уқишга уринарди. Одамлар унинг кўнглидан ўтаётган ғалаёнларни билишадигандай, гўё.

Онанинг қўллари унинг бошига тегди, кокиллари ни силади, қаттиқ ўсган соқолини пайпаслади.

– Ўзингни ўртама, ўғлим... Бизни ҳам эзма. Юр, тўнғичингни кўргин.

Кўзига ҳеч нарса кўринмай Бўртанинг ўтовига кириб борди. Бўрта бешикни бироз кўтарди. Мўридан тушаётган қуёш нури боланинг бошини ёритдию, сочлари қуёш нурида қизғиш тус олди. Темучин титраб кетди.

– Ўғлим! Жигарбандим!

Бўртанинг кўзларидан ёшлар дув тўкилди. У ёшларини артиб, юзини яширмай, синик кулиб турарди.

XII

Жажжи Жўжи лабларини чўлпиллатиб, онасининг кўкрагини қаттиқ қисиб олиб эмар экан, Жамухага кўзининг қири билан қараб турарди. Андаси ҳам ўғилли бўлиб олди. Ҳамма ишда унга омад кулиб турибди. Бирок бу омадми, йўқлиги ҳали номаълум. Болачанинг сочлари, аслида Темучин таъкидлаганидек, қизил эмас, қора-ку.

– Анда, сен бизларни эшитмаяпсан! – Овозини баландлатиб гапира бошлади Темучин. – Биз қишлаш учун овулларимизни қаерга кўчирсак яхши бўларкин, деб маслаҳатлашиб турибмиз.

“Буни қара-я, эсига тушибман-ку. Ўзлари бўлса, ҳаммасини аллақачон ҳал қилиб бўлишгандир. Майли, сизлар айтганча бўла қолсин. Лекин сен, андам, бир-бирини хурмат қиладиган одамлар бунақа қилмасликларини тушуниб олсанг бўларди”.

– Темучин, менга барибир. Тоғлар яқинигами, дарё бўйидами...

Аслида қаерга кўчишлари Жамуха учун барибир эмасди. У бу билан бошқа нарсани айтмоқчи эди. У Темучинни огоҳлантириб қўяётган эди: “Қара, андам, менинг кўчадиган жойларим кўп, сенинг изингдан бор-маслигим ҳам мумкин. Сенсиз бир кунимни кўриб кетавераман. Сен эса – йўқ”. Лекин Темучин коса тагида нимкоса гапни ё тушунмади, ёки тушунишни истамади. Бир зум ўйлашиб турди-да, бирдан, Сача-беки билан бошқа нарсалар ҳақида гаплаша кетди. Аммо Бўрта қандайдир нохушликни сезиб, гумон билан Жамухага қаради.

Жамуха ўз ўтовига қайтиб келди. Тойчар кетиб қолган экан. Уржонага укаси ва яқинларини чақиртириб келишни буюрди. Уларнинг келишларини кутар экан, кигиз устида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. У андасига жуда ёруғ умидлар билан қараганди. Ва буларнинг ҳаммаси илдизидан чириб ағанаган дарахт сингари кулаб тушди. Алам қиладиган жойи, ўзи билмаган ҳолда Темучинга ёрдамлашиб қўйибди. Агарда, меркитларни енгганидан кейин кетиб қолганида, Темучин ўз атрофига шунча одамни тўплай олмаган бўларди... У Темучиннинг ёнида экани билан унинг қароргоҳини мустаҳкамлаб берди. Лекин ҳали ҳам бунинг олдини олиш мумкинми, балки? Ҳамма ғилдираклари бут арава бир маромда кетаверади. Ғилдираклардан биттасини бўлса ҳам олиб ташлаб кўр-чи – жойида қотади-қолади.

БЕШИНЧИ ҚИСМ

II

Тутинган ака-укаларнинг йўллари айрилиб кетгандан кейин Темучин ва унинг қариндошларининг овуллари нотинч бўлиб қолди. Жамуханинг сафарлар ва урушларда синалган жангчиларисиз нафақат кучли ҳисобланган татарлар, балки Тўрғутой-Қирилдукнинг тойчиютлари кучига ҳам қарши туриб бўлмаслигини ҳамма биларди. Ўз тақдирларини Темучин билан боғлаган қариндошлари эса бир неча бор афсус чеккан бўлишлари керак. Жамуханинг ортиданоқ жўнаб қолган Сача-беки, Ўлтон ва Хучарлар тез орада орқаларига қайтиб келишди. Уларнинг бетаинликлари, кўрқоқликлари Темучиннинг ғазабини кўзғадию, лекин индамади. Ўзини уларнинг қўнимсизликларини билмаганга солди.

Аввалига Темучин ҳам ўзини қўярга жой тополмай қолди. Жамуханинг олдига бориб, бирга яшашга кўндирмоқчи бўлди. Лекин ҳаммасини яхшилаб ўйлаб кўриб, бундай қилиб бўлмаслигини тушунди. Одамлар Жамуха бўлмаса, ўзининг қўлидан ҳеч нарса келмайди, деб ўйлаб қолишлари мумкин.

Ҳаммаси у ўйлаганидек бўлиб чиқди. Бири-биридан ваҳимали мишмишлар ўтовдан-ўтовга, овулдан-овулга кириб борди. Тинчини йўқотган Бовурчи Темучиндан сўради:

– Нимани кутяпмиз, Темучин? Агар биқинимизни силаб ётаверсак, бизни синдириб, ер билан яксон қилиб ташлашади.

– Дўстим Бовурчи, сен ваҳимачи бўлиб қолибсан. Эсингдами, икки киши бўлиб юрганимизда ҳам ҳеч кимдан кўрқмас эдик. Ҳозир бўлса, бизнинг жангчиларимиз бор, қариндошларим, кўплаб дўстларим ёнимда.

– Сен шомонни ҳам дўстим, деб юрувдинг. У бўлса қочиб кетди.

– Лекин сен қочмайсан, Жалма қочмайди. Бирга бўлсак, биз ҳеч қанақанги душмандан кўрқмаймиз. Хавотирланма, Бовурчи. Менинг қариндошларимдан кўзингни узмай юр.

– Улар ҳар куни бир-бирлариникига бориб келишяпти.

– Буям яхши.

– Мен бунда ҳеч қанақанги яхшилиқни кўрмаяпман. Орқадан туриб бир иш қилишлари мумкин.

Деярли у ўйлагандек бўлиб чиқди. Тойчиютлар томонга қараб амакиси билан Ўлтон пинҳона йўлга чиқишибди. Темучин ўз одамларига биринчи огоҳлантиришдаёқ йўлга чиқишга тайёр бўлиб туришларини буюрди. Отқозиқларда туну кун отлар эгарлоғлик, навкарлар қуролларини ечмай ухлашарди. Шу кунлар ичида Темучин туз ҳам тотмади, ухламади ҳам.

Ниҳоят амакиси билан Ўлтон қайтиб келишди. Кун ўтиб, Дўритой-ўтчигин Темучиннинг ҳузурига келди. Унинг сўлиган афтидан сафари беҳуда кетгани билиниб турарди.

– Сен нимадандир хафамисан, қадрдон амакижоним?

– Устимизга бало келаётганга ўхшайди, Темучин. Тойчиютлар отларини боқувга қўйишибди. Қуролларини шайлашаётган эмиш. Улар бизга ҳужум қилишади.

– Хужум қилишаверсин.
– Биз ҳимоялана олмаймиз-ку!
– Менга келсак, ҳимояланмоқчи эмасман. Кўрган бўлсанг, менинг овулимда ҳамма нарса араваларга ортиб қўйилган. Мен отам Тўғорил хоннинг ҳузурига кўчиб кетаман.

– Биз-чи? Биз жуда ҳам камчилик қоламиз-ку.
– Нима қилишларинг кераклигини ўзинг ўйла.
– Темучин, қариндошлар бунақа қилмайди.
– Унда қанақа қилади? – Темучин жўрттага сўради-ю, жаҳл билан бақириб берди: – Сизларга ўхшаб, Тўрғутой-Қирилдук билан хуфёна тил бириктирадимиз? Менинг бошим эвазига унинг марҳаматига эришмоқчи эдиларингми?

Амакиси букчайиб, жуда ҳам кичкиналашиб кетди. Ҳиқиллаганча бурнини тортди.

– Қайси бошинг билан шунақа ўйлаяпсан?
– Нима, Тўрғутой-Қирилдукникига бормадингми?
– Нимага энди, бордим. Ўлтон билан бирга. Мен сенга шу сафаримиз ҳақида гапирмоқчи эдим-да. Биз мураса қилиб келамиз, девдик...

– Биз ҳаммамиз қариндошлармиз. Лекин ҳеч келишолмаймиз. Аллақачон кенгашиб ўзимизга хон сайлаб олишимиз керак эди. Шунда ҳеч ерга кўчиб ҳам юрмасдик. Агар сен хон бўладиган бўлсанг, амаки, мен сенинг олдинда бошимни эгардим – менинг аскарларимни ол-да, хон Тўғорилдан ёрдам сўраб, тойчиютларни синдир!

– Майли, Ўлтонни сайлай қолайлик. Сача-бекини ёки Хучарни бўлса ҳам бўлаверади. Менга барибир. Мен улусимизни кулфатлардан ҳимоя қиладиган ҳар қандай хонга хизмат қилавераман.

Дўритой-ўтчигин ўйлашиб қолди.

– Темучин, хон қилиб сени сайлаш керак! – У гўё ҳамма кулфатлардан бирдан кутулишнинг чорасини топгандек, бирдан тетиклашиб кетди.

– Амаки, бировларнинг ташвишларини елкамга ортиб нима қиламан? Унинг устига сизларнинг ичингизда энг кичиги бўлсам.

– Йўқ дема, Темучин. Сенинг улусинг бизнинг улусимиздан катта. Сенинг ҳеч кимда йўқ бўлган Тўғорил хондек суянчиғинг ҳам бор.

Ҳаммаси Темучин кутгандек кетяпти. Аммо у амакисидан бошқа нўёнлар ҳам шу фикрга келишларини истарди. Шунинг учун у амакисини кузатиб қўйиб, Бовурчи билан Жалмаларни ўтовига таклиф қилди.

– Гап бундай, дўстлар. Йигирма-ўттизта энг ишончли одамни танлаб олиб, энг зўр отларга миниб, тунда Ўлтон билан Сача-бекилар овулларидан тўполон кўтаринглари. Шундай қилингларики, сизларни тойчиютлар деб ўйлашсин. Лекин қаранглари, агар иш очилиб қолса... хозир ҳамма иш қил учида илиниб турибди.

Навқарлар ҳамма ишни кўнгилдагидек бажаришди.

Темучиннинг найранги иш берди. Овулига тўпланган қариндошларига қарата деди:

– Майли, қариндошлар. Осмон гувоҳ, ўз манфаатим учун ёки шон-шуҳрат, фармонбардорлик орзуси билан ҳам эмас, мен бу оғир юкни ўз бўйнимга оламан. Овулингизга боринг, ўтовларингизни йиғиштиринг. Бежавотирроқ жойга кўчамиз. Ўша ерда боболаримиз қилишганидек, хон кўтариш маросимини ўтказамиз. Сизлар розимисизлар?

– Ҳа, биз розимиз.

– Вақтни бекор кетказмайлик! Менга юзтадан навкар ажратиб беринг. Йўлда сизларни мен ҳимоя қиламан.

III

Жамуха Ўнўннинг бошланиш тарафида, Темучиндан бор-йўғи бир ярим-икки кунлик масофада қишлади. У жуда кўп овга чиқар, ўлжалари мўл бўлар, яна эркинликка эришганидан кайфияти чоғ эди. Лекин ўрмон бағридаги овдан кейин ўтказиладиган зиёфатларда юриб ҳам, ўтовида ён-бошлаб олиб, қадим дostonларни тинглаб ўтириб ҳам Темучинни эсидан чиқармасди. Андаси ақлини йиғиб олиб, унинг хузурига келишига умид қилиб юрарди. Аммо қиш ўтиб ҳам на андаси ва унинг одамлари Жамуханинг овулига ташриф буюришди. Ҳаммаси тушунарли: андаси энди унга мухтож эмас. Энди бу ерларда ушланиб қолишдан ҳеч қандай маъно йўқ. Унинг устига азалий рақиблари найманлар, янги душманлари меркитлар ва тойчиютлар ҳам бу ерларга жуда яқин. Улар Жамуханинг Темучинга ёрдам берганини кечиришмайди. Унинг бир ўзи ёлғиз қолганини эшитишса, дарров ҳидини олиб келиб қолишлари аниқ. Эҳ, анда, анда, энг яхши умидларни ҳам писта кўмирни ўчиргандек ўчириб ташладинг.

У қоройитлар хонига қарашли Тогу дарёси бўйларига кўчиб кетди.

Туғорил хондан Темучиннинг хон этиб сайланганини эшитиб, Жамуха титраб кетди. У ҳамма нарсани кутсаям, бунга хаёлига келтирмаган эди. Яна битта хон! Эй, мангу осмон, нималар бўляпти! Яқингинада қора қулдай юрган қашшоқ андаси ўзини Ўнўн ва Керулен ўртасидаги ерларнинг хони деб эълон қилса! Ахир, бу ерлар тойчиютлар ва унинг, Жамуханинг ҳам ота-боболаридан қолган кўчманчилик ерлари-ку. Бунақа одамга ёрдам кўлини чўзиб, дунёдаги энг катта аҳмоқликка йўл қўймадимми? Яхшиси, Темучин номсиз-нишонсиз чириб кетгани яхши эди!

Хон ҳам, унинг нўёнлари ҳам меҳмонлар билан овора бўлиб қолишганидан фойдаланиб, Жамуха билдирмайгина чодирдан чиқиб, ўз ўтовига кетди.

Жамуханинг юраги бир тутам эди. Темучинни тарк этиб катта хато қилганини энди тушунди. Кетиб қолсам, Темучин ўзини йўқотиб қўяди, қариндошларини ҳам ушлаб қололмайди деб ўйловди у. Чунки қариндошлари Темучиннинг режаларидан шубҳаланиб юришувди ҳам. Темучин уларни менсимаган пайтларда улар тинимсиз ҳиқиллар, норози бўлиб тупуришар, Темучинга эргашигандан кўра, яланғоч қолишни афзал кўришарди. Йўқ, унга эргашишибди. Ундан ҳам баттари, қари бияларга ўхшаб ўзларини эгарлатиб, жиловлатиб ҳам қўйиб, устларига Темучинни миндириб олибди. Ақл бовар қилмайди! Агар бу жирканч одамларнинг бунчалик бетайин эканликларини билганида эди, андасининг ёнида қолиб, унинг режаларини ўша ерда туриб бузиб юборарди.

Энг қалтис хато шунда эдики, Жамухадан кейин Ўлтон, Сача-беки ва Хучарлар ҳам кўчиб кетишди. Андаси билан фақат муғомбир Дўритой-ўтчигин ва Бўри-Бухаларгина қолишди. Дўритой пайт пойлаб қолган бўлса, Бўри-Буха Тойчарга бўлган нафрати туфайли шошилмади.

Овулида, отқозиклар яқинида навкарлар айлана бўлиб, оғизларини очганча мақтанчоқ Хорчининг вайсоғини эшитиб ўтиришарди. У Жаму-

ханинг узоқ қариндоши эди. Хорчи кўп йиллар Тўрғутой-Қирилдукнинг атрофида ивирсиб юрди. Бир йил олдин эса Темучин одамларининг гапига ишониб, навкарлари билан Темучин ҳузурига қочди. Лекин у андасига эмас, Жамухага қўшилиб, унинг хизматида турди. Бу ерга кўчиш пайтида у отини ҳам, қуролини ҳам олиб, йўқ бўлиб қолувди.

– Сен қаердан келиб қолдинг? – сўради Жамуха, отини тўхтата туриб.

– Темучин сенга хабар қилиб қўйишимизни айтиб жўнатди: нўёнлар қурултойи мангу осмоннинг иродаси билан уни хон қилиб кўтарди, – деди Хорчи Темучин навкарларидан бўлган Дармалага ишора қилиб.

Темучин Хорчини бекорга жўнатмаган. Бу билан у гўёки: “Эсингдан чиқарма, Жамуха, биз сен билан қасамёд қилиб тутинган биродарлармиз. Бу эса қондошлиқдан ҳам юқори туради. Сен хоҳлайсанми-йўқми, мени қувватлашинг керак” демоқчи бўлган. Иккинчи тарафдан Хорчи – қочқин. Уни жўнатаркан, Темучин, қара, Жамуха, хоҳласам, сенинг одамларинг менинг ҳузуримга келади, ўзинг ёлғиз қолиб кетишинг мумкин, демоқчи. Темучиннинг яна бир режаси бўлган. Агар Жамуха ўзига эрк бериб, ўзининг қариндоши ва Темучин хоннинг элчиси бўлган Хорчининг қалласини олса, ўз навкарларини ҳам, бошқа қабилалар одамларини ҳам, хон Тўғорилни ҳам ўзига қарши қилиб қўйган бўлади. Ақллисан, андам, ақллисан. Ўзинг бир сўз айтмасдан ҳам кўндиряпсан, ҳам пўписа қиляпсан, ҳам ғашимни келтиряпсан. Бирон ерингдан тутиб бўлмайди-я.

– Темучин хоннинг ҳузурига нима хабар билан борайлик?

– Ўлтон, Сача-беки ва Хучарларга етказиб қўйинглар: уларнинг узокни кўра олишлари ва донишмандликларига қойилман. Улар менга ўхшаган оддий нўённинг ақлига келмайдиган тўғри йўлни танлашибди. Энди менинг андамнинг хизматида содиқ туришсин, унинг остонасининг қули бўлишсин!

– Темучин хонга нима дейлик?

– Менинг гапим тамом. Бораверинглар... буюк элчилар.

Итнинг боласи Хорчи остонада тўхтаб, унга тишларини тиржайиб кўрсатди. “Шошмай тур-чи, бир куни кўлимга тушасан-ку!” дея кўнглидан ўтказди Жамуха.

VI

Қум бўрони икки кечаю икки кундуз кўчманчилар бошига, Темучин улусига сурон солиб, катта талафот етказди. Эскирган бир қанча ўтов учди, наमतлари бўлак-бўлакларга ажралиб, сахрога сочилиб кетди. Бир уюр от йўқолди. Чорванинг ҳам анчагина қисмини шамол ҳар ерга бошлаб, сахрога тарқатиб юборди. Навкарлару чўпонлар уларни қидириб, тепаликлар ва водийларда тентираб юришди. Бу ишга Темучиннинг ўзи ҳам чиқди. Кунни эгар устида ўтказди. Отлар чарчаганидан уйига пиёда қайтди. Навкарлари бир ўқ масофада судралиб келишяпти. Овулга яқин қолганда Жалмага рўпара бўлди.

– Отларни топдингларми? – сўради Темучин.

– Йўқ. Уларни ҳайдаб кетишган кўринади. Бўрон бошланишидан сал аввал қанақадир одамлар Бўри-Буханинг ўраמידан бир тўда отни олиб қочибди. Дармала уларни бир амаллаб қайтариб олибди. Лекин ўшалар...

Темучин шарт орқасига қайрилди-да, отига шундай забт билан миндики, эгари ғичирлаб кетди.

– Шуни менга энди айтасанми!

– Ўзим ҳам билмаган эдим. Менга бугун айтишди.

– Жалма, мени наमत устида кўтаришди, биз хонлик бунёд қилдик деб ўйлаб юрибмиз. Қани ўша хонлик? Аввалгидай биз уч кишимиз – мен, сен, Бовурчи – ҳамма иш ўзимизнинг елкамизда. Юкимиз бўлса, оғирлашиб кетди, йўлимиз ҳам тоққа қараб чиқиб кетяпти. Тўхтасак, юк орқага тортиб кетадию ўзимизни яна йўл аввалида кўрамыз.

Узоқдаги тепалик устида беш-олтита отлик кўринди. Отларини енгилгина чоптириб келаётган бу чавандозлар тўғри шу томонга қараб келарди. Жалма олдинга иккита навкарини юбориб, қолганларига куролларини тайёрлаб туришни буюрди. Тепаликларга зийраклик билан назар ташлаб турар экан, норози оҳангда минғирлади:

– Йўқолган отларни кидириб юриш хоннинг иши эмас! Отларни тополмайсану, бошингдан ажралишинг мумкин.

– Агар осмоннинг иродаси бўлмаса, бошинг тугул, бир тола сочингни ҳам туширмайсан, – деди Темучин, гарчи ўзи ҳам бироз тинчини йўқотган бўлса-да. Аммо Жалма буни сезишини истамасди.

– Бизни Бовурчи кутиб олаётган кўринади, – деди Жалма.

– Хон Темучин, хушхабар!

– Отларни топдингми?

– Отларни топганим йўқ, лекин чўнўс қабиласи нўёни Улуғ-баҳодирни кутиб олдим. Чўнўслар тойчиютлардан кўчиб кетишибди. Ўйлашимча, бизнинг улусга қўшилишмоқчи. Қария айёр, ичидагини очиб айтмади. Ис олмоқчи, шекилли. Мен уни ўрамга кузатиб қўйдим-да, сабрим чидамай сенинг олдинга учдим.

– Яшавор, Бовурчи дўстим! Бунақанги хушхабар учун мен душманга ҳам ҳаётини инъом қилиб юборган бўлардим... Чўнўс қабиласи, бу энг камида икки юз жангчи дегани! Кекса Улуғ-баҳодир билан келишиб кетамиз.

– Яхшими-ёмонми, билмайман, яна битта хабар бор. Дўритой-ўтчигиннинг одамлари подаларини кидириб юриб, саҳродан Қурухни олиб келишибди. Андангнинг яқин навқари-чи? У чалажон бўлиб ётган экан. Бўронга ҳам қарамай сенинг хузуринга келаётган экан. Миниб келган оти ўлиб қолибди...

Темучин отини тўхтатди.

– Менинг олдимга келаётган экан? Шу бўронда-я? Нима учун? У ҳозир қаерда?

– Мен уни кўрганим йўқ. Эгарга ўтира оладиган бўлиши билан сенинг хузуринга олиб келишларини буюрдим, холос. Бу эрталаб эди. Ўйлашимча, ҳозир Қурух сенинг ўрамингда бўлса керак.

Бовурчининг навқарларидан бирини чақириб, Темучин унинг отига ўтириб олди. Жамуха ундан нима истаган экан? Балки унга меркитлар хужум қилгандиру у андасидан ёрдам сўраётгандир? Ёки қайтишга қарор қилдимикан?.. Унинг фикрлари отидан ҳам учқур эди.

Қурух ростдан ҳам унинг ўрамига келтирилган экан. У билан бирга Дўритой-ўтчигин, Сача-беки, Бўри-Буха ва Дармалалар ҳам келибди. Уларнинг афт-ангоридан билдики, Жамуханинг элчиси яхши хабар билан

келмаган. Курух кум бўронида кўп азият чеккан, юз териси қизариб пишиб кетган, лаблари ёрилиб, шишган эди. Лекин оёғида маҳкам туришга ҳаракат қиларди. Унинг гапларини эшитар экан, Темучиннинг ичида оғриқ туриб, юраги музлаб бўлди. Андаси уруш билан пўписа қияпти... Қовоқлари солиқ, кайфиятлари тушиб кетган нўёнлар ва дўстларининг юзларига бир-бир қараб чиқди. Кейин ўзини босиб олган кўйи Курухга жавоб қилди:

– Андамнинг гаплари тушунарли... Сенинг мазанг йўқ, ҳолсизсан. Дам ол. Эртага жавобингни оласан.

Курух ўтовдан чиқиши биланок Темучин ўрнидан сакраб туриб кетди-да, ўтирган нўёнларининг устида туриб олди.

– Мен сизларнинг хонингизманми, йўқми, билолмаяпман! Қароқчилар менинг улусимни талаб, подаларни ҳайдаб кетадию, мен бундан беҳабарман. Тойчарни ўлдирасизлару мен буни бошқалардан эшитаман. Бўри-Буха, отларингни ўғрилар ҳайдаб кетганини нега менга айтмадинг?

– Отларни қайтариб олдик-ку, хабар бериб нима қиламан? – деди Бўри-Буха хафа бўлиб.

– Тойчарни ким ўлдирди? Сенми?

– Йўқ, уни анави ўлдирди, – Бўри-Буха Дармалага ишора қилди. Дармала Темучинга енгилгина таъзим қилди.

– Хурсандмисан? Ғурурланяпсанми? Тойчарни ўлдирганингни кимга айтдинг?

– Мен уни ўлдирдим деб ўйламовдим. Ярадор қилдим деб юрибман...

– Ўйладим, ўйламадим! Нима қилиб қўйганингни билаяпсанми? Сен, хомкалла, нимани ҳам тушунардинг! Эртага Жамуханинг қўлига топширганимда, ичак-чавоғингни суғуриб олганида тушунасан. Бошқалар ҳам ўшанда тушунади...

У ичидаги бор жаҳлини тўкиб солди-да, эзилган, ҳолсиз одамдай жойига ўтирди. Энди ҳар қанча бақирмасин, ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди.

– Менинг андам Жамуха биздан нимани талаб қилаётгани ҳаммангизга тушунарлими? Ё Дармалани бола-чақаси билан Жамуханинг қўлига топшириб, унга итоат қиламиз ёки уруш. Танланглар.

Ўтов ичи сукунатга чўмди. Ҳамма унинг нима дейишини кутиб ўтирарди. Бўрта юмшоқ чорикларини овоз чиқармай босганича секингина кириб, мойчирокни олиб чиқиб кетди-да, яна тезда қўлида ёниб турган чирок билан қайтиб кирди. Ўтов унча қоронғи эмас эдию, аммо чирок кирганидан кейин бирдан қоронғилашиб қолгандай туюлди.

– Темучин, Улуғ-баҳодирни жуда узоқ куттириб қўймадингмикан? – деди паст овозда Бўрта.

– Бақовулга айт, кечки овқатга энг яхши нарсаларни солсин. Биз ҳозир тугатамиз.

Бўрта чиқиб кетди.

– Яқинроқ ўтиринглар, – деди Темучин. У қариндошларининг юзларини яқиндан кўрмоқчи эди. – Дармала, сен улусимни қўриқлаши керак бўлган ҳақиқий жангчининг ишини қилгансан. – У белидаги қиличинини ечиб, унга узатди. – Ол. Бу билан душманларимнинг додини бериб юр.

Дармала оғир хўрсиниб қилични олди, уни ярмигача қинидан чиқариб, тигини кўксига босди.

– Темучин хон!.. Буюк ва адолатли хон!

– Бор, Дармала, ҳаётингдан хавотир олма. Сизларга эса, менинг улуғ қариндошларим, қарорим тушунарли бўлган бўлса керак. Мен бошқача йўл тутолмайман. Сиз менинг зиммамга ўзларингизни ҳимоя қилиш, тинчлигингиз ва хавфсизлигингизни таъминлашни юклагансиз. Ўтовларимизда осойишта қозон қайнаши йўлида мен Дармаланинг ҳам жонини аяб ўтирмасдим. Бироқ сизлар Жамухани яхши билмайсизлар. Агар у Дармаланинг қони билан қиличини қонга ботириб, тинчийди деб ўйласангиз, хато қиласиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Тойчар билан ким азалдан ёқалашиб келади? Сен, Бўри-Буха. Дармала кимнинг хизматини қилади? Сенинг, Бўри-Буха. Демак, Дармаладан кейин у сенинг бошингни ҳам сўрайди. Шунақамасми?

Бўри-Буханинг пастки лаби осилиб тушди, митти кўзлари катталашиб кетиб, қўрқа-писа минғирлади:

– Ҳм-м, шунақа...

Сача-беки унга ёвқараш қилиб қўйди.

– Ўйлаб жўжаҳўрозлик қилиш керак эди!

– Биз Жамухага Бўри-Бухани ҳам топширамыз. Ундан кейин навбат кимга келади? – Темучин нигоҳини Сача-бекида тўхтатди.

– Мен Тойчар билан ҳам, Жамуха билан ҳам уришмаганман, – деди у.

– Лекин Жамуханинг ўйлашича, Ўлтон билан Хучар бизнинг орамизни бузишга сабаб бўлишган, шундайми? Жамуха кўчиб кетаётганида, у билан бирга кетдинглар-да, кейин уни алдаган бўлиб, орқаларингга қайтиб келдинглар. Буларни у унутиб юборган деб ўйлаяпсизларми? Найзасини биринчи бўлиб кимнинг бўйнига уриши мумкин? Хучарнингми, Ўлтоннингми? Балки сени мўлжалга олар, Сача-беки?

– У ҳали менгача етиб олсин! – деди кулимсираб Сача-беки.

Лекин бу кулги Сача-бекининг кўнглида пайдо бўлган ғашликни Темучиннинг назаридан яширолмади. Мақтаниб, ботирлик қилиб қўйяптию, аммо ўзи яхши билиб турибди. Жамуханинг кўлига тушиб қолгудай бўлса, уни алдагани учун ҳам, Темучинни хон қилиб кўтаришга рози бўлганлари учун ҳам қалласини олади.

– Мен сизларга ҳам хонман, ҳам кичик қариндошингизман. Шундай экан, мен сизларнинг бошингизга энг яқин дўстим ва андам томонидан ёпирилиб келаётган балоларга индамай тураверишим керакми?

– Чиндан ҳам сенинг ақлингни осмоннинг ўзи бошқаради! – хитоб қилди Дўритой-ўтчигин. – Биз елкама-елка туриб душманни даф қилишимиз керак!

– Қани, бошини суқиб кўрсин-чи, бу ерларга! – тўнғиллади Бўри-Буха. Сача-беки жим эди.

– Одамларингиз, отларингиз ва қуролларингизни ҳозирлашга тушинг... Ҳозир эса бу ерга Улуғ-баҳодир келади. Базм қиламиз. Хафагарчиликни йўқотинг!

Бовурчи Қурухни бошлаб кирди. Унга жавоб беришдан олдин Темучин яна бир бор қариндошларига мурожаат қилди.

– Ораларингизда мендан бошқача қарорга келган одам борми? Йўқ. Эслаб қол, Қурух... – Темучин бошини эгиб, ерга қараганича паст овозда салмоқ билан сўзлай кетди: – Менинг андам Жамуха, осмон кўриб турибди, сенинг қалбингни эзган ҳам менинг қалбимни ҳам эзган. Укангнинг қотилига бўлган нафратингни ҳис қилмаслигим мумкинми? Лекин менинг

бебаҳо биродарим, ақли зукко биродарим, нима воқеа юз берганини ўзинг яхшилаб ўйлаб кўргин. Арава ғилдираги сенинг оёғингни босиб ўтса, ким айбдор бўлади? Аравами, хўкизми ёки хўкизни етаклаб кетаётган одамми? – Темучин бошини кўтарди, Курухнинг асабий нигоҳини илиб олди. – Хўкиз ҳам, арава ҳам ва уни етакловчи ҳам айбдор эмас. Сенинг ўзинг айбдорсан. Йўл устида оғзингни очиб турмагин-да! Уканг Тойчар нима излаган бўлса, ўшани топди. Шундай экан, яна нима истайсан, андам Жамуха?

Курух тилининг учи билан лабини ялаб қўйди.

– Темучин хон, сен ўз бўйнингга сиртмоқ солаяпсан!

– Ҳаммамизнинг устимиздан осмон иродаси ҳукмрон. Сен менинг бўйнимнинг ташвишини қилмай қўя қол. Жўнайвер. Сенга от, йўлга етарли қурут ва бир меш қимиз беришади.

Курух таъзим қилганича орқасига тисарилди. Темучин кўкрагини тўлдириб чуқур нафас олди-да, бир нафасда чиқариб ташлади. Пуф-ф-ф! Бўлди! Орқага йўл йўк...

X

– Келишяпти! – деб бақирди Бовурчи ва бошидан қалпоғини ечиб, у билан тиззасига бир урди-да, яна бақирди: – Келишяпти, Темучин хон!

Темучиннинг ўзи ҳам кўриб турган эди: яланг тепаликни ошиб ўтиб, овулга уруд ва манғит қабилаларининг отлиқ жангчилари тушиб келарди. Жайрон дарада Овчи-баҳодир билан Жамухани тарк этган бу нўёнлар ўз овулларига қайтиб бориб, бола-чақалари ва чорваларини олиб йўлга тушишди. То шу кунгача қаерга кетишаётганини ҳеч ким билмасди. Тўғорил хон ё найманлар хузурига бориши ёки бошқа қабилаларга қўшни бўлиши ҳам мумкин эди. Лекин улар Темучиннинг яқинида тўхташга қарор қилиб, мана, ўзлари ҳам етиб келди.

– Хон Темучин, сен ўтовингга бориб, ўзингнинг баланд жойингга чиқиб ўтиргин. Бўлмасам, кутиб олгани ўзи чопиб чиқибди деб ўйлашади, – деди Бовурчи шошиб. – Қоровуллар! Турган жойингизда қоққан қозикдек қотинг! Бир арава қимизни эмас, хон ўтовини кўриқляяпсиз!

Темучин ўтов тўридаги намагга ўтириб олар экан, Бовурчи эрта хурсанд бўляпти, ҳали эрта деб ўйлади. Улар ҳали биз билан бирга кўчманчилик қилишадими-йўкми – номаълум. Хоҳлашган тақдирда ҳам уни ўзларининг хони деб қабул қилишармикин? Урудлар ҳам, манғитлар ҳам довьоракликлари билан машхур...

Ўтов олдида уч нафар отлиқ отдан тушди. Иккитаси нотаниш, узунчок юзли, оппоқ соқолли учинчисини эса Темучин таниди ва жуда ҳам хурсанд бўлиб кетди. Бу отасининг содиқ дўсти Мунлик эди. Энг оғир дамларда ёрдам қўлини чўзган Мунлик. Ҳаммадан ҳам кўп яхшилик қилган шомон Теб-Тангрининг отаси Мунлик.

Бовурчи одамларни кираверишда тўхтади.

– Кутиб туринглар. Мен сўраб чиқаман, хон ўз ишлари билан банд эмасмикин.

Ўтовга кириб, бизни бир кўриб қўйишсин, дегандек ишора қилиб қўйди.

– Чакиравер! – деди сабрсизлик билан Темучин.

Меҳмонлар кириб, эҳтиром билан таъзим қилишди. Темучин ўрнидан туриб келиб, Мунликнинг елкаларига қўлларини кўйди.

– Таъзим қилма. Менинг ўзим сенга фарзандлик ҳурмати билан таъзим қилишим, раҳмат дейишим керак.

– Мен тойчиютлардан кета олмадим. Мана бу жасур нўёнлар ёрдамлашиб юборишди.

– Сизларга ҳам раҳмат! – Темучин нўёнларга юзланди. – Э-э, сизларнинг юзларингиз менга танишдай, қаерда кўрган бўлишим мумкин? – Кўзларини айёрона қисди. – Жайронлар дарасида мени бурчакка тикиб кўйишда Жамуха андамга қарашиб юборган сизлар эмасми?

– Ёрдам берган? Андам Жарчи, биз ёрдам бердикми ёки халал бердикми?

– Халал бердик, Жарчи, қўлимиздан келганича.

– Қаерга йўл олаяпсизлар?

– Биз шомон Теб-тангри кўрсатган йўлдан келавердик. Мана шу ерда экан манзилимиз.

– Дўстлар келганда мен хурсанд бўламан. Лекин сизлар тинчроқ жойларни кўзлаган бўлсангиз, у бу ер эмас. Ўтиринглар, азиз меҳмонлар ва менга бир оғир масалани ҳал қилишга қарашиб юборинглар. Тутинган отам хон Тўғорил Олтин-хоннинг қўшини билан бирга татарларга қарши жангга отланибди. У мени ҳам ўзининг ёнига чақиряпти. Мен у билан боришим керакми?

– Татарларнинг темир совутлари бор, – деди Хулдор. – Ўшаларда қиличларимизнинг қанчалик ўткирлигини бир синаб кўрсак бўлади. Агар татарларга қарши жангга борадиган бўлсанг, биз сен билан биргамиз.

– Кейин яна Тўрғутой-Қирилдуқ ёнига қайтгинглар келиб қолмайдими?

– Жарчи андам, Тўрғутой-Қирилдуқнинг ёнига кетгимиз келиб қолмайдими?

Қирғийбурун, камгап Жарчи дўриллади:

– Кетмаймиз.

– Нимага? – сўради Темучин.

– Тўрғутой-Қирилдуқнинг жигари чириган, – тушунтирди Хулдор. – Унинг ёнидаги ёшлар тез қариб қолишади, қарилар бўлса тез тўкилади. Унинг яқинидаги пашшалар ҳам эринчоқ бўлиб қолган.

– Аммо менинг хонлигим сизларнинг ёдингиздами? Ким мен билан бирга бўлса, ўз ҳаётини менга топширади.

Балки Темучин бу гапини ҳозир, ҳеч қандай тайёргарликсиз, дангал гапирмаслиги керакмиди. Ўзбошимчаликни ёмон кўришини айтмай тургани маъкулмиди. Лекин у агар бу нўёнлар кетадиган бўлса, Жамуха билан Овчи-баҳодирни тарк этишганидек, энг оғир паллада эмас, ҳозироқ кетгани яхши деб ўйлади.

– Нўённинг иродаси навкар учун, агар у виждонан қабул қилса, учкур от каби бўлади. Агар мажбуран бўлса, белни чиқариб кўювчи оғир юк бўлади. Хоннинг иродаси ҳам худди шундай. Ақлли нўён билан ақлли хон навкарлари бошларини ҳам қилиб пиёда судралишлари эмас, учкур одек елишлари учун бирлашиб ҳаракат қилади. Андам Жарчи, тўғри айтаяпманми?

– Тўғри, Хулдор, шунақа-да. Пиёда узокқа кетолмайди. Узокқа бормаган одамдан эса фойда кам бўлади.

Темучин ўзича уларнинг фикрларини маъқуллади. Яхши нўёнга навкарлар, яхши хонга нўёнлар эргашаверади. Улар бир-бирларига керак экан, ҳаммаси жойида бўлади. Агар бу одамлар ўз кучлари билан қўлга киритолмайдиган нарсаларини Темучиндан олсалар, ҳеч қаёққа кетмайдилар.

Шу оқшом у барвақт уйқуга ётди. Сахарлаб йўлга чиқиш лозим. Уни ҳали тонг ёришмасданок уйғотишди. Ўтовнинг кираверишида қўлида фонус ушлаган Бовурчи, унинг ёнида эса яланғоч аҳволда Жалма турарди. Уларга қўзи тушган Бўрта уялиб кетиб, юзини кўрпа билан беркитиб олди.

– Темучин хон! Менга, менинг эллик нафар одамимга Сача-бекининг одамлари ҳужум қилиб, отларимиз ва кийимларимизни тортиб олишди.

Темучин секин ўрнидан турди. Бирданига нафаси қисилди. Қўли билан бўйнини силади, хириллаганича:

– Ҳаммани турғазинлар! Етиб олинлар! Чопиб ташланлар!

– Мени ҳам ўзинг билан бирга олиб кет, Темучин, – деди Бўрта.

– Нимага?

– Сени эҳтиёт қилиб юраман.

– Менинг навкарларим бор. Сен ўғлингга қара. Ўрамлардаги қоровулларнинг ухлашига йўл қўйма.

– Мен ҳаммасини сен айтгандай қиламан. Сен ўзинг ҳам ҳушёр бўл. Ўзинг биласан-ку, қизикқонлигинг ўзингга зиён қилади.

– У кимга ҳам фойда берган?

– Лекин бошқалар ўзини совитишни билади. Менинг отамни бекорга сечен деб аташмайди. У бундай дерди: агар жаҳлинг кўз олдингни тўсиб қўйсаю, тилингга ёмон сўзлар келаётган бўлса, уларни ташқарига чиқаришга шошилма. Ундан олдин бармоқларингни битта-битта букиб ол. Мана бундай. – Бўрта қўлини олдинга чиқариб, бармоқларини биттама-битта кафтига қараб букиб кўрсатди. – Буни бировга билдирмай ҳам қилиш мумкин. – У қўлини тушириб, енги ичига тиқиб олди. – Шундай қилсанг, сенинг ақлинг душманларингни ҳам худди бармоқларингга ўхшаб букиб қўяди.

Сача-бекининг хиёнаткорлиги ҳақидаги хабар тезда ўрамга ва унга яқин қароргоҳга ҳам етиб борди. Амакиси, Хучар ва Ўлтонлар келишди.

Темучиннинг шубҳаси ортди. Келишиб олишмаганмикин? Сача-беки, Тайчу ва Бўри-Бухалар кетиб қолди. Булар эса уларга етиб олишга тайёр. Сафарни бузишмоқчи. Кейин эса сотқинларни оқлашга тушишади. У қўлини туширди-да, бармоқларини битта-битта букиб чиқиб, мушт қилди.

– Сотқин қариндошларимиз ҳақида кейин гаплашамиз. Сафардан қайтганимиздан сўнг.

Тўғорил уни аввалдан келишилган жойда кутиб турган экан. Темучин хон отасидан билдики, татарлар Олтин-хон қўшинларини кичик-кичик тўқнашувлар билан ҳолдан тойдириб, Уолжа дарёси томонга сиқиб бораётибди.

Уолжа водийси пистирма учун жуда қулай эди. Суви тиниқ дарёнинг ҳар иккала қирғоғида қалин буталар ўсган бўлиб, улар ўтлоқларга туташиб кетарди. Тўғорил ва Темучин ўз жангчиларини мана шу бутазорлар орасига жойлаб, ким душманга ўзини билдириб, пистирмани фош қилиб қўйса, унга ўлим жазоси берилади деб кўрkitиб қўйишди.

Татарлар кунботар олдида пайдо бўлди. Ҳар тарафга сочилган олгинчилар, уларнинг ортидан назоратчи кўшинлар бўлими ўтди. Уларнинг отлари чарчаган эди, назоратчиларнинг ўзлари ҳам очиқ жойларни танлаб, атрофни диққат билан кузатишмади. Асосий кучлар кўринди. Темучин бутатолнинг шохини эгди, кафтини кўзлари устига қўйиб тикилди. Татарлар пайдар-пай келар, отлари йўлакай ўт чимдирди. Ҳу, лаънатилар, эҳтиёт бўлинглар!

Жанг бошланишини билдирувчи ўқлар визиллаб қолди. Темучин ва Тўғорилнинг жангчилари икки томондан татарларга ёпирилди. Улар аввал ҳеч нарсани тушунмай қотиб қолди. Ярим олға қараб, қолганлари эса отларини орқага буриб кетишди.

Секин-аста татарлар сафларини текислаб олдию, аммо кутилмаганда юз берган ҳужум кучини баргараф қилолмади-да, орқага чекинди.

Темучин ўз жангчилари билан ёнма-ён от суриб борарди. Душманлар кўрқув билан орқага қараб қўяр, товонлари билан хориган отларининг биқинига никтар эди. Бир татарга етиб олиб, Темучин қиличини кўтарди. Татар бошини ўгириб қаради. Унинг навқирон юзида қон йўқ, кўзларида даҳшат акс этиб турарди. Қилич зарби татарнинг дубулғасиз бўйнига келиб тушди. У секингина отнинг ёлига эгилиб, ерга думалади.

Татарлар ўзларининг араваларини ҳам босиб, янчиб ўта бошлади. Ялтироқ дубулға кийиб олган гавдали бир қария ўз аскарларини қамчи билан савалар, жанг майдонига қайтармоқчи бўларди. Бироқ улар қамчи зарбига ҳам қарамай қочишда давом этарди. Қария қамчисини тушириб, қиличини чиқарди-да, Темучин жангчиларига қараб ташланди. Кўзларини ола-кула қилиб олган бўз от орқа оёқларида туриб олди. Унинг қиличи жангчиларнинг бошига бехато урилар, аммо унга қарши отилган ўқлар, урилган найзаларни темир совутлари қайтариб ташларди. Унинг атрофи бўшаб қолди. Икки арава орасида жойлашиб олган қўйи ўзига ҳеч қимни яқинлаштирмасди. Бу татарларга қамчи зарбидан кўра яхшироқ таъсир қилди чоғи, улар қариянинг олдига тўплана бошлашди. Йиқилганларнинг устидан босиб бошқалари келишарди. Темучин камонини қўлига олди. Аммо отишга улгурмади. Қариянинг олдига Човурхон-Субутой от қўйиб етиб келди. У бошқаларга ўхшаб унга ҳужум қилиб ўтирмай, аввал арава устига чиқиб олди, кейин худди мушукка ўхшаш чаққонлик билан қариянинг кулранг отига мингашиб олди. Чол билан бирга от устидан кулар экан, Субутой чолнинг бўйнига пичоқ тортди.

Татарлар ўкириб юбордию, ортиқ қаршилиқ қилишни бас қилиб, қоча бошлади.

Темучин Човурхон-Субутойнинг яқинига келиб отидан тушди, оёғи билан мағлуб бўлган чолни туртди.

– Жасур одам экан! Унинг кимлигини билмайсанми?

– Йўқ.

– Темучин хон, бу одамнинг кимлигини мен билсам керак, – деди ёши улуг, ночор кийинган жангчи ерда ётган жасадга эгар устидан энгашиб қарар экан. – Ҳа, бу ўша. Татарларнинг катта нўёни – Мағужин Сайилту.

– Буни қаердан биласан?

– Мен Тўхта-бекининг юзбошиси эдим. Унинг номидан бу ва бошқа нўёнлар билан музокаралар олиб борганман. Кейин мени кишанлаб, асир олишди. Сен эса менга ҳаёт ва озодликни ҳадя қилдинг...

– Эслаяпман. Сен нима учун ўзингникиларга қўшилмадинг?
 – Мен ўзимнинг одамларимни сенинг овулингда топдим, хон, – сирли кулди жангчи.
 – Урушга боришга сени мажбур қилишдим?
 – Мен ўзим келдим. Ўқ ясайдиган пичокдан кўра менга қилич ишла-тиш осонроқ.
 – Бу Тойчу-Курининг ёрдамчиси эди, – тушунтирди Човурхон-Субутой. – Мен уни ўз бўлимимга олдим. Чиледу уруш сирларини мендан кўра яхшироқ билади.

– Бўлмаса, шу одам юзбошилиқ қилсин. Сенга эса, Субутой-баходир, бундан кейин сенинг номингни шундай аташсин, бошқа иш топамиз. Би-либ қўй, Чиледу, мен одамларни ақли, жасорати ва садоқатига қараб муко-фотлайман. Менга хизмат қилавер, кам бўлмайсан.

Тун чўкиши татарларни буткул мағлубиятдан асраб қолди. Тун коронғисида юришга халал берадиган ҳамма нарсаларини ташлаганча, улар Уолжа бўйлаб пастга йўл олди. Темучин ва Тўғорилнинг кўлига катта-гина ўлжа тушган эди. Юклари кўпайган, унинг устига чорва ҳайвонлари ва отлар подаси билан Темучин ва Тўғорил энди татарларни таъкиб эта олмасди.

Эртаси куни асирлар орасидан қари хотинларни ажратиб олиб, чопиб ташлашди-да, орқаларига қайтишди. Оқариб кўринаётган жасадлар ора-сидан (жангчилар ўлганларнинг кийимларини ечиб олишган эди) дарё тепасига қараб юриб ўтар экан, куёш ҳароратида қуюқлашиб бораётган ўлик иси кўнгилни беҳузур қиларди.

Темучин чэнсяннинг¹ ҳузурига ҳамма ўлжа билан бормасликка Тўғорилни кўндирди. “Хитойликларнинг иштаҳаси очилиб кетиши ва очкўзликлари тутиб кетиши мумкин. Ўрнига уларга мингта от ҳадя қилсак кифоя. Агар бундан кўпини хоҳлашса, ўзлари топиб олаверсин”, деди у.

XI

Темучин чэнсян қароргоҳини мамнун бир кайфиятда тарк этди. У ер-даги ҳамма нарса унга бегона, нотаниш ва тушунарсиз, шунинг учун ҳам у ич-ичидан уларни ўзи учун хавфли деб сезди. Тўғорил бўлса, аксинча ўйларди: Олтин-хоннинг одамлари хавфли эмас, балки татар-ларнинг хиёнатларидан чўчиб қолишган, шунинг учун бошқаларга ҳам ишонилмайпти. Уларнинг бу фикрларини ўзгартириш, Темучинга ўхшаб ўз мағрурлигимизни намоёйиш қилмаслигимиз керак. Ван мар-табасига эришганидан хурсанд эканини Тўғорил яшириб ўтирмади. Бу унинг учун жуда зарур, укаси Эрхэ-Харани пинжигга тикиб ўтирган найманларга қарши қалқон ўрнида эди. Олтин-хон томонидан берилган бўлса-да, бу ван унвонидан қандай қилиб фойдаланиш мумкинлигига Темучиннинг ақли етмасди. Мана, ўзи хонлик мартабасидаю, лекин доим бу мартабани ҳимоя қилиши, эҳтиётлаши керак... Тўғорилни ван деб аташадиган бўлса, унинг назарида гўёки хонлик мартабаси пасай-иб қоладигандай эди. У бунинг йўлини топди. Энди у Тўғорилни “ван-хон” деб атай бошлади. Бу Тўғорилга ҳам ёқиб тушди. Темучин унинг хурсанд бужур юзига, кулоқлари орқасидаги оқариб қолган кокиллари-

¹ Чэнсян – император вазири.

га боқаркан, ичидан кулиб қўйди. Хон-отаси қарияпти. Ўзини арзимас нарсалар билан овутиб юрибди.

Татарлардан олинган ўлжаларни тенг иккига бўлишди. Хайрлашув базми уюштиришди. Кейин ҳар бири ўз юртига қайтди. Ван-хон ўз улусига, Темучин ўз улусига.

Тўғорилни кузатиши билан Темучин Хони олиб келишларини буюрди. Ёнма-ён кета бошлашди. Чап, ўнг томонда аравалар, асирлар келар, улардан орқарокда отлар, чорва моллари. Чўл ҳар хил товушлар, ачимсиқ чанг, тер хидига тўлиб кетди.

– Хо, кўряпсанми, мана шунинг ҳаммаси меники! Ҳатто отам ҳам бунақа катта ўлжа олмаган бўлса керак.

– Тўғри, лекин у Олтин-хон билан ўртоқчилик ҳам қилмаган-да...

Бунинг мақтовми ёки унинг аксими эканлигини билиб бўлмасди. Хо от устида жуда ноқулай ўтирар, узангига етмаганидан оёғини тиззасидан букиб олган, жиловни ҳам икки қўллаб ушлаган эди. Ҳатто хотинлар ҳам отни бунақа минмайди.

– Жиловни бўш қўй, бунақа маҳкам ушлама. Нима, қўлингда гиёҳли овқат солинган чинни коса борми? Отда ўтиришни эсингдан чиқариб юбордингми? Бошқа нарсаларни ҳам унутиб юборгандирсан?

– Отда юриш эсимдан чиқиб қолган. Лекин бошқа ҳеч нарсани унутганим йўқ. Мана шу чўлга бир келгим келарди. Опамни, сени, онангни жуда соғингандим.

– Билишимча, катта одам бўлиб кетибсанми?

– Йўқ, катта одам бўлиб кетганим йўқ, хон Темучин.

– Бўлмаса нима учун катта одамлар сенинг опангга шунчалик кайғуришяпти?

– Мен фақат опамни кўргани кетаётганим йўқ. – Хонинг юзи тундлашди. – Мен бу ердаги ҳамма нарсани кўриб, эшитиб, эслаб қолишим ҳам керак. Шунинг учун ҳам сендан кейин хон Тўғорилникига, ундан ўнгутлар ерига ўтаман.

– Қандай журъат қилдинг? – Темучин унинг елкасидан тутиб, жаҳд билан ўзига қаратди.

– Мен ихтиёрсиз одамман, Темучин хон, – Хо маънос хўрсинди. – Лекин мен сенга душман эмасман. Менинг оғзимдан сизларга зиён етказадиган биронта ҳам сўз чиқмайди.

– Алдаётган бўлсанг-чи? Нима учун сенинг гапингга ишоним керак?

– Мен ўзим буни сенга айтмаганимда сен ҳеч нарсани билолмасдинг.

Бу тўғри. Соддадил бу одам Олтин-хоннинг айғоқчиси деб, ҳеч ҳам ўйламаган бўларди.

– Сенинг хўжайининг ким? Чэнсянми?

– Йўқ. Бошқаси.

– Семизими? У ким ўзи?

– Ҳоким Юн-цзи, императорнинг вориси.

– Ў-ҳў! Ворис? Нимага ўзини танитмади?

– Бўлажак император ёввойилар билан муомала қилиши мумкин эмас.

– Буни қара-я! Бўлажак император... Шунинг учун унинг юзи худди зах босган жойдаги чириндиларга ўхшаб турган экан-да.

Ходан сўраб-сўраб, у доим жанубни кўрсатиб турадиган аравадан ҳам кизикроқ нарсаларни билиб олди. У ерларда одамлар жуда ҳам кўплигини,

бу давлатнинг бойлиги ва ўзига шунчалаб ақлли амалдорлару моҳир саркардаларни бўйсундира олган Олтин-хон ҳукмдорлигининг кудратини содда ақли билан тушуниб етиши қийин эди. Бунинг учун Олтин-хоннинг ўзи ақлдиларнинг ақллиси, кучдиларнинг кучлиси бўлиши керак. У қанақа одам бўлди экан? Балки у чиндан ҳам осмон фарзандидир? Лекин ҳоким Юн-цзи тахт вориси... Унинг бошқа одамлардан фарқли ҳеч нимаси йўқ-ку! Буни қанақа тушуниш керак? Хо уни калака қилмаяптимикиан?

– Сен нима учун менинг ҳамма гапларимни таржима қилиб бермадинг?
– сўради у Ходан.

– Буни билиб олиш қийин эмас-ку...

– Лекин улар сенинг алдаётганингни билиб қолсалар нима бўларди?

– Гўштимни кузгунлар талаётган бўларди...

Чиндан ҳам. Хо ўшанда тиғ устида турганди. Хўжайинларининг мурувватини қозониш учун у ростини гапириши керак эди. Ким билсин, Хо уни ҳам каттагина кўнгилсизликлардан сақлаб қолгандир.

– Раҳмат сенга, Хо. Ўлжаларни тақсимлаётганимда сен битта жангчининг улушини оласан. Айт-чи, нима учун сенинг хўжайинларинг мени Тўғорил хондан паст кўраяпти? Мен ҳам унга ўхшаган хонман-ку.

– Гапим қўпол чикса, мени кечир, уларнинг одати шунақа, иккита итга битта суяк ташлайдилар.

– Улар мени хон-отамга ҳасад қилади, деб ўйлашдимми?

– Сенинг қизикқонлигингни улар ҳасаддан деб тушунишди.

– Хато қилишади! Лекин нимага бунақа қилишади?

– Бир куни керак бўлиб қолади. Иккита келишолмай қолган одам учинчисини қидиради-да.

– Сенинг хўжайинларинг узоқни кўзлашаркан! Хавфли одамлар. Қоғоз уларга нимага керак бўлади?

– Айтилган гаплар эсдан чиқиб қолиши мумкин. Қоғозга кўчирилганда, улар жуда узоқ муддат сақланиб туради. Бизнинг болаларимиз ҳам бу дунёдан ўтиб кетишлари мумкин. Лекин ўқишни биладиган ҳар қандай одам бугунги кунда нима ёзилган бўлса, сўзма-сўз ўқиб олаверади.

– Булар қанчалик айёр одамлар-а! – Темучин бошини чайқаб қўйди.

– Мен у қоғозга ўз белгимни қўймай, яхши қилибман. Улар нималарни ёзишганини ким билади дейсан? Хо, менинг хузуримда қолсанг-чи...

– Мен-ку қолардим-а, лекин у ёқда хотиним, ўғлим...

Темучиннинг кадрдон овули уни ҳайқирик ва олқишлар билан кутиб олди. Оломон ўртасидан секинлаб ўтар экан, у ўз улусининг ҳукмдори эканини биринчи марта чинакамига ҳис қилди. Татарларнинг мағлуб этилиши, урушда орттирилган бир дунё ўлжалар уни бир зумда ҳамма одамлардан юқорига, қўл етмас юксакликка кўтариб юборди. Лекин бу юксаклик тош-метин қоя эмас, балки шамол тебратиб турган дарахтнинг учи эди, холос. У жойдан ерга қулаб бошингни ёриб олишинг ҳеч гап эмасди. Ўтовиди у ўз яқинларига совға улашди. Бўртага қумуш ва садафлар билан безалган, дурлар қадалган ёпинчиқли бешик совға қилди.

Тун бўйи ўрамда машғалалар ёниб, қўшиқлар эшитилиб турди. Аммо Темучин бу вақтда анча узоқда эди. Учқур оти уни Делун-Болдоғ дара-сига учуриб келарди. Урушдан уйига қайтаётганидаёқ у Сача-беки, Тайчу ва Бўри-Бухалар тойчиютлар томонга кетгани ва шу дарада, унинг устидан кулгандек, Темучиннинг ватани бўлган Делун-Болдоғда овул

тиклаганини эшитганди. Ўша ерданоқ у ўзининг ярим қўшинини дарага жўнатган эди. Сача-бекининг устига кутилмаганда, ҳали Темучиннинг жангдан қайтганини билмасидан туриб, хужум қилиш керак эди. Акс ҳолда у Тўрғутой-Қирилдукни ёрдамга чакиртириши мумкин. Унда қийин бўларди!

Ҳисобтўғри чиқди. Делун-Болдоғда уларни кутишмаган экан. Сача-беки билан Бўри-Буханинг навкарлари ҳаттоки қаршилик ҳам кўрсатишмабди. Қуролларини ташлаб, афв этишларини ялиниб сўрашибди. Ҳамма одамлар, чорваларию ўтовлари билан унинг қўлига ўтибди. Бироқ қариндош нўёнлари қочишга улгурибди. Сача-беки билан Тайчу узоққа кетмаган экан, ўша куниёқ тутиб келтиришди. Бўри-Бухани тута олишмади.

Овулдагилар Темучинни ҳайрат билан кутиб олишди. Овул ўтовларидан нарида, очиқ саҳрода у жангчиларни икки қатор қилиб сафлади. Унинг нима қилмоқчи эканини ҳеч ким билмасди. Нўёнлар, дўстлари ва укалари унинг орқасида жимгина бир нарсаларни шивирлашиб туришарди. Сача-беки билан Тайчуни олиб келишди. Уларнинг белбоғлари йўк, бош яланг, кокиллари тўзғиб кетган эди. Кийимлари ғижим, бетартиб сочларига тезак парчалари ёпишиб қолган.

– Садоқатларингни муносиб мукофотлайман деб қасам ичмаганмидим? Хиёнат ва макрнинг пайини қуритаман деб ҳам қасам ичган эдим, а? Сача-беки, Тайчу? Сизларнинг одамларингиз бор эди, энди йўк. Ўтовлар ва чорваларингиз бор эди, энди улар меники. Сизларнинг жонларингиз қолди, холос. Ўша жонларингиз билан сизлар мангу осмон гувоҳлигида садоқат сақлашга қасам ичган эдинглар...

– Шу-нақа-ми-сан?! Чоп, сўй! – Сача-беки кўкрагини олдинга чиқариб, унга хезланиб кела бошлади. – Мана, ўз авлодингнинг қонини тўк, машак бошингга лаънат бўлиб ёғилсин!

Навкарлар Сача-бекини итариб ташлашди. Тайчу ўзини қандай хатар кутаётганини эндигина тушуниб етди, шекилли, башараси хитой қоғозидан ҳам оқариб кетиб, атрофига бўзлаб қарай бошлади.

– Сенинг лаънатинг менинг бошимга тушмайди. Мен қондошларимнинг бир томчи ҳам қонини тўкмайман. – Темучиннинг бу гапи худди уларни оқлашдай эшитилди. У ўзидан жаҳли чиққанича бақирди: – Лекин сизлар ўлишларинг керак! Ва сизлар ўласизлар! Навкарлар, уларни наमतга ўраб ташланглар!

Темучиннинг олдида онаси югуриб келиб, чопони ёқаларига ёпишиб олди.

– Унақа қилма, ўғлим! Уларни қутқар!

Темучин онасининг қўлларини секингина ёқасидан олди-да, тахтадек қотиб қолган оёқлари билан ўтов тарафга қараб базўр қадам ташлади.

Уч кундан кейин эса икки навкар ҳамроҳлигида Бўри-Буха келди. Сача-беки билан Тайчунинг бошига нима кун тушганини эшитиб, унинг ўзи навкарларини орқага бошлабди. Уларни йўлда кутиб олган навкарлар Темучиннинг ўтовига олиб келиб, тиз чўктиришди.

– Менга раҳм қил, хон Темучин! Оч, томоғим қуриган ҳолда мен Бурхон-Холдун адирларида тентираб юрдим. Сен мени оиламдан, навкарларим ва молларимдан жудо қилдинг. Буларсиз мен ким бўлдим? Мен сенинг хузурингга ўзим келдим. Айбимни бўйнимга олиб келдим. Бошимга Тайчу ва Сача-бекининг кунига солмаслигинг керак.

– Мен бошқача қиламан. Сен кураш ишқибозисан-а? Укам Билгутой ҳам. Қайси бирингиз кучли эканингизни бир кўрайлик.

Шундоққина ўтов олдида кураш тушишди. Билгутой унинг сочидан ушлаб олиб, тиззасини букди, Бўри-Буха юзи билан майса устига кулади. Билгутой уни миниб олиб, бошини кўтарди. Темучин кўзини қисиб, лабини тишлади. Билгутой ҳаммасини тушунди. Иккала қўли билан Бўри-Буханинг ёқасидан олди-да, тиззасини рақибининг умуртқасига босиб туриб, бор кучи билан бир силтади. Бўри-Буханинг умуртқаси қарсиллаб кетди. У тирсагига тиралиб сал кўтарилдию, оғриқдан буришиб кетган юзини Темучинга қаратди. Азоб тўла кўзлари бирданига катталлашиб кетди:

– Эҳ, сен...

Темучин бир тепалик устига кўтарилди-да, отдан тушиб, белбоғини ечди, қалпоғини қўлига олди. Кулоқларида тинимсиз: “Эҳ, сен...” жарангларди. На Сача-бекининг ўлдирилиши, на Тайчунинг итоаткорлиги унинг қалбини бунчалик ларзага келтирмаганди. “Эҳ, сен...”. Бесўнақай ва калтафаҳм Бўри-Буханинг бу сўзлари кутилмаганда уни иккиланишга, қилган ишларининг тўғрилигидан шубҳаланишга мажбур қилди. Лекин кўринмас чизик, ҳад энди ортда қолди. Энди Сача-беки, Тайчу ва Бўри-Бухаларни ҳаётга қайтариб бўлмаганидек, ўзи ҳам ортга, ҳаднинг бу тарафига қайтолмайди...

Орқасида, туёқ остида тошларнинг ғичирлашаши эшитилди. У кескин бурилиб қаради. Тепаликка Бўрта кўтарилиб келарди.

– Сенга нима керак?!

– Мени онанг юборди...

У эгардан тушиб, жиловни отнинг олди оёғига ўради-да, Темучиннинг ёнига келди. Темучиннинг елкасидан келадиған пишиққина Бўрта оёғида маҳкам турарди. Ҳозир у эридан кучлироқ эди. Ўзи ҳам буни сезиб турарди, шекилли, эрининг қўлини қайноқ кафтлари орасига олиб сикди.

– Мен шундай қилмасам бўлмасди, Бўрта!

– Балки, балки... Ўтир. – Улар ўтиришди. Бўрта унинг бошини ўзига тортиб, тиззасига қўйди. Кокилларини ўришга тушди. – Балки... Лекин... Бизнинг ҳаммамизга мангу осмон жон беради. Ва фақат унинг ўзигина уни олишга ҳақли, Темучин. Онангнинг юраги мотамга тўлди. Меники ҳам.

– Сенлар ҳеч нарсани тушунмайсанлар! Яхшиси, жим бўл.

– Майли, жим ўтира қолайлик...

Унинг қўллари Темучиннинг сочини майин силади. Кўз олдида қуёш нуридан сарғайиб кетган дэрисун пояси тебраниб турар, сукунатдан кулоқлари шанғилларди. Лекин бу жимжитлик қалбига ором бермас, ичига худди тун зулматидек қандайдир хатар яшириниб олгандай эди¹.

¹ Таниқли адиб Исай Калашников қаламига мансуб “Қаттол аср” тарихий романининг биринчи китоби – “Қувғиндилар” яқунланди. “Қувғувчилар” сарлавҳали иккинчи китобни, муштарийларимиздан талаблар тушса, келгуси йилда эътиборингизга ҳавола этиш режалаштирилган. – Таҳр.



Муҳаммад АЛИ

(1942 йили туғилган)

НАВОИЙ ВА БОЙҚАРО

Беш парда, ўн кўринишли тарихий драма¹

Тўртинчи кўриниш

Доруссалтана Ҳиротдаги Алишер Навоийнинг “Унсия” боғи. Бино олдидаги гиламлар, ипак тўшаклар ташиланган катта суна. Навоий, Бадахший, Бобоали, Маиҳадий, Хондамирлар суҳбатлашиб ўтиришади.

Навоий

Юрт айландим, кишлокларни кўрдим, ё раббий,
Кишилар бор, юрадурлар бир телба каби,
Уйларида капсан ун йўк, оч-наҳор яшар,
Сичқон кирса оқармайди тумшуғи магар.
Барин-барин сабабчиси қирғин, катағон,
Ака-ука савашади, тўкилади қон.
Қон тўкилғон ерда буғдой ўсмасмидийкан,
Етим-есир ризқин худо қисмасмидийкан?
Ота бирдан жанг қиладур тўрт ўғил билан,
Қариб қолғон мункайган чол – тўрт норғул билан!
Ота отар, тешар ўқ-ла ўғлин жигарин,
Билмас, ўғлин эмас, тешар ўзин жигарин...
Ота-бола жанжалидан безор бўлса юрт,
Юртдан тамом кўтарилар барака-ю кут.

Бадахший

Саросима ичида лол одамлар ҳамон:
Бирдан босиб келар, дея, Бадиуззамон!

“Ҳа, Султон Бадиуззамон бостириб келади!”, “Қўшин тортади!”, “Худо, ўзинг асра!” деган овозлар эшитилади.

¹ Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

Навой

Сизга айтсам, барно йигит Бадиуззамон,
 Шахзодалар ичра оқил, донишманд ўғлон!
 Бу рост. Келмас, босиб келмас Бадиуззамон,
 Бундай жангда омон қолмас, ҳеч кимса омон.
 Ота-бола бир-бирини кўрмакка зорлар,
 Лекин йўқмас шохни йўлдан урар айёрлар.
 Иншоолло, ораликда бўлур тотувлик,
 Йўқолгувси фитна, фасод, разиллик, кувлик.
 Кўп ақлли, фаҳмлидур Бадиуззамон,
 У замонга боқар, унга боқмаса замон.

Машҳадий

Ҳазрат, бироз ором олинг, ором зарурдир...

Хондамир

Инсон ўзи тошдан қаттик, руҳи ҳарирдур.
 Парваришга муҳтож эрур.

Навой

Бу гапда жон бор,
 Шул ниятда юрт ичида кезгум умидвор.
 Элдан мадад олай дермен, эл тинч бўлса, бас,
 Улус, миллат ила боғлиқ бор ҳою ҳавас...
(мавзуни ўзгартиришга тиришиб)
 Бадиуззамонга дедим: ҳаёт қонуни –
 Шундоқ, зинҳор ҳаёлингдан чиқарма уни!
 Инсонларга яхшилик қил, тила худодан,
 Ки сақласун ўзи кейин тухмат-балодан.
 Бир яхшилик деб қўл чўздинг кимгадир, албат –
 Ўн қаттиклик кутиб тургил, фурсат ба фурсат.
 Бир бор агар мақтаб қўйсанг кимнидир чиндан,
 Ундан қочиб қутулмассан юз қарғиш билан.
 Кимгадир бол ичирганинг, илинганинг-чун
 Коса-коса захар ичмоқ – насибанг бир кун.
 Кимгадир бир пиёла май берсанг ногаҳон,
 Эвазига қон ютарсен, қадах-қадах қон...

Пауза. Ҳамма ўйланиб, маъюсланиб қолади.

Машҳадий

(вазиятни ўгартириш учун)

Ҳазрат шоир Осафийга бермишлар дашном:
 “Зеҳнинг ўткир, таъбинг баланд, лек сен беилҳом.
 Ғайратлисен, билимдонсен, кам айтасен шеър,
 Вақтинг бенаф юмушлармас, шеър, ғазалга бер!”
 Бир ой ўтар; ҳазрат сўрар: “Муродми ҳосил?”
 Осафий дер: “Шукр... шеър кўп, тўлқинланур дил,
 Икки пуллик шамда битдим икки юз байт шеър!”

Эшитганлар забтим кўриб: “Таҳсин! Қойил!” – дер!”
 Ҳазрат демиш юзларига ёйилиб ханда:
 “Демак, сенинг юз байт шеъринг бир пул экан-да!..”

*Қаттиқ кулги кўтарилади. “Шоирга зап баҳо берилибди!”,
 “Зукколикка қойил!” деган овозлар. Навоий ҳам жилмайиб қўяди.*

Навоий

(ўйга чўмиб)

Кўп эътибор кўргизурмен мазраъ – далага,
 Йўлим тушар у томон кўп баҳор паллада...
 Дон сочувчи деҳқон ерни ҳайдар баҳордан,
 Ризқ йўлини очмоқ учун тинмас наҳордан.
 Шоир ўрганса деҳқондан меҳнат сабоғин,
 Гўзал ашъор битар, бўлмас илҳом адоғи.
 Деҳқондандир дастурхонлар кўрки-чиройи,
 Обод етим-есир уйи, подшо саройи.
 Экин-тикин, зироатда хислат мўлдан-мўл,
 Мулким бисёр, бойлик, зару зийнат мўлдан-мўл...
 Қўра-қўра молу қўйлар, эчки-улоқлар,
 Яшнаб турғон гўзал боғлар, кўм-кўк қишлоқлар,
 Даромадлар берар бари. Лек ўзимғамас,
 Битта жоннинг кам-кўстини қоплай олса, бас,
 Унинг иссиқ-совуғига етса кифоя,
 Ҳа, бир киши турмушига кифоя моя
 Сарф этурмен ўзим, холос... Ортиқ на даркор?
 Юртда эса етим-есир, муҳтожманд бисёр,
 Минг ботмонда ипак бирлан минг харвор ғалла
 Инъом этдик, обод бўлар юпун маҳалла.
 Мадрасага ўн беш туман қумуш йибордик...
 Ўзим учун эса... Менда ҳар нарса бордек,
 Менга ёлғиз бир турма тўн, муносиб емак,
 Ётғони бир кулба бўлса, кифоя, демак...

Бобоали

(шерикларига қараб)

Синикликни кўринг, ёраб, бу ҳам бир турмуш:
 Зарурати бир турма тўн, бир кулба эрмиш!

*Самимий кулги кўтарилади. Бошқалар ҳам ўз ҳайратларини
 билдирадидлар. Навоий, бизга шу кифоя, дегандай бош тебратади.
 Чопар киради.*

Чопар

(таъзим қилиб)

Шоҳ Ғозий бир янги ғазал битдилар. Хорикулодда кайфиятлари чоғ...
 Бахраманд бўлсинлар деб, ҳазратга илиндилар... (Таъзим билан заррин
 қоғозга ёзилган ғазални Навоийга узатади.)

Навоий

(Ғазални эҳтиром билан қўлга олиб)

Бугун шарафли айём: ғазал битилди, жаноблар! Бу бағоят марғуб ҳодиса! Сизлар суҳбатни давом этдириб турунгиз. Ғазални дарҳол ўқимак лозим! Ўқиб мағзини чақиб бемисл ҳузур қилмакка ошиқамен! Шох Ғозий билан бизда бу одат: янги ғазал ёзсак, дарҳол бир-биримиз бирлан баҳам кўрғаймиз.

Навоий ўрнидан туриб ташқарига чиқади.

Бобоали

Ҳеч кимсага билдирмасдан, эринмай бир кун
Ҳазрат курган биноларни санадим бутун.
Эллик икки работ, бозор, тўққизта ҳаммом...
Ўн олтига кўприк, ақлинг олар батамом,
Йигирмата ҳовуз... Жами уч юзу етмиш,
Янгиларин кўшса, жами тўрт юзга етмиш...

Хондамир

Ҳақ рост, Инжил наҳри бўйи чамандай обод,
Сарой-боғлар, мадрасалар, хонақоҳ, работ,
Шифохона, дўкон, масжид, буқаъи хайрот,
Иморатлар, кўприк, йўллар этилмиш бунёд...
“Халосия”, “Ихлосия” турар юзма-юз,
Ёнгинада “Шифоия” мағрур очмиш юз,
Анда Машҳад, Самарқанддан келмиш толиблар
Юришар шод илми тибдан сабоқ олиблар...
“Низомия”, “Хисравия” – Ҳиротнинг кўрки,
“Сафоия”, дор уш-шифо – ҳаётнинг кўрки...

Бадахший

Мен ҳам шохид, Инжил наҳри бўйларин кўрдим,
Ақл-идрок парвозига чиндан тан бердим!
Танга роҳат жонбахш эрур ул жой ҳавоси,
Рухпарвардир, менгзар унга жаннат маъвоси.
Юзларингиз силаб ўтган эпкин соф, тоза,
Нақ фирдавсинг насимидан олмиш андоза...

Машҳадий

“Эл”, “халқ” сўзи бордир ҳазрат кўнгил нақшида,
Бари шу эл, шу улусга, халққа бахшида...
Алишербек томир-томир халқига боғлиқ,
Доғлиқ бўлса қалби, халқнинг дарди-ла доғлиқ.
Гарчи шоир халқ фарзанди, кичик бир ушоқ,
Халқ юкини даст кўтаргай мисли улуғ тоғ.

Бобоали

Норизолик, низо, ғавғо чиқарсам дея,
Шох Ғозийга билдирмасдан пинҳон, хуфия,

Низомумулк атай халққа айлаб таҳлика,
Иккинчи бор солиқ солмиш Ҳирот аҳлига...
Ҳазрат демиш: “Ҳиротликдан олинса солиқ,
Салтанатнинг шаънига мос кўрмайди холиқ,
Ҳирот аҳли юпун бугун, оғир ҳар жонга,
Муносибмас бари Султон, Соҳибзамонга.
Шу солиқни тўлай қолсам мен ўз чақамдан,
Ранжимасму Ҳирот аҳли бундай қадамдан?..”

Беҳзод киради. Унинг қўлида анвойи бир сурат.

Беҳзод

Ассалому алайкум, азизлар! Ҳазратнинг қутлуғ таваллуд айёмларига атаб бир сурат ишлағон эрдим. Зинҳор кўнглим тўлмади. Муносиб рангларни танлашда мушкуллик содир бўлди. Олти ой тер тўкдим. “Навоий ўз боғида” номли бу суратни ҳазратга ҳадя қилиб олиб келдим.

“Офарин! Офарин!” деган овозлар. Ҳамма суратга қарайди. Суратда бир афсонавий чаман боғ намоён бўлади. Чаман боғда ҳаёт қайнайди. Ёрқин ранглар кўзларни яйратади. Ўртада катта гулзор, ундаги очилган гуллар жонлидай, қўл узатсанг бўладигандай таассурот қолдиради. Зилол сувли ҳовуз шу қадар тиниқки, унда осмондаги қушлар баралла кўринади. Атрофда рангоранг дарахтлар ўзларининг гўзал либосларида ям-яшил бўлишиб, бўй-бастларини кўз-кўз қилиши билан овора. Уларнинг шохларида бири-биридан чиройли қушлар, қушчалар сайраб чарчамайди, қалдирғочлар эса чучут отиб валфажри ўқишмоқда... Чаман ичида шариллаб оқиб турган ариқлар шовуллаши эшитилгандай бўлади. Навоий мрамор ҳовуз бўйида туриб, зарҳал ҳассасига суюнганча чаман боғни завқланиб томоша қилмоқда. Олдида қумуш тобоқларда ҳар хил тилла ва қумуш сочқилар жилваланади... Ҳамма туриб суратни томоша қилади.

Хондамир

Кошкийди, дўстлар билан бу гўзал боғни оралаб бир сайр айласанг!

Боғбонига офарин-е! Таърифини битишга юзта шам ҳам камлик қилур!

Куладилар.

Машҳадий

Чаман-чаман гулларни кўриб, баҳри дилим очилиб кетди. Агар беодоблик ҳисобланмаса, (*бармоғи билан кўрсатиб*) мана шу қип-қизил гулни узиб олиб салламга қистириб бошқаларга кўз-кўз қилсам...

Хондамир

Ҳали гулни узмай туриб, унинг қизил ранги юзингизга урибдир, хижолатдан қизариб кетибсиз, устод!

Кулги кўтарилади.

Бобоали

Каминада, Машҳадий жаноблари, сиздан олдинроқ шундай фикр туғилган эди. Лекин мени бир андиша тутиб турарди. Бордию гулга қўл узатсам, ана бу қушлар чўчиб, бирдан пориллаб учиб кетмасмикан, хаёлга берилган ҳазратни безовта қилиб қўймасмикан? Ҳазратнинг қобқларига қарасам, жаҳллари чиқиб тобора тушиб кетмоқда. Худо сақласин, яна дашномга қолмай, деб чўчидим.

Кулги.

Бадахший

Эй, Бобоали, сизни худо бир асради: мен катта одобсизликка йўл қўйиб қўймай, деб андиша қилдим, холос. Йўқ эса, ҳазратнинг қўлидаги ҳассасини олар эдим-да, шу сўзларингиз учун бошингизга бир туширар эдим!

*Кулги авжига чиқади.
Мамнун Навоий киради.*

Навоий

(суратга тикилиб, ҳайратда)

Фаҳмладим, ҳар бирингиз Камолиддин Бехзод суратига баҳо бериб, сўз гавҳарларини нисор этдингиз. Аммо менда бир нарса армон бўлиб қолди. Агарда Бобоали билан Бадахший фавқуллода менинг ҳассамни талашишиб, “сен-мен”га бориб қолмағонларида, кумуш тобоқлардаги жами олтин ва кумушларни сизларнинг бошларингизга сочмоқни ният қилиб турғондим...

*Қийқириқ авжига чиқади. “Аттанг!”,
“Аттанг!..” деган овозлар янграйди.*

Навоий

Хизматкорни чақирингиз!

Хизматкор киради.

Бехзод – санъатимиз юлдузи! (*Хизматкорга*) Бехзодга эгар-жабдукли от ҳадя қилинсун! Давра иштирокчиларига қимматбаҳо тўнлар ёпилсун!

Бехзод

(таъзим қилади)

Қуллуқ, ҳазрат, “Хамса” дostonларини мутолаа қилдим. Ичи тўла сурат экан! Улардан андоза олдим. Чиздим, қайта чизадурмен. Ҳар ибора бир сурат! Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сига ҳам суратлар чизмак орзусидамен.

Навой

Тасанно! “Зафарнома” Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари тарихидур, унга албатта суратлар чизгайсиз, безатгайсиз! У бизнинг улуғ тарихимиздур!

Бехзод

Қуллуқ, ҳазрат!

Машҳадий

(ўз елкасидан чопонини олиб)

Ҳазрат, сиз ниҳоятда сахий, қўли очиқ инсондурсиз! Холами Тойдурсиз!. Мана барчамизни сийладингиз. Қанча мадрасалар, масжидлар, боғлар барпо этдингиз, етим-есирларга хайру садақалар улашдингиз, шаҳзодаларни қўллаб-қувватладингиз, шилонларда юзлаб, минглаб бева-бечоралар егулик-таом билан қаноатланадурлар. Ҳамма дуо қиладур. Кеча Ансория остонасида катта маърака ўтказдилар: меҳмондорчиликка етмиш бош қўй, йигирма бош от, ўттиз ботмон каллақанд сарфланди... Сиздек саховатпеша зот оламда бўлмаса керак...

Бадахший

Эсимга бир ғаройиб воқеа тушди-да. Мавлоно Ҳасаншоҳ деган зарофатли бир танишимиз бир кун ўғлига дебди: “Ўғлим, уйда егулик, ичгулик йўқ. Пул йўқ... Сен мотам либосини кийгин, Низомиддин Мир Алишер олдиларига боргин. Мир сўрайдурлар: “Нечук мотам либосидасен? Не бўлди?..” Шунда сен хўнграб: “Отамизни бериб қўйдик, устоз... Кафанлик ва жаноза харажатимиз ҳам йўқ...” деб жавоб бергин. Кейин Мир берган пулни олиб келасен...” “Йўғ-е, отажон! Қандай шундай дея оламен? Ахир, сиз тирик туриб...” дебди ўғли. “Айтганимни бажар!” – буюрибди ота.

Ўғил Мир Алишер олдиға келибди ва бўлган воқеани айтиб берибди. Шоир бағоят мутаассир бўлибдурлар ва кўз ёши қилиб дебдурлар: “Субҳонолло! Кеча отангни кўрғондим, туппа-тузук юрғон эрди. Оллоҳнинг иродаси... Хафа бўлма. Отанг ажойиб одам, худонинг беозор бир бандаси эди, ҳаммани кулдириб юрарди, жойи жаннатдан бўлсин”. Ҳазрат пул билан бирга, лозимандаға керак бўлар деб, бир неча пўстин, босма чакмон, кўйлак-иштон, тақия ва кафш ҳам ажраттирибдурлар. Мавлоно Ҳасаншоҳнинг қариндошлари, яқин дўстлари ва болаларига қимматли кийимлар кийдириб, барини аздорлик либосидан озод қилишни тайин этибдурлар...

Эртаси куни шоир бир маъракада, иттифоқо, мавлоно Ҳасаншоҳни кўриб

қолибди! Кеча ўлган одам бугун маъракада тирик юрганмиш... “Мен ўлган эдим, ўлган эдим, – дебди мавлоно ҳазратга кўзи тушиши биланоқ. – Бироқ кеча бемисл хотамтойлик кўргизганингиздан қайта тирилиб кетдим!..”

Мир Алишер кулиб юборибдурлар. “Ёраб, бу бандаларинг тириги ҳам бир бало, ўлиги ҳам!” дебдурлар ҳайратда...

Кулги овозлари янграйди.

Овозлар:

– Хотами Той ким десалар, чиндан ҳам, амир Алишер, деб кўрсатмоқ керакдур!

– Саховатда монанди йўқлар!

– Ул зотга худо берган!

– Умрларини узоқ қилсун, илоҳи!

Навоий

Йўқ, йўқ!.. Сизлар айтғон Хотам асло биз эмас!

Шунга қиёс этғонингиз ўзи бизга, бас.

Устод Жомий сўйлар:

Бир кун Хотами Тойдан –

Қитмир савол сўрабдурлар нозик бир жойда:

“Сендан сахий кимса борми, айтгил, эй Хотам?..

Бор бўлса, ким экан, ажаб, ул бахтли одам?”

“Ҳа, бор, – дебди. – Бир йигитнинг бордим уйига,

Иттифоқо, кўзим тушди тўрт-беш қўйига.

Дархол бирин сўйиб, келди пишириб хил-хил,

Бир парчасин едим, тотли эди бемисл!

“Худо ҳаққи, ширин экан!” – дедим мен шодмон.

Қўйларин сўнг бир-бир сўйиб, пиширди мезбон,

Ҳар биридан ўша жойин қўйди олдимга...

Ташга чиқиб, ҳар ён қонни кўриб қолдим-да,

Дедим: “Нега шунча қўйга айладинг жабр?

Мечкаймидим, биттасига тўямен, ахир!”

Деди: “Бирон нарсам агар ёққанин билсам,

Сендан уни аясаму бахиллик қилсам,

Унда отим қизғанчиққа чиқарди аён,

Инсоф билан, нафсин тийиб яшайди инсон...”

Хотамдан боз сўрадилар: “Тутдинг қандай йўл:

Эвазига нима бердинг, олтин, мол ё пул?”

Деди: “Бердим уч юз қизил туя, беш юз қўй!..”

“О, сахийроқ экансен сен, буни билиб қўй!”

“Йўқ, йўқ! – деди Хотам. – У бор нарсасин берди,

Мен-чи эса, кўп нарсамдан озгина бердим...”

Кўрдингизму, ким Хотам Той? Йигит Хотамдир,

Хотам – борин нисор этғон сахий одамдир!

Башар боғин энг мўътабар самари – эҳсон,

Одамийлик хазинасин гавҳари – эҳсон!..

Хизматкор киради.

Хизматкор

Султони Соҳибқирон ҳоқони мансур Абулғози Баҳодирхон Султон Ҳусайн Бойқаро жаноби олийлари ташриф буюрадилар!

Ҳамма тараддудга тушади. Навоийдан бошқа барча ташқарига чиқишига шошлади. Бойқаро, Низомумулк, Парвоначи, Қозикалон,

Саъдваққос, беклар ва бошқа аркони давлат вакиллари киради.

Навоий ва Бойқаро қучоқлашиб кўришади.

Бойқаро

Юрт бошига келғонимда – ёш Мирзо Ёдгор
 Душман бўлиб кўшин тортди, эси йўқ, бадкор.
 Минг шукрки, дўстим, уни қилдик бир ёқли,
 Энди чикди ёв, тил уқмас махлуқ сиёкли,
 Сўз тингламас, мурасага юрмас сира ҳам,
 Кўнгилларни яралару бермайди малҳам.
 Ғаним чикди ўз ичимдан, бу қандай замон!
 Душманим ким? Жигарбандим Бадиуззамон!
 Саваш курдик, саваш курдик ўз ўғлим икков,
 Қиймалашдик жигарпорам билан беаёв!
 Қай ерларда, ўлкаларда кўтармадик тиғ,
 Марвчоғу Астробод, Ғур ила Панждех,
 Балх қолмади, Қундуз...

Навоий

Шоҳим, фарзанд ҳам ниҳол,
 Ниҳол эмас, балки ожиз бир гиёҳ мисол.
 Тезроқ униб-ўсиб, етмоқ истар вояга,
 Унга меҳр керак, зордир у ҳимояга...

Бойқаро

(тескари ўгирилади)

Унга меҳр керакмикан, бунга шубҳам бор,
 Ёмонликни ўйлар фақат, ғаддор, бадкирдор.

Навоий

Шаҳзоданинг ўзларига ҳурмати бисёр,
 Соҳибқирон отамиз, деб, қилар ифтихор...
 Ота-ўғил можароси – масала бугун,
 Узилғон ип уланару... қолади тугун...

Биз қулингиз ўзларининг раъйлари ила
 Балхга бордик, нохуш бўлди аммо ҳосила.
 Ортимиздан ўзга фармон қилибдур парвоз,
 Кўп сўз бордур, дейдилар-ку, гап кўп, умр оз...
 Бўлса эди кошки баланд инсонга ишонч,
 Лек инсондан ҳам кўпроқдир фармонга ишонч...

Бойқаро

Оҳ, Алишер! Сиз кўнгли соф, пок тийнатли зот,
 Ўзингиздек фаҳм этурсиз ҳаммани, хайҳот!
 Сизда бор-да меҳрибонлик, одамгарчилик...
 Гар отасин ҳурмат этса, боқармиди тик,
 Ўзин ёвга қарағондай тутарми магар?
 Отам демай, хор-зор қилгай мени муқаррар!
 Жаҳли чиқиб, минса агар ғазаб отига,
 Ҳеч қачон у қулоқ солмас биров додига!
 Ҳа, ҳа, ўғлим одам эмас, бир ваҳший махлуқ,

Изо тортмай падарига ота олар ўқ!
 Ўз ўғлим-а?... Ҳа... Белдаги гавҳар донадан –
 Бўлғон ўғлим туғилғон-ку қутлуғ онадан?
 Азиз ўғлим, зинҳор эмас валади зино,
 Сабр этса, шуники-ку, бу мулк, бу маъво?..
 (ўзича)

Маҳди улё ҳол-жонимга қўймайди ҳеч ҳам,
 Алишерга эрк бермангиз, эй соҳибкарам,
 У ўзига оғдирадур барча ўғлингиз,
 Бириктириб иш кўрадур, хушёр бўлингиз,
 Гафлат аро эс-хушимиз бошдан учмасин,
 Ёлғиз қолиб, мусибатлар бошга тушмасин,
 Фармон қилинг, ҳазрат Балхга боргани замон,
 Балхдан қувиб юборилсин Бадиуззамон!
 Жоним куяр сиз деб, гапим ёмонга йўйманг,
 Ҳа, Навоий қудратли зот, эрк бериб қўйманг!
 Лек ўйласанг, гапи бирдан ростга ўхшайди,
 Бир қарасанг, ўша рости озга ўхшайди...
 Унисига қулоқ солсанг, қуядир тилинг,
 Бунисига қулоқ солсанг, ўядир дилинг..

(Навоийга)

Вазир ила қозикалон қилдилар гумон –
 Ки инсофга келмайди, деб Бадиуззамон...
 Гапга кўнса, шу пайтгача кўнар эди деб,
 Яхши ният, фикрларга унар эди деб...
 Сўнгра фармон бердик, хатар токи даф бўлсин...

*Навоий мағрур турган Низомумулк билан Қозикалонга қараб қўяди.
 Улар назарларини четга олади.*

Навоий

(заҳархандали)

...Токи, вазир шарафларга мушарраф бўлсин...

Низомумулк ўнгайсизланади.

Ҳа... Сулаймон пайғамбарда бўлмиш бир вазир,
 Ул вазирни дуо қилса, мақтаса арзир.
 Уни Осаф дер эдилар, оқил кас, зукко,
 Шундоқ доно сўзлар эди узугида жо:
 “Ҳақ раҳмати сенга бўлсун, инсофли вазир!”
 Бироқ Осаф кетар экан дунёдан, охир
 Инсофни ҳам ўзи билан олиб кетибдур...

Бойқаро

Хўш, инсофни олиб кетиб, қизиқ, нетибдур?

Навоий

Ноинсофлар орасида инсоф гавҳарин
 Қолдирмабдур...

Низомумулк*(қитмирлик билан сўзни кесиб)*

Ўзлари ҳам, бордир хабарим,
Улуғ вазир мақомида жавлон урдилар,
Инсоф нима, адолат, ҳақ – барин кўрдилар...
Бинолар деб бор ақчани этмишлар исроф,
Хазинани қолдирмишлар қоқ-қурук ҳисоб...

Қозикалон*(қўшилиб)*

Пули Молон мавзеида қурганда кўприк,
Қурувчилар хазинани кетмиш ўпириб...
Шоҳидлар кўп...

Навоий

Шоҳидлар кўп, гапингиз тўғри,
Барчасининг ҳисоби бор, йўқ бунда ўғри.
(хотиржам)
Аллақачон барбод бўлғон Сулаймон тахти,
Ўлиб кетғон Осаф...
Айтсам, камина бахти:
Адо этдим холиқудрат шоҳим хизматин,
Унутмадим лекин зинҳор Осаф ҳикматин.
Вазир танлашда Темурбек кўп моҳир эрди,
Вазир зоти асил бўлсин, бардошли, дерди.
Олгулик жойидан олсин, қилмай хиёнат,
Бергулик ерига берсин, шулдир диёнат.
Кек сақловчи ҳасадчилар, ичи қоралар
Вазир бўлса, салтанатни пора-поралар.
Аббосийлар халифаси Мустаъсим Биллоҳ
Аълабийни вазир қилди...

Бирок ул суллоҳ
Халифани ич-ичидан ёмон кўрарди,
Лек подшога содиқман, деб лофлар урарди.
Билдирмасдан душман билан бириктирди тил,
Ҳукмдорни авраб-алдаб, қолдирди ғофил,
Фитна қўзғаб, бошлаб келди Ҳалокухонни,
Зулумотга айлантирди даври давронни.
Халифанинг боши кетди, элни босди ғам,
Бир вазир деб тугаб битди халифалик ҳам...

Низомумулк*(безовталаниб)*

Сўзамоллик борасида мавқенгиз улуғ,
Тенглашмоқчи эмасмиз ҳам, даъвойимиз йўқ,
Бу сўзларнинг бизга нечоғ дахли бор экан?
Биллоҳ ила Аълабийлар на даркор экан?..

Парвоначи

(ўзича кулган бўлиб)

Во дариғо, Биллоҳ қайда, Шоҳ Ғозий қайда,
Аълабий деб, сўз котмоқдан, ахир, не фойда?..

Навоий

Сўз туғилса, беҳудага туғилмайди у,
Ва бесабаб пайдо бўлмас кўнгилда ғулу...
Қимирламас дарахт учи бекордан-бекор,
Фитна қилғон ичи қора албат бўлур хор!
Гап эгасин топар, деган мақол ўлмагай,
Унга меҳр қўйғон зинҳор навмид қолмагай.

(Бойқарога)

Омад тилар чин юракдан соф дилли инсон,
Қалб тубида бўлмас фасод, кир ила нуқсон...
Маъзур тутинг, Соҳибқирон, гап кўп, умр оз...

(ўйга чўмиб)

Жоним, умрим бахш айладим Сиз учун, устоз!

Бойқаро

(Навоийга)

Биз сизгамас, сиз бизларга устоз эрурсиз,
Бирга бўлинг, сизсиз бизга ҳаёт сурурсиз!

Навоий

Аммо ҳаёт, тақдир берар бизга таъзирлар:
Билинг: кам-кам вафо қилгай шоҳга вазирлар!
Мен тарихни нақл этдим, бизнинг кунлар ҳам
Тарих бўлиб қолажакдир, йўқ бунга шубҳам.
Бизлардан ҳам сўз очғонда, келажак авлод,
Дейишмасми: вазир барин айлади барбод,
Вазир пинҳон душман билан бириктирди тил,
Хукмдорни авраб-алдаб, қолдирди ғофил,
Гумон қилиб содиқ ўғил Бадиуззамонни,
Фитна кўзгаб, бошлаб келди тўс-тўполонни?..
Дейишмасми: ота-ўғил орасин бузди,
Нифоқ солди, маҳкам меҳр риштасин узди?
Дейишмасми: султонни ҳам хароб этди, деб,
Мамлақату орзуларни сароб этди деб?..

Бойқаро

(ғазаб билан Низомумулкка қараб)

Ҳали сен... сен... шундай нопок, нобакормусен,
Минг хил йўлга юра олар устакормусен?
Феъл-атворинг шубҳа солар эди кўнглимга,
Шоҳга хизмат этмасанг сен, қилурсен кимга?
Шатранждаги фарзин янглиғ найрангларинг кўп,
Аввалда ҳам таъзирингни егандинг-ку хўп?
У деб, бу деб душман қилиб қўйдинг ўғлимни,
Майдонларда қисқа қилиб қўйдинг қўлимни...
Ўзбошимча элга солдинг солиқлар пинҳон,

Чорлармусен ёки элни қилмоққа исён?
Эл бўлмоғинг мушкул, чоғи, кўрнамак, бадбахт.
Топғонинг шул: фитна, низо, қинғирлик фақат..
Сени ўзи... ё алҳазар...

Қозикалон

(ўртага тушиб, таъзим билан)

Афв этинг, шоҳим,
Олийҳиммат подшоҳим, олампаноҳим!

Парвоначи

“Кечиримли бўлинг!” деган пайғамбаримиз,
Сиғинамиз сизга, шоҳим, сиз сарваримиз!
“Биттангизнинг ҳам бурнингиз қонатмасмен”, деб,
Келасиз-ку барчамизнинг ғамимизни еб...

Навоий

(вазирга ишора қилиб)

Ёмон касдан яхшиликни кутмоқ, тошдан – сув,
Чаён билар фақат чакмоқ, чакмоқни, ёху!
Ўзлари хўп содда, шоҳим, ишонурлар, баъд –
Салтанатга панд бергай ул, аён оқибат!
Ул нопокни қувмак лозим саройдин бадар,
Қувмак лозим то тупканнинг тубига қадар!

Низомумулк

(ўзини шаҳаншоҳ оёғига ташлаб)

Йўқ, йўқ, шоҳим, раҳм қилинг, итингиз бўлай,
Кет десангиз, кетай, бор, ўл, десангиз – ўлай!
Шоҳим, мендан ўтган бўлса, кечиринг бир бор,
Хизматингиз қилиб юрай, мисли чорикор!
Неки қилсам, фақат сизни, сизни деб қилдим,
Тинчлигингиз, оромингиз муқаддас билдим!
(ўкраб йиглаб, шоҳ оёғини ўпиб)
Бир нотавон, бир бечора, хор қулингизм-а-а-ан...
Шафқат қилинг, меҳрингизга зор қулингизм-а-а-ан...

Пауза

Бойқаро

(аянчли боқиб)

Тур! Эр киши йиғламайдур! Эрга бу иснод!
Кўзингни оч, айбни ювмас кўз ёшу фарёд!..

*Бойқаро ва аъёнлар чиқади.
Низомумулк ўрnidан туриб, Навоийга
хўмрайиб қараганча йироқлашади.*

Парда

Учинчи парда

Бешинчи кўриниш

Боги Жаҳоноронинг катта бўлмаси. Чап томонда жигарранг нақшиннигор қўштабақа эшик. Ўнг томонда ҳам, рўпарада ҳам эшиклар кўринади. Саҳна бўш. Чап эшикдан Навоий киради. У қандайдир ҳаяжонда.

Навоий

(ёлғиз)

Нималар бўлмакда ўзи? Машҳад зиёратига кетгон вақтимда хоқони мансур Бойқаро жаноблари Пули Чароғ довони этагида Султон Бадиуззамон билан саваш курибдур! Ана шундан кўркгон эрдим! Ота энгибдур, ўғил мағлуб бўлиб қочиб жон сақлабдур! Ўша ёкларда тоғу тошларда сарсон-саргардон юрғонмиш... Одамлардан эшитибмен! Ҳамма гапирмакда! Ҳатто, бунга қандай қараб турдингиз, деб мендан ўпка қилишмакда! Менга билдирмагонлар. Билғонимда бунга сира ҳам йўл қўймасдим! Бу шармандалик-ку! Ё раб! Қандай қилиб ота билан ўғилни бир-бирига қилич ўқталтирдинг, ахир? Ўғил отага қандай қаради? Ота-чи?.. *(Бироз ўйланиб)* Барчасини мулк қутуртирадур. Мулк олишим керак, мулким йўқ, мулксизмен, дейишади шахзодалар! Мулк кимники ўзи? Кимники эканини, подшоники ҳам эмаслигини билишмайдур. Мулк Оллоҳники! Мулкни Оллоҳ ўз суйғон бандасига ўзи берадур, кимга беришни ўзи биладур. *(У ёқдан-бу ёққа юради).*

Ҳозир хоқони мансур билан Бадиуззамонга Фароҳ ва Сеистонни, Астрободни эса Мўмин Мирзога бериш ҳақида сўзлашамен. Уни шунга кўндиришим керак. Кечиктириб бўлмайдур! Шунда мамлакатга тинчлик инадур. Йўқ эса, салтанат чок-чокидан кетади-ку! Отанинг катта ўғилга қурол кўтарғонини кўрғон ўн тўрт ўғил ва бошқа набиралар жим қараб турадиларму? Мумкин экан-ку, дейдир. Барчаси бир-бирига бош экиси келмай, бир-бирларига қарши қилич яланғочлайдурлар, найза ўқталадурлар! Отага ҳам қарши чиқадулар. Худо ана ўшандан сақласун! Шунини тушунтирмак лозим. Уларнинг бошларини бириктирмак даркор. Бадиуззамон Мирзо билан саваш курибсиз, дея подшодан ўпка-гина қилишга ҳам фурсат йўқ! Подшодан фармонни олибоқ, тоғ-тошларда юрғон Бадиуззамон Мирзо олдига жўнаб кетамен!.. Излаб топамен! Юрт тинчилиги ҳамма нарсадан муқаддас!

Бойқаро киради. У хуш кайфиятда.

Бойқаро

О, Алишер! Мулку миллат эгаларининг етакчиси, хоқон давлатининг умиди, султон ҳазратларининг яқин дўсти, ҳақиқат ва дин низоми амир Алишер... Машҳадда узоқ қолиб кетдилар, тезроқ дийдорларини кўргимиз келди. Шеърый мажлисларини ҳам соғиниб қолдик.

Навоий

Бизнинг эрмас, ўзларининг шариф маъноларга бой мажлислари, десалар тўғрироқ бўлур. (*Ўзича*) Ҳозир шеърий мажлислар фурсати эмас, шекилли...

Бойқаро

(*табассум қилиб*)

Ўзларига айтадурғон жуда муҳим гапларим бор. Аввалан, ҳов анови кундаги ўтиришда Мир Хусрав Дехлавийнинг бир байти ҳақида мавлоно Лутфийдан сўзлаб, ўзлари ҳам қўшилиб таҳсинлар ўқиғонларига озроқ эътироз билдирмакчийдим...

Навоий

(*таажжубда*).

Эътироз?..

Бойқаро

Ҳа. Фақат ўзлари ўша кунги воқеани бир эсга солсунлар...

Навоий

Ўша кунги воқеаними? (*Эслаб*) Йигирма бир ёшдалигимда юз берғон воқеа... Бир кун баҳор айёми палласи, кўчада келардим, қаттиқ ёмғир ёғарди. Ён кўчадан мавлоно Лутфий чиқиб қолдилар. Иккимиз бирга йўлни давом этдирдик. Янги ғазал ёзғон-ёзмағоним ҳақида сўраб-суриштирдилар. Малик ул-калом ёмғир томчиларининг бир-бирига уланиб, ришта, ип ҳосил қилаётғонига қараб, улуғ устоз Мир Хусрав Дехлавийнинг бир сеҳрли байтини ёдга олдилар. Байтда, худди шундай кучли ёмғир маҳалида кўчада кетаётғон бир парипайкарнинг лойга тойилиб, йиқилиб тушғони ва ғояти нозук адолигидан ёмғир ипига осилиб ўрнидан туриб олғони таърифланмиш эрди...

Бойқаро

Жуда чиройли манзара экан.

Навоий

Жуда чиройли! Бу таъриф мавлоно Лутфийга бағоят ёқиб тушди. Камина ҳам таҳсинлар ўқидим. Кейин бошқа жойларда ҳам айтиб юрдим, нуктадонлик анжуманларида кўп офаринлар эшитишга муяссар бўлдим. Айрим давраларда байтга муносиб мақтов гап тополмай ҳам қолдилар. (*Пауза*) Ҳатто сиз эслатғон ўша ўтиришда буни айтиб, ҳазратларидан ҳам таҳсинлар эшитамен, дея умидвор эрдим. Нодир ўхшатиш таърифидида муболағалар қилсалар керак, деб ўйлағондим.

Бойқаро

Афсуски, бу байтдаги ўхшатишнинг бир ожиз томони бор...

Навоий

(*ҳайратланиб*)

Ожиз томони? Қандоқ ожиз томони бор экан? Байтда ҳамма нарса гўзал... ўз жойида...

Бойқаро

Афсуски, жойида эмас... Ёмғир томчилари кўкдан пастга қараб ёғадур, шу сабабдан ёмғир риштаси ҳам пастга қараб ҳаракат қиладур. Шундоғму?

Навоий

(*илложсиз*)

Шундоғ...

Бойқаро

Бинобарин, лойда тойилиб йиқилғон нозик адо париваш ёмғир “ипи”, “ришта” сига осилиб, ўрнидан туриб кетмоғи номумкин дир, чунки ёмғир ипи юқорига эмас, пастга қараб тортадур...

Навоий

(*лол қолиб*)

Субҳонолло! Мантиққа асосланғон бу фикрингизга қўшилмай чорам йўқ. Ростдан ҳам, ёмғир томчилари юқоридан қуйи иниб келадур. Шу сабабдан, ёмғир риштаси пастга тортадур. Йиқилғон паривашнинг уни ушлаб ўрнидан турмоғи мумкин эмас. Фақир билдимки, байтга таҳсин ўқиғонлар, камина ва ҳар киши ҳамким бунга дахлдор бўлмишди, ғалат қилғон эмишдурбиз. Фақир ўз дидимда нуқсон борлигига имон келтурдим... Эътирозингиз қабул бўлди. (*Пауза*) Биздан саҳв ўтди, бағоят хижолатдурмен. Шубҳа йўқ, ўзлари чинакам шеършуносу заршуносулар... Сиз ҳазратнинг хўб ашъорингиз, дилтортар абётингиз бағоят кўп дир ва улус ичра машхур дир. Шеърый мажлисларимизнинг жони, ашъору абётимиз мезони, давримизнинг Султони Соҳибқиронидурсиз. Мана ҳали юборғон янги ғазалингиз ҳам Ҳусайний чаманидаги ажиб гуллардан бири бўлиб дир. Ошиқ иштиёқи зўридин хаёл қилдики, ёрни кўргач, фиғон жондин бурун чиққай; лекин жоннинг қаттиқ рашки келиб, фиғондин бурун чиқишга ошиқа дур! Жуда гўзал айтилғон:

*Сени кўргач, дер эдим, чиққай фиғон жондин бурун,
Чиқмасун деб рашкдин, жон чиқти афгондин бурун...*

Ифода бағоят нафис!

Бойқаро

Қаттиқ мақтаб юбордилар. Хижолатмен. (*Мавзуни ўзгартириб*) Назм аҳлининг жаҳонороси, пок ишқ зиёси, дард ила шавқ йўлининг ёрқин сиймоси, раввахаллолоху руҳаху Мир Хусрав Дехлавийнинг тўрт девонин йиғдурдум, ғоят зебу зийнат бирлан замон хушнависларига китобат қилдурдум. Ул малик ул-каломнинг ғазалиёти, маснавийлари, қасидалари, рубоийлари монанди йўқ ҳайратангиздур...

Навоий

Бу қилинғон ишга офаринлар деймиз. Бағоят савобли иш бўлубдур. Хурсандлиғимга олам торлиқ қилур. Билурсиз, устод Мир Хусрав Дехлавий Шарқ адабиётида девон тузиш анъанасини бошлаб берғон сиймодурлар.

Бойқаро

Девон – улкан хазина. Унинг ичида дуру забаржад, лаълу марварид, ақиқу гавхар, тиллаю кумуш жобажо. Лекин уларга тартиб берилмаса, ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетадур, керак нарсангни излаб тополмассен.

Навоий

Рост айтдингиз. (*Ўзича*) Менинг кўнглимда нелар кечаётгонини билмайдурлар. Мен Бадиуззамонни ўйлайдурмен. Бу гаплар тезроқ тугаса дермен.

Бойқаро

Алишер! Девонлар тузишда янги бир йўлни жорий этмакчимен.

Навоий

(*ажабланиб*)

Хўш?.. Қандай янги йўл экан? (*Ўзича*) Подшонинг жуда кўп салтанат ташвишлари ичида вақт топиб, бир шоирнинг девонлари билан машғул бўлмоғи жуда хайратланарли ҳодиса! Бу – миллат омади, бахти!

Бойқаро

Девонлардаги ғазалларни ўқиш, уқиш, топиш осон бўлмоғи учун, ҳар бир ғазал устига унинг қайси вазн, иложи бўлса, баҳрда иншо этилғони кўрсатиб қўйилсин. Шундоқ фармон берилди. Мир Хусрав Дехлавийнинг тўрт девони шу йўсинда китобат қилинди. Абёти адади ўн саккиз мингдан ошибдур. Сўнг она тилимизда аруз вазни ва баҳрлар ҳақида бир йўл-йўрик, қоида-қонун йўқлиги билинди, шундай рисола битсалар, кўркем иш бўлур эрди, чунончи, “Мезон ул-авзон” отлик... Шуаро учун мактаб бўлурди.

Навоий

(*таъзим қилади*)

Таклифлари учун қуллук, ҳазрат. (*Ўзича*) Сўзлари ниҳоясига етди, шекилли. Энди ўз дардимни айтсам ярашар...

Бойқаро

(*бунга имкон бермай*)

Алишер! Инжил ариғи ёқасидаги “Ихлосия” хонақосида ўзларининг муборак қадамлари учун ажратилғон хос хужра бор эрди, эшитдимки, уни муаррих мавлоно Мирхондга топшириб, “Равзат ус-сафо” китобини ёзиб охирига етқуришни амр этибдурлар...

Навоий

Худди шундоқ, ҳазратим! “Равзат ус-сафо” улуғ тарихимиз тавсифига бағишланғон асардур. Унинг еттинчи китоби айнан Султони Соҳибқирон тарихи билан безатилмишдур. Ўз кутубхонамиздан бўлма ажратиб, мавлоно Мирхонд набираси, салоҳиятли муаррих мавлоно Хондамирни ўтказдириб қўйдик, ҳозир мазкур еттинчи китобни иншо этиш пайида... (*Ўзича*) Зора, Бадиуззамон Мирзо ҳақидаги гапга навбат етса... Балки ўзлари сўз очиб қоларлар...

Бойқаро

Кўпдан бир орзуим бордурки, мени сира тинч қўймас. Алишер! Ҳозиргача, икки девон тартиб бердилар, “Бадоиъ ул-бидоя”, “Наводир ун-нихоя”, жўшқин ёшлик девонлари. Энди бутун кўли гул хаттотларни чорлагайсиз, хоҳласунлар, Жаҳонорода ўлтурсунлар, хоҳласунлар Халосияда ёки бошқа боғлар, қасрларда. Тўрт жилдли куллиёт тартибига киришгайсиз. Бир муддат Мурғоб бўйидаги боғда бу борада сўзлашғон ҳам эрдик. Ёдингиздаму? Тўрт девоннинг умумий номи ҳақида баҳс этгондик. Унинг номини “Ҳазоин ул-маоний” – “Маънолар хазинаси” деб белгилағон ҳам эрдик ўшанда. Абётингиз адади йигирма беш мингдан ошиб кетмиш ва ғазаллар ҳар жойлардан макон топмишдир. Барчасини бир қасрга жамлаш лозим. Ҳар ғазал устига унинг вазни, баҳри кўрсатиб қўйилсун. Камолиддин Бехзод ғаройиб суратлар чизиб берсун... “Ҳазоин ул-маоний” миллатимиз, салтанатимиз шарафини дунёга кўз-кўз қиладиган мухташам ҳайкал бўлур!

Навоий*(ўзича)*

Субҳонолло! Бу дўстларни кўрингиз! Мен жоним қақшаб дўстим Шох Ғозий Бойқаро ҳазратларини ўйламоқдамен, фарзандлари билан иноқ бўлишларини, дориламонликда кун кечиришларини Оллоҳдан тиламақдамен, ғамини емақдамен, дўстим эса ўзини ўйламай, мени деб ташвишлар чекмақда! Қанча ташвиш! Оллоҳга шукр! Оллоҳга шукр! *(Бойқарога жилмайиб қараркан, кўл кўкракда)* Катта вазифа қўйдилар... Таклифингизни қабул айладук. Миннатдордурмен! Ҳазрат, сиз бутун дардларингизни айтиб бўлдингизми?

Бойқаро

Бўлдим, Алишер, бўлдим!

Навоий*(кўлини кўксига қўйиб)*

Энди, озгина ўпка қилишга ижозат бергайсиз... Мен бағоят кўркиб, ҳадиксираб юргон воқеа, афсуски, рўй берибдур! Пули Чароғ довонида ўғлингиз Султон Бадиуззамон билан саваш қурибдурсиз!

Бойқаро*(ерга қараб)*

Ҳа, савашининг олдини олиб бўлмади...

Навоий

Нечук мен бундан ғофил қолдим?

Бойқаро*(бироз хижолат бўлиб)*

Узр... Ўзлари Машҳад сафарида эдилар. Сарой аёнлари, Низомиддин Мир Алишерга бу воқеани айтиб, безовта этиш кони гуноҳдир, сиҳхатлари ҳам дуруст эмас, яхшиси, ул зотнинг Машҳад зиёратида эканликларидан фойдаланиб, Пули Чароғ ишини адо этиб келурмиз, дедилар, мени

ишонтирдилар. Алқисса, кўп муноқашалардан сўнг, кўнглим энди мойил бўлиб турғонда, валиахд ўғлим олдимга кўп шартларни қалаштириб ташлади, гоҳ Балхни берасен дейдир, гоҳ Қундузни ҳам кўшасен, дейдир... Сифмайдурғон жойга ароба соладур...

Навоий

(қизишиб)

Ахир, бизда ҳар босғон қадамимизни, олғон нафасимизни ўлчаш учун, Оллоҳга шукр, энг аъло андоза бор: худо номини миллатимиз пешонасига ёзғон – Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон! Биз унинг кўзгусига ўзимизни солиб кўрурмиз! Ахир, билурсиз, Мироншоҳ Мирзо Ҳалокухон тахтини эгаллаб, кўп беадабликлар кўргизди, хазинани совурди, табаррук отасини кексайиб қолди, энди тахтни фарзандларига берсин, деган маломат гапларни атрофга ёйди, инсон шаънига ярашмағон кирдикорларга йўл очди, бузуқликлар қилди! Уруш қиламен, деса, қанча важ-қарсонлар! Лекин Соҳибқирон Амир Темур унга қарши қурол кўтармадилар-ку! Биронта ҳам ўғиллари билан низога бормадилар-ку! Нечун? Ҳар қанча айб иш қилсалар ҳам сабр-бардош этагини тутдилар. Насихат, кенгаш, мурса, яхшилик йўлларини изладилар. Биз ҳам сабр-тоқат бирлан шу йўлдан юрсак бўлмасмиди?..

Бойқаро

(сал малол келгандай)

Алишер... сўзларингиз ўринли, тан оламен... Афсуслар бўлсинки, мен Соҳибқирон Амир Темур эмасмен, Бадиуззамон Мирзо ҳам Жаҳонгир Мирзо эмас... Боқингиз: Жаҳонгир Мирзо бетоблигига қарамай, дардини яшириб, ота юзидан ўтолмай, душманга қарши жангга жўнағон эрди, Бадиуззамон Мирзо эса душманга эмас, йў-ўқ, отасига қарши савашга отланадур! Иккиси ҳам темурий мирзолар. Аммо бири осмон, бири ер...

Навоий

Йўқ, йўқ, Султони Соҳибқирон! Аммо бир нарсани унутмасунлар! Муқаддас қон – битта! Оллоҳга шукрки, то хануз темурийлар томирида Соҳибқирон Абулмансур Амир Темур Кўрагон қони тепиб турибдур! У ҳеч қачон тўхтаб қолмайдур! Бежиз эмас, ҳарб майдонида от суришда, қилич ўйнатишда, баҳодирликда, жанг жиловини тутишда Сизни Соҳибқирон Амир Темурга ўхшатурлар. Бу рост. Темурийлар ичида сиздай сарқарда йўқ. Шоҳим, Султон Бадиуззамонга ҳам ҳиммат назари билан қараш жоиз. Унга бир мулк бериш керак, холос, мулк! У отасини ҳурмат қиладур, падари бузрукворини тахтдан кетказиш ҳақида зинҳор ўйламайдур!

Бойқаро

Сиз билмайсиз, унинг нияти ёмон!..

Навоий

Шу сўздан тийилайлик, ҳазратим! Агар фарзандимизни ёмон десак, ёмон бўлиб бораберади. Нима иш қилсам ҳам барибир ёмонга чиқамен, дейдир, ёмонга яна ёмонни кўшадур. Яхшисен, деб мақтаб қўйилса,

яхшиликка интиладур... Бадиуззамон Мирзо ўзини камситилгон санайдур. Бунга сабаблар бор. Онасининг жавобини бердингиз. У шуни деб бошқа шахзодалар олдида хўрланиб қолди. Ўзини валиахд деб атаб юради. Лекин валиахддай шавкати йўқ. Ўзи келишгон, шоиртабъ йигит. Сизнинг ўғлингиз-да! Ўғил отасига тортмай қаёққа тортадур? Бу матлаъ Бадиуззамон Мирзога тегишли:

*Эй сабо, гар сўрса ҳолим, шаммаи ул сарвиноз,
Эврулуб бошига мен саргаштадин еткур ниёз.*

Бойқаро

Яхши айтибдур. (*Ўйланиб қолади*). Лекин саройда Бадиуззамон Мирзо ҳақида доим бадбин гаплар юрадур...

Навоий

У гапларни кимлар айтишига, қайси туйнукдан чиқишига диққат қилмак лозим. Ҳазрат, илон заҳар сочадур, чаён фақат чақишни биладур. Вазири аъзам Низомумулк ва унинг атрофидагилар тўқиб чиқарадилар барини. Ҳали у чаён ўрмалаб юрибди, қаерга заҳрини сочишни билмай. Огоҳ бўлайликки, ҳеч ким, мана шу Шоҳ Ғозийнинг ишлари яхши юришиб кетсун, кўнгилдаги орзуларига етсун, демайдур. Зинҳор! Агар сиз ўғилларингиз билан иноқ бўлсангиз, фитначиларнинг иши юришмай қоладур. Юртда парокандалик, низо кўпса, улар ёнингизга кириб, чора топгондай бўлиб, ўз чўнтақларини қаппайтириш, ҳурматларини ошириш пайида бўлурлар, танг вақтида, энг аввало, сизни ташлаб, ўз жонини сақлаб кочурлар...

Бойқаро

(*ўйланиб*)

Нима қилмак керак?

Навоий

Шоҳим! Соҳибкирон Амир Темур юртни сақлаш, тинчликка эришиш учун, ўзи емай едирди, ичмай ичирди, пул деганга пул берди, мол деганга – мол... Элнинг катталарини ака ўрнида, кичикларини ука, фарзанд ўрнида кўрди... Юртимизга тинчлик керак, осмонимиз тиниқ бўлсун, ҳазрат! Бунинг учун энг аввало, Султон Бадиуззамонга мулк бериб кўнглини овлаш лозим, у катта ўғлингиз! Шунда у ўзи билан ўзи овора бўладур. Бошқа укалар ҳам унга қараб қадам ташлайдурлар... Агар хутбада унинг номини валиахд сифатида сизнинг номингиз ёнида қўшиб ўқисалар, бас, нур алан-нур бўлур эрди.

Бойқаро

(*юмшаб*)

Нима маслаҳат берадилар?

Навоий

Султон Бадиуззамонга Фароҳ билан Сеистонни бериш ҳақида, Астрободни суюкли набирангиз Мўмин Мирзога топшириш тўғрисида

фармонга имзо чексалар кифоядур... Такрор айтамен: сизнинг томирингизда, уларнинг томирларида битта қон оқиб турибдур, муқаддас Амир Темур кони! Қон бирлаштирадур, иншооллоҳ! Бунга шубҳа қилмасмен!

Бойқаро

Астрободни... Музаффар Мирзога берсам дегандим... (*Ўзича*) Маҳди улё дод деб юборади-ку!

Навоий

Музаффар Мирзога ҳам, албатта, мулк берсунлар. Юртимиз улуғ, Балх хоқимлигини берингиз. Чунончи, Сарахс, Машҳадлар ҳам бор, Марв бор. Мўмин Мирзо энг катта набираларидур... Буни унутмасунлар.

Бойқаро ўйланиб қолади.

Навоий

Шаҳаншоҳим! Қутлуғ орзум – муборак сафар,
 Ҳаж нияти қўнглимга нур берар жилвагар.
 Худо суйғон бандаларга йўллар ҳам очик,
 Олам ҳам тинч, ўзи ҳам соғ, ризқи ҳам сочик...
 Муслмонлик зиммасида мавжуд бешта ҳис,
 Бири энди ўксук бўлиб қоладур, эссиз:
 Дармон йўқдур, бемордурмен, рамақда жонман,
 (*Ўзича*)
 Қўрқаменким, топмам ортиқ ҳажга имкон ман..

Бойқаро

Йўллар хатар, эллар нотинч, учиб турар ўқ,
 Умр учкур, ўқдай елар, унга ишонч йўқ.
 Ироқ ила Бағдодларда замон паришон,
 Гоҳ у ёқда, гоҳ бу ёқда исён, ғалаён.
 Миср, Шомда бошбошдоқлик авжида жуда,
 Йўллар нотинч, хатар бисёр, эмас осуда...
 (*Ўзича*)
 Алишерга рухсат йўқдур, у юртга посбон,
 Дўстим бордир, қўнгилар тинч, юрт дориламон!
 Алишер гар юртда бўлса, мен тинч юрамен,
 Ҳажга кетса, Алишерсиз қандоқ турамен?
 Қутлуғ ёшда олис йўлга чиқмоқлик хатар,

Навоий

(*Ўзича*)
 Боролмасмен энди рухсат бўлса ҳам агар...
 (*Бойқарога*)
 Муродим шул: ҳаётимнинг тугар чоғида,
 Эмин эркин Ансория хонақоҳида
 Жорубкашлик қилай дейман, савобга қолай,
 Холис хизмат қилай, элнинг дуосин олай...

Бойқаро

Ниятингиз ихлосдандур, бахтингиз кулгай,
Икки дунё саодати сизга ёр бўлғай!
Ҳасса тутиб, мункиллашиб юрайлик, дўстим,
Элу, улус камолини кўрайлик, дўстим!

Бойқаро ва Навоий боғни айланишига чиқиб кетади.

Парда

Олтинчи кўриниш

Бешинчи кўринишдаги манзара. Чошгоҳ палла.

Ўнг томондаги эшикдан Ҳадичабегим,

Опоқбегим ва Давлатбахт киради.

Ҳадичабегим

(у ёқ-бу ёққа қараб қўяди)

Бегона йўқми?.. Эшикни маҳкам ёпинглар, эҳтиёт бўлиш керак. Қараб қўйинглар. Эски кундошимиз Бека Султонбегим яна сарой атрофида ўралашиб юрганмиш... Кўринганга, Мўмин Мирзони валиахд қиламен, Астрободни олиб берамен, дермиш.

Давлатбахт

Айтса айтаберади-да, маликам! Ким бўпти у? Қўлидан нима келарди...

Ҳадичабегим

Валиахд – катта ўғли-ку, набирасига бало борму?

Опоқбегим

Лекин набираси Мўмин Мирзо яхши йигит бўладур...

Ҳадичабегим

(ғижиниб)

Опоқ, нега сен нукул Мўмин Мирзо, Мўмин Мирзо, деганинг-деган?.. У куни ҳам гапирдинг, индамадим. Кўп ғашимга тегма! Тўғри, сени яхши кўрамен, саройдаги ҳеч бир малика Шоҳ Ғозийни сендек парвариш қилолмайду, шунинг учун Султоним ҳам сени ардоқлайдулар, суядулар, жони дилисен, буни биламен. Айниқса, май ичиб, беҳузур бўлган вақтларида бутун маликалар ичида ёлғиз сен подшоҳ кўнглини топа оласен. Ҳурматинг баланд. Аммо иззатингни унутма! Мўмин Мирзодан нима топдинг ўзи, сира тушунмаймен...

Опоқбегим

Сабабини айтайми, маҳди улё жаноби олиялари? Сабаби бор. Мўмин Мирзо туғилганда мен доялик қилгандим. Кўз олдимда дунёга келган. Жуда қийналиб туғилган бола бечора! Онасига қараб туриб, худди ўзим туққандек азоб тортганмен! Ўз боламдек кўрамен. Шундан меҳрим тушиб

қолган. (*Чалғитишига тиришиб*) Мен сизга айтсам, ҳарам маликалари ичида бир гап юрибдур, гўёки Навоий ҳазратлари хоқони мансур билан Султон Бадиуззамонни яраштириш ҳаракатида эмишлар...

Давлатбахт

Рост. Хоқони мансур ҳам рози бўлган эмишлар, ҳар нарсага тайёрмен, бизга юрт тинчлиги керак, душманларга қарши курашиш ўрнига, болаларим билан жанг қиламенму, олам-жаҳонга кулги бўламен-ку, дебдилар. Навоий ҳазратлари жуда хурсанд бўлибдилар, подшога, фақат Бадиуззамон Мирзо эмас, бошқа шахзодаларни ҳам ўйласунлар, ҳаммасини бирдай кўрсунлар, деганмишлар.

Опоқбегим

Бирини азиз санаб, иккинчисини камситмаслик керак, деб уқтирибдурлар, мен ҳам эшитдим.

Ҳадичабегим

(*жигибийрони чиқиб*)

Билмадим, улуғ амирга нима керак экан ўзи? Рўзғор бўлмаса, унинг дардини оладиган, иссиқ-совуғига қарайдиган хотин бўлмаса, аёл лаззатини, канизак тутиш фароғатини билмаса, бола-чақа меҳрини туймаса... Доим салтанат ишларига аралашгани-аралашган, халал бергани-берган. Биров билан қанчалик иши бор? Ҳамма нарсага бош суқиб юрадур. Вазири аъзам Низомумулк ундан дод дейдир, шайхулислом ҳам нолийдир. Қозикалон озурда. Беклар норизо... Тавба!.. Бир нарсани хоқони мансур билан келишиб қўясен, шоҳим рози бўладилар, эртасига, йўк, деб туриб оладилар. Кейин суриштирсам, амир Алишер билан учрашган, маслаҳатларини олган бўладилар... Эшитдим, шоири замон хоқони мансурга, Астрободни Мўмин Мирзога топшириш ҳақида таклиф айтибдурлар. Бу ёғини сўрасангиз, Бадиуззамон Мирзо аллақачон Мўмин Мирзога чопар юбориб, Журжон қўшинини тўплашни, қаттиқ туришни, Астрободни зинҳор қўлдан бермасликни тайинлаб ҳам улгурибдур! Тингчиларим етказди, ҳа! Бунга фармон ҳам чиқар эмиш. Вазири аъзамга тайинладим, ҳеч қанақа фармон бўлмайди! (*Қўлларини белига тираб*) Сенлар гувоҳсенлар: агар фармон чиқса, ўлигимнинг устидан чиқадур!

Давлатбахт

Ҳай-ҳай, маликам! Нималар деяпсиз? Шайтонга ҳай беринг!

Опоқбегим

Нафасни иссиқ қилинг, эгачижон! Ҳар айтилган сўзга ҳам фаришталар омин, дер эмиш... Нима, Мўмин Мирзо Астрободга ҳоким бўлса, ёмонми? Музаффар Мирзо ўғли бўлса, у – катта набираси... Набира ўғилдан кўра ширинроқ дейишади-ку. Данагидан кўра мағзи ширин эмиш...

Ҳадичабегим

(*жаҳли чиқиб*)

Ҳаддингдан ошиб кетяпсен, Опоқ... Э... э... сен қаердан биласен экан,

ўзи, ўғил билан набира фарқини? Жа-а, ўғилдан набира ширин деб, бу ерда кайвонилик қиласен, оғиз кўпиртирасен худди ўнта туғиб катта қилиб қаторлаштириб қўйган хотиндай? Туғиб кўрмаган бўлсанг, дард тўлғоғи нималигини билмасанг! Қисир хотинсен, қисирлигингда тур!

Опоқбегим

Вой, нега ундай дейсиз, маҳди улё жаноби олиялари? Ноумид шайтон. Ҳали худодан умидим бор, ёшман, умидимни узганим йўқ. Парвардигор ҳар нарсага кодир, ҳали фарзанд беради! *(Йиғлайди)* Қисирсен, деб ҳақорат қилманг мени! Битта сиз қолдингиз шундай демаган... Мен ҳам худонинг бир бандасимен, сизга ўхшаш... *(Йиғлайди)*.

Давлатбахт Опоқбегимни юпата бошлайди. Ҳадичабегим серрайиб туриб қолади. Рўпарадаги эшик очилиб Музаффар Мирзо кириб келади. Тўлиб турган Ҳадичабегим ўғлини маҳкам қучоқлаб олади ва ҳўнграб йиглаб юборади.

Ҳадичабегим

Мана, сизни деб не қўйларга тушмадим! У ёқда падари бузрукворингиз бу ишни орқага чўзгани-чўзган, бу ёқда висир-висир гаплар қулоғимни тиндирмайди. Икки ўртада ўлиб бўлдим-ку! Нима қилишим кера-а-ак? Нима қилай?.. Тўйиб кетди-и-и-им!

Музаффар Мирзо

(онасини юпатиб)

Ҳай-ҳай, ўзингизни босинг, онажон! Ким ранжитди сизни? Ким экан ўша сизни хафа қилишга журъат этган?.. *(У атрофга, дам Опоқбегимга, дам Давлатбахтга қарайди. Ҳадичабегим тикиллаб йиғлашда давом этади.)* Ё сизлар хафа қилдингизларми?

Давлатбахт

Йўқ, йўқ... Ўзларининг нечундир кўнгиллари тўлиб кетди...

Опоқбегим

Нега хафа қилар эканмиз, шаҳзодам?

Опоқбегим билан Давлатбахт бир четда мунгайиб қараб туради.

Ҳадичабегим

(алам васвасасида йиғи аралаш)

Қанақа шўрпешона хотин эканмен мен! Бу дунёга келиб нима кўрдим? Худо икки ўғил берди. Катта ўғлим Шохғариб Мирзо ногирон туғилди. Бунга сабабчи – отаси! Тепамда худо турибди: майга ружу қўймангиз, подшоҳим, ичганда менга яқинлашмангиз, деб худонинг зорини қилдим. Йўқ, худонинг берган куни май, шароб, май, шароб! Шу ўлгурни ичишдан бўшамадилар. Шохғариб Мирзо ўғлим дунёга келиб нима кўрди? Менинг саъй-ҳаракатим билан озгина Ҳирот ҳокими бўлиб турди. Кўргани шу. Мана, ўтган йили оламдан кўз юмди. *(Музаффар Мирзога)* Энди, ўғлим, сиз қолдингиз, холос.

Ўғлим! Доруссалтана Ҳирот бир шоҳсура бўлса, Астробод унинг биринчи зинасидур. Астрободда ҳокимлик қилган шаҳзода бир зина босиб Ҳиротни забт этадур. Ҳа-ҳа!.. Нима учун Астробод, Астробод, деяётганимга энди тушунгандирсиз? Иримин бор, иримин! Кимнингки биринчи қадами Астрободдан бошланса, уни омадли деб ҳисоблайберинг, у албатта келажакда салтанат соҳиби бўладур! Астробод ҳокими бўлиш катта обрў-эътибор! Султони Соҳибқирон ҳам илк дафъа ана шу дорулфатҳ Астрободда ҳокимлик мартабасига эришганлар. Бугун Хуросон салтанатини бошқариб турибдилар. Жуда табаррук жой ҳисобланур...

Музаффар Мирзо

(ғижиниб)

Шундоқ дейишадур. Ҳам табаррук, ҳам дуо кетган жой... *(Опоқбегим билан Давлатбахтга)* Ҳой, маҳди улё жаноби олияларини юпатмайсизларми? Нега қараб турибсизлар? *(Ўзича)* Хотин кишининг йиғлаганини кўрсам, юрагим сиқилиб кетади. У ёқда ҳам йиғи, бу ёқда ҳам... Тинч кун борми ўзи?

Музаффар Мирзо чиқиб кетади.

Давлатбахт

Маликам, йиғламасунлар, ҳеч қачон ҳеч кимни йиғлагулик қилмасун! Музаффар Мирзодай ўғлингиз бор, Оллоҳнинг қўллагани шу. Шукр қилинг, маликам!

Ҳадичабегим

(йиғламсираишда давом этиб)

Бадиуззамон Мирзо ҳам анойи эмас, ана шу иримин деб, Мўмин Мирзога Астрободни маҳкам қўлда тут, деб уқтиряпти-да. Келажакда Хуросон салтанатини кўзлаб турибди! Лекин улар бошқаларни содда, гўл, ҳеч нарсага ақли етмайдиган пандавақи деб ўйлайдилар. Бу уларнинг катта хатоси! Хуросон тахти, худо хоҳласа, Мўмин Мирзо эмас, Музаффар Мирзоники бўлғай! Бошқалар даъво қиладилару, менинг ўғлимнинг ҳақи йўқми? Бу гапни маҳди улё Ҳадича бегим айтмоқда! Буни жумла жаҳон яхшилаб ўнг қулоғи билан ҳам, чап қулоғи билан эшитиб қўйсун!

Опоқбегим

Ниятингизга етинг, маҳди улё жаноби олиялари! Сиз катта қудратга эга хонимсиз, бир қарашингизнинг ўзи кўп нарсани ўзгартириб юборади. Ахир, Султони Соҳибқирондай шери танҳони жиловлай олган, ўз йўлига солган гўзал маликаси! Сизнинг сўзингиз – сўз, деганингиз – деган. Ҳамма сизнинг олдингизда титраб турадир, ақлу заковатингизга тан берадур...

Давлатбахт

(юпатиб)

Маликам, сизни кўрку хуснда ўзим хаёлан Соҳибқирон Амир Темур салтанати маҳди улёси гўзал Сароймулкхоним онамизга ўхшатамен... Ўшандай доно, ўшандай соҳибжамол, ўшандай суюмли, ўшандай сўзи

кескир... Аммо бугун Сароймулкхоним бўлганларида эди, ҳатто ул зот ҳам сиздан кўп нарсани ўрганган бўлардилар.

Опоқбегим

Бунга асло шубҳа йўқ.

Ҳадичабегим

(қўз ёшларини артиб, чеҳраси очилиб)

Ўғлим, мана, бирпаслик йиғимга чидамай чиқиб кетди. Эркакларга йиғламасанг-да, ковоқ солмасанг, доимо ҳамишабахор бўлиб очилиб турсанг, иннакейин ёқасен. *(Опоқбегим билан Давлатбахтга, овозини пасайтириб)* Кеча... орадан гап қочди, шоҳим билан “сен-мен”га бориб қолдик. Бир йиғлаб бердимки!.. Хотин киши ҳам одам, дедим. Роса ялинди. Бу ёққа келинлар-а!

*Опоқбегим билан Давлатбахт Ҳадичабегимга яқинлашадилар.
Маҳди улё уч бошни бириктиради ва ниманидир пичирлаб гапира
бошлайди. Бироздан кейин учови хохлаб кулиб юборишади.*

Давлатбахт

Хон хонга йиқилибди, хон – хотинига!..

Мулозим киради.

Мулозим

Хоқони мансур ҳазратлари Зумрад саройда Опоқбегим ойимни хузурларига чорлайдулар.

Ҳадичабегим

Кеча эргалабдан Абул Муҳсин Мирзо ўғил кўргани шарафига катта базм бошланиб, ичкиликлар дарё-дарё бўлиб оқди. Хоқони мансур ўзларини билмай қолгунча ичдилар-да. Энди уйқудан уйғондилар. Бир кун, нега бунча ичасиз, шоҳим, десам, ўғилларим иноқ эмас, бир-бирлари ила жанжаллашадилар, менга қўл кўтарадилар, дунё кўзимга тор бўлиб кетади, ичсам шуларни унутамен, жоним ором оладур, дедилар. Шу болаларни деб, ичкилик ўлгурнинг тўрига тушиб қолдилар-да. Кўп айтдим бўлмаса... *(Опоқбегимга)* Опоқ, тез бориб Шоҳ Ғозийга қара, ювиб-тара, кўнгилларини равшан қил!

Опоқбегим

(таъзим бажо келтириб)

Бош устига, маҳди улё жаноби олиялари!

Опоқбегим ва мулозим чиқиб кетади.

Давлатбахт

(қулгидан ёшланган кўзларини артаркан)

Ё тавба! Вой тавба!..

Вазири аъзам Низомумулк киради. Уни кўриб
Давлатбахт оҳиста чиқиб кетади.

Ҳадичабегим
(вазири аъзамга)
Бўримми, тулки?

Низомумулк

Бўри, маҳди улё жаноби олиялари! Иншоолло, бўри! Ниҳоят, олампаноҳнинг қутлуғ фармонларини келтирдум! Жуда мушкул бўлди. Астрободни Мўмин Мирзога бериш ҳақида фармон тайёр экан. Фақат муҳр босиш қолибди. Улуғ амир Низомиддин Мир Алишер илтимос қилибдурлар. Бизлар парвоначи, қозикалон, амирлашқар Саъьдваққосбек бу фармонга эътироз билдирдук, амир Алишер ниятлари холислигини тан олган ҳолда, бу қадамнинг таг-тубидан хатолигини, адолатга зид эканини Султони Соҳибқиронга яхшилаб тушунтирдик.

Ҳадичабегим
Тушундиларми? Қандай қилиб?

Низомумулк

Чунончи, камина дедим: “Ҳамма шахзодаларда мулк, юрт бор, хоконим, жумладан, Бадиуззамон Мирзода ҳам. Мўмин Мирзо эса набирадур, эндигина ўн бир ёшга кирди. Ҳали ҳеч бир набирага мулк улашганингиз йўқ. Агар Мўмин Мирзога мулк, Астробод дейлик, берилса, бирлончи, Бадиуззамон Мирзо қўлида иккита юрт бўлиб қолади, кучайиб салтанат учун хавфли кучга айланиши муқаррар... Иккилончи, улашилса, барча набираларга ҳам бирдай юрт улашиш лозим...” Мансури ҳоқон ўйланиб қолдилар-да, каминани мактаб: “Тўғри ўйлабсен!...” дедилар ва шундан кейин Музаффар Мирзога Астрободни бағишладилар...

Ҳадичабегим

Офарин сизга, вазири аъзам жаноблари! Оллоҳга шукр, шундай кунларга етдик! (Фармонни олиб уч бор ўйиб кўзларига суртади ва тантанавор ўқий бошлайди.) “Шоҳ Ғозий Султон ус-салотин Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон сўзимиз. Дасти панжамизда турғон дорулфатҳ Астробод баҳодир Музаффар Ҳусайн Мирзо ибн Султон Ҳусайн Бойқаро ибн Ғиёсиддин ибн Мансур Мирзо ибн Бойқаро Мирзо ибн Умаршайх Мирзо ибн Амир Темур Кўрагон инон-ихтиёрига топширулсун!”

Низомумулк

Қутлаймен, маликам! Фақат, бир илтимосим бор...

Ҳадичабегим
Нима экан?

Низомумулк

(овозини пасайтириб)

Кечмишимизни билурсиз, насли-насабимиз, нисбамиз расулуллоҳ

алайхиссалом саҳобаларига боғланур, инчунин Аббосийлар сулоласига мансубдурмиз. Бутун хонадонимиз бирлан хизматингиздадурмиз. Подшоҳи олам доим катта ўғлим Камолиддинни “ўнг кўзим”, кичик ўғлим Амидулмулкни “чап кўзим” деб атайдурлар. Бошим нақ осмонга етадур. (*Ўзича*) Ҳали ўша ўғилларим ёрдамида тахтни эгаллаймен, ўзим подшо бўламен, давру даврон сурамен! Бу ниятимга албатта етамен! Ҳали маҳди улё ҳам менинг ҳарамимда бўлади... (*Тиз чўкиб, ёлворши оҳангида*) Жуда душманларим кўп, маликам... Энг биринчиси, амир Алишер. Сиздек суянчим, паноҳим борлиги учун уларнинг ҳеч биридан кўркмаймен. Уларнинг чорасини ўзим топа оламен... Фақат...

Ҳадичабегим

Хўш?.. (*Ўзича*) Расулulloҳ саҳобаларига алоқадорлигини билмас эканмен.

Низомумулк

Фақат шоҳимнинг қаҳридан кўрқамен. Шоҳимнинг қаҳри сурон солиб юксак чўккилардан тушиб келаётган қор кўчкисининг ўзи! Ҳеч нима дош беролмайдур! Бир келса, худо кўрсатмасин, ҳамма нарсани супуриб кетадур! Подшо – худонинг ердаги сояси. Подшоҳ ғазаби – худо ғазаби! Шундан мени ҳимоя қилсангиз бўлди...

Ҳадичабегим

Кўнгилларини тўқ тутсунлар, вазири аъзам жаноблари! Албатта, ҳимоя қиламен! Мен турибмен-ку!

Низомумулк уч марта чуқур таъзим қилади, тисарилиб чиқиб кетади. Ҳадичабегим мулозимни чақиради. Мулозим киради.

Ҳадичабегим (*мулозимга*)

Тезда Музаффар Мирзо билан жияним амирлашқар Амир Саъдваққосни ҳузуримга чорла!

Мулозим чиқиб кетади.

(У ёқдан бу ёққа юриб, ўзича)

Музаффар Мирзо билан амир Саъдваққосга яхшилаб тушунтирайин. Тезда қўшин билан, Астрободга отланишлари, тахтни Мўмин Мирзодан тортиб олишлари керак... Мўмин Мирзони тутиб доруссалтана Ҳиротга юборсин! Зинҳор буни амир Алишерга билдирмаслик лозим. Билса, тагин иш бузиладур!

Чиқади.

Парда

(Охири келгуси сонда)



Андрей ПУМПУР

(1841–1902)

ЛАЧПЕСИС – ЛАТИШ ХАЛҚ ҚАҲРАМОНИ

Халқ ривоятлари асосида яратилган латиш эпоси¹

*Рус тилидан
Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ,
Комилжон ЖЎРАЕВ
таржимаси*

* * *

*“Гулчамбарим, бошигинамда²
Турибсан мунча омонат?
Омонатлар бўлибдур у
Мишимилардан, во дариге!*

*Гулчамбарим таққанамда,
Лаймани билмас эдим,
Гулчамбаримдан айрилгач,
Ишим – унга тавалло.*

*Қамиш қапага, азизим,
Кумуш михдан қоқиб қўй,
Илганимда, ярашсин
Мунчоқли гулчамбарим!*

*Бегоналар миниб келса,
Отлар кишинаб, ер тепар,
Ўзимизникилар елса,
Қилич сермаб қўрқитар.*

*Остидаги бедовлари
Сапчир кўкка ўйноқлаб,
Қиличин кўрган дарвоза
Ўз-ўзидан очилар”.*

*Буртниецслар қасри олдида
Келин томон қуйларди шундай,
Етиб келди куёв томон ҳам
Ўйин-кулги қилганча – хуррам.
Лачпесиснинг ва Кокнесиснинг
Ёнларида куёвнавкарлар –
Эски одат бўйича улар
Нотанишидай тутар ўзларин,
Отимизни таблага қўйиб,
Бир тун қўниб ўтайлик, дерлар.
Ҳовлидаги одамлар эса
Ижжилаб саволга тутар:
Кимлар ўзи, келар қаёқдан,
Кўзлаганлар қайси манзилни,
Улар ростдан лойиқми меҳмон
Бўлмоқликка бообрў уйда?
Ва, ниҳоят, кекса Буртниецс
Таклиф этди меҳмонхонага.
Аллақачон бу ерда базм
Тадориғи кўрилган эди.
Ҳозирланган икки ўриндиқ:
Ҳашамини кўрган кўз қувнар.
Куёвлар бу ўриндиқларни
Эгаллашиб: “Қани, бизларга*

¹ Охири. Бошланиши журналнинг февраль, март, апрель, май, июль, август ва сентябрь сонларида.

² Муаллиф халқ қўшиқларидан фойдаланган. Гулчамбар – бокиралик белгиси.

Дунёда энг яхши қизларни
 Кўрсатинг”, деб, этишиди талаб.
 Кўп қизларни тавозе билан
 Келтиришиди ҳузурларига,
 Бирига ҳам рўйхушлик бермай,
 Кўз тутишиди энг яхшисига.
 Охирида улар ёнига
 Лаймдота ва Спидала келди:
 Байрамона кийинган улар,
 Йирик дурлар кўшиб-чатилиб,
 Олтин қадаб, инжа безалган,
 Мисли йўқдир гулчамбарлари.
 Икки куёв ўрнидан туриб,
 Деди: “Шулар – сўраганимиз!”
 Чучук сўзлаб, илтифот ила,
 Утқаздилар ўриндиқларга,
 Сўнгра улар гулчамбарини
 Сотиб олмоқ бўлиб қолдилар,
 Хоҳланг, олтин, хоҳланг, мис сўранг,
 Қанча бўлса, деди, биз рози.
 Қизлар фақат сақларди сукут,
 Қариндошлар айларди жавоб:
 Сотиб бўлмас гулчамбарларни
 Бир қоп олтин берса ҳам ҳатто,
 Олиб бўлмас гулчамбарларни –
 На жанг қилиб, на зўр ишлатиб.
 Лекин тезда топшишиди тил
 Қариндошлар куёвлар билан,
 Гулчамбарни ордай асрашга
 Йигитларнинг ваъдасин олиб,
 Гулчамбари билан бирликда
 Узатишиди икки қизни ҳам.
 Вайделотлар этишиб дуо,
 Алқадилар келин-куёвни.
 Бириктириб улар қўлларин
 Топширишиди Лайма-онага.
 Қулмоқ ҳамда эман баргини
 Сочиб келин-куёв бошидан,
 Қўлларини улар устида
 Тутганича, тилашиди тилак:
 “Ўрмонзорда қулмоқлар
 Чирмашигандай эманга,
 Келин севган ёридан
 Айлансин-о, ўргилсин!”
 Меҳмонларни сийлаб куёвлар
 Улашидилар тўй туҳфасини,
 Кўзи ёшли келинлар тутди
 Куёвларга гулчамбарларин,
 Эвазига куёвлар эса

Кумуш ила тикилган нозик,
 Хошияси ноёб мўйнали,
 Бахмал телпак этди армуғон.
 Янги келин-куёвлар билан
 Даврадан жой олди меҳмонлар,
 Зўр зиёфат кетди бошланиб,
 Қувноқ базм, тўймисан – тўй-да,
 Қўшиқларга лапар, мардона
 Ҳўнларга уланди рақс.
 Шундай, аммо доно Буртниецс
 Тамомлади тўйни эртароқ,
 Гарчи эски одат бўйича
 Гурилларди тонггача базм.
 Лекин янги келин-куёвлар
 Тўйдан кейин тинчгина уйда
 Тўйгунича сура олмади
 Ўз бахтининг нашоу намосин.

Одатича беаёв тақдир
 Ботирларни дилдорларидан
 Айирдию йўллади тагин
 Зўру зарбдан қиличлар синиб,
 Иссиқ қизил қонга одамлар
 Белигача ботган жанг сари.
 Атрофдаги тепаликларда
 Ҳарбий созлар солди овоза,
 Баланд тоғлар чўққиларида
 Ловуллади катта гулханлар.
 Булар – жангга тайёрланиш-чун
 Бутун халққа эди ишора.
 Яшилликка чўмган Латвия
 Барча уйи, қишлоқларида
 Ёвқур ёшлар ҳеч ҳаялламай,
 Қуролланиб жанглар олдидан
 Белларига тақди қиличин,
 Сакраб минди бедовларига
 Хотини ё қаллиги, сингли
 Безадилар дубулгаларин,
 Жангчиларни кузатар экан,
 Куйладилар, йиғладилар гоҳ,
 Тез орада барча йўллардан
 Отин қичаб ўтди ботирлар.
 Ғала-говур гуруҳлар, баъзан
 Мизгиб олди ўрмонзорларда,
 Тугал, аҳил, ҳамжиҳатликда
 Тўпланишиди ялпи йиғинга.
 Ва бу ерда жамланган лашкар
 Лачплесисни кўрган ониди
 “Олқиш! Олқиш!” садоларидан

Узоқ-яқин титради гўё.
 Буртниеке, Лиелвард, бошқалар
 Келардилар уни кузатиб,
 Шон-шарафли бу оқсоқоллар
 Қўшилдилар келиб қўшинга.
 Ҳатто янги тушган келинлар –
 Лаймдотанинг ва Спидаланинг
 Кўнгли тошиб, уйда қололмай
 Лашкар билан чиқди сафарга.

Гауянинг ўрмон жарлари
 Тилкалаган соҳилларида
 Кўтармалар ихота қилган,
 Хандақ қазиб ўраб чиқилган,
 Кўп қалғалар ростлаганди қад,
 Ҳар бирида қайнарди ҳаёт,
 Бу ерларда кўрар эди кун
 Эркин латиш қабилалари;
 Уша ўрмон чангалзорига
 Лашкар билан кирди Лачплесис,
 Танда қуриб қайда ёв, илон
 Уясидай қайнаган бўлса,
 У қалғалар покланди тамом,
 Куйдирилди – этилди қатрон.
 Дабрелиснинг қалғасигача
 Етиб борди латиш қўшини.
 Ғиж-ғиж эди бу қалъада ҳам
 Қора совут кийган рицарлар.
 Ушбу кўҳна қалъани ганим
 Мустаҳкамлаган эди янгидан.
 Шу, эгаллаб бўлмас қалъага
 Ёриб кирди Лачплесис охир,
 Душманларнинг жуда ҳам кўпи
 Ўз ҳаётин бой берди жангда.
 Ўрмонлар ва водийлар бўйлаб
 Илгарилиб апи бошлиқ лашкар
 Телба дарё тезоқар ери
 Янглиз, жўша борди, ниҳоят,
 Пайдо бўлди улар олдида
 Турайддаги Каупо қасри.
 Ва бу ерда, ливлар мулкида,
 Кўргончалар ва қишлоқларда
 Кўрар кўзга ташланар яққол
 Зулму зўрлик қолдирган ваҳшат.
 Бошоқ тортиб олтинланарди
 Ливлар бўлиқ бугдойзорлари;
 Ливлар экар, немислар эса
 Ўзиники қилар ҳосилин.
 Яйловларда боқилар сигир,

Бузоқчалар, қўйлар семириб;
 Бегоналар улар гўштин еб,
 Териларин пуллайди чаққон.
 Салибчилик черков сояи
 Давлатида олди роса авж.
 Одамларни черковга ҳайдаб,
 Чўқинтирди барчасин немис.
 Чўқинтиргач, ливларни қулга
 Айлантирди шум келгиндилар,
 Аҳолининг бўйнига қўйди
 Оғир-оғир солиқлар юклаб.
 Аждодларин маъбудларига
 Содиқ бўлиб қолганлар борки,
 Кириб кетди қалин ўрмонлар,
 Ўтиб бўлмас чангалзор аро
 Тўнкаларни қазиб, ёқдилар,
 Экиш учун очиб янги ер.
 Оvloқларда бошлаб қурилиш
 Сигиндилар Перконсга мудом.
 Беркинганлар топмади омон
 Рицарларнинг жосусларидан,
 Бот юкланди оғир солиқлар
 Гарданига қисиндиларнинг.

Сўнг, Лачплесис қўшини билан
 Кирганида ливлар ерига,
 Ажнабийлар юрак ҳовучлаб,
 Уйларини ва мол-мулкини
 Ташилаганча, яшириндилар
 Турайддаги қалъа ичига.
 Лачплесис бу маҳкам қалъани
 Ўраб олди, айлади қамал.
 Бироқ истехкомини
 Олмоқ осон иш эмас асло:
 Ичкарида қиличбардорлар
 Тўпланишиб, пойлар эди пайт,
 Қамалчилар устига ажал.
 Лачплесиснинг амрига кўра,
 Маҳкам, узун нарвонлар ясаб,
 Улар бўйлаб чиқиб, қалъанинг
 Деворидан ошди жангчилар.
 Баланд кўтармалар саҳнида
 Қайнаб ҳаёт-мамот уруши:
 Аҳвол – қалтис, чекинар эди,
 Гоҳ у томон, гоҳо бу томон.
 Темирларнинг жаранги, оҳ, дод
 Тўлдирганди атрофни буткул.
 Аскарларин олд қаторида
 Жанг қиларди шонли Лачплесис,

Совут кийган қиличбардорлар
 Омон қолмас эди дастидан.
 Зўрлигини кўриб, чет эллик
 Кўшин ақлин йўқотди тамом
 Ва ташлади қурол-ярогин,
 Зориллади сўраб омонлик.
 Бу қалъага сардор Каупо
 Эди ўша кунлар Ригада,
 Зеро, меҳмон бўларди кўп вақт
 Епископнинг ҳузурида у.
 Ёв уясин бузиб, церковни,
 Роҳибларнинг хужраларин ҳам
 Ёқиб, кулин кўкка совуринг,
 Дея, этди Лачплесис фармон,
 Токи минбаъд келгиндиларга
 Топилмасин бирон бошпана!
 Немис Дитрих, тилёглама шум
 Шунда эди, рицарларга эш.
 Лачплесисга у мурожаат
 Этди, сўйлаб риёкорона:
 “Бирга туринг қалъамизда, деб,
 Чақиргандир Каупо ўзи,
 Шундай қилиб, меҳмонларига
 Қалъасини берган ишониб,
 Утинаман, меҳмонмиз, холос –
 Умримизга бўлмангиз зомин”.
 Ўз кўнглида Лачплесис ҳануз
 Каупони қиларди ҳурмат,
 Энг сўнгида айёр Дитрихнинг
 Инобатга олди арзларин.
 Лачплесис қарорин билгач,
 Учманг бунинг ёлғонига, деб,
 Инонтирди ливлар барибир,
 Бу – ёвуз ёв, деб, ичдилар онт,
 Бир бор эмас, уларни юз бор
 Мақтаб юриб қолдирган доғда.
 Немисларга айлабди шафқат,
 Шундай қилсин, бу – унинг иши,
 Лекин ботир энди буларнинг
 Қўлларига Дитрихни берсин.
 Ва Лачплесис буйруғи билан,
 Топширилди ливларга Дитрих.
 Шунда ливлар Перконс йўлида
 Қурбонликка аташди уни,
 Аммо Дитрих минган тўриқ от
 Бу, муқаддас ўрмонзордаги
 Фол қиличи устидан уч бор
 Чап оёғи билан ҳатлагач,
 Аён бўлди: бундай разилдан

Этишмоқда маъбудлар ҳазар.
 Шу тариқа бетавфиқ Дитрих
 Халокатга чап берди яна.
 Рицарларнинг қурол, совутин,
 Дубулгасин олди Лачплесис,
 Хайдаттирди Рига шаҳрига
 Ҳаммасини қилиб бошяланг.
 Душман тортиб олган мол-мулкни
 Қайтартирди ўз эгаларига,
 Гауянинг қиргоқларини
 Немислардан қўриқласин, деб,
 Шонли Талвалд бошчилигида
 Қолдирди бир сара гуруҳни.
 Ўзи эса дўсти Кокнесис
 Ва падари бузруквори-ла,
 Кўшинини Лиелвард қасри
 Сари бошлар ўрмон оралаб.

Лиелвардни – Турайддагидай,
 Яна бошқа қасрлардагидек,
 Ўзиники билиб немислар
 Айш қиларди маҳкам ўрнашиб.
 Барчасидан эди бераҳм
 Энг каттаси – Даньел Баннеров.
 Бу баттолнинг йўқ номус-ори,
 Йўқдир унда виждондан урпоқ.
 У қадимий қасрни бузиб,
 Шукуҳидан қўймай бирон из,
 Даугава узра, қояда
 Қалъа қурди ўзига янги.
 Ўша ердан, йиртқич қирғийдай,
 Ташланарди элнинг устига,
 Қишлоқларга ўт қўяр, талар,
 Хўрлар шўрлик аҳолини у.
 Кўриб бундай ваҳшийликларни
 Ҳушёр тортган кўп оқсоқоллар
 Бошлаганча қабилаларин
 Сингиб кетди ўрмон бағрига.
 Талончилик ва зўравонлик
 Қилмай қўйди Баннеров илкис,
 Хабарчилар йўллаб ўрмонга,
 Қочқинларга етказди дарак:
 Улар билан дўст бўлиб энди,
 Яшаи истар тинч-тотув, зотан,
 Тузмоқ керак тинчлик битимин,
 Ўз қасрига чорлар шу сабаб;
 Оқсоқоллар келсин, марҳамат.
 Хавфсирамай – содда одамлар
 Жон сақлаган жойидан чиқиб,

Шу разилга бўлдилар меҳмон.
 Қабул қилди уларни мезбон
 Қалъадан чет янги ҳужрада,
 Егилик ва ичкилик бериб,
 Сухбатлашди хушфеъл, дўстона.
 Оқсоқоллар стол атрофида
 Ўтирарди бари жамулжам,
 Даньел чиқди, ёпиб эшикни,
 Ташиқаридан беркитди маҳкам.
 Ва ҳужрани гир айлантириб,
 Қалин қилиб тўктирди сомон.
 Қўлидаги машъала билан
 Ўт олдирди тўрт ёқдан уни.
 Ҳаял ўтмай ёнди гувуллаб
 Бу ҳужранинг ёгоч девори.
 Ёнгин аро нафаси қайтиб,
 Ичкарида қичқирар чоллар.
 Даньел билан гумаишалари
 Кўтармада, баландда туриб,
 Алангани кўриб этар завқ,
 Ваҳшиёна отар қаҳқаҳа.
 Тезда бўғди уни – суякдай
 Бўзига шу кулги тиқилиб;
 Боқса, келар ўрмон тарафдан
 Бедовини қичаб жангчилар.
 Олдда, огир, кескир қиличли,
 Келар сури босиб Лачплесис.
 Қичқирқни эшитиб, ҳужра
 Эшигини бузиб, кўпориб,
 Шу бечора чолларни ёнгин
 Чангалидан олди қутқариб.
 Қувончлари ичига сизмай,
 Кўздан ёши сизиб, қучоқлаб,
 Мўйсафидлар мингдан-минг раҳмат
 Айттардилар бу халоскорга,
 Эслардилар Баннеров қандоқ –
 Разилона алдаганини.
 Тингладию бу ҳикояни
 Ғазаблани Лачплесис қаттиқ
 Ва қалъани эгаллаш учун
 Дарҳол бошлаб юборди ҳужрум.
 Гарчи немис совутдорлари
 Кўрсатишди кучли қаришлик,
 Шиддат қилди, оқишом чўккунча,
 Қалъани забт этди Лачплесис.
 Этди бунда элни қийратган
 Барча ёвни қирмоққа фармон.
 Бир Даньелни, ўша золимни
 Тиригича, деди, келтиринг,

Оқсоқоллар у ярамасга
 Истаганча берсинлар жазо,
 У етказган ситамлар учун
 Ўчларини олсинлар тамом.

Қанот боғлаб учди овоза
 “Лиелвардга келди Лачплесис!”
 Бу хабардан бутун Латвия
 Қувончидан ичига сизмас,
 Шундай хурсанд, баайни қайта
 Тузилгандай эди одамлар.
 Ўрмонларда сандироқлаган,
 Чангалзорда яширинганлар
 Юрагида йилт этиб умид
 Уйларига қайтдилар мамнун,
 Йўл олдилар шундан сўнг тўғри
 Кўнгул амри эди халоскор
 Қаҳрамонга айтмоқ ташаккур.
 Лиелвардлар қасрида давом
 Этар эди зафар байрами:
 Халқ олдига ёзиб дастурхон,
 Кекса сардор берар зиёфат.
 Еб-ичдилар тўйиб, жанговар
 Ўлжаларни қилдилар тақсим;
 Энг сўнгида Баннеровни ҳам
 Оқсоқоллар қолдилар эслаб.
 Даугава бўйига уни
 Ҳайдаб чиқиб, дедилар шундоқ:
 “Ҳой, сен, кўптак, сабил тузоққа
 Илтириб, ўт кўйдинг бизга!
 Биз илтифот қиламиз, лекин...
 Сувга қурбон этамиз сени!”
 Ястангудай бир тахта топиб,
 Ётқизишди унга Даньелни,
 У тахтага танғиб боғлангач,
 Ташиладилар Даугавага,
 Кузатишди қилиб истеҳзо:
 “Бор, кучала еган ерингга,
 Ўша ерда, – дедилар, – тириш!
 Ўзинг билан даф бўлсин дининг,
 Керак эмас бизга бу матоҳ!”

Латши алпи қозонган зафар
 Овозасин эшитгандан сўнг
 Зир титради ёв рицарлари,
 Кетди оёқ-қўлидан мадор,
 Ичиб турган иссиқ ошини,
 Уйин ташлаб, қочди Ригага
 Унинг қалин девори, гўё,

* * *

Омон сақлар, бағишлар нажот.
 Бунда ҳатто епископ Альберт
 Жон ҳовучлаб, турар кун санаб.
 Кўрардики, бугун ё эрта
 Барҳам топар давру даврони,
 Чора излаб топмаса агар,
 Ногоҳ етиб келмаса мадад.
 Имилламай, кемага чиқиб,
 Сузиб кетди Германияга.
 Ўша ерда катта бир қўшин
 Тузмқликни айларди хаёл,
 Келмоқ истар яна бостириб.
 Ва Ригада, ҳокимиятин
 Каупога қолдирди Альберт.
 Бу ердаги ҳар бир рицарни
 Қўллашини айтди Каупо.
 Балтияга таҳдид ёки хавф
 Йўқлигини кўриб Лачплесис,
 Лашкарин тарқатиб, ота –
 Даргоҳида яшади муқим.
 Лаймдотаси билан, ҳар кун
 Ўтар эди дориламон, хуш.
 Уй ишини эпли Лаймдота
 Қўлга олди, толмас Лачплесис
 Ота қасри камини бутлар,
 Меҳнатини тўқар экинга.
 Тез орада дўсти Кокнесис
 Спидала ва Айзкрауклисни
 Бирга олиб, “Хуш қолинг”, – дея
 Қайтиб кетди ўз манзилига.
 Лачплесису Лаймдота эса
 Оқ йўл тилаб, қолди самимий.
 Қучоқлашиб этдилар хайр-хўш,
 Бир-бирини алқаб икки дўст.
 Ҳурмат қилиб Буртниекс-дўстин
 Уйигача кузатиб қўяр,
 Кейин, кўнгли тусаганича
 Меҳмон бўлиб қайтар Лиелвард.
 Қолишиди бу кўҳна қасрда
 Лаймдота ва Лачплесис ҳамроз,
 Муҳаббатнинг шавқларига зарқ,
 Шону шараф қадрига ноил.
 Бу маъвода, Даугаванинг
 Ажиб гўзал соҳилларида
 Топди улар севги, тинчлик, бахт,
 Она юртнинг иззат, эъзозин.

Баҳор келиб, қирлар, адирлар
 Яшилликка бурканди тагин.
 Бу дунёда борки тирик жон
 Бари бирдан кирди амалга.
 Қайтмас бўлиб бадар кетгандек
 Эди, гўё, оғир замонлар.
 Деворларин тузатиб, омоч,
 Сихмолаю чалгисин шайлаб,
 Эмин-эркин чиқиб қўшига
 Эл ризқи, деб, гам ейди деҳқон.
 Бошқалардек, ишлар Кангарс ҳам
 Қўрғончасин тартибга солар,
 Юмиатади кўчатлар тагин,
 Маҳкамлайди четандеворни.
 Ич-ичидан норозилиги
 Юз-кўзида аёндир аммо.
 Тушиди унинг чекига бот-бот
 Тик бошини эгувчи ишлар.
 Балтияга бало ёғилиб
 Келишига у эди дохил,
 Аямади ўзин ҳам аммо
 Қилгилигин аччиқ ҳосили.
 Ҳамюртлари тортди оёгин,
 Қўйди уни буткул йўқламай,
 Кўзи ёгин еган немислар
 Безътибор қолдирди мутлақ.
 Ўтди ёнди бу қари гаддор:
 Лачплесиснинг ёр бўлиб шонга,
 Сог, бахтиёр яшаб юргани
 Ўтиб тушиди ҳаммасидан ҳам;
 Спидала ҳам, устига-устак,
 Чиқиб кетди иблис измидан,
 Қўрқинч ичра титрар энди у
 Аламини ютиб ичига,
 Паймонаси тўлмогин кутиб
 Ёлғизликнинг зулмати аро...
 Бир кун кечга яқин аллаким
 Кўча эшик ортига келиб,
 Чақирганда, қўрқиб, юраги
 Чиқиб кетай деди қинидан.
 Аста чиқиб кўрсаки, тагин
 Қаришида турарди Дитрих.
 “Ҳангу мангман, мени йўқламоқ
 Хаёлингга келди қаердан?
 Тош қалъада еб-ичиб бўкиш

Зериктириб юбордимми ё?..”
 Тагдор пичинг қилиб, илжайиб,
 Шундай кутиб олди меҳмонни.
 “Еб-ичишининг сира дахли йўқ, –
 Дея жавоб айлади Дитрих, –
 Еб-ичиши ҳам этмайди насиб,
 Мабодо сен, фурсат борида,
 Айламасанг бизларга кўмак.
 Агар берсанг бизларга ёрдам,
 Не сўрасанг мукофотига –
 Эришасан, мен ўзим кафил!”
 Хўмрайганча сўз очди Дитрих:
 Уюштирган катта ҳарбий куч –
 Альберт, уммон ортидан, қайтиб
 Келиб қолар яқин кунларда,
 Бироқ шунча ҳаракат зое,
 Омон-эсон юрса Лачплесис,
 Қолаверар бўлиб хомхаёл
 Этмоқлари Балтияни фатҳ,
 Яъни шитоб, имкон қадар тез
 Сир тагига етмоқлик керак,
 Куч етмаса, иш берар ҳийла,
 Шунинг учун билмоқ даркордир
 Ҳеч енгилмас латиш ботири
 Қайдан олар бунча қудратни?
 Кангарс жавоб қилдики, кўп бор
 Шу ботирни гўрга тиқай, деб,
 Жинлар йўллаб айлаган ҳамла,
 Лекин зўри беҳуда кетган,
 Бирон марта топмаган шикаст,
 Ғолиб чиққан Лачплесис ҳар гал.
 Совут кийган рицарларни у
 Арпаоя қирққандек қирқар,
 Шундай экан, Кангарсда не айб?!
 Аммо юрак тубидаги сир
 Унга қарши қасднинг оловин
 Борган сари алангалатар.
 Гарчи ўзи ҳозирча билмас
 Лачплесиснинг қурби тилсимин,
 Эҳтимолки, хизматидаги
 Жинлар берар жўяли йўриқ.
 Агар меҳмон ғарибона, шу
 Кулбасини назарга илса,
 Бу ночорнинг хабарин кутиб,
 Бирмунча вақт ўтира турсин...
 Кангарс тушди, кирди хонанинг
 Остидаги чиллахонага.
 Тун ярмида увлади бўрон,
 Қисирларди, тебранарди уй.

Эшитилар чиллахонадан
 Ғачир-ғучур, вайсаи ва фарёд,
 Калапатра ҳуши, хаёли,
 Сочи тикка турди Дитрихнинг,
 Беихтиёр чўқинарди у,
 Пичир-пичир ўқирди дуо.
 Уч кун, уч тун авради Кангарс
 Қоп-қоронги чиллахонада,
 Учинчи кун тонг чоғи чиқди,
 Кути ўчган, деди у беҳол:
 “Менга сирни аён айлаган
 Ушбу кунга лаънатлар бўлсин!
 Қора кучлар эши ўлароқ
 Учрагаймиз биз ҳам лаънатга.
 Ёвузликдан минбаъд, абадий
 Тарқалади фақат ёвузлик.
 Мену сенинг зуваламиз бир,
 Ҳаммасини айтаман сенга:
 Лачплесисни қалин, гувлаган
 Ўрмонзорда туққан бир айиқ;
 Отаси – бу дунёдан кечиб,
 Маъбудларни паноҳ билган зот.
 Бас, наинки, айиққулоқлик,
 Муъжизавий паҳлавонлик ҳам
 Бир мероски, ялакат магиз –
 Кимки бунинг фаҳмига етиб,
 Кесиб олса қулоқларини
 Ўша лаҳза уни тарк этгай
 Бу оламда мисли йўқ қудрат.
 Гапим тамом. Бор, жўна энди!
 Мукофотинг – ўзинга сийлов”.

Рицарларнинг катта қўшини
 Билан келди немис юртидан
 Рига сари Альберт. У яна
 Уришмоққа этган эди қасд.
 Бу қўшинда бор эди битта
 Қора рицарь атанган жангчи.
 Ўғирлик ва талончиликни
 Қасб этганди немис юртида.
 Ўз онаси – катта жодугар
 Дуо қилган уни сеҳрлаб,
 Яраланса ҳамки, ўлмайди –
 Писанд эмас унга жасароҳат.
 Иблисга дарс макр қуроли
 Этиб уни танлади Дитрих,
 Чорлаб этди ўшанга амр
 Лачплесисни қилмоқни ҳалок.
 У бундайин даҳшатли ишда

Кауподан сўради мадад,
Эвазига айлади ваъда
Жаннат ичра абадий ҳаёт.

* * *


Қаср ичра, қайси бир куни,
Ўтирганча стол атрофида
Лачплесис ва Лаймдота, суҳбат
Қурар эди икков, ўзаро.
Сабабини ўзи ҳам билмас,
Не учундир Лаймдота хомуш.
Неча кундир юради ўйчан,
Ўзин тутар шу қадар соқит,
Энди эса қайғуга ботиб,
Жавдирайди кўзлари маъюс.
Ва шу сўзлар унинг тилига
Сизиб чиқди дили тубидан:
“Тушунмайин қолдим, севгилим,
Бу нелардан берур аломат?
Менинг бошим айлантириб гам,
Юрагимни эзади қўрқув...
Мен бахтлиман, ёрим, азизим,
Мен ҳозирда шундай бахтлиман,
Лекин кўнглим қоплайди даҳшат,
Юз бермаса эди бир кор-ҳол,
Сўндирмаса бахтимиз ўша,
Айирмаса сен билан мени!..”
Овутай, деб, лаб жуфтлаганда,
Тасаллига ахтарганда сўз,
Дарвозабон етказди хабар:
Ҳозир қаср остонасида
Бир тўп отлиқ тўхтади келиб,
Дўстлигини пеш қилиб тинмай,
“Кирит!” дея, этмоқда жанжал.
Деразадан боққанди ботир:
Совут кийган келгинди бари,
Энг олдинда турар Каупо.
Пешвоз чиқиб, уларни уйга
Киритавер, деди Лачплесис;
Қутди ўзи азиз меҳмонлар
Каби кўриб, сийлаб муносиб.
Епископнинг рағбати ила
Келганини айтди Каупо,
Боқий тинчлик ҳамда иноқлик
Тўғрисида кенгашар экан.
Ҳеч ким билан, зарур бўлмаса,
Жанг қилмаган Лачплесис ҳеч вақт,
Каупонинг мақсадин уққач,
Музокара бошлади мамнун.

Ажнабийлар бир неча мuddат
Лиелвардда бўлишиди меҳмон.
Зиёфатни қилдию қуюқ,
Ташиқил этди мусобақалар,
Яна ҳарбий ўйинлар, кураш –
Кунлар завқли ўтсин, деб, мезбон.
Аммо ҳануз Лаймдота кўнгли
Аввалгидай эди безовта;
Ўша Қора рицарь, айниқса,
Хуш келмасди унинг таъбига.
Агар-чи, у ширин сўз айтиб,
Қилар эди тилёғламалик.

Келгиндилар бир куни тагин
Кураш билан бўлди овора,
Лекин фақат Қора рицарнинг
Қўли баланд келди муттасил.
У Лачплесис ёнига бориб,
Дедик: “Кел, синашайлик куч”.
Очиқ кўнгили билан кулганча,
Бу таклифни ботир этди рад:
Уй эгаси меҳмонга қариши
Ҳеч вақт қилич кўтармас, ахир.
Рицарь, аччиқ истеҳзо қилиб,
Деди: унинг кучи ҳақида
Бугунгача эшитганлари,
Ҳайратланиб ёд этганлари
Бир сафсата экан-да, қаранг;
Шулар бари уйдирма, наҳот?!
Гап талашмай, Лачплесис шу он
Чиқиб борди рицарга қариши
Киришдилар қиличбозликка,
Ўйин ўйнаб, ҳазиллашгандай,
Ботир фақат ҳимояланар,
Зарбаларни қайтарар, холос.
Аммо рицарь бутун зўрини,
Чапдастлигин этди намоён.
Қиличини уриб бехато,
Лачплесиснинг қирқди қулогин.
Қайнаб-тошиб ботир газаби
Солганида душманга қилич,
Ёриб ўтди нўлат совутни,
Қон сирқиди унинг сиртига.
Ўз зарбаси зўридан бироқ
Қўлидаги қиличи синди.
Шунда, душман ботирнинг бошқа
Қулогин ҳам ташлади кесиб.
Энди қаҳри бузди тўғонин,
Уни ҳеч не тўхтатмас энди,

Кучоғига олди рицарни,
 Қаттиқ сиқиб, солди буровга.
 Айиқлардай, тушиди бир-бирин
 Мажақлашга. Лачплесис уч бор
 Зил-замбилдай рицарни азот
 Кўтарганда ҳавога баланд
 Душманининг босиб салмоғи
 Гандираклар кетди уч марта.
 Икки четда туриб, узмас кўз
 Дами ичга тушиб жангчилар,
 Гўё ҳамма бирдай тош қотган –
 Ўғирлаган ҳушин томоша.
 Курашчилар суриб-сурилиб,
 Яқинлади дарё бўйига.
 Рақибини Лачплесис охир
 Кулатди тик жар тепасидан.
 Тўқасига илиниб ёвнинг
 Зил совути, уни ҳам, лекин
 Бирга тортиб кетди. Чайқалиб
 Даугава тортгандай фарёд,
 Ғойиб бўлди унинг тубида,
 Чўкиб икки дарғазаб жангчи.
 Келди қаср ёқдан ваҳшатли
 Аёл доди. Худди шу дамда
 Ўз жонига қасд қилиб ўзи,
 Чеккан эди Лаймдота фиғон.
 Сўниб-сўниб, ботар қуёш, гарқ
 Бўлгандайин Даугавага,
 Куюқ туман соҳилни қоплар
 Кўз ёшлари янглиз қуюлиб.
 Даугава толмас мавжлари
 Кўпик сочган гумда айланиб,
 Оҳлар уриб, латиш ботири
 Абадиян олди бағрига,
 Унинг қабри узра, муаззам

Бир оролни айлади бунёд.
 Лачплесисдан сўнгра, кўп ўтмай,
 Элнинг бошқа ботирлари ҳам
 Тенгсиз жангда, олдинма-кейин,
 Майдон аро топдилар ўлим.
 Бегоналар келди. Қутурган
 Немис бойлар қўлида жилов,
 Бизнинг азиз халқимиз эса
 Қуллик жабрин кўрди юз йиллар.
 Лекин эл-юрт асрлар оша
 Шарафлагай эслаб ботирни,
 Халқ наздида барҳаётдир у.
 Даугава туби, Лиелвард
 Яқинида, орол остида,
 Олтин кўшкда топган у ором.
 Қайиқчилар ҳозиргача ҳам
 Тун ярмида кўриб қолар гоҳ
 Зимзиё, тик жар тепасида
 Икки шарпа қилганини жанг.
 Ёнар шу дам ялт этиб олов
 Кўҳна қаср вайронасида.
 Аёвсиз жанг қилаётганлар
 Беихтиёр яқинлар жарга,
 Улар гирдоб ясаб айланган
 Тўлқинларнинг қаърига қулар.
 Олов ўчар. Минора узра
 Эшитилар ҳасратли садо...
 Кузатади жангни Лаймдота,
 Кутар ботир бўлишин голиб.
 Вақт келарки, кунлардан бир кун,
 Даст кўтарар ёвин Лачплесис,
 Улоқтирар қоядан уни
 Ва чўктирар Даугавага.
 Боши кўкка етар – халқ етар
 Янги кунлар, озод кунларга!



Шомирза ТУРДИМОВ

“ЛАЧПЛЕСИС” – МАҒРУР ИНСОН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Ҳар қандай ҳодисанинг асл баҳоси, қадр-қиммати унинг муқобили топилиб қиёс қилинганда теранроқ англанади. Адабиёт, фольклор ва санъатда қиёслаш – ўшатишларга шу сабаб кенг ўрин берилган. “Жаҳон адабиёти” журнали ўқувчилар ҳукмига ҳавола этган латиш халқ қаҳрамони Лачплесис ҳақидаги дoston билан танишар экансиз, ўзбек эпик ижоди намуналари – “Алпомиш”, “Гўрўғли” ва бошқа дostonларимиз ҳақидаги тасаввурларимиз янада кенгайиб, теранлашади. Айни асар ўзбек халқининг эпик ижоди, бахши-шоирларимизнинг санъати, миллий бадий тафаккуримизнинг қадим илдизларга эга эканлиги, халқ даҳосининг ижодкорлик қудратини ойдинлаштирди. Жаҳон эпик тажрибасида ноёб ҳодиса сифатида қаралувчи дostonларнинг алоҳида туркумлашганлиги миллий фольклоримизга хос асосий хусусият экани кўнглимизни тоғдай кўтарди.

Эпик анъаналар, бошқа адабий жанрлардан фарқли равишда, бугунги кунгача илк кўринишида давом этаётгир. “Лачплесис” худди миллий дostonларимиз каби ўзида халқ орзу-армонларини бадий тизимга солинган, қолиплаган шаклда мужассамлаган. Дoston бахши-шоирнинг қандай санъаткорлиги, уни тарбиялаб етиштирувчи бахшилик мактабларининг ижод оламидаги баҳосини кўрсатади; илк миллий бадий тафаккурга оид маълумотларни тўлиқ сақлайди, оғзаки ижод анъаналарига қўйилувчи бадий-эстетик мезонларга жавоб беради, эпик қаҳрамон ким, унинг этнос ҳаётидаги ўрни, вазифаси (миссияси) ҳақида тушунча ҳосил қилади. Умуман, бутун дунё адабиёти, санъати, фалсафаси моҳиятида турувчи Комил Инсон ғоясининг этнос учун ҳам бош ғоя эканлиги “синик парчаларни бутлаб” қайта тикланган “Каливала”, “Лачплесис” каби эпослар ҳамда ўзбек дostonчилиқ намуналари қиёсида яққол намоён бўлади.

“Лачплесис” латиш шоири Андрей Пумпурнинг халқ ривоятлари, эртақ ва қўшиқлари асосида яратган дostonи ҳисобланса-да, латиш халқ эпоси сифатида қаралади, тушунилади. Шу ўринда бир савол туғилади. Андрей Пумпурни халқ ривоятлари, афсона, эртақлари ва қўшиқларидаги қадимий мотивлар, образлар асосида эпос яратишга нима мажбур қилди? Жавобни XIX асрда Болтиқ бўйида яшовчи шимол халқлари миллий уйғонишининг ўзига хос белгиларига тўхталишдан

¹ Шомирза Турдимов – филология фанлари доктори.

бошлаш лозим. Фин зиёлилари, фольклоршунос ва шоирларининг “Каливала” эпосини тиклашлари эстон ва латиш ойдинларини шундай изланишга илҳомлантирди. Улар ҳар бир халқнинг эпоси ва бу эпос таяниб турган қадим мифологик тизим бўлиши шарт, деб ҳисоблашарди. Чунки бу халқларнинг миллий тафаккур илдизларига Ғарб адабиёти ва санъатига озуқа манбаи бўлган юнон мифологияси болта ура бошлаган эди.

Шимол зиёлилари маросим, айтим, нақл ва афсона, эртагу қўшиқлар замирида сочилиб ётган туғма миллий мифологик тасаввурларни тиклаб, яхлит тизимга солиш заруратини англаб етган ватанпарварлар эди. Улар йўқолиб бораётган хазинани асраб қолиш мақсадида мавжуд андоза ва бошқа халқлар тажрибаларига таяниб эпик ижод намуналарини яратишга киришдилар. Эпоснинг миллий ўзликни намоён этувчи бош мезон эканлигини амалда кўрсатишди.

Тил миллатнинг руҳи бўлса, мифология, эпос унинг жонидир. Халқнинг борлиқ, олам, ибтидо ва интиҳо ҳақидаги билим-хулосалари айнан эпосда ифодаланади. Шу сабабли ҳам “Каливала” ва “Лачплесис” эпослари яратилди.

Манбаларга кўра, Андрей Пумпур ўз достонини ёвкур айиккулок қахрамон – Лачплесис ҳақидаги қўшиқларнинг Лиельювр волости ва бошқа латиш ҳудудларида куйланиб келган турли вариантлари асосида яратган. Шоирнинг ўзи сочилиб ётган парчаларни бир тизимга келтирганини қайд этган.

Литва фольклори мағзидаги барча эзгу ғоялар “Лачплесис” достонига сингдирилган. Халқнинг бутунлиги, ўзлигини таниши ва дунё ҳамжамиятидаги муносиб ўрнини кўрсатиши ушбу эпик асарнинг халқ маънавияти тарихидаги муносиб ўрнини белгилайди.

Лачплесис ҳақидаги қўшиқларда унинг айикқа дахлдорлиги гоҳ она, гоҳида ота томонидан тарзида келтирилади, исми ҳам “айикзода” мазмунида тушунтирилади. Пумпурда эса айикни ўлдириб, онасини асираликдан кутқаради ҳамда айиклар ва бошқа йиртқич ҳайвонларни ўлдиргани учун Лачплесис ёки Лачаусис (“айикни бурдаловчи”) аталади. Ҳайвонни бурдалаш мотиви жуда қадимий ва кенг тарқалган бўлиб, Инжилда келтирилган яхудо паҳлавон Самсон ҳақидаги афсонага асослангандир.

Лачплесис ҳақидаги афсоналар халқ эртаклари ва қўшиқлари (дайна) лари воситасида оғиздан-оғизга ўтиб келган. Лива ордени учун бўлган жанглар куйланган “Индрика” солномасига (XIII асрга мансуб) киритилгани мазкур эртақ ва дайналарнинг илдизи қадимга бориб туташишини далиллайди.

Лачплесис номи ўрта асрларга мансуб “Лива солномаси”да ҳам учрайди. Унинг томирларида ливлар қони оқар, ливларнинг ҳимоячиси ҳам саналарди. Эслатиш жоизки, илгари Латвия Лифляндия (Livland), ўрта асрларда эса Ливония деб аталган. Ливлар замонавий латиш халқи шаклланишида муҳим ўрин тутган.

Ҳар бир латиш томирида Болтиқбўйидаги халқлар қони оқаётганидан, ливлар ва қадим латишлар ҳимоячиси Лачплесис авлодидан эканидан фахрланади.

Лачплесис ҳақидаги афсона – латиш халқи ҳаёти ва тарихи куйланган баъзан рост, баъзан ёлғон, баъзан қувноқ ва баъзан ғамгин сагадир... Албатта, барча афсоналар каби реал ҳодисаларга асосланган.

Ҳеч шубҳасиз қаҳрамонлик эпоси. Лачплесис тарихини ўқиш асносида кўнгилда уйғонган фидокорлик, ғурур, озодликка муҳаббат ва жасорат туйғуларидан ғурур туймаслик имконсиз. Айиққулоқларни бош кийим остига бекитиши кераклиги мутлақо аҳамиятсиз. Муҳими у – довюрак!

Аммо уни дунё миқёсида айнан Андрей Пумпур машҳур қилди. “Халқ романтизми”нинг ёрқин намояндаси бўлмиш бу ижодкор 15 йил давомида халқ оғзаки ижоди, мифлар ва ҳатто Индрика солномасини синчиклаб ўрганган ҳолда “Лачплесис” эпосини (1888) ёзди.

Сеҳрли эртақлар персонажи Андрей Пумпур томонидан эпик паҳлавон, халқ қаҳрамони, олмон рицарларига қарши уруш сардорига айлантирилди. Пумпур анъанавий эпик сюжетлардан фойдаланган: қаҳрамоннинг илк жасорати, саргузаштларга бой сафар (сеҳрланган орол ва ш.к.), соҳибжамолга уйланиш, ёвуз жодугар билан олишув ва ҳ.к. Лачплесис яккама-якка жангда Қора рицарни енгиб, ҳалок бўлади; халқ унинг қайта тирилиб, золимлардан мангу халос этишини кутади (“Калевипоэге” сюжетига ўхшаш). Бу асар миллий эпопеяга айланди; унинг зимнида иккиламчи фольклор (ривоят) пайдо бўлди.

Пумпурнинг “Лачплесис” яратиш учун қилган дастлабки қораламалари асосида эса турли асарлар яратилган: Ян Райниснинг “Олов ва тун”идан (1905) тортиб “Лачплесис” рок-операсига (1988, Мара Залите либреттоси, Зигмар Лиепинш мусиқаси) қадар.

“Лачплесис” эпоси маъбудлар анжуманидан бошланади. Латиш мифологиясида бош маъбудлардан бири бўлмиш Перконс даргоҳида Балтиянинг маъбудлари йиғилиб, дунё ишларини муҳокама қилишади. Муаллиф латиш халқининг фольклори ва тасаввур оламида мавжуд илоҳларни юнон ва бошқа европа халқлари мифологик тизимларига мослаб тизиб чиққан. Айни эпик қолип жонли ижрода яшаб келаётган бизнинг эпик анъанамизда қандай қад ростлаган?

Маълумки, бахшилар дoston айтишдан аввал тингловчиларга терма куйлашган. Бу, аввало, эшитувчиларни дoston тинглашга руҳий тайёрлайди, иккинчидан, терма тартибида соз, сўзнинг муқаддаслиги, дoston ижросининг илоҳий ибодат даражасида кадрли эканлиги, бахши ана шу илоҳий миссияни амалга оширувчи экани аёнлашади. “Дўмбирам”, “Нима айтай” кўшиқлари дoston муқаддимаси, шажара эса ушбу муқаддиманинг давоми бўлган. Мумтоз адабиётдаги дostonларнинг “ҳамд” ва “наът” билан очилиши ҳам айни анъананинг ёзма шаклидир.

Ижод хаёл етмас рамзу тимсоллар, образларга ошно қилувчи, санъатнинг сарҳад билмас иқлимларига олиб ўтувчи сирли, илоҳий жараён дир. Хусусан, халқ эпоси анъаналари йўлига тушган чинакам ижодкор аллақачон унутилган ҳисобланувчи оҳанг ва йўллар, мотив ва сюжетларни қайта кашф этиши мумкин. М.Булгаков қайд этганидек: “Кўлёмалар ёнмайди”. Бахшининг куйи ва овози уйғун келган он шундай кашфиётлар қилинади, асл эпик анъаналар сайқалланади. Алишер Навоий бу онни “Алола” деб атаган. Алола туфайли Султонмурод шоир “Ёр айланай қалпоқ тутган кўлингдан”, Эргаш шоир “Ассаломалайкум, дорнинг оғочи”, “Мен сени шахзода дедим, мард дедим”, деб куйлаган. Бизнингча, “Лачплесис” дostonидаги латиш халқининг унутилган эпик анъаналари, эпик қолиплари, сюжетлари ҳам алола ҳолати натижасида қайта тикланган.

Достонда қахрамоннинг илк жасорати, оқибатда Лачплесис – айиқни мажақловчи, айиққулоқ номини олиши, ғайритабиий кучи ўзбек эпослари “Алпомиш”, “Тўрўғли” достонларига уйғун келади.

Лачплесиснинг йўлга отланиш лавҳасига – отанинг ўғилга берган ўғитларига эътибор қилайлик:

*Пандга муҳтож бўлар тарзда бўлма,
Шундай яша: келсин маслаҳат сўраб.
Бутун ҳақиқатни билиш мушуқулдир,
Ҳақиқатни айтиш – ундан ҳам қийин.
Ушбу машаққатни энга олса ким,
Ҳаммадан юқори рутбага лойиқ.
Халқ урф-одатин доим ёдда тут,
Ота эътиқодин авайлаб сақла.*

Энди худди шундай ҳолатнинг “Равшан” достонидаги намунаси:

*Қўлингдан келгунча чиқар яхши от,
Яхшилик қил, болам, ёмонликни от.
Насиҳатим ёд қилиб ол, ёлғизим,
Ёлғиз юрса, чанг чиқармас яхши от.*

Бу хил сўзлар достон мағзини, халқ фалсафасини, донишмандлигини бадиий ифодалаш билан бирга алп ҳақидаги тасаввурларни ҳосил қилувчи ҳалқалар ҳисобланади.

Бундай ҳалқалар ўзбек халқ қахрамонлик достонлари учун бош мезондир ва халқнинг алп ҳақидаги эпик тасаввурларини ифода этувчи алпнинг тизимини яратади. Бу тизимнинг алпнинг танланган киши эканлиги, алпнинг мудом ҳомийлар назоратида бўлиши, алп сифатида қайта яралиши (ўлиб, комил инсон бўлиб тирилиши), алпнинг вазифалари туғилмасидан маълум бўлиши, алпнинг янги салтанатга асос солиб, унинг ривож ва камолига хизмат қилиши каби шартлари мавжуддир.

Айни тизим изларини Лачплесис тақдири тасвирларида ҳам кўраимиз:

*Тақдирнинг башорат қилганларидек
Бўлурсан манглайи ярқираган алп!
Ёки Перконснинг маъбудларга:
Аслида бу барно йигитга
Олий мақсад этилган ато, –*

деб айтиши замирида Лачплесиснинг илоҳий миссия билан туғилганига ишора бор.

Айиқ эмизган бола – Лачплесисни афсонавий коҳин, тақдир башоратчиси Вайделот тарбият қилиши:

*Деди: боқийларнинг нафаси кетган,
Халқнинг қаҳрамони бўлур шу мурғак.
Номини эшитган халқ душманлари,
Ваҳимага тушгай ҳар қайда, ҳар вақт,*

тарзида каромат қилиши ҳам Лачплесиснинг алп мақомида турганлигини, эранларнинг нафас ўғли – Гўрўғли каби эпик қолиплар услубида тасвирланганини англатади.

Эпос халқ тарихини – тарихий хотира ва билимларни бадий шаклда етказиб келганлиги билан аҳамиятли. Эпосда халққа ибрат бўлувчи алп – халқ етакчиси ақлан бутун, жисмонан етук қилиб тасвирланади.

Андрей Пумпур “Лачплесис” достонини яратган даврда ўзбек бахши-шоирлари гуриллаб дoston куйлаётган давр эди. Мабодо Андрей Пумпур бу дostonлардан хабардор бўлганида ўз достонини бошқачарок яратиши, хатга тушиб, жонли ижро жараёнидан узилган ғарб эпосларидан кўра жонли ижро намуналарини мукамал санаши, бутун дунёга ибрат қилиб кўрсатиб, жар солиши аниқ эди.

Хотиранинг уч муҳим тури бор: ёзма хотира, оғзаки хотира ва қон ёдидаги хотира. Нимагадир ҳамма ёзма хотирани ҳақиқат деб ўйлайди, тубини текширмайди. Оғзаки хотирага шубҳа билан қаралиб, қон хотираси мутлақо ҳисобга олинмайди. Аслида қон хотираси – барча хотираларнинг асоси, оғзаки хотира – унинг амалда яшаш шакли, ёзма хотира эса хар иккисининг қотириб кўйилган ҳолатидир. Эпос қон ёди ва оғзаки хотиранинг маҳсули, бадий инъикоси.

Андрей Пумпур ҳам “Лачплесис” достонини яратишда қон ёди ва оғзаки хотирага таяниб адашмади. Латиш халқи бадий тафаккур тарихининг ўзига хос меваси сифатида инсониятга “Лачплесис” достонини тақдим этди, ёзма хотира мақомига ўтказди. Биз бу дoston орқали латиш халқини танияпмиз, билаяпмиз. Латишлар учун Лачплесис шунчаки сеҳрли эртақлар қаҳрамони эмас, балки ўрнак экани, бу кичик ва иродали халқ эртақ, ҳикоя, матал, ёлғон, орзулардан қаҳрамон яратгани ва 1919 йил 11 ноябридаги ғалабани (худди шу куни Бермондт-Авалов кўшини Ригага хужум қилган) айнан Лачплесисга хос бўлган қаҳрамонлик, ёвқурлик, жасорат, ватанга муҳаббат туйғулари таъминлаганига гувоҳ бўляпмиз. Миллий дostonчилигимиз қанчалар бетакрор, рангларга бой, тили ширали, сюжети қизиқ эканига амин бўляпмиз. Ўзбек халқининг жонли жараёнда яшаб турган кўплаб мумтоз дostonлари бугун ёзма хотира шаклини олди, эпик ижод ва ижодкорлари ҳақида ноёб манбалар тўпланди, тадқиқ этилмоқда. Лекин “Лачплесис” достонини ўқиш давомида ҳали қилишимиз керак бўлган ишлар кўп эканлиги, эпик хазинамизни бошқача нуқтаи назардан ўрганишимиз – бадий-эстетик тафаккур маҳсулидан мифо-поэтик, ундан мифологик тафаккур изларини топишга уринишимиз зарурлигини ҳис этмоқдамиз. “Лачплесис” сабоқларидан бири шу бўлди. Ўқиш ҳали давом этмоқда...



Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ

ЖАНР ХРОНОТОПИ ТИПОЛОГИЯСИ: ХАМСА. ЭПОС. РОМАН

Бугунги кунга қадар эпос мутахассислар томонидан қадимий ва кенг камровли жанр сифатида талқин этиб келинади. Ҳақиқатан ҳам, улкан бадиий концепцияси, сюжет қамрови, кўплаб мотивлар тизимини ўзида жамлагани, қаҳрамонлари табиати, ташқи қиёфаси, бажарадиган миссияси жиҳатидан бу жанр ўзигача мавжуд бўлган диний ва мифологик сюжетлар, ижтимоий-тарихий, маиший, индивидуал ходиса-холатлар, фольклор жанрлари, поэзиянинг лирик, эпик, драматик турларига хос унсурларни бадиий синтезлайди. Атрофидаги оғзаки ва ёзма жанрларга кўп жиҳатдан таъсир ўтказди. Шакл-мазмун ўзгартирувчи мақомида “иш олиб боргани” ҳолда ўзи бирор-бир ўзгаришга учрамайди. М.Бахтин тўхтамаига кўра, эпоснинг предмети, аввало, “миллий эпик ўтмиш” ёки “мутлақ ўтмиш”дир. Иккинчидан, эпос муайян шахс (ижодкор)нинг ҳаётий тажрибаси, шу тажриба асосида туғилган бадиий тўқимадан эмас, азалдан мавжуд, шаклланиб бўлган миллий ривоятлар ва афсоналардан таркиб топади. Учинчидан, эпос замони, ундаги образлар бахши ва тингловчи (ўқувчи)лар замонидан қатъий дистанция билан ажратилган бўлади. Шунинг учун бу дунё, унда ҳаракатланадиган қаҳрамонлар, тасвир этилган воқелик мутлақ дахлсиз ҳисобланади. Бу ўринда жанр ҳам, ундаги қаҳрамонлар ҳам юз фоиз канонлаштирилди¹. Айнан шунинг учун унда жанр ва поэтик компонентларнинг, ҳар қандай замон-макон ўзгаришларидан қатъи назар сақланиб қолувчи, изчил тизими шаклланади. Ушбу тизим йўқолиш арафасида турган исталган эпос намунасини тўла тасаввур қилиш имконини беради. Аслида қадим эпослар ўзи мансуб миллат қадимийлигини далиллайди ҳамда жанрга хос тизимни мукамал даражада сақлаб келади. Шумерларнинг “Билгамиш”, хиндларнинг “Рамаёна”, “Маҳабҳарата”, юнонларнинг “Илиада” ва “Одиссея”, ўзбек халқининг “Алпомиш” ва “Гўрўғли” достонлари шундай эпослар сирасига киради.

Филология фанлари доктори Шомирза Турдимовнинг “Гўрўғли” достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари” номли монографиясида эпос жанрини ташкил этувчи канонларнинг семантик-структурал таснифи (фольклоршунослик истилоҳи билан айтганда, “алплик тизи-

* Узоқ Жўрақулов – филология фанлари номзоди.

¹ Жўрақулов У. Михаил Бахтин кашфиётлари / Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. Тарихий поэтикадан очерклар. –Т.: Akademnashr, 2015. 19-б.

ми”) амалга оширилган. Бизнингча, Ш.Турдимовга қадар эпоснинг бундай тизими бирор ўзбек фольклоршуноси томонидан тақдим этилмаган. Монографияда тизимга хос йигирма битта каноник белги аниқланган ва тизим эпос моҳиятини белгилловчи асос (ядро) экани таъкидланган¹. Мазкур серкирра, нисбатан мукаммал тасниф ўзбек халқи ижтимоий тарихи, фалсафий-бадий тафаккури, хусусан, қаҳрамонлик эпосининг қадимийлиги ва бутунлигидан далолат беради. Жаҳон халқлари эпосларининг айримларидагина мукаммал сақланиб қолган алпик тизими фольклоршунослик ривожини, айниқса, “Хамса” ва эпос муносабатини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, “Хамса” ва эпосни бир хил ёки эгиз тафаккур натижаси ёхуд “Хамса”нинг майдонга келишида эпос бевосита роль ўйнаган дейиш тўғри бўлмайди. Бири (тўғрироғи, эпос) оммавий ижод намунаси бўлиб, ижодий шаклланиш жараёнлари нуқтаи назаридан замон-маконга хос турлича эътиқодий, ижтимоий, фалсафий, психологик ҳолат ҳамда вазиятларнинг фаол ташувчиси ҳисобланади. Халқнинг хилма-хил қатламларига оид дунёқарашлар тажассум топган эпоснинг ибтидо ва интиҳо чегараларини белгилаш имконсиз. Иккинчиси (“Хамса”) эса, эпосдан фарқли равишда, индивидуал ижод намунаси. Унда муайян эътиқод, дунёқарашга эга муаллиф концепцияси эстетик майдонда ягона ҳоким вазифасини ўтайди. “Хамса”нинг пайдо бўлиш замон-макони ҳам аниқ. Шу боис эпосдаги “алпик тизими”ни тўғридан-тўғри хамса дostonларидан ахтариш кўлмакка қармоқ ташлашдек бефойда иш бўлур эди.

Ш.Турдимов “Алпомиш” ва “Гўрўғли” эпослари генезисини, шаклланиш жараёнларига исломгача мавжуд бўлган “оташпарастлик, зардуштийлик, буддавийлик, монийлик ва энг қадимги даврлардан шу кунга қадар бу динлар билан бақамти яшаб келаётган шомонликнинг ҳам таъсири бўлганини” таъкидлайди². Эпос матнлари таҳлили орқали кашф этган “алпик тизими”нинг таснифий ва назарий асосларини белгилашда бевосита “шомонлик тизими”га таянгани боис бу тасниф қолипни тўғридан-тўғри хамса дostonларига татбиқ эта олмаймиз. Чунки “Хамса” бевосита ислом-шарқ муҳитида, исломий эътиқоди мукаммал, мутафаккир шахслар томонидан ижод этилган. Эпос генезисини таъмин этувчи турли инонч ва эътиқодларни (хусусан, мифни) “Хамса” муаллифлари том маънода инкор этишган. Истисносиз тарзда ботил деб ҳисоблашган. Совет мафқураси ўзининг ҳадди аълосига чиққан ХХ асрнинг 60-йилларида профессор Абдуқодир Ҳайитметов айни масала талқинига доир шундай фикрларни баён этган эди: “Навоий ижодининг бош принципи мифология билан боғланмаган, ҳатто у ўз ижодини мифлар билан боғлашни, унинг тасвирий принципларини ўз ижодига асос қилиб олишни қатъий равишда истамаган. Бу, айниқса, Навоийнинг Фирдавсий “Шоҳнома”сига муносабатида очиқ кўринади”³. Аммо бу билан эпосни ислом анъаналари ва исломий эътиқод асосларидан

¹ Қаранг: Турдимов Ш. Эпос сюжетидаги таянч мотивлар тадқиқи ва алпик тизими / “Гўрўғли” дostonларининг генезисини ва тадрижий босқичлари китобида. –Т.: Фан, 2011, 11–39-б.

² Турдимов Ш. “Гўрўғли” дostonларининг генезисини ва тадрижий босқичлари. –Т.: Фан, 2011, 13-б.

³ Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. –Т.: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, 1963. 10-б. Бу ўринда проф. А.Ҳайитметов Навоийнинг ушбу байтларини назарда тутган бўлиши эҳтимол: “Тарих аҳлининг ихтилофи кўптур / “Шаҳнома”нинг ул навки лофи кўптур / Баъзи мутаасиб эл газофи кўптур / Сен ёзғали ҳам нуқтаи вофи кўптур...” Қаранг: Алишер Навоий. МАТ. Йигирма томлик. Ўн олтинчи том. –Т., 2000. 112-б.

йирок, миллат маънавиятидан узилган бадий тафаккур шакли сифатида тушуниш ҳам тўғри бўлмайди. Зотан, эпос ибтидодан бугунгача давом этиб келаётган ҳақ ва ботил курашининг энг кекса гувоҳи, муқаррар катализаторидир. У ҳолис шохид сифатида чигал ва мураккаб жараёнларнинг барчасини рамз, тимсол, образ, мотив ва деталлар тарзида акс эттиради. Буни ҳис қилган Ш.Турдимов монографиясининг хулоса қисмида шундай ёзади: “Гўрўғли” туркум дostonларидаги ислом дини, исломий дунёқараш ва эътиқодлар билан боғлиқ қатлам алоҳида тадқиқотларни талаб этади. Биз ишимизнинг мавзу доирасидаги маълум чекланиш ва ҳажм нуқтаи назаридан бу мавзуга атрофлича тўхталмай, умумий қайдлар билан чекланмоқдамиз”¹. Бизнингча, миф ва эпосда акс этган ахборотларнинг барчасини уйдирма дейиш ҳам, Навоий ва унинг салафлари мифлар ҳамда ўзга диний китобларда келган баъзи ҳақиқатларни тўғри англамаганлар, ислом таълимоти фақат араб тилидаги манбаларда мавжуддир, дейиш ҳам адабий жанрлар, сюжетлар, мотивлар, образлар генезисини тўғри англашимизга соя солади.

Ислом милодий VI асрга қадар Одам алайҳиссалом даврлариданок мавжуд эди. Манбаларда биринчи одам – биринчи пайғамбар, илк китоб (саҳифа) соҳиби, Яратган ва унинг махлуқоти хусусида исломий таълим берган илк муаллим экани таъкидланади². Яъни Одам алайҳиссаломдан кейинги барча илоҳий, мифологик, фалсафий, адабий манбаларда биринчи пайғамбар нақллари (Оллоҳ томонидан юборилган кўрсатмалар) дан улги бор. Миф ва эпосларда исломий эътиқод, ҳаққоний ахборотлар мавжуд; турли ёлғонлар, уйдирмалар (яъни мифлар) билан аралашиб, илғаш мушкул бўлган рамз ва тимсолларга айланиб кетган.

Энг қадимий бадий манба ҳисобланадиган “Билгамиш” ва “Энкуду” эпосларидан тортиб, “Рамаяна”, “Маҳабҳарата”, “Илиада”, “Одиссея”, хусусан, “Алпомиш”, “Гўрўғли” сингари ўзбек халқ қаҳрамонлик эпосларида ҳам илоҳий китоблардаги нақл, ривоят ва ҳикоятлар муайян даражада акс этган. Биргина Нух (а.с.) тўфони билан боғлиқ мотивни “Билгамиш” ва “Маҳабҳарата” эпосларида бевосита, бошқа эпосларда эса рамз ва тимсоллар тарзида учратамиз. “Фарзанднинг қурбонликка олиб келиниши ва сўнгги сонияларда қутулиши” (Иброҳим ва Исмоил а.с.), “туғилмасиданок қаҳрамон жонига қасд қилиш режаси” (Мусо а.с.), “қаҳрамоннинг сувга оқизилиши” (Мусо а.с.), “сувнинг иккига ажралиб, мазлумга йўл очиши” (Мусо а.с.), “қаҳрамоннинг нур ёки нафасдан яралиши” (Исо а.с.), “танани ёриб, қаҳрамон юрагини жаннат суви билан поклаш” (Муҳаммад а.с.), “қаҳрамоннинг уч олам бўйлаб саёҳатга чиқиши ва ўз маконига қайтиши” (Муҳаммад а.с.), “қаҳрамоннинг муайян имтиёз ёки қурол-яроққа эга бўлиши” (аксарият пайғамбарларда) мотивлари юқорида санаб ўтилган ва баъзи тилга олинмаган эпосларда, халқ қиссалари, эртақлари, ҳикоятларида ўз аксини топганки, буларнинг барчаси ислом тарихига оиддир. Демак, “алплик тизими”нинг асосида ҳам мифлар ва шомонлик анъаналари эмас, биринчи навбатда, илоҳий (исломий) китобларда келган реал тарихий сюжетлар, пайғамбарлар

¹ Турдимов Ш. “Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. –Т.: Фан, 2011. 206-б.

² Бу ўринда Бурҳониддин Рабғузийнинг “Қиссас ул-анбиё”, Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо”си сингари туркий манбаларни эслашнинг ўзи кифоя (У.Ж.).

хаётидан ҳикоя қилувчи ахборотлар, улар билан боғлиқ мотивлар ва деталлар туради. Ҳамда айни нуқтада эпос билан “Ҳамса” жанр, сюжет, мотив, образ ва деталлар тизимида туташади. Эпос ва “Ҳамса”га хос семантик-структурал типологиянинг таснифи қуйидаги шаклда бўлади:

1. Қаҳрамон туғилишидан олдин жамият (ёки оила)да турғун вазият (жоҳилият) ҳукмронлиги.

2. Қаҳрамоннинг Яратгандан тилаб олиниши ёки унинг туғилиши ҳақида илоҳий ишоратлар берилиши.

3. Қаҳрамон ҳали бешикдалигидаёқ у ҳақда ўз юрти ва бошқа юртларда турли ривоятларнинг пайдо бўлиши.

4. Қаҳрамоннинг ақлий ва жисмоний жиҳатдан бошқа тенгдошларига ўхшамаслиги (улардан устунлиги).

5. Қаҳрамоннинг жамиятдаги турғун вазиятни бузиши ва у ҳақда ўта ижобий ёки ўта салбий муносабатларнинг юзага келиши.

6. Қаҳрамоннинг келажаги хусусидаги илк ишоратлар ҳамда воситалар.

7. Қаҳрамоннинг ўз миссиясини англаши.

8. Қаҳрамоннинг ўз миссиясини бажариш учун йўлга чиқиши: йўлдаги синовлар, саргузаштлар.

9. Қаҳрамоннинг тутқунлиги.

10. Қаҳрамоннинг она ватанидан йироқда камолга етиши, ном чиқариши.

11. Қаҳрамоннинг мақсадга эришуви (ёр билан учрашуви).

12. Қаҳрамоннинг ўлими ёки унинг “асл ватан”га етишуви.

13. У ҳақда турли қўшиқлар, ривоят ва дostonларнинг пайдо бўлиши.

Тасниф пайғамбарлар ҳаёти ва эпосга хос “аллпик тизими”га кўп жиҳатдан мос келади ва “Ҳамса”нинг барча намуналари (Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Алишер Навоий “Ҳамса”лари)да учрайди. “Ҳамса” таркибидаги беш дoston умумлаштириб ўрганилганда уларнинг асосини ушбу тизим ташкил этганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Шарқ-ислом адабий тафаккури маҳсули бўлмиш “Ҳамса”нинг Европадаги қадим жанр – роман билан ҳам типологик уйғун жиҳатлари талайгина. Айниқса, М.Бахтин атрофлича тадқиқ этган юнон авантюромани, Европа рицар романи ҳамса дostonларига сюжети, образлар тизими нуқтаи назаридан анча яқин.

Биринчидан, ҳамса дostonлари сингари Европа романлари ҳам 1) “илк учрашув”; 2) “айрилиқ”; 3) “висол” каби уч босқичли сюжет тuzилишига эга. Асар воқеалари мана шу учта етакчи хронотоп доирасида бўлиб ўтади. М.Бахтин юнон авантюромани сюжет тарҳини шундай чизади: “*Никоҳ ёшидаги* йигит ва қиз. Уларнинг насл-насаби номаълум ёки сир сақланади. Йигит ва қиз *мислсиз гўзалликлари* билан бошқалардан ажралиб туришади. Шунингдек, улар ҳаддан зиёд *покиза* (маъсум)дирлар. Улар *кутилмаганда* (кўпинча тантанали байрамларда) учрашиб қолишади. Бир-бирларини *лаҳзалик, жилов билмас* эҳтирос билан севишади... Йигит висолни кечиктирадиган, мислсиз синовлардан иборат тўсиққа дуч келади. Севишганлар *ҳижронда* бир-бирларини излашади, *топишади*, яна *айрилиқ*, яна топишув. Севишганларнинг йўлидаги тўсиқлар ва саргузаштлар: келиннинг тўй арафасида ўғирланиши, *ота-она розилик бермаслиги*, севишганлар бошқа биров

билан аввалдан унаштириб қўйилганлиги (ёлланган, *сохта рақиблар*), севишганларнинг қочиб кетиши, уларнинг сафарлари, денгиз тўфони, кеманинг *зарқ бўлиши*, мўъжизавий омон қолиш, *қароқчилар* ҳужуми, *асирлик ва қамоқ*, йигит ва қиз номусига тажовуз, маъшуканинг покловчи қурбонликка айлантирилиши, жангу жадаллар, *қул қилиб сотилиши*, *сохта ўлим*, *кийим ўзгартириши*, таниб қолиш, танимаслик, сохта хиёнатлар, уларнинг ўзлиги ва садоқатига дахл қилиниши, жиноятда айбланиш, суд жараёнлари, ёшлардаги поклик ва садоқатнинг синовдан ўтказилиши. Қаҳрамонларнинг ота-оналари билан топишуви. Шунингдек, қаҳрамонлар ҳаётида кутилмаган дўстлар, тасодифий душманларнинг пайдо бўлиши, фол ва башоратлар, кароматли тушлар муҳим роль ўйнайди. Роман севишганларнинг қовушуви билан ижобий яқун топади” (таъкидлар М.Бахтинники – У.Ж.)¹.

Ушбу сюжет қолипига оид мотивлар хамса дostonларининг деярли барчасида учрайди. Масалан, илк учрашув ва юксак эҳтирос билан севиб қолиш мотиви (Фарҳод ва Ширин (ёки Хусрав ва Ширин), Лайли ва Мажнун, Баҳром ва Дилором) сюжетда асосий тугун вазифасини ўтайди. Сюжетнинг кейинги босқичлари ушбу мотивсиз ҳеч қандай маъно-моҳият касб этмайди. Ҳар учала ошиқ ўз маъшукасини илк учрашувдаёқ севиб қолади ва умрининг охиригача шу дард билан яшайди (ёки ўлади). Фақат қаҳрамонларнинг учрашув хронотоплари юнон романларидан бироз фарқ қилади. Юнон романида ошиқ ва маъшука бевосита, юзма-юз учрашишади. Хамса дostonларида эса илк учрашув ойна (“Фарҳод ва Ширин”), мактаб (“Лайли ва Мажнун”), сурат (“Сабъаи сайёр”) сингари рамзий деталлар воситасида содир бўлади. Бу илк учрашув хронотопининг тасодиф эмас, илоҳий тақдир битигида мавжудлигига ишора қилади.

Худди юнон авантюр романидаги каби хамса дostonлари қаҳрамонлари ҳам айрилиқдан изтироб чекишади: ота-онанинг норозилиги ёки қиз ва йигит қабиласи орасидаги кўп йиллик адоват (“Лайли ва Мажнун”), фирибгар рақибнинг ҳийла-найранглари (“Фарҳод ва Ширин”), ошиқнинг нафс қутқусига берилиши (“Сабъаи сайёр”) ва ҳ.к. Юнон авантюр романларида висол – сюжет финиши, шу билан роман воқеалари тугайди. Хамса дostonларида эса асосий воқеалар айнан висолдан кейин бошланади. Ҳижронда турли саргузаштлар, синовларни енгиб, маъшука висолига етган ошиқни шу дақиқадан янада мураккаб, янада азобли синовлар кутади. Шунингдек, хамса дostonлари сюжети авантюр романниқидан фарқли тарзда аксар қаҳрамонлар ўлими билан яқун топади.

Е.Бертельс Низомийнинг “Хусрав ва Ширин” дostonи ҳақида шундай ёзади: “*Агар Низомийнинг нияти шунчаки рицар романи ёзиш бўлганида дoston шу ўринда тугаши лозим бўларди*. Аммо унинг мақсади ўзгача эди. Уни воқеаларнинг ташқи баёни эмас, балки характерларнинг драматик конфликти, психологик муаммолар қизиқтирарди. Шунинг учун дostonнинг биз ҳикоя қилган ушбу қисми бор-йўғи ўзига хос, кенгайтирилган кириш сифатида қабул қилиниши мумкин. Дostonнинг асосий қисми эса худди шу ердан бошланади” (таъкид бизники – У.Ж.)².

¹ Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. Тарихий поэтикадан очерклар. –Т.: Akademnashr, 2015. 47–48-б.

² Бертельс Е.Э. Избранные труды. Низами и Фузули. –М.: Издательство восточной литературы, 1962. –С. 223.

Кўринадики, ҳамса дostonларининг Европа романи билан типологик ўхшаш жиҳатлари маълум нуқтага келиб тугайди. Шу нуқтадан эътиборан ҳамса дostonи мустақил ҳаракат бошлайди. Бу худди Ер орбита-сидан узилиб чиқиш арафасидаги космик ракета ҳаракатига ўхшайди. Космик ракета маълум бир масофага кўтарилгач, ўзига бириктирилган кўшимча двигателлардан халос бўлганидек, роман мотивлари (аслида халқ ижод этган муҳаббат қиссалари) воситасида маълум жойгача парвоз қилган дoston сюжети ҳам ортиқча қисмларни ўзидан ажратиб ташлайди ва парвозни мустақил давом эттиради.

Иккинчидан, ҳамса дostonлари сюжети ҳам юнон авантюра романлари сингари синов концепциясига қурилади. Фольклоршуносликка оид баъзи тадқиқотларда “шарт-синов мотиви”, “синов мотиви” истилоҳлари қўлланади. Яъни тадқиқотчилар шарт мотивини ҳам сюжетнинг таркибий қисми сифатида талқин қилишади. Ваҳоланки, бу икки мотив ўртасига тенглик аломатини қўйиб бўлмайди. Чунки қаҳрамон (эртақ, хикоят, қисса, дoston қаҳрамони)га шарт қўювчи (маъшуқа, ҳукмдор, рақиб, маъшуканинг ота-онаси) томонидан муайян вазифа юклатилишини асар ичидаги кичик эпизод, сюжет таркибидаги боғловчи ҳалқа ҳисоблаш мумкин. У на илоҳий китобларда, на миф, на фольклор асарларида аниқ тизимга эга, мустақил мотив даражасига кўтарила олмайди, синов мотивининг финиши вазифасида келади, холос. Синов эса эпос, роман, дoston, қисса, хикоя, эртақ каби оғзаки ва ёзма адабиёт ўртасидаги жанрларда умумлаштирувчи мустақил тизим, тарихий-маданий илдизлари чуқур аниқ концепция вазифасини бажаради. Инсонлар орасида “ҳаёт, бу – синов” (шарт эмас! – У.Ж.) деган тушунча минглаб йиллик тарихга эга. Синов жараёни йўлларда ўтади. Бу йўлда қаҳрамонни (шунингдек, реал одамни ҳам) турли тақдир синовлари кутади. Бадиий адабиётнинг нисбатан канонлашган жанрларида бу жараён уч олам оралиғида содир бўлади. Мана шу жараёнлар ҳаракатидаги замон ва макон уйғунлигини таъминлайдиган категориялар тизими хронотоп поэтикасини ташкил этади. Натижада, муайян макон номи билан боғлиқ хронотоплар тизими ҳосил бўлади: “йўл хронотопи”, “денгиз хронотопи”, “сахро хронотопи”, “ўрмон хронотопи”, “тоғ хронотопи”, “ғор хронотопи”, “шаҳар хронотопи”, “кўча хронотопи”, “сарой хронотопи” ва ҳ.к. Аммо минглаб номлар билан аталиши мумкин бўлган хронотоп шакллари фақат инсон ва унинг ҳаёти умумлаштириб, эстетик мазмун бағишлайди. Яъни муайян замон-макон оралиғида тақдир синовлари томон йўналган инсон ҳаётининг тасвири бадиий асар хронотопини ташкил этади. Тақдирнинг синовлари қаҳрамон табиати, айни пайтда бадиий асар концепциясини белгилайди. Ҳаёт воқелигининг азалий модули шундай. Шу боис ҳам М.Бахтин қадим юнон адабий тафаккурига мансуб илк романларни “синовга (шарт-синовга эмас! – У.Ж.) қурилган авантюра романлар” деб номлаган эди¹.

Ҳамса дostonларида бевосита шарт мотиви учрамайди. Қаҳрамонлар тақдири илоҳий билан ўз синов йўллари аниқлайдилар. Иккинчи дostonда ошиқ маъшуқа сиймосини ойна (буни тақдир битиги, “Лавҳ ул-махфуз” тимсоли дейиш мумкин)да кўриб, синов йўлига отланади. Йўлда худди юнон романларидагига ўхшаш денгизда сузади,

¹ Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. Тарихий поэтикадан очерклар. –Т.: Akademyashr, 2015. 46-б.

карокчилар хужумига дуч келади, дўст топади, тўфонга учрайди, ундан омон қолади, бундан кейин ҳам қатор синовларни бошдан ўтказади. Бу синов йўли ўз камровига мос равишда уч олам бўйлаб ўтади. Оқибат ошиқ дастлаб маъшуқа, пировардида Ёр диёрига етишади. Мажнун Лайлини илк бор мактаб боғида учратади. Бу учрашув ҳам қатор рамзий маъноларни ифодалайди. Дейлик, мактаб, маърифат ошиқнинг Яратганга яқин бўлишини, боғ эса Одам алайҳиссалом эришган илк саодатни, яъни жаннатни ифода этади. Яратганни танитган, илк муҳаббат туғилган боғ (жаннат) соғинчи, унга эришмоқ иштиёқи Мажнунни жунун йўлига бошлайди. Аммо мақсадга етиш осон эмас. Бунинг учун ошиқ зоҳиран реал, ботинан рамзий саҳро хронотопи бўйлаб синов босқичларини бир-бир босиб ўтади. Шох Баҳром муҳаббати Фарҳод ва Мажнун муҳаббатига нисбатан тубанрок. Унинг синов йўллари кўпроқ нафс водийлари бўйлаб ўтади. Нафс йўли уни охир-оқибат ер ости дунёсига, ажал ўпқонига рўпара қилади. Искандар Зулқарнайн йўли эса тўртала “Хамса”да ҳам деярли Қуръони каримда баён этилган харита бўйлаб кечади. Бу йўл эзгулик, адолат ва маърифат йўли ўларок, наинки қаҳрамон ва унинг атрофидагилар, балки инсоният саодати учун хизмат қилади. Искандарнинг синов йўли ҳам мамлакатлар, шаҳарлар, қишлоқлар, уммонлар, денгизу дарёлар, тоғ ва ўрмонлар оралаб ўтади. Бу йўл қаҳрамонни улкан хулосага олиб келади: инсон дунёга бўш қўл билан келиб, уни шундай тарк этади. Мана шу буюк хулоса туғилган, дунё йўли тугаган жойдан қаҳрамоннинг янги ҳаёти ибтидо палласига киради. Искандар Яратган билан қовушади. Унинг интиҳосиз йўли бошланадики, хамса дostonларининг юнон романидан фарқи ҳам, универсал камрови ҳам, бадиий концепция, хронотоп поэтикаси нуқтаи назаридан устунлиги ҳам шунда.

Учинчи масала, юнон романи ва хамса дostonлари образ тизими типологияси. Юнон авантюра романи марказида “никоҳ ёшидаги” “покиза (маъсум)” йигит – ошиқ, шу йигитга ҳар жиҳатдан муносиб қиз – маъшуқа, уларнинг муҳаббатларига тўсик бўладиган, бу йўлда ҳаётда топиш мумкин бўлган барча воситалардан фойдаланадиган яна бир ошиқ – рақибдан иборат учлик образ туради. Бу учлик тизими, аввало, илоҳий китоблардаги Одам алайҳиссалом, Момо Ҳавво ва Иблис учлигидан, сўнгра реал ҳаёт воқелигининг ўзидан (яъни ҳар қандай ошиқ-маъшуқа ёки бир-бирига интилувчи жуфтлик ўртасида учинчи одамнинг бўлиши реал ҳаёт қонуни), учинчиси ва, бевосита адабий анъаналар мезонига мос тушадигани – илк синкретик ҳамда синтетик шаклдаги бадиий тафаккур намуналаридан ўсиб чиққан. Романдаги исталган хронотоп шаклида шу уч образнинг барчаси ёки улардан бири иштирок этади. Учликдаги бундай бадиий универсализм баъзан бевосита, баъзида эса билвосита амал қилади. Яъни асар хронотоп доирасидаги муайян эпизодда, гарчи бу учликдан бирортаси бевосита иштирок этмаган, ошиқ ва маъшуқа йўли айро тушган тақдирда ҳам, ипнинг бир учи албатта улардан бирови ёки ҳар учаласига бориб туташади. М.Бахтин ошиқ-маъшуқа йўлининг бундай ажралиш нуқтасини “тасодифий айризонлик” дея номлайди¹. Бунда икки образ икки йўл, икки замон бўйлаб ҳаракатланади. Айни паллада рақиб гоҳ ошиқ, гоҳ маъшуқа йўлида ту-

¹ Қаранг: Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. Тарихий поэтикадан очерклар. –Т.: Akademnashr, 2015. 46-б.

риб, бу айро йўлнинг туташмаслиги учун куйиб-пишади. Аммо бундай айризамонлилик боскичларида ҳам ушбу йўллар қандайдир кўринмас ришталар (рақиб, дўст, ота-она, энага, йўловчи, жониворлар, кушлар, денгиз ҳайвонлари, ҳашоратлар, сув ва ҳаво йўллари ва ҳ.к.) воситасида боғланиб туради. Мутлақ маънода айро тушмайди. Бу эса айни учлик аро муносабатнинг универсал замон-маконга дахлдорлигини кўрсатади. Шу жиҳати билан мазкур учлик бадиий адабиётдаги барча жанрлар таркибига тўсиксиз йўл топа олади.

Хамса дostonларида ҳам шу учлик тизим амал қилади. Аммо асл моҳиятига кўра хамса образлари юнон романи образларидан бир қатор фарқли жиҳатларга, ҳатто устунликларга эга. Биринчидан, хамса образларининг барчаси одамзод ичидан “танланган”, ўзигача ва ўз замон-маконида ҳам, кейинги реал ҳамда бадиийлашган замонларда ҳам бошқалардан ажралиб турадиган ғайриоддий одам тимсолларидир. Дейлик, Фарҳоднинг мислсиз дард соҳиби экани чақалоқлигиданок маълум, Мажнун жамият ичра ёлғиз, ҳеч қандай ижтимоий қоидаларни тан олмайдиган, ҳеч кимнинг йўли билан туташмайдиган қисмат (йўл) соҳиби эди. Искандар ҳам илк қадамларидан бошлаб мавжуд тартибларни ўзгартиради. Қолипларни бузади. Ўзининг табиати, иқтидори ва илм-маърифати билан улкан миссия учун яратилганини исбот этади. Умр бўйи Ёр (Яратган) амрини бажариш учун курашади. Шу йўлдан оғишмай оламдан ўтади (Искандар билан боғлиқ ушбу сюжет кейинчалик Европа рицар романларида тубанлашган, моддийлашган бир шаклда давом этган бўлиши эҳтимол). Шоҳ Баҳром образи, гарчи бир қадар торроқ, дунёвийроқ образга ўхшаса ҳам, ўзининг телбаларча муҳаббати, фавкулудда қарорлари, ўзига хос фожиаси билан оддий одамга ўхшамайди. Юнон романларидаги образлар хамса образларининг торроқ хронотоп доирасида ҳаракатланадиган, мақсад-муддаолари, фикр-қарашлари моддийлаштирилган кичик модулларидек гўё.

Умуман, юқорида сўз юритилган муаммолар узоқ ўтмишга эга жаҳон бадиий тафаккури анъаналарини тарихий-типологик йўналишда махсус ўрганиш заруратидан далолат беради. Хамса, эпос ва роман жанрлари типологиясини комплекс ўрганиш наинки назарий адабиётшунослик, айни пайтда тарих, социология, фалсафа, эстетика фанлари методологияси такомил учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.





НОБЕЛНИНГ 2016 ЙИЛДАГИ СОВРИНДОРИ

Адабиёт бўйича Нобель мукофоти жорий йилда америкалик Аллен Циммерманга топширилди.

Ҳар қандай даражадаги мукофоту унвонлар, ғолибликлар, уларнинг тағзаминидаги ошқору пинҳона ғайрату кўшишлар ҳам нисбий, албатта. Шунга қарамай, кўпчиликда Нобель мукофотини адабиётнинг энг олий мезони, совриндорни эса бани башар қаламкашларининг энг истеъдодлиси деган тасаввур ҳам бор. Қолаверса, ушбу мукофот баҳонаю сабаб совриндор мансуб давлатнинг, халқнинг номи дунёдаги жамики тилларда такрорланади, маънавий-маърифий мавқеи бир даража бўлса-да ошади. Ҳар йили мукофот эълон қилинар паллада худуд, миллат ёки эътиқод жиҳатидан ўзимизга яқин олган ижодкорларнинг номини эшитиб қолармиканмиз деб илҳақ бўлишимизнинг асосий сабаби шу. Масалан, ўзбеклардан Нобель совриндори чиқса?! Албатта, лабингизда эришиб бўлмайдиган орзуни ифодаловчи табасум ўрмалаганига имоним комил. Бу Нобель мукофоти ҳақидаги тасаввурингизнинг олиймақомлигиданми ёки “Биздан ким ҳам оларди” деган иштибоҳдан ёхуд Нобель кўмитасининг адолату ҳалоллигига ишончсизликми бунга сабаб?! Тахминларнинг охиригисини танладингиз, деб ўйлайман.

XIX асрнинг иккинчи ярмида динамит ва жанговар снарядлар ихтироси ҳамда ишлаб чиқаришидан топган миллионлаб долларларини нефть қазиб олишга ихтисослашган “Ака-ука Нобеллар ўртоқлик ширкати”га тикишдан олдин, тарихчиларнинг маълумотларига қараганда, акаси Людвиг билан Фарғонагача келиб нефть захираларини кўриб кетган ва бу нефтни Ротшильдга басма-бас керосинга айлантириб Европада сотиб кўпайтирган сармоясини ҳам кўшиб, илм ва адабиёт аҳлига васият қилиб қолдирган Альфред Нобель ушбу ёзувларимизни ўқиганда нима бўларди, балки “Ака-ука Нобеллар ширкати” то 1915–1916 йилларга қадар Фарғонада нефть қазииш билан машғул

бўлган юзта йирик фирмадан ўттиз тўққизтасига эгалик қилганидан хижолат тортиб, азбаройи кўнглимиз ва адолат учун Осиё вакили Харуки Муракамига овоз берган бўлармиди?!

Она тилидан ташқари француз, немис, рус, инглиз тилларини сувдай билган Альфред Нобель; дунёнинг буюк ёзувчилари Вольтер, Шекспир, Гюго, Мопассан, Бальзак, Ламартин, Тургенев, Ибсен, Шелли асарларидан завқ олган ва ўзи ҳам пьеса, роман ва шеърлар ёзган Альфред Нобель; сармоясининг ҳар йили инсониятга энг катта фойда келтирган олимга, адабиёт бобида эса инсониятнинг энг юксак орзу-умидлари – идеаллари акс этган асарга берилишини васият қилган Альфред Нобель жамғармасини бошқараётган кўмитанинг XXI асрдаги сиёсий ўйинлар иштирокчисига айланиб қолганини кўрганда ва 30–40 йил муқаддам Америка кўшиқчилиги оламида ном қозонган Боб Дилан Нобель совриндорига айланганини билганда, нима деган бўларди?!

Юқоридаги каби аччиқ мулоҳазалар, албатта, шахсий, аммо бу тезобликнинг боиси бор. Тўғриси айтсам, Швеция академияси мукофотни эълон қилгандан сўнг Боб Диланнинг икки ҳафта сукут сақлагани, Нобель кўмитасининг кўнғироқларига жавоб бермагани, ўзининг интернетдаги сайтидан “Нобель мукофоти совриндори” деган сўзни олиб ташлаганини кўриб, адабиёт билан кўшиқчилиكنинг фарқини биладиган, сиёсий ўйинчоқ бўлмастикка иродаси етадиган шахс экан, Нобель мукофотидан ихтиёрый воз кечган Толстой ва Сартр қатори тарихда қоладиган бўлди, деб ўйлагандим. Аммо икки ҳафтадан кейин Нобель кўмитасининг “Нега шу пайтгача боғланмадингиз?” деган саволига: “Шундай нуфузли мукофотга лойиқ кўрилганимни эшитиб сўзлаш қобилиятимни йўқотиб қўйдим” тарзида жавоб берибди. Ишончим комилки, Боб Дилан Нобель мукофотини олган ёзувчи-шоирларнинг бирор асари ёки ҳеч бўлмаганда Нобель маърузаларини ўқиганда эди, азбаройи хижолатдан, поп-муסיқа билан шеърининг бир ҳодиса эмаслигидан тили калимага келмай қоларди.

Бундан йигирма йилларча муқаддам атоқли мунаққидимиз Озод Шарафиддинов: “Нобель мукофоти берадиган ташкилотлардан жиндек гинам бор. Улар ҳамма вақт объектив бўлмайаптилар, мукофотга арзийдиган адиблар четда қолиб кетяпти. Масалан, Мухтор Авезов ва Чингиз Айтматовни олайлик...” дегандилар. Бугун кўриниб турибдики, Нобель жамғармасининг аъзолари “жиндек гина”ларга парво қилишмайпти, келтирган асослари мантиққа тўғри келмайпти. Масалан, Швед академиясининг доимий котибаси Сара Даниус бу йилги қарори шундай шарҳлайди: “Танлаган номзодимиз кутилмагандай туюлиши мумкин, агар ўтмишга назар ташласангиз, Гомер ва Сафони кўрасиз. Улар ҳам муסיқа орқали ёки театрда ижро этиладиган шеърый матнлар ёзишган. Бу Боб Дилан учун ҳам адолатли ҳукм бўлганлигини билдиради”. Боб Диланни Гомерга қиёслаш?! Адабиётни юксалтиришга жаҳд қилиш эмас, балки уни тубанликка тортишдан бошқа нарса эмас бу.

Аслида, кўшиқчи ва муסיқачи Боб Диланга заррача ғайирлигимиз йўқлигини, Нобель кўмитаси аъзоларининг унга “Американинг буюк

кўшиқчилик анъаналари доирасида янги шеърый ифода яратгани учун” дея таъриф бергани Нобель васиятига унча ҳам мос тушмаслигини, аслида ушбу лауреат эзгу мақсадли, хур фикрли, истеъдодли кўшиқчи эканлигини таъкидлаш учун Боб Дилан ким ўзи деган саволга тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Боб Дилан Америкада ва инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда 1960 йиллардан бошлаб машхур бўлиб келаётган рок ва поп мусиқачи, кўшиқчи.

Асл исми Роберт Аллен Циммерман, 1941 йил 24 майда АҚШнинг Миннесота штатидаги Дулут шаҳарчасида майда савдогарлик билан шуғулланувчи яхудий оиласида туғилган. Ўз таржимаи ҳолида ёзишча, ота-боболари одессалик, 1905 йиллардаги яхудийларга қарши ҳаракатлардан сўнг АҚШга кўчишган. Она томонидан бувиси асли туркиялик бўлиб, фамилияси Қирғиз экан.

Роберт ёшлигидан мусиқага қизиқади, гитара ва лабга қўйиб чалинадиган “гармошка”ни ўрганеди. Ўн ёшида биринчи шеърларини ёза бошлайди. Мактаб даврида қаҳвахоналарда фольклор кўшиқларини айтувчи гуруҳлар таркибида мусиқа чалиб юради. Ўн тўққиз ёшида Миннесота университетига ўқишга киради. Аммо мусиқачи бўлишга қатъий қарор қилиб, 1961 йили Нью-Йоркка келади ва мумтоз ҳамда ўз кўшиқларидан иборат биринчи альбомини чиқаради.

Фольклор оҳанглирида, рок ва поп йўналишида яратган кўшиқлари секин-аста унга машхурлик келтиради. Жон Китс ва Артюр Рембо шеърлари билан танишгач, Дилан кўшиқларининг сўзлари ҳам сал бадийлаша бошлайди. Томас деган шоирга ихлоси баланд кўшиқчи унинг номини ўзига тахаллус қилиб олади. Унинг гастроллар, концертлар ва янги-янги альбомлар чиқариш билан юлдузли онлари бошланади. 1980 йилларга яқин унинг кўшиқларида диний мавзу, шунингдек, бузукликка қарши чақириклар кўпаяди. Аммо бу кўшиқларни кўпчилик қабул қилмайди, альбомлари сотилмайди. Вақтинчалик муваффақиятсизликдан ҳафсаласи пир бўлган Боб Дилан бундан кейин фақат мамлакатлар бўйлаб гастролларда юришга қасд қилади. 1985 йилда собиқ шўролар давлатига келган биринчи рокер сифатида Москвада концерт беради. Евтушенко ва Вознесенский уни “Лужники”даги шеърий кечасига таклиф этишади. Кўпчилик инглиз тилини билмагани учун Боб Диланнинг кўшиқлари совуққина қабул қилинади.

Хуллас, Боб Диланнинг шон-шуҳрат ва турли мукофотларга бурканган поп мусиқачилик фаолияти дунёга машхур бўлади. 1997 йилда Боб



Боб Диланнинг 2007 йилдаги альбому

Диланни Ватиканга католик черковларининг Халқаро конгрессига тақлиф қилишади ва Рим папаси Иоан Павел II унинг “Dlowin’ in the Wind” кўшиғи мазмунига бағишлаб, икки юз минг кишилик жамоага маъруза қилади. Шу йили чиққан альбомидаги кўшиқларини “Чикаго трибун” газетаси “Унинг кўшиқлари Самуюэль Беккет романини ўқигандай таассурот қолдиради”, деб баҳолайди. 2003 йили Боб Дилан “Сергей Петров” тахаллуси билан “Аср шоуси” фильмига сценарий ёзади.

1998 йили “Гремми”, 2000 йили “Вундеркиндлар” киносига ёзган кўшиғи учун “Оскар” ва “Олтин глобус” мукофотлари билан тақдирланади. 2008 йили “Оммавий мусиқа ва Америка маданияти ривожига лирик композициялари билан кўшган хиссаси учун” Боб Дилан “Плутцер” мукофоти совриндори бўлади. 2009 йилда чиқарилган янги альбоми учун Барак Обама уни 2012 йилда Озодлик медали, 2013 йилда Фахрий легион ордени билан тақдирлайди. Ижодида тўққизта тахаллус қўллаган, 80 миллион долларлик сармоя жамғарган Боб Дилан 2015 йили Нобел мукофоти номзодлигига қўйилади, аммо мукофот унга насиб этмайди.

Кўриниб турибдики, Боб Диланнинг бутун ҳаёти мусиқа ва кўшиқчилик билан боғлиқ, бу борада эришилмаган чўкки деярли қолмаган. Албатта, бу ҳам санъат, унга ҳам илоҳий илҳом керак, аммо бу адабиёт эмас! Тўғри, Боб Дилан кўшиқларида озодлик ва тинчлик, тенглик, муҳаббат ғоялари улуғланади, қора танли боксчини ноҳақ қотилликда айблаб қамашгани, “уруш усталари” бомба портлатгандан сўнг инсоният бошига тушадиган фожиалар куйланади, лекин бу ҳам ҳали адабиёт дегани эмас!

Шундай бўлса-да, 2016 йилдаги адабиёт бўйича Нобель мукофоти Боб Диланга берилди.

*Азиз САИД,
шоир*





САВВАНИНГ ОРДЕНИ

Рус тилидан
Амир ФАЙЗУЛЛА таржимаси

Адабиёти ва санъати тараққий этган халқки бор, демак, унинг ривожига бефарқ бўлмаган, аксинча, гуркираб ўсмоғи учун пешкашлик қилган саховатпеша шахслар бўлган. Ғарбда меценат, Шарқда эса ҳомий деб аталадиган бундай инсонлар бизда аксарият шоҳлар, амир, вазиру вазаро тоифасидан чиққан. Хоссатан, Амир Темури ва Темурийлар Ўрта асрлардаги туркий ва форсий адабиёт, санъат ривожини таъминлаганларидек, кейинроқ Қўқон, Бухоро, Хива хону амирликларида сарой муҳити туфайли нафис санъатларимиз юксалган, шоиру адиб, муаррих, мутаржимларимиз истеъдоди намоён бўлиб, камолотга эришган. Биргина Алишер Навоий ҳазратларининг ҳомийлигида не-не баркамол асарлар яратилганини ёдга олсак кифоя. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларига келиб, ҳомийлик рутбаси энди янги бойлар, савдогар, ишбилармон тадбиркорлар зиммасига ўтди. Нуширавон Явушев, Обиджон Маҳмудов, Миркомилбой каби номлар шу давр маърифатчилиги учун моддий асос, амалий далда бўлдики, янги адабиёт ва санъат ҳам шу негизда бўй кўрсатмоқ учун имкон топди. Турли насрий китоблар чоп этиш, театр томошалари ва бошқа турли маданий тадбирлар беғараз ҳомийлик туфайли майдонга келди. Худди шу каби Оврупа ва Россияда ҳам меценатлик ортидан не-не иқтидорлар бўй кўрсата олгани тарихдан маълум. Третьяков галереяси, Морозов, Прохоров, Мамонтов каби йирик бой ва тадбиркорлар саъй-ҳаракати туфайли рус маданиятининг “Кумуш даври”, яъни XIX аср охири – XX аср бошларидаги адабиёт ва санъат ҳодисалари воқе бўлди, гуркираб ривож топди. Қуйида тақдим этилаётган мақолада шу кунларда Россия жамоатчилиги томонидан таваллуди кенг нишонланаётган йирик тадбиркор, маданият ҳомийси Савва Мамонтов ҳақида ҳикоя қилинади. Мурод – балки бизда пайдо бўлаётган бугунги ишбилармонлар синфи Шарқу Ғарбнинг шундай мисолларидан ибрат олсалар, шояд.

Таҳририят

**Халқи санъатни тушунган мамлакат кучли бўлади.
Савва МАМОНТОВ**

175 йил муқаддам, 1841 йилнинг 15 октябрида Сибирнинг Ялуторовск шаҳарчасида бир мусалласфурушнинг оиласида учинчи ўғил дунёга келди. Болага авлиёлардан бирининг исми берилди, ҳазрат Савва Вишерский шарафига 14 октябрда ўтказиладиган хотира кунида у Савва Мамонтов деб аталди.

“У биринчи университетни ташкил этди. Сирасини айтганда, унинг ўзи бизнинг биринчи университетимиз эди”, – ватанимиз тарихида

Михаил Ломоносовнинг ролини Пушкин ана шундай баҳолаган эди. Бирозгина ўзгартириш билан Савва Мамонтов тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Уни “Кумуш аср”нинг етук меценати (ҳомийси) деб атайдилар. Лекин, ҳеч бир муболағасиз, унинг ўзи Кумуш аср эди. Ёки, таъбир жоиз бўлса, унинг ҳайратомуз ижодий парвози бизнинг санъатимиз тажассуми бўлган эди. Ўша йиллардаги мусиқа, театр, рангасвир, ҳайкалтарошлик – барчаси у ёки бу тарзда бу корчалон шахсиятидан ўзи учун улгу олган эди.

Бу қабилдаги сиймо тўғрисида сўз кетганда сал оғизга қараб гапиришга тўғри келади. Масалан, ёш Мамонтов нукул аъло баҳоларга ўқимаган. Дейлик, гимназияни битириш синфида лотин тилидан “йиқилиб”, иккинчи йилга қолдирилган. Умуман, ўзи яхши кўрган фанлардан ҳам зўр-базўр “яхши” ёки “қониқарли” баҳолар олган. Унда артистликка ва авлиёларча ҳаёт тарзига ҳавас уйғонишига айнан шу нарса сабаб бўлган эмиш.

Ҳайкалтарошми ё хонанда?

Мамонтовнинг санъат ва тадбиркорлик ўртасидаги сарсонликлари сабабларини айнан болалик ва ўсмирликдан қидирмоқ лозим ва лобид. Аммо гимназиянинг бунга тариқча алоқаси йўқ. Отасининг шерикдоши, олим ва саноатчи Фёдор Чижов ҳақида эса “дахли йўқ” деб бўлмайди. “Бу ажойиб инсон эди, – эътироф этганди бир гал Мамонтов жуда ҳам ёш рассом Константин Коровинга. – Худди шундай болалик пайтимда у менга бундай деганди: “Артистлар, рассомлар, шоирлар халқ мулкидир, агар халқ уларни тушунса ва севса, мамлакат кучли бўлади”.

Меценатлар ёки асар тўплайдиганлар, одатда, бир қадар худбин одамлар бўлади. Ҳа, улар санъат одамларига ҳомийлик қиладилар. Аммо ўзларининг манфаатини биринчи ўринга қўядилар. Савва Мамонтов “ҳомийлик ва меценатлик”ни битта қолипга жойлаштиришдан узоқ бўлиб, унинг ўзига яраша ёрқин мақсади бор эди. Бу мақсад шунчаки мурувватпешаликдан кўра анча баланд турарди. “Мамлакат кучли бўлади”. Тушуниш билан кучли бўлади. Мамонтов бунга қаттиқ ишонарди. Бир қанча лойиҳаларнинг ортиқ даражада жимжимадорлиги учун унга таъна қилишганида, у шартта бундай жавоб берган экан: “Халқнинг кўзини вокзаллар, эҳромлар, кўчалардаги гўзал нарсаларни кўришга ўргатмоқ керак”.

Айтганча, ёш Савванинг яхши кўрганларидан бири қадимги тарих бўлган. У бир антик воқеани ёдда сақлаб қолгани ғоят мароқлидир. Афиналик саркарда Ификрат ҳарбий бош қўмондон ролига даъвогарлик қилади. Уни қайириб ташлашмоқчи бўлишади: “Бунча кеккаймасанг? Кимсан ўзи? Суворийми, камонбозми ё найзобоз?” Жавоб ҳам қойилмақом бўлган: “Ҳеч бири эмасман. Аммо ҳаммаси қўлимдан келади”.

Азалий савол: қайси муҳимроқ – ўзи бажарганми ёки бажарадиганларга буюришми?

Бир томондан, Мамонтов биринчилардан. 1864 йилда Италияга ипакчилик ва амалий тижорат асосларини ўргангани борди-да, бирдан операга берилиб кетди. Чакки эмас, бу охиригиси бўлса ҳам майли-я,

Мамонтов ўзи куйлаб юборади. Унинг “бас” овози бор эканлиги ўшанда маълум бўлади ва у ҳатто Беллинининг “Меъёр” операсига таклифнома олади. Орадан саккиз йил ўтиб, у фирма ишлари бўйича яна Италияда бўлади, шунда ҳайкалтарош Марк Антокольский билан танишиб қолади. Мамонтов ҳақидаги унинг фикрларини кўринг: “Римга келиб, Савва ҳайкал йўна бошлади – маҳоратига қойил қолмай илож йўқ! Кўз олдингизда ҳайкал тап-тайёр!” Бироқ Сергей Рахманинов Антокольскийнинг фикрига қўшилмади: “Мамонтов туғма режиссёр эди ва бу соҳада энг устаси бўлиб қолди”.

Илҳомнинг катта йўли

Бошқа томондан, Мамонтов нимани, қандай эплашнинг уддасидан чиқар эди. Ҳатто ҳали охиригача ўзлашиб улгуролмаган нарсалар ҳам унга чўт эмасди. Масалан, Москва–Ярославль темир йўлини Архангельск ва ундан Кола яриморолигача давом этдириш бўйича улкан лойиҳани ишга солар экан, у бошқа ҳаммасини бир четга қўйиб... расомлар ҳақида ўйлайди. Ўз химоясидаги икки расом – Константин Коровин ва Валентин Серовни Шимолий Двинага хизмат сафарига жўнатади. Мақсад – фрескалар, паннолар ва мозаикалар учун қораламалар олиб келиш. Ҳали қурилмаган йўлдаги вокзал безаклари учун!

Телбаликми? Арзон васийликми? Йўқ – узокни кўра билиш. Ўша гап: “Мамлакат кучли бўлиши учун халқ кўзини гўзалликни кўришга ўргатиш керак”. Натижа, дарвоқе, ақл бовар қилмас даражада бўлди. Ишлардаги муваффақият шу қадар довруқли эдики, улар вокзалгача етиб бормади – хозир Коровин ва Серовнинг ўша хизмат сафаридан келтирилган сувратлари Третьяков галереяси, Рус музейида сақланмоқда.

Йўл ҳам бир амаллаб қурилди. Сабаби оддий. Бир ўзи қарор чиқариб, Мамонтов кўп нарсанинг дабдаласини чиқара олар эди, аммо ҳамма нарсани эмас – унинг йўли устида директорлар кенгаши ва бошқарма турарди. Йўлнинг Кола яриморолигача бўлган давомида эса уларни кизиқтирадиган нарса йўқ эди.

Мамонтов йўлнинг кераклигини тушунар эди ва лойиҳаси учун жон куйдира бошлади. У асосларни қалаштириб ташларди – ҳеч ким эшитгиси келмасди. У бу йўлнинг ҳарбий аҳамиятга молик эканини уқтирарди – унинг устидан қулишарди. “Бефойда, бир чақа даромад келтирмайди”, “Фақат чўл жойлардан ўтади”, “Банкалаб мураббо ташиладимми бу йўлдан?” – ўша йиллардаги матбуотдан келтирилган киноларни кўринг!

Жойлар чинданам чўл ва даштлардан иборат эди, йўл ҳам, сирасини айтганда, тайинли жойгача етиб бормасди. Романов-Мурман йўлига эса 20 йилдан кейингина асос солинди. 1917 йилда у Мурманек деб аталди. Улуғ Ватан уруши вақтида эса – СССРнинг Европа қисмидаги ягона музламайдиган бандаргоҳи бўлиб, ленд-лиз юкларини қабул қила оларди – танклар ва самолётлар, юк автомашиналари ва дастгоҳлар. Булар барчаси ўша йўлдан ташилар эди.

Савва Мамонтовнинг кўргони – Абрамцево расомларни янги дурдона асарлар яратишга илҳомлантирар эди. Васнецов ўзининг

“Баходирлар” сувратини, Нестеров – “Ўспирин Варфаломейнинг туши”, Серов – “Шафтолили кизалоқ” асарларини шу жойда яратишган. Мамонтовнинг хусусий операсида император театрлари сиқиб чиқарган “истикболсиз” асарлар қўйиларди. Глинканинг “зерикарли ва ёмон чиққан” операси “Руслан ва Людмила”, Мусоргскийнинг “нотабий ва бачкана” “Хованшчина”си-чи? Сўнггисида Шаляпин ўз маҳоратини тўла намоён этганди. Саноатчи Мамонтовнинг асосий асаридаги аллақандай воқеалар кўп йиллар ўтгач, Борис Васильевнинг қиссаси ва Станислав Ростокскийнинг “Хур кизлар” фильмида ўз аксини топади. Старшина Федот Васков ва зенитчи кизлар взводи барибир Мамонтов “дабдаласини чиқарган” нотайин манзилли ўша йўлни мудофаа қилади.

Унинг жасоратлари миқёсини фақатгина меценатнинг зурёдлари кўра ва англай олишлари мумкин бўлиб қолганди. Савва Иванович 1918 йил 6 апрелда дунёдан кўз юмди. Унинг ҳаётдан кетиши унча кўп одамни ташвишга солмаганди. Қабрга атиги 4 дона гулчамбар қўйилди. Иккитасини санъат одамлари олиб келишди: “Серовлар оиласидан” ва “Шаляпиннинг меҳрибон оиласидан”. Яна икки нафар муҳандис ҳам. Улардан бирида қуйидаги сўзлар қайд этилганди: “Шимолий темир йўлнинг хайрихоҳ хизматчиларидан”.

Савва Мамонтовнинг мерослари


Матрешка. 1900 йилда С.Мамонтовнинг хотини Елизавета матрешкаларнинг синов туркумини Париждаги кўрғазмага олиб борди. Қўғирчоққа исм қандайдир Матрёнадан олинганди, Матрёна қизил юзли оксоч бўлиб, Мамонтовларнинг Абрамцево кўрғонида чой дамлаб бериб турган.

Шимолий темир йўллар. Шулар учун “тиниб-тинчимас” Мамонтов яхшигина дакки еган. Энди эса шу йўллардан биз маза қилиб шаҳарма-шаҳар қатнаймиз”, – деб ёзишганди ҳали Биринчи жаҳон урушидаёқ.

Метровагонмаш. “Россия ўзининг вагонини ишлаб чиқара олмай-диган даражада нўноқ эмасди!” Метроларимизда шу заводдан чиққан вагонлар эл хизматида.

Хусусий опера. Айнан ўшаларда Шаляпин ўзининг неларга қодир эканини намоиш этди: “Феденька, сиз бу театрда хоҳлаган кароматингизни кўрсатишингиз мумкин! Янги опера керакми? Албатта, кўямиз!”

*“Аргументы и факты” газетасининг
2016 йил 18 октябрдаги сонидан олинди.*



ПИТЕР БРУК: “РЕЖИССЁР – “МАРС”ДА ҲАМ РЕЖИССЁР”

*Рус тилидан
Шоҳрух АБДУРАСУЛОВ
таржимаси*

Питер Брук жаҳон режиссура санъатининг йирик намоёндаларидан бири саналади. У 1925 йил 21 мартда Англияда туғилган. Отаси Семён Брук уруш йиллари дала телефонларини кашф қилган муҳандис эди. Питер Оксфорд университетиде таҳсил олади. Дарс машғулотларидан кейин университет қошида ташкил этилган ҳаваскорлар театр труппасини бошқариб, Жан Коктонинг “Дўзах машинаси”, Кристофер Марлонинг “Доктор Фауст” асарларини саҳналаштиради. Йигирма ёшида ўз даврининг машҳур режиссёри Барри Жексон раҳбарлигидаги Бирмингем театрида профессионал фаолиятини бошлаб, бир неча муваффақиятли спектакллари саҳнага қўяди.

Шекспир асарларини саҳналаштириш Питер Брукка шухрат келтирди. Режиссёр улуғ ватандошининг “Ромео ва Жульетта” (1947), “Ҳамлет”(1955), “Қирол Лир” (1962), “Афиналик Тимон” (1974), “Бўрон”(1987) каби пьесаларини саҳнага олиб чиқди. Шунингдек, Брукнинг “Ахлоқсиз давра” (Ж.П.Сартр, 1946), “Ака-ука Карамазовлар” (Ф.Достоевский, 1946), “Эдип” (Сенека, 1968), “Мантиқ ут-тайр” (Фаридиддин Аттор, 1979), “Маҳабҳарата” (ҳинд халқ эпоси асосида, 1985) сингари спектакллари жаҳон режиссура санъатининг ноёб намуналари саналади. Кинорежиссёр сифатида “Қашшоқ опера” (Ж.Гюю, 1953), “Етти кун, етти тун” (М.Дюрас, 1960), “Паишлар ҳукмдори” (У.Голдинг, 1963), “Қирол Лир”(1971), “Олчазор” (А.П.Чехов, 1982) ва бошқа ранг-баранг мавзу ва жанрдаги картиналарни суратга олган. “Бўшлиқ макони” (1976), “Дарбадар нуқта” (1996), “Замонлар риштаси”(2005) каби китоблари чоп этилган.

Эътиборингизга унинг “Известия” газетаси муҳбири Артур Соломонов билан бўлган суҳбати ҳавола этилмоқда. Гарчи айрим қарашлари баҳсли бўлса-да, йирик санъаткорнинг кузатишлари, тўхтамлари барча учун қизиқ.

– Жаноб Брук, тасаввур қилинг, ҳузурингизга китобларингизни ўқимай, спектакларингизни кўрмай, фақат олтмиш йилдан буён режиссура билан шуғулланаётганингиздан хабардор инсон келди ва ҳеч истиҳоласиз: “Идеал театр қандай бўлиши керак?” деб сўради...

– Мен даставвал узоқ сукут сақлайман, сўнгра “айбдор”га қарата шундай жавоб қиламан: “Келинг, яхшиси, театр қандай бўлмаслиги ҳақида гапира қолай”. (Қулади).

– Яқин ўтмишга қайтайлик. 1966 йили Вьетнамдаги уруш ҳақида хикоя қилувчи “Биз” спектаклини саҳналаштиргансиз. Томошада америкаликларнинг ушбу ўлкада амалга оширган қирғинбарот жанглари рўй-рост ифодасини топган. Спектакль халқаро доирада кўплаб можароларга сабаб бўлгани ҳам рост. Сўнгра мазкур талқин асосида “Мени алдама” фильмини тасвирга олдингиз. Нима деб ўйлайсиз, сиёсий ҳаётдаги қандай воқеа-ҳодисалар замонавий театрда қанчалик акс садо беради?

– Олтмишинчи йилларда, сиз эслаган спектаклни саҳналаштираётган вақтимда сиёсий театрнинг мавжуд бўлиши ақлга сиғмасди. Асли бундай театрларнинг бош мақсади – жамият манфаатига хизмат қилиш. Ўйлаб кўринг, жаҳондаги вазият мураккаб тус олганида қандай йўл тутиш керак? Шунчаки қўл ковуштириб, сиёсий ҳолатни соддалаштириш, курраи заминни дўсту душман, яхши-ю ёмонга ажратиш – нодонлик белгиси, ахир.

Ҳозир Россия ҳақида бирорта пьеса саҳналаштириш мумкин. Бу жуда кизик тажриба бўларди. Мазкур пьеса мамлакатингиздаги айрим зиддиятларни фош қилиши эҳтимолдан йироқ эмас. Бироқ бахтга қарши ёвуз мансабдорлар ёки олийжаноб президентларни кўрсатишнинг иложи йўқ. Рус ҳаётини кенг миқёсда қамраб олиш, шубҳасиз, жамият орасида фикрлар хилма-хиллигини таъминлайди.

Сиёсий театр Бертольт Брехт даврида ростмана маҳобати, кудратини намоён этди. У ўз ижоди билан ажойиб драматург ва режиссёр эканини исботлади. Лекин, афсуски, Брехтнинг ахлоқий қарашлари бугун дунёда кечаётган сиёсий вазиятга мувофиқ келавермайди. Натижада шундай парадокс туғилади: “Агар сиз Брехтнинг сиёсий тушунчаларига эргашиб, дунёни унинг нигоҳи билан ўлчасангиз, чинакам “брехтча театр” жозибасидан баҳраманд бўлолмайсиз”.

– Ижодий фаолиятингиз ибтидосидаёқ буржуа театрига қарши чиқиб, катта жасорат кўрсатгансиз. Бироқ санъатнинг ёзилмаган қондаси шундай: ижодкор буржуа санъатини инкор этса-да, ўзи истамаган ҳолда унинг бир қисмига айланиб қолади. Бундай шафқатсиз қоидаларга бардош бериш, курашиш учун нима қилмоқ керак?

– Фикрингизга кўшиламан. Оддийгина мисол. 50-йиллари инглиз буржуа театри ахлоқ-одоб қоидалари билан назорат қилинарди. Мен ўша пайтда театр арбоблари уюшмаси аъзоси эдим, ғайритабиий хатти-ҳаракатларим билан оммани ҳаяжонга солганимни ҳануз эслаб юраман.

Гап шундаки, Бродвей театрида “Марат/Боғ” спектаклини саҳналаштирганимда, ахлоқсизлик бўлса-да, илк бор яланғоч одамни саҳнага чиқардим. Бу ҳодиса шов-шувга айланди. Ҳозир эса дунёнинг кўплаб мамлакатларида ширяланғочлар томоша кўядиган махсус театрлар мавжуд. Хўш, бунга ким ажабланыпти? Айтмоқчи бўлганим, буржуа театри саҳнанинг имкониятлари ва ифода воситаларини анча чеклаб қўйганди. Мен ижодий чеклашни назарда тутяпман. Ҳайвоний майлларни китикловчи бепарда томошаларни санъат асари сифатида таклиф қилиш эса театрни эстетик гўзалликдан мосуво этади.

Энди бевосита саволингизга келсак, мен Россия ва Европанинг кўплаб мамлакатларида бир неча асрлардан буён яшаётган анъанавий

театр услуги ва мезонларини давом эттиришни хоҳламайман, яъни муаллиф матн ёзиб, режиссёрга беради, режиссёр танишиб чиққач, актёрга қандай ўйнаш кераклигини тушунтиради. Кейин – репетиция. Сўнгра актёр халқ олдида чиқиб, маҳоратини кўрсатади. Назаримда, ушбу саъй-ҳаракатларнинг барчаси олдиндан бичиб қўйилгандек сунъий равишда амалга оширилади. Ҳақиқий театрда эса бу вазифалар гўё яхлит вужуддек бир-бирига шундайин боғланиб кетадики, томошабин ким драматург, актёр ёки режиссёр эканини батамом унутади.

Балки фикримга қўшилмассиз, аммо Европа театрлари учун энг хавфли кун премьерани ҳисобланади. Назаримда, бу оддий тушунча эмас. Премьера – спектаклга қарши жинойат!.. Мен кўплаб яхши, бадиий-баркамол сахна асарлари премьерани куни танқидчиларнинг юзаки мулоҳазалари, қандайдир “муҳим” одамларнинг аралашуви сабаб барбод бўлганига гувоҳман. Шундай экан, премьерани спектакль ҳаётидаги бир босқич сифатида қабул қилиш лозим, асар тақдирини белгиловчи ёки ҳаёт-мамотни ҳал қилувчи кун деб эмас! Мейерхольд ҳақ: спектакль эллик марта ўйналгач, қиёмига етади. Шу жиҳатдан спектакль премьерани куни мажруҳликка маҳкум этилиши ҳеч гап эмас.

– Дунёнинг турли мамлакатларида ташкил этилаётган кўплаб фестивалларда мунтазам қатнашасиз. Шубҳасиз, фестиваль иштирокчиларига манзур бўлиш осон эмас, боз устига, уларнинг аксарияти сиз тан олавермайдиган мутахассислар, режиссёрлар, танқидчилар...

– Спектакль – турфа инсонлар йиғилган аудитория билан юзма-юз мулоқотга кириш, демакдир, шу боис спектаклларим билан турли театр форумларига тез-тез бориб тураман.

Ҳар бир халқ табиатининг, маданиятининг нозик нуқталари бор. Спектакль қўяётганда шу жиҳатларни ҳисобга олиш зарур. Агар сиз инглиз томошабини билан ҳамфикр бўлишни хоҳласангиз, бутун залнинг хандон отиб кулишига эришмоғингиз лозим. Бу томошабин билан алоқа ўрнатишнинг энг содда шакли, аммо Англияда омманинг кулги-табассумга мойиллиги бор гап.

Германияда эса муҳим сиёсий муаммолардан сўз очишга мажбурсиз. Жилла курса, замонавий сиёсий вазият ҳақида нимадир қўйишингиз ёнги фикр-муносабатингизни изҳор қилишингиз керак.

– Негадир “маданият” сўзини айтсангиз, кинояли чиқаётгандек туюлаверади. Бу истехзонинг боиси нимада?

– Ер юзининг ақлдан озган каттагина қисми “маданият” сўзига бутунлай қарам. Ҳақ-ростини айтсам, мен бу сўзни хуш кўрмайман. Тасаввур қилинг, сиз турли миллат маданиятларини баҳолаб, таққослаб кўрдингиз ва бу... ирқчилик сари қўйилган дастлабки қадам бўлади. Ҳар ким онгли ёки онгсиз равишда маданиятни энг ёрқин ҳодиса деб ҳисоблайди. Барча инсонлар маданият деган ғоянинг тутқуни бўлиб қолган. Лекин ҳамма маданиятларда қандайдир кемтиклик, ноқислик бор. Барча маданият – рус, немис, инглиз, хитой маданияти – дунё маданиятининг бир узви, холос.

– Балки сиз маданиятлар тенглигига ишонч ҳосил қилиш учун дунё бўйлаб саёҳатга чиқишингиз керакдир?

– Йўқ, унчалик эмас. Мана оддийгина мисол. Ўқувчилик давримда устозим: “Сенинг мактабинг – мамлакатдаги энг яхши мактаб”, деб

кўп такрорларди. Мен ўшанда бу арзон эътироф эканини билганман. Улғайганимдан сўнг кейинги босқичга ўтилди: менга яшаётган Ватаним – дунёдаги энг зўр давлат эканини айтишди. Шу гапни эшитиб, таъсирланмай бўладими?

– **Театр мавзусидан биров узоқлашайлик. Сиз “Замонлар риштаси” китобингизда кўшни хонада ота-онангиз туни билан рус тилида баҳс-мунозара қилаётганини эшитиб, болаларча ҳайрат ила тинглаганингизни ёзгансиз.**

– Ҳа, рус тили менга жуда яқин. Баъзан шундай ҳолат бўладики, рус тилида мулоқот бўлса, ҳамма тафсилотларни беистисно тушунгандек бўлавераман. Лекин бу иллюзиядан бўлак нарса эмас. Мана, ҳозир саволларингизга жавоб бераётганимда, бир неча бор (русча талаффуз қилиб) “тушунарли” дедингиз. Ва мен ҳам сизни тушундим. (*Кулади*).

– **Етмишинчи йилларнинг бошида у қадар кўп бўлмаган актёрлар жамоаси билан Африкага йўл олдингиз. Театр ҳақида тасаввурри йўқ омма билан тўқнаш келдингиз, натижада ҳаммасини ибтидодан бошлаб, театрнинг оддий унсурларини тушунтиришга тўғри келди. Эҳтимол, бу ўтган асрнинг етмишинчи йилларида норасмий тарзда бўлса-да, турли маданиятлар билан мулоқот ўрнатишнинг муҳим воситаси бўлгандир. Бугун сахна тажрибалари билан шуғулланишни бошлаган, театрнинг илк асосларини ўрганаётган ёш режиссёрларга қандай маслаҳат берасиз? Улар ҳам қаергадир сафар қилиши керакми?**

– Баъзан мендан сўрашади: нега сизнинг театр мактабингиз йўқ? Фикримча, ёш режиссёр учун энг яхши мактаб – жамоа тузиб, саёҳатга йўл олиш. Тоғларга, шимолга, қўйинги, Россиянинг энг узоқ ўлкасигача боринг! (*Кулади*). Қаерга бориш муҳим эмас, асосийси, ҳақиқий театр муҳибларини излаб топиш керак.

Африкада биз тажрибасиз томошабинлар билан учрашдик, лекин улар лакма эмас. Ёш режиссёр оддий халқ билмайдиган, мутлақо янги ходисага дуч келса, ўша воқеликнинг моҳиятига етиши, керак бўлса, тадқиқотчига айланиши лозим. Режиссёр учун инсониятни бирлаштирадиган мавзу ва ғояни инкишоф этиш – энг олий мақсаддир!

Тасаввур қилинг, Марсга бориб, “Қизил сайёра”да яшаётган тиррик жонзотлар учун “Олчазор” (Антон Чехов асари – *Таҳр.*)ни сахналаштирдингиз. Агар асарни ҳеч бир кас тушунмаса, “елка қисиш”дан фойда йўқ. Энди “марслик”ларнинг зиёли, таъби нозик, бадииятга ошно қатламини қидириб топиш талаб этилади. Бу режиссёрлик маҳоратини шакллантиришнинг қойилмақом усули. Хуллас, Марсда ҳам режиссёрнинг вазифаси ўзгармайди – у доимо томошабин билан тиллашиши, мулоқот қилиши зарур.

Ҳар қандай вазият ёки аудиторияга мослашишдан яхши усул йўқ, талқин ҳақида сўрасангиз, у бир вақтнинг ўзида ҳам содда, ҳам фалсафий бўлиши мен учун муҳим.

Яна бир масала. Режиссёр аудиторияга қандай ритм билан таъсир қилиш кераклигини чамалаб кўриши ва услубини шунга мослаштириши бўлажак спектакль муваффақиятини белгилайди. Агар спектаклда ҳаракат ҳаддан зиёд тезлашиб кетса, томошабин билан мулоқот издан чиқади.

Хар сафар ёш режиссёр томошабинларнинг янги жамоаси билан учрашганда, матн, товуш, овоз, мусика, актёрларнинг замон ва маконда жойлашиши каби масалаларни қайтадан кўриб чиқиши ниҳоятда фойдали жараён. Мана бунини ҳақиқий режиссёрлик мактаби деса арзийди.

Ёш режиссёрнинг ишсиз, фаолиятсиз қолишга ҳақи йўқ. Зеро, режиссёр деган мақомни ҳеч ким совға қилмайди, бу даражага фақат меҳнат ва изланиш билан эришиш мумкин. Агар ёш режиссёр ижоддан чарчаса, театр сиз қолса, ҳукумат спектакллари учун пул тўламай қўйса, у – шунчаки режиссёр эмас. У атрофига кичкина бўлса-да гуруҳ тўплаб, инсонларга қалб кўри, театр ҳақидаги қарашларини сингдириши мумкин. Мана, масалан, биз сиз билан қахвахонада ўтирибмиз, стол-стул, икки финжон қайноқ қахва. Тасаввурга эрк бериб кўринг-чи, ахир, бу манзара бўлажак спектаклга тап-тайёр декорация-ку! Демак, теварак-атрофингизда нима бор, нимани кўряпсиз – режиссёрлик сезгиси шундан бошланади, ҳукуматдан қандайдир махсус шароит ёки ёрдам кутиш танбалликка йўл очади, холос.

– Улуғ поляк режиссёри Ежи Гротовский сиз билан суҳбатда “Менинг изланишларим режиссёр ва актёрлар учун асос бўлган, сеники эса актёр, режиссёр ва томошабин учун. Бундай йўл яхши, лекин менга эгри-бугрилик ёқмайди”, деган экан. Театрда яшаб, нафас олаётганингизга олтмиш йилдан ошган бўлса-да, “Эхтимол, Гротовский ҳақдир”, деган иштибоҳ сизни безовта қилмагани рост. Қайтариқ бўлса-да, саволимиз шу: “Балки сизнинг театрда оид ғояларингиз омма савиясидан юқори турса, янада ривожланар ёки мукамал талқинларга пойдевор бўлар?”

– Мен ғоя сотиш билан шуғулланмайман. Умуман, режиссёр учун бу – жирканч ҳодиса. Бу унинг касбий вазифасига ҳам кирмайди. Бундай ёқимсиз амалиёт XX аср ибтидосида, Россия ва Германияда режиссёр саҳнанинг ҳақиқий ҳукмдорига айланган йиллари бошланган. Асосий айбдорлар – Константин Станиславский ва Макс Рейнхард. Кейин режиссёр гегемонлиги оддий ҳолга айланди. Режиссёр – диктатор, бу – фо-жа, лекин амалдан фойдаланиб, театрнинг бошқа жабҳаларини эгаллаш, хусусан, қўлидан келмаса-да, пьеса ёзиш – буниси мутлақо даҳшат! Ачинарлиси, шу жараён бошланса, театр чинакам жозибаси, қимматини йўқотади. Натижада дунёни ижодкор индивидуаллигининг ранг-баранг товланишлари, ёқимли полифониялари ўрнида хира, олачалпоқ рангларда кўра бошлаймиз... Баҳонада кимдир ғоясини пуллаб ҳам олади.

Агар шуурингизда қандайдир ғоя туғилаётган бўлса, албатта, бошқалар билан баҳам кўринг – китоб, шеър ёзинг ёки фильм суратга олинг. Фильм – том маънода индивидуал маҳорат маҳсули. Бу ерда муаллиф – режиссёр. Театрда эса режиссёрнинг вазифаси бутунлай ўзгача. Юқорида айтганимдек, унинг мақсади ҳаётнинг кўз илғамас қирраларини кашф этишдан иборат. Бунинг учун узоқ вақт инсонлар билан мулоқот қилиш, репетицияларда товланиш зарур, шундай шароитдагина режиссёр актёрнинг истеъдодини сезади, уни юзага чиқаришга имконият яратади.

Яна такрорлайман: инсонлар билан суҳбатлашиш, муносабатга киришиш режиссёр фаолиятида ҳал қилувчи мезонлардан бири ҳисобланади. Мана ҳозир сиз билан суҳбатлашяпман ва бу менга фикрларимни аниқ-ёрқин ифодалаш, ботиний ҳисларни юзага чиқариш кўникмасини беради, шу ҳолат узлатга чекиниб, ўзим ҳақида ўй суришдан афзалроқ.

Режиссёрга актёр керак, актёрга эса партнёр. Шу тахлит жамоа тузилади. Кимёвий ҳодисаларга назар ташланг: одам ёки ўсимлик танасида хужайра пайдо бўлиб, кейингисининг туғилишига замин ҳозирлайди, аста-секин хужайралар кўпайиб, бутун вужудни қоплаб олади. Режиссёрнинг фаолият хоссаси ҳам худди шундай. Режиссёр қуввати (ғоя эмас, қуввати, бу тушунча анча кенг ва кучлироқ), эҳтимол, томошабин муносабатидан кейин юзага чиқар, эҳтимол, актёр кўмаги билан кучайиб борар. Бироқ шуниси аниқки, спектаклга томошабин ташрифи кўп бўлса, ўша қувват бир неча бор ортиб кетади. Бу худди чой тайёрлашга ўхшайди: сизга сув, куруқ чой ва олов керак. Албатта, ташналикни сув билан қондирса ҳам бўлади, лекин чойнинг таъми, ҳузур-ҳаловати бўлакча-да!

Қачонки, томошабин ва актёрнинг хиссиётлари бирлашиб кетса, оммага таъсир этиш осон ва самарали кечади. Ғоя, фикр эмас, айнан хиссиёт! Фикр кейин туғилади. Театрда фикр ва хиссиёт қоришиб кетиши лозим. Агар спектакль фақат ғоя асосига қурилса, бундай томошанинг кимга кераги бор? Мақсад шу бўлса, университетга бориб, маъруза тинглаш ёки илмий тадқиқот ўқиш маъқулроқ. Борди-ю спектакль фақат хиссиётга асосланса, бу ҳам қимматга эга эмас. Танадаги ҳиссий қувватни чиқариш учун рок йўналишидаги концертга бориб, овоз бориша бақириш ҳам кифоя қилади. Такрор айтаман, спектаклда фикр ва хиссиёт яхлит вужуддек уйғунлашиб кетиши шарт!

Ежи Гротовскийнинг қарашларини ҳам бутунлай инкор этмайман. Боиси Гротовский – улуғ инсон ва ижодкор. У Москвада театр санъати институтида таҳсил олиб, Станиславский системасининг кенг қулоч ёзишига катта ҳисса қўшди. Шунингдек, Мейерхольд ижодини “тирилтириш” да ҳам Гротовскийнинг хизматлари беқиёс. Чунки Ежи Москвада ўқиб юрган йиллари “халқ душмани” деган тавқи лаънатга учраган Мейерхольднинг “биомеханика” ва бошқа театрда оид тажрибаларини ўрганиш қатъиян ман этилган эди. Польша режиссёри ижодида бамисоли икки кутубдаги Станиславский ва Мейерхольд тамойилларини бирлаштиришга ҳаракат қилди. Гротовскийни кўпроқ актёрнинг руҳий олами қизиқтирарди, шу боис бутун умр инсоннинг қай тахлит ижодкорга айланиши, истеъдод феноменининг юзага чиқишини ўрганди ва пировардида, Дидро айтмоқчи, “қобилиятли актёр ўта камёб ҳодиса” эканини тан олди. Ежи Гротовский театрни ибодатгоҳ даражасида улуғлади, аммо худосизлар жамияти қалбан бўлса-да, черков қуришни тақиқларди. Боз устига режиссёр хилватда яшаб, ижод қилолмасди.

Бугун театрда дахлдор инсон борки, албатта, Гротовский техникасидан фойдаланади. У театр тарихида актёр ботинини чуқур ўрганган мураккаб сиймолардан бири эди. Унинг спектакллари нақадар бетакрор экани йиллар ўтгач, ёрқинроқ кўриняпти.

Ежи учун кўплаб режиссёрлар орзу қиладиган зал тўла оломон керак эмас. У худди истиғфор вақти черковда ҳосил бўлувчи руҳий энгил тортиш, фориғланиш кайфиятига ўхшаш интим театр тарафдори. Баҳсли бўлса-да, айтиш керакки, Гротовскийнинг баъзи спектакллари Станиславский, Мейерхольд, Арто изланишларидан чуқурроқ ва таъсирлироқ. У, ҳеч шубҳасиз, XX асрнинг ислоҳотчи режиссёрларидан бири.

Ҳозир дунё театрларидаги вазият мен режиссёр сифатида фаолият бошлаган давримдан анча яхшироқ: ёш режиссёр Мейерхольд, Станиславский, Арто, Гротовскийдан тортиб ким маъқул келса, хоҳлаганича ўрганиши, ҳатто тақлид қилиши мумкин. Лекин бунга уқуви ва салоҳияти етадиган режиссёрлар камга ўхшайди.

– Ёзган китобларингизда ҳам режиссёр барча театр системаларидан фойдаланиб кўриши лозимлигини кўп бор таъкидлайсиз.

– Театр – мутлақ ҳақиқатни тан олмайдиган исёнкор санъат. Жаҳонга машҳур сахна арбобларининг китобларини мукка тушиб ўқисангиз ҳам қандайдир театр қолипи ёки формулани топиш амримаҳол. Баъзан 50-йилларнинг дурдона спектакллари кўриб, оддий таассуротдан бўлак завқ ололмайсиз. Демак, мутлақ ҳақиқат йўқ, фақат мақсадга элтувчи йўллар бор.

Театр, бу – юксак орзу ва тажриба учрашадиган жой. Сиз доимо ўртача шароитда, ўрта савияли одамлар билан ишласангиз, алал-оқибат, ўртача режиссёрга айланганингизни сезмай қоласиз. Биз доимо мукамалликка интиламиз ва англаймизки, ҳаётда бўлганидек, санъатда ҳам бунга эришиб бўлмайди.

Агар энг ёқимтой ва истеъдодли одамлар бирлашиб, хусусий театр тузамиз ва бешта репетицияда яхши спектакль яратамиз деб даъво қилишса, бу ташаббусни истехзо билан қарши олардим. Лекин бошқа томондан битта спектакль учун ўн йиллаб репетиция қилиш ёки махсус тайёргарлиги бор томошабинни кутиб яшаш – театрни тараккиётдан тўсувчи беҳуда жараён.

Хуллас, режиссёр реал ҳодиса ҳақида ўйлаши керак. Масалан, у қандайдир сирли сайёрада эмас Ерда яшайпти, унинг даромади, яхши актёрларга тўлаш учун пули бор. Мана сизга касбимизнинг мусбат-манфий жиҳатлари! Юқорида “шаккоклик”ка бориб, премьер агалмиш қувончли кунни ҳақоратлаган эдим, ҳозир эса мақташим мумкин: премьер – яхши воқеа, чунки у ишимизни бошқариб туради. Ахир, спектакль қачондир тайёр бўлиши керак-ку! (*Қулади*).

– Ахборот технологиялари жадал ривожланаётган бугунги кунда театрнинг кино ва телевидение билан рақобат қилиши қанчалик муҳим?

– Кино ва телевидениенинг инсониятга таъсири жуда катта. Эҳтимол, бу икки санъат ҳалигача пайдо бўлмаганида, театр ҳам боши берк кўчага кириб қолармиди? Айнан кино ва телевидениенинг мавжудлиги сабаб театр мудом ҳаракатда, замонавий дунёда ўз ўрни ва мавқеини сақлаб қолишга интилади.

Театр қандайдир стереотипларсиз томошабин тасаввурини уйғотишга қодир. Агар мен театрга бориб, сунъий ҳодисани, айтайлик, 11 сентябрда Америкада юз берган фожианинг фототасвирини кўрсам, вужудимда ҳақиқий ҳиссиёт пўртанаси туғилади, деб айтолмайман. Агар кимдир сахнада зарур ҳолатларни зарур сўзлар билан баён қилса, балки биз 11 сентябрь даҳшатлари ва унинг дунё манзарасини қанчалик ўзгартириб юборганини чуқурроқ англаймидик?..

*“Известия” газетасининг
2005 йил 3 мартдаги сонидан олинди.*

Муҳаббат ТЎЛАХЎЖАЕВА

“АИДА” – ЯНГИ ТАЛҚИНДА

Жаҳон опера санъати таракқиётига бемисл ҳисса қўшган буюк композитор Жузеппе Верди 1813 йил 10 октябрда Италиянинг Ранкола шаҳрида дунёга келган. Бастакорнинг ҳаёти тарихий воқеалар, ажойиб хотираларга бой бўлса-да, оилавий турмуши фожиавий тус олган эди. Аммо ижодий муваффақияти, эришган шон-шухратига ҳар қанча ҳавас қилса арзирди. Жузеппе Верди болалигидан мусиқага меҳр қўйди, унинг биринчи устози қишлоқлик арғанун(орган)чи бўлган. Бола етти ёшга тўлганида, мусиқага ихлоси сўнмасин деб отаси унга эски бир клавесин ҳадя қилади. Верди дастлаб мусиқа мактабида таҳсил олади, 1825 йилдан Бусетто шаҳридаги оркестрда дирижёр ёрдамчиси бўлиб фаолият кўрсатади. Афсуски, Вердини консерваторияга қабул қилишмайди. Шундай бўлса-да, ёш Жузеппе руҳини чўқтирмайди, аксинча Ла-Скала театрининг собиқ бастакори Винчензо Лавинья қўлида мусиқа илмини эгаллай бошлайди. Айнан Миланда Верди ўзи учун опера эшигини очади. Унинг ижодий фаолияти ҳам худди шу ердан бошланиб, кенг қулоқ ёзади. “Набукко” операси чинакам бастакор бўлиб етишган Жузеппе Верди шон-шухратининг бурилиш нуқтаси бўлиб қолди. Шундан кейин “Макбет”, “Риголетто”, “Трубадур”, “Бал-Маскарад”, “Дон Карлос”, “Аида”, “Отелло”, “Фальстаф” каби дурдона опералари бирин-кетин дунё юзини кўрди. Вердининг машҳурлик рутбаси шу қадар баланд эдики, биргина “Ж.Верди” номи ёзилган мактуб исталган манзилга бемалол етиб борарди. Буюк бастакор билан боғлиқ юзлаб ҳазиломуз воқеалар ҳамон эл оғзида юради. Шулардан бири куйидагича: кунларнинг бирида Верди ўзини даҳо саноғчи ёш бир бастакорнинг сўзларини диққат билан тинглагач, жиламайиб шундай дейди: “Дўстим! Ун саккиз ёшимда мен ҳам ўзимни буюк машшоқ деб юрардим ва ҳар доим “Мен!” дердим. Йигирма беш ёшимда эса “Мен ва Моцарт” дейишга ўтдим. Қирққа кирганимда “Моцарт ва мен” дейдиган бўлдим... – Соч-соқоли оқариб кетган бастакор паст овозда қўшимча қилади: – Энди эса шунчаки “Моцарт” дейман”.

Ўз бастакорлик истеъдоди ва салоҳиятига таяниб, Жузеппе Верди биринчилардан бўлиб либретто учун сюжет танлади. У доим драматизмга бой сахналар, эҳтиросли қаҳрамонларни изларди. Шу боис Верди ижодига мансуб мумтоз асарлар яратилганига бир юз эллик йил вақт ўтган

¹ Муҳаббат Тўлахўжаева – санъатшунослик фанлари доктори, профессор.



бўлса-да, ҳануз жаҳон опера театрлари репертуари учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётир.

Жузеппе Вердининг “Аида” операсини жаҳон муסיқа санъатидаги энг яхши асарлардан бири деб аташ мумкин. Операдаги ҳамма хусуси-

ят бир-биридан ноёб, гўзал: рақсларга бой муסיқа, ёрқин рамзлар, ғайриоддий сюжет, тарихий воқеа-ҳодисаларга асосланган кечмиш. Мазкур спектакль дунёга машхур опера театрларининг деярли барчасида сахналаштирилган. Бунинг сири шундаки, томоша сюжети фожиавий пафосга йўғрилган бўлиб, буюк ва назокатли, дардчил ва мунгли муҳаббат ҳақида ҳикоя қилади. Буюк Вердининг хайратомуз, жозиб муסיқаси қалбингиз остида акс садо бергандек туюлади.

Энди бирров тарихга назар солайлик. 1868 йил Миср ҳукумати Сувайш каналининг очилишига бағишланган опера ёзишни сўраб, Вердига мурожаат қилади. Опера 1869 йил куриш режалаштирилаётган Қоҳира театри учун мўлжалланган эди. Бироқ бастакор 1870 йилдагина “Аида”ни ёзишга ўтиради. Операнинг қисқа сценарийси Қоҳирада истиқомат қилувчи таниқли француз мисршуноси О.Э.Мариэтт каламига мансуб бўлиб, муаллиф либретто яратишда фаол иштирок этган.

“Аида” операсидаги воқеалар фиръавнлар ҳукмронлиги даврида Қадимги Мисрнинг Мемфис ва Фива шаҳарларида бўлиб ўтади, унда мисрликлар ва ҳабашлар ўртасида адоват кучайган давр ҳақида ҳикоя қилинади. Тарихий асосга қарамай, опера марказида икки ошиқ-маъшуқ пайдо бўлади: ҳабаш маликаси Аида мисрликлар қўлига кул бўлиб тушади ва фиръавн саройида чўрилик қилади; иккинчи қахрамон сарой посбонлари бошлиғи Радамесдир. Фиръавннинг рашкчи ва қасоскор кизи Амнерис Радамесни севиб қолади, натижада у икки севишганнинг муҳаббатига раҳна солишга ҳаракат қилади ва охир-оқибат Аида билан Радамеснинг самимий муҳаббатини йўққа чиқаради.

Мана шу сюжет йўналишини Верди ватанга садоқат, бурч ва туйғу ўртасидаги кураш мавзуси билан уйғунлаштиради, бу билан буюк бастакор босқинчилик урушларию халқлар ўртасидаги низоларни қоралайди. Кенг миқёсли ҳаракатлар, хор оммаси, маросим юришлари, саф тортишларни муаллиф ички ҳиссий жозибадорлик, чуқур лиризм ва драматизм билан тасвирлайди. “Аида”ни том маънода рухий муסיкий драма деб аташ мумкин, боиси барча воқеа-ҳодисалар олий ахлокий ғояга бўйсундирилган. Якуний сахналар – ариялар, дуэтлар, ансамбллар, хорларни сақлаган ҳолда Верди сюжет моҳиятига ўткир зиддият, драматик вазиятларни сингдириб юборади.

Операнинг илк сахнавий талқини катта муваффақиятга эришди.

Бахтга қарши Верди 1871 йил 24 декабрда Қоҳирада бўлиб ўтган премьерарада иштирок этмади. Рекламаю газеталарга тўла шовкин-суронли мухитни композитор табиатан хушламасди. Қоҳирадаги ғалаба ортидан Вердининг ватанида “Аида” катта шуҳрат қозонди, сўнг бу зафарли одим бутун Европа бўйлаб ёйилди. Операнинг Миландаги репетицияларига муаллифнинг ўзи раҳбарлик қилди. Премьера етти ҳафтадан кейин бўлиб ўтди, Қоҳирадаги муваффақиятдан сўнг томошабинлар бастакорни 32 марта саҳнага чорлади!



“Аида” бугун ҳам жаҳон опера театрларининг нигоҳида. Таникли режиссёр Ф.Дзеффирелли 2006 йил “Аида”ни машҳур Ла Скала театрида саҳналаштирди. 2013 йил Парижда Оливье Пи талкинидаги шов-шувли спектаклни опера мухоблари хануз ҳайрат билан эслайди. 2014 йил Жузеппе Верди таваллудининг 200 йиллигига бағишлаб, немис театр режиссёри Петер Штайн “Аида”ни Москвада, кейин эса Ла Скалада саҳнага олиб чиқди.

Эътиборлиси, яқинда пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри саҳнасида ушбу опера қайта саҳналаштирилиб, янги саҳнавий ҳаётини бошлади. Опера ижодкорлари – постановкачи-режиссёр Ф.Сафаров, мусиқа раҳбари ва дирижёр Д.Абдурахмонова, либослар рассоми Л.Полвонова мухташам, ёрқин, гўзал ҳиссиётларга бой спектакль яратишга муваффақ бўлишган. Спектаклда Верди операсининг матни қайта инкишоф этилади, характерлар, вазиятлар, лирик ва драматик саҳналар маҳорат билан очиб берилди. Асли жаҳон мусиқаси тарихида қаҳрамонларнинг баҳсли диалоглари, “яккама-якка” олишувларига асосланган бошқа бирор операни учратиш амри маҳол: Аида-Амнерис, Аида-Амонасро, Аида-Радамес, Амнерис-Радамес ҳамда энг ҳаяжонлиси, Аида ва Радамеснинг якуний дуэти. Режиссёр ҳар бир характерни қатъий белгилар экан, операнинг мураккаб, зиддиятли қаҳрамонларини гавдалантиришда актёрларга эркинлик беради.

Аида (М.Полякова), Амнерис (Я.Багрянская), Радамес (Н.Синхабиби) маҳорат бобида бир-биридан қолишмайди. Уларнинг асосий эътибори саҳнавий ва драматик характерга айланган яккагон (вокал) рамз яратишга қаратилди. Актёрлар талкинидаги ҳар бир образ қаҳрамонлар руҳий ва ҳиссий ҳолатига чуқур кириб бориши, ижронинг аниқ-тиниқ, равон ифодаси билан ажралиб туради. Марказий вокал партияларининг фусункор оҳанглари актёрлар ҳайратомуз табиийлик ва уйғунликда кўрсатишади, росмана драматик ва вокал имкониятларини ишга солишади.

Опера драматургияси моҳиятан бир-бири билан узвий боғланган – камер ва монументал қатламлардан иборат. Спектаклда хорлар катта

таъсир кучига эга, айниқса, Радамеснинг ғолибона қайтиш сахнасида тантанаворлик руҳи бўртиб туради. Энг ёрқин оркестр лавҳаларида ҳам шундай ҳолатни туйиш мумкин. Бунда труппанинг ажойиб мусика раҳбари Д.Абдурахмонованинг маҳорати алоҳида ўрин тутади, боиси истеъдодли ижодкор Вердининг мусиқий партитурасига ўз ақлу заковати, қалб сезгилари билан ёндашади. Яна шуни таъкидлаш лозимки, “Аида”нинг янги талқинида Миср рақс унсурлари балет мусиқаси билан жозиб уйғунлик ҳосил қилган. Балетмейстер З.Нурибетов сахналаштирган ёрқин, маънодор рақс композициялари операнинг умумий тузилишига монелик қилмайди, аксинча, уни бойитиб, спектакль муҳитига романтик кайфият бағишлайди.

Жузеппе Верди 1901 йилнинг 27 январиди 88 ёшида Миланда вафот этди. Италияликлар буюк бастакорга мотам тутибгина қолмай, балки бутун итальян маданиятини мужассам этган сиймодан айрилгани учун хўнграб йиғлади. Марҳум билан видолашгани икки минг нафар одам келди, “Набукко” операсидаги “Хаёл суриш”ни ижро этган 800 нафар актёр бу ҳисобдан мустасно эди.

Вердининг Алишер Навоий номидаги Давлат Академик катта театри жамоаси сахналаштирган “Аида” спектакли мумтоз операнинг юксак мезонларини кўрсатибгина қолмай, труппанинг юқори ижодий имкониятини намоён этди, спектаклда вокал, оркестр ва сахна мезонларининг ажойиб муштараклиги юзага келди.






ВЬЕТНАМ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ

Жануби-Шарқий Осиёда, Ҳиндихитой ярим оролида жойлашган ушбу давлат тарихи милоддан аввалги III асрларга бориб тақалади. Гарчи бундан 2500 йиллар аввал ҳозирги Шимолий Вьетнам худудида вьетнамларнинг аجدодлари яшаган бўлса-да, уларнинг илк давлати – Аулак милоддан аввалги III асрда шаклланди. Милоддан аввалги 207 йили Аулак вьетлар давлати – Намвьет билан қўшилиб кетди. Милоддан аввалги II–I асрларда Намвьет Хитойнинг Хан сулоласи ҳукмронлиги остида бўлди. Бу давлат милодий VII асргача Зяоти, кейин Аннам деб номланди. Лаквьетлар хитой феодалларининг хитойлаштириш сиёсатига қарши узоқ вақт курашди ва 939 йили мустақилликка эришдилар. 968 йили мамлакат Дайковьет (Буюк Қадимий Вьет) номини олди. Кейинчалик бу давлат Жануби-Шарқий Осиёдаги йирик давлатга айланди. Ли сулоласи даври (1069–1225)да мамлакат Дайвьет деб атала бошлади. Пойтахт Танг-Лонг (ҳозирги Ханой) га кўчирилди.

XVIII аср охирида мамлакатнинг жанубий қисми ҳукмдори Нгуен Ан шимолий худудларни ҳам эгаллади ва 1804 йили мамлакат Вьетнам номини олди. (“Вьетнам” истилоҳи икки сўз – “вьет” (халқ номи) ва “нам” (жануб)дан таркиб топган бўлиб, “Жанублик вьетлар” маъносини англатади). Аммо Вьетнамнинг мустақил ривож-



Мустақиллик санаси –
1945 йил 2 сентябрь
Пойтахтни озод қилиш кун
– 1954 йил 10 октябрь
Пойтахти – Ханой
Майдони – 331 210 км²
Аҳолиси – 92 477 857 киши
Давлат тили – вьетнам тили

ланишига мустамлакачи давлатлар тажовузи тўсқинлик қилди. XIX асрда Франциянинг кўл остига ўтди, II жаҳон уруши даврида япон милитаристлари Вьетнамни босиб олди. Ватанпарвар кучларнинг ҳаракати натижасида 1945 йил мамлакатнинг асосий қисми мустамлакачилардан озод қилинди ва Хо Ши Мин раҳбарлигида Миллий озодлик кўмитаси (Муваққат ҳукумат) тузилди. 1945 йил 2 сентябрда мустақил Вьетнам Демократик Республикаси тузилгани эълон қилинди.

Таассуфки, шундан кейин ҳам вьетнамларнинг мустақиллик орзусини йўққа чиқаришга бўлган интилишлар сусаймади. 1945 йил декабрда Вьетнамга француз мустамлакачилари бостириб кирди. Орадан ўн йилча ўтиб, Франция мағлубиятини тан олишга мажбур бўлганидан сўнг Вьетнам АҚШнинг ҳарбий базасига айланиб қолди. Мамлакат иккига – Шимолий ва Жанубий Вьетнамга ажралиб кетди. Вьетнамларнинг озодлик учун кураши, АҚШнинг 1964–1965 йилларда мамлакатни бомбардимон қилиб, вайронага айлантиргани бутун дунёдаги тинчликпарвар кучларнинг эътиборидаги мавзуга айланди. Ниҳоят, 1976 йил июлда Шимолий ва Жанубий Вьетнам бирлаштирилиб, ягона давлат – Вьетнам Социалистик Республикаси тузилди.

Мамлакатимиз билан Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасидаги дипломатия муносабатлари 1992 йил 17 январда ўрнатилган.

Вьетнамлар 2 сентябрни Мустақиллик, 10 октябрни эса Пойтахтни озод қилиш куни сифатида байрам қиладилар. Журналимизнинг мазкур сониди Вьетнам адабиёти ва санъатига кўпроқ урғу берар эканмиз, ўзбек ўқувчиси ўзи учун ушбу мамлакатнинг ҳали нотаниш қирралари ҳақида билиб олади деган умиддамиз.



Адабиёт

Бошқа халқлар адабиётида бўлгани сингари, Вьетнам адабиётининг шаклланиши ва халқ руҳиятининг юксалишида ҳам халқ оғзаки ижодининг таъсири катта бўлган. Масалан, вьетнам халқ оғзаки ижодида муҳим ўрин тутувчи кўшиқ жанрининг ўзиёқ халқнинг табиатидаги ўзига хосликларни акс эттиради. Шимолликлар шўх-қувноқ кўшиқларни маъкул кўришса, жанубда оғир, лирик оҳангларни кўпроқ тинглашди. Ёки шимолий этник гуруҳларга улуғвор эпик шеърлар хос бўлса, шимоли-ғарб томонда яшовчилар лирик-эпик шеърятни афзал билади.

Бир неча бор Хитой мустамлакаси бўлгани боис Вьетнамда XI асрга қадар яратилган аксарият ёзма ёдгорликлар қадимги хитой алифбосида битилган. X асрда Вьетнамга буддизм таълимоти кириб келиши натижасида хитой тилидаги адабиёт янада жадал ривожлан-

ди. Вьетнам миллий адабиётининг пойдеворини қўйган ёзувчилар Ман Зяк, Вьен Тьеу ва Кхонг Ло таъсирида диний адабиёт ўзгариб, муаллифнинг шахсий ёндашуви асосий ўринга чиқа бошлади. Табиат манзаралари аввал фақат диний мотивларга хизмат қилган бўлса, эндиликда кундалик ҳаёт тарзини ифодалашда ҳам муҳим воситага айланди.

XIII асрда хитой иероглифи асосида шаклланган “тъи-ном” ёзувида соф Вьетнам адабиёти намунаси яратилди. Бир қатор адабий жанрлар (тўртлик ва саккизликлар), бир вазнли наср – “фу”, ҳикоят-қиссалар вужудга келди. Афсуски, XIII–XIV асрларга мансуб кўплаб асарлар бизга қадар сақланмаган. Фақат Тю Ван Ан, Хан Тхюэн, Хо Куи Ли каби шоирларнинг тъи-номда ёзилган айрим шеърлари маълум, холос.

Вьетнам адабиётининг етакчи йўналиши саналган шеърятда конфуцийчи олимларнинг ўрни кучая бошлади. Натижада адабиёт икки тамойилда ривожланди: сарой аҳли таъбига мос лирика ва конфуцийчилар адабиёти. Биринчи оқимда бош ғоя пейзаж мотивларида акс этарди. Яъни, ҳаёлот орқали дунёни ҳис этиш ифодаланган. Бундай асарларнинг муаллифлари кўпинча буддизмга эътиқод қилувчи оксуяк диндорлар бўлишган. Улар орасида ҳатто Чан сулоласининг императори, кексайиб зоҳидлик йўлини танлаган шоир Чан Нян Тонг (1258–1308)ни ҳам учратиш мумкин.

Ле сулоласи ҳукмронлигидаги муваффақиятли ҳарбий юришлар сабаб турфа хил асарлар юзага келди. Император Ле Тхань-Тонгнинг ўзи ҳам назмда қалам тебратган. У диққат эътиборини нафис санъатни ривожлантиришга қаратди. Император конфуцийлик таълимотини тарғиб қилиб, мамлакатнинг ҳар бир бурчагида адабий муҳит яратди. Йигирма еттита машҳур шоирдан иборат “Шоирлар дунёси” номи остида адабиёт жамиятини тузди. Дам Тхан Хюи, Зионг Чик Нгуен ва Нго Хоан каби шоирлар мазкур жамиятнинг етакчи вакилларидан эди. “Шоирлар дунёси”нинг шеърларида табиат, Ватан ва буюк кишилар шаън-шавкати мадҳ этиларди.

Вьетнам халқининг миллий қахрамони, атоқли шоир Нгуен Чай (1380–1442) узоқ йиллар шоирлар учун илҳом манбаси бўлиб келди. Бу шоир ва давлат арбобининг қисмати фожиавий тугади. Нгуен Чай подшоҳни ўлдиришда айбланиб, қатл этилади, орадан вақт ўтгач, унинг айбсизлиги маълум бўлади. Нгуен Чайнинг бир вазнда ёзилган “Она тилидаги шеърлар тўплами”да адолатли жамият орзуси, маънавий кадриятларга садоқат туйғулари устуворлик қилади.

XVII асрда князь Чинь Вьетнам адабиётини тазйиқ остига олди, тъи-ном ёзувидаги китоблар ёппасига ўтга ташланди. Тарихчиларнинг ёзишича, миллий адабиётнинг қуйи қатламга кенг таъсири сабаб соф Вьетнам адабиёти қатағонга учради. Сўнгра миссионерлар таъсирида асарларга Инжил сюжетлари кириб кела бошлади. XVII асрда йирик шеърый жанрлар ривожланди; мумтоз адабиётнинг машҳур дostonларидан бири “Вионг тионг”да – милоддан аввал яшаган соҳибжамол аёл Ван Чжаоцзюн ҳаёти ҳикоя қилинади.

XVIII–XIX аср Вьетнам адабиёти ҳақида сўз кетганда, албатта, таниқли шоира Хо Суан Хионг номи ёдга олинади. У “Вьетнам

шеърияти маликаси” дея эътироф этилган. Шоира классик жанрларни уйғунлаштириб, Вьетнам алифбосида ижод қилган. Бирок оддий халқона сюжетлар ва қочириму киноялар орқали мутаассиб рухонийларга кескин муносабат билдиради. У шеърларида инсон жисмининг гўзаллигини мадҳ этади, шунингдек, табиат рамзи орқали қолиплашган дидактикани инкор этади.

Мамлакат тахти Нгуен сулоласининг биринчи императори Минь Манг қўлига ўтгач, бадий асарларда асосан ижобий қаҳрамоннинг шоҳга садоқати тараннум этила бошлади. Бу ҳол муҳолиф кайфиятдаги адабиётни ҳам кучайтирди. Муҳолифатдаги ёзувчилар Ле замониға – ўтмишга мурожаат қилардилар. Масалан, Нгуен Хюи Хонинг “Шафтолизор саройидаги туш” пьесасида император Ле кўркем, баркамол инсон қиёфасида гавдаланади; шоира Нгуен Тхи Хинь асарлари ҳам ўтмишни кўмсашга йўғрилган эди. Яна бир таниқли шоир Нгуен Зунинг Вьетнам адабиётидаги мақомини рус адабиётидаги Александр Сергеевич Пушкин билан қиёслашади. Унинг “Яраланган кўнгил изтироблари” асари катта шухрат қозонган. Бу асарда соҳибжамол қиз ота-онасини қутқариш учун бузук йўлга киришга мажбур бўлади. “Яраланган кўнгил изтироблари”да Нгуен ҳокимияти аччиқ киноя остиға олинади.

Мустамлакачилик даврида Вьетнам адабиётида сатира жанри етакчилик қилади. Масалан, Нгуен Кхюэн император уйини истездодсиз актёрлар труппасиға қиёслайди. Вьетнам адабиётини тубдан ўзгартириш учун “Нонг ко мин дам” газетаси бош муҳаррири Жильбер Тьеу замонавий романчилик бўйича танлов эълон қилади, танлов шартларида шундай ёзилади: “Ақлдан холи сийқа хаёлотға эрк бермаслик керак, яъни пичоқ ёки заҳардан ўлган қаҳрамон қандайдир дори орқали ҳаётға қайтиши мумкин эмас”. Шунингдек, аёллар ҳам эркаклар каби танловда қатнашиш учун тенг ҳуқуққа эғалиги қайд этилади.

Хитой ҳукмронлигидан озод бўлгач, Вьетнамда миллий адабиёт тез суръатда қаддини тиклади, бу маданий уйғонишда конфуций ва буддизм таълимотининг таъсири сезилиб турарди.

Замонавий Вьетнам адабиётида янги адабий ўзгаришларни кўп кузатиш мумкин, лекин ўтган юз йилда бу адабиёт бир қанча адабий синовларға дуч келди. Романлаштириш босқичи Вьетнам адабиётидаги инқилоб эди. Бу услубни қиссачилик, шеърият ва танқидчилик каби ягона мезонда баҳолашға ҳаракат бошланди. Ҳамма асарларда битта умумий жиҳат учрарди, барча ижодкорларға хос баёнчилик ифодасини янгилаш учун муаллифлар таъсирли ва турланувчан услубдан фойдаланишарди.

Бугун Вьетнам адабиётининг жаҳон сахнасида ўз ўрни бор. Энг машҳур ижодкорлардан бири – илмий-фантастик ёзувчи Ву Ким Зунг тирик жоннинг нусхасини яратиш, клонлаштириш фожиаси ҳақида ёзди. Ло Нган Шун, Май Ван Пхан, Буй Сим Сим каби шоирлар, Чан Тхюи Май, Ли Лан сингари ёзувчилар ижодида анъанавий адабий образларнинг янгича талқинларини кузатиш мумкин.

Фаррух ЖАББОРОВ

Тасвирий санъат



Вьетнам халқининг бетакрор ва ўзига хос маданияти милоддан аввалги I асрда шаклланган бўлиб, ҳозиргача миллий хусусиятларини сақлаб келмоқда. Бу фикрни тасвирий санъатга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Асосан ўрта асрларгача Вьетнамда меъморчилик ва ҳайкалтарошлик қисман ривожланган эди. IX–XII асрларга мансуб тасвирий санъатнинг монументал намуналари нафислиги билан ажралиб туради (Чакъелик раққоса ва созандаларнинг бўртма тасвири). XI–XIV асрлар ҳайкалтарошлигида ҳайвонларнинг гўзал ва мутаносиб қиёфасини яратишга эътибор қаратилади. XV–XVIII асрларга келиб, портрет рангтасвири раванқ топади.

XIX–XX асрлар Вьетнам тасвирий санъатида кескин ривожланиш даври бошланди. Мамлакатда юз берган муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар тасвирий санъат асарларига муҳрланди. Маълумки, ер юзидаги кўплаб халқлар каби Вьетнам ҳам мустақиллик ва миллий озодлик учун ўнлаб жангу жадалларни бошдан кечирган. Урушнинг оғир кунларига қарамай, вьетнамлик рассомлар мунтазам ижод қилиб, тинчлик-тотувликни тарғиб қилувчи асарлар яратишган.

Янги Вьетнам санъатининг туғилиши XIX аср охири – XX аср бошларига тўғри келади. Айнан шу даврда маданий ҳаётнинг барча жабҳалари қатори тасвирий санъат ҳам мазмун-моҳият жиҳатидан янгиланди. Франция мустамлакаси йиллари Вьетнам тасвирий ва амалий санъатида Европа маданиятининг таъсири сезилди. 1901 йили Тхузюмат шаҳрида қизил дарахдан буюмлар ишловчи ўймакорлик мактаби очилади. Бўлажак хунарманд ва рассомлар мебель яшаш, шахсий виллалар интерьерини безаш бўйича зарур кўникмаларни ўзлаштириши лозим эди. Шу боис мактабда маҳсус дастур ишлаб чиқилади ва унга мувофиқ қуйидаги тўртта фанни эгаллашга урғу берилади: 1) Қимматбаҳо ёғоч турларидан мебель ва бошқа буюмлар яшаш; 2) Лак бериш санъати; 3) Ёғоч ва фил суяги ўймакорлиги; 4) Безак бериш санъати. Бундан ташқари академик услубдаги чизмачилик ва рангтасвир фанларини ўқитиш ҳам йўлга қўйилади.

1907 йили Бьенхоа шаҳрида кулолсозлик ва мисдан амалий санъат буюмларини тайёрлаш бўйича бадий санъат мактаби очилади. Унда гулдон, кўза, сопол ҳайкалчалар яшаш усуллари ўргатилади. 1913 йили Зядин шаҳрида бадий-декоратив безак бериш санъати бўйича бошланғич мактаб ташкил этилади. Ушбу масканда кандакорлик, литография ва тасвирий санъатга доир бошқа фанлардан сабоқ берилар эди. Мактаб битирувчилари француз мустамлакачиларининг виллалари ва маъмурий биноларини безаш, босмаҳона ва устахоналарда ишлаш билан машғул бўлишган.

1920 йил Ханойда амалий санъат мактаби фаолиятини бошлайди. Унда мис қуйиш ва кумуш кандакорлик техникаси ўргатилиб, баъзи битирувчилар Ҳиндистон, Хитой олий нафис мактабида таҳсил олиш имкониятини қўлга киритишган.

Бу мактаблар туфайли Вьетнам тасвирий ва амалий санъати юксак натижаларга эришди. Мазкур масканларни тамомлаган ёшлар орасидан мамлакатнинг таниқли ва маҳоратли рассом, ҳайкалтарош ҳамда хунармандлари етишиб чиқди.

XX асрнинг 20–30-йилларига келиб, кўплаб реалист рассомлар қадимги анъаналарга мурожаат қилишди. Шунингдек, дастгоҳли асарлар яратишда анъанавий лакли рангтасвир санъатини ўрганиш бўйича илк қадамлар ташланди. Вьетнамда лак ишлаб чиқаришнинг асосий марказлари: Фут-хо, Фу-ли, Нам-динь, Ханой шаҳарлари ҳисобланади. Кейшон дарахти сувидан олинувчи лак ёғоч ёки чарм буюмлар сиртини қоплаш мақсадида ишлатилган. Лакнинг хусусияти шундаки, у буюмни узоқ муддат сақлаб турган. Ибодатхоналарнинг меҳроби, ҳайкаллар, колонна, карниз, эшиклар лакланган ҳолда безатилган. Рангтасвирда ҳам унинг ўрни алоҳида бўлиб, сюжетли асарлар яратишда қўл келган. Манзарада – палма дарахти, дарё бўйидаги кулбалар тасвири, мифологик сюжетларда – турли қаҳрамонлар, ов саҳналари, миллий рақслар, маиший воқеалар акс эттирилган. Рассомлар ижод жараёнида эскизларга мурожаат қилмас, кўпроқ натурадан фойдаланишар эди. Тасвирда асосий ранглар – қора, қизил, жигарранг ва яшил бўлиб, бошқа рангларни ишлатиш қийинчилик туғдирган, сабаби оддий бўёқлар лак билан қўшилганда, қорайиб кетган. Кейинчалик олиб борилган изланишлар натижасида канифолин моддаси кашф этилгач, лакнинг сифати яхшиланади.

1932 йилдан тилла ва кумуш упалар рангтасвирга кириб келди, эндиликда оч ва ёрқин ранглардан фойдаланиш имконияти пайдо бўлди. 1945–1954 йиллар мобайнида Вьетнамда француз мустамлакасига қарши қаратилган урушлар санъатга ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Кўплаб рассомлар ўз асарларида уруш мавзусига кенг ўрин беришди. Фаш Вак Донанинг “Умумжамият кўзғалони”, Яконг Суан Ньининг “Тўдакнинг жасорати”, Нгуян Хи Киманинг “Халқ қасоскорлари” каби асарлари шулар жумласидан.

Лакли рангтасвирда ижод қилувчи маҳаллий рассомлардан Ле Куок Локанинг машҳур асарларидан бири 1957 йили яратилган “Таниш қишлоқ орқали” картинаси бўлиб, бу асар ҳам урушга бағишланган. Унинг “Баҳор” (1955) асари манзара жанрига хос бўлиб, табиат гўзаллигини лирик услубда тасвирлагани билан эътиборни тортади. Қизғиш-жигарранг тусдаги тупроқ, майин кўкатлар картинанинг эстетик таъсирчанлигини оширса, тўқ манзара фонида акс этган қизил-сарғиш осмон, нимтатир булутлар рассомнинг бой хаёлот ва кузатувчанлигидан далолат беради. “Денгизда” номли асарида муаллиф денгизнинг қудрати, тўлқинлар чайқалишини маҳорат билан гавдалантиради. Манзара жигарранг тусда бўлиб, эркин услубда ишланган. Рассом ёруғлик эффектини кучайтириш эвазига асарнинг табиий ва ёрқин чиқишини таъминлаган.

Тасвирий санъатдан фарқли ўлароқ Вьетнам ҳайкалтарошлиги бу даврда катта ўзгаришларга юз тутмади. Ўша йиллари Ханой мактаби фақат ўнга яқин ҳайкалтарошларни етиштирди. XX асрнинг 50–60-йилларига келиб, бир гуруҳ ҳайкалтарошлар авлоди ижод майдонига кириб келади. Дао Ван Кан, Нгуен Ван Ли ва Чан Ван Лам яратган ҳайкаллар янги услуби ва монументаллиги билан ажралиб туради.

Мойбўёқ рангтасвирида вьетнамлик рассомлар доимо фаол бўлишган. Бу йўналишда То Нгок Ван, Лионг Суан Ни, Чан Ван Кан ва бошқа рассомлар сермахсул ижод қилишди. Таниқли мусаввир Лионг Суан Ни манзара жанрида ижод қилишни маъқул кўради. Унинг асарларида серҳосил далалар, палма дарахтлари, қишлоқ ҳаёти жозибали шаклда тасвирланади. “Елканли қайикдаги оила” (шойи, акварель, 1950 йил), “Кудук ёнида” (мато, мойбўёқ, 1956 йил), “Манзара” (мато, мойбўёқ, 1956 йил) каби асарлари фикримиз далилидир.

Шойига тасвир солиш бўйича Нгуен Фан Тянь ижоди диққатга арзигулик бўлиб, рассом кўпроқ тўқ рангли колоритда ишлайди. У деҳқонларга бағишлаб туркум асарлар яратган. Мусаввир ҳар бир қахрамонига рухий тавсиф бериб, кайфият ва ҳолатини аниқ-ёрқин чизгиларда акс эттиради. Унинг баъзи картиналари машҳур француз рассоми Пол Гоген асарларини ёдга солади. Нгуен Фан Тянь ижодига мансуб “Бататларни юваётган киз” (шойи, акварель, 1931 йил), “Тош ўйнаётган болалар” (шойи, акварель, 1931 йил) каби асарлар Вьетнам тасвирий санъатининг нодир намуналарига айланган.

Мамлакатда шуҳрат қозонган йирик мусаввирлардан яна бири Чан Донг Лионгдир. Ушбу рассомнинг ижодий дастхати ҳам шойига битилган асарларда намоён бўлади. Унинг ишлаш услуби ўзгача: рассом дастлаб шойини қвас ичимлигига сингдириб, сўнг сувли бўёқлар ёрдамида асарлар чизган. Сура тасвирланган мато бир неча бор сувга ботирилгач, ранглар шаффоф тусга кирган. “Ёш қиз портрети” (шойи, акварель, 1959 йил), “Ёшлик” (шойи, акварель, 1958 йил) сингари асарлари алоҳида қимматга эга.

Тарихи узоқ Вьетнам тасвирий санъати ҳозиргача миллий негизини сақлаб келаётир. Кўплаб оғир синовларни бошдан кечирган вьетнам рассом, ҳайкалтарош ва усталари анъаналарга содиқ қолиб, янги авлод ижодкорларининг камолотига муносиб ҳисса қўшмоқда.

*Шаҳноза ҚОСИМОВА
тайёрлади.*

Меъморчилик

Вьетнам меъморчилигининг узоқ тарихига мансуб ибодатхона – каланлар ўзига хос меъморий ечими билан ажралиб туради. Тўртбурчак шаклдаги обидаларнинг ички қисмига декоратив безаклар билан ишлов берилган. Барельеф, голерьеф ва ҳайкалтарошлик намуналари билан бойитилган каланлар нақшинкор йўсинда безатилган. Ушбу декоратив унсурлар Вьетнам меъморчилигининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Кейинчалик ибодатхоналарни қуриш лойиҳаси Хитой анъанавий меъморчилиги – таойлар санъати билан уйғунлашиб кетади. Бино



нақшларида асосан аждар сурати акс эттирилган. Аждар – Вьетнам халқида тинчлик, хотиржамлик рамзи ҳисобланади. Биноларнинг ташқи қисмида тарихий воқеалар, мардлик, жасоратни мадҳ этувчи эпослар ҳамда турли мавзудаги эртақ ва ривоят мотивлари тасвирланган.

Вьетнамлик меъморлар бинолар тарҳини яратишда табиат гўзаллигидан илҳомланган. Шунингдек, Вьетнам ҳудудида ажойиб қасрлар, макбаралар ва “Пагод” деб номланган меъморий обидаларни учратиш мумкин. Пагодлар минорасимон кўринишга эга бўлиб, енгил павильон шаклида қурилган.

Вьетнамликлар бино томларини беркитишда асосан черепица (томга ёпиладиган сопол)лардан фойдаланиб келишган. Айниқса, булар маҳобатли биноларда кўпроқ кўзга ташланади. Кичик шаклдаги уйлар қурилишида эса пальма япроқлари билан қопланган томларни кўпроқ кузатиш мумкин.

Шимолий Вьетнамда меъморчилик мактаби милодий I асрда Хитой анъаналари таъсирида шаклланди. Марказий Вьетнамда эса ҳинд санъатига яқинлик сезилади. Бу жиҳат айниқса, Тямпа маданий марказидаги юксак тепаликда қад ростлаган қалан мисолида яққол кўзга ташланади. Сабаби, ибодатхонанинг ташқи беагаида индуизм маъбудларининг ярим доира шаклидаги пантеон (машҳур кишилар дафн этиладиган жой)лари акс эттирилган.

Милоднинг бошларидан то XIII асргача ҳукмронлик қилган Чампа қироллиги даврида қатор тарихий обидалар бунёд этилади. Мишон ибодатхона ансамбли шундай обидаларнинг энг машҳуридир. Қиролликнинг маданий маркази ҳисобланмиш ушбу ансамбль миноралар, макбаралар ва саройлардан ташкил топган. Бугунги кунда у ЮНЕСКО томонидан дунё маданий бойликлари рўйхатига киритилган.

Шимолий Вьетнам меъморчилигининг ривожини Дайвьет марказлашган давлатининг ташкил топиши билан боғлиқ. Ушбу даврда будда ибодатхоналари ва қирол хилватгоҳларини қуришга катта эътибор қаратилади. Бинолар лойиҳасида симметрик шакл устуворлик қилади ва хомашё сифатида ёғочлардан фойдаланилади. “Адабиёт ибодатхонаси” ансамблининг меъморий ечимиде хитой анъаналарининг таъсири сезилса, “Ҳаво ибодатхонаси” қурилишида вьетнам миллий меъморчилиги ёркин акс этади.

Х асргача вьетнамлар уй қуришга кўпроқ ёғоч ишлатишган. Асосан икки шаклда: қайиқ ва тошбақа косаси кўринишидаги бинолар барпо этиш урф бўлган. Худудда дарёлар, кўллар, ботқоқнинг кўплиги ҳамда рутубат сабаб уйлар архитектурасида асосан бамбук ва бошқа дарахтлардан фойдаланилган. Ҳозиргача бундай уйлар чекка қишлоқларда сақланиб қолган.

XIII–XVIII асрлар Вьетнам меъморчилигининг ўзига хос хусусиятлари диний ибодатхоналар, музейлар, кўприк ва бозорлар қурилишида намоён бўлди. Улар орасида Бут-Тхап (XIII–XIV асрлар) ва Тэй-Фонг (XVII–XVIII асрлар) тарихий ибодатхоналари алоҳида ажралиб туради.

Фантхиет ҳудудидан 40 километр узоқликда, Та Ку тоғида жойлашган буддизм маркази – мамлакатдаги кўзга кўринган меъморий обидалардан бири саналади. Бино марказида Вьетнамдаги энг баланд ҳайкал – 49 метрлик оқ тошдан ясалган Будда Шакямуни ёдгорлиги қад рост-

лаган. Қалин ўрмон ичида жойлашган ушбу зиёратгоҳ неча асрлардан буён диндорлар ва сайёҳлар доимий ташриф буюрадиган кадамжога айланиб улгурган.

Франция мустамлакаси йиллари Вьетнамда француз меъморчилик анъаналари етакчи услубга айланди. Париждаги Нотр-Дамни эслатувчи Ханой ибодатхонаси кўринишидан маҳобатли бўлмаса-да, ички қисмига бадиий зеб беришда рангтасвир ютуқларидан унумли фойдаланилгани эътиборга молик. Ханой ва Хошиминдаги Миллий театрлар, Тарих музейи, Президент саройи ҳамда Ишчилар маскани фикримизга мисол бўлади.

Замонавий Вьетнам шаҳарлари қиёфаси Шарқ ва Ғарб анъаналари уйғунлигида ривожланиб бормокда. Йирик шаҳарларда модерн йўналишидаги иморатлар бунёд этиляпти.

*Дилшод ШУКУРОВ
тайёради.*

Муסיқа



Вьетнам муסיқасини ҳудудий жиҳатдан учта: шимолий, марказий ва жанубий ҳудудлар муסיқаси, хронологик жиҳатдан эса тўртта: X–XIV асрлар, XV–XVIII асрлар, XIX–XX асрнинг биринчи ярми, 1945 йилдан ҳозирги кунгача бўлган даврларга ажратиш мумкин.

Мамлакат муסיқасининг характерли хусусияти шундаки, пентатоник муסיқий кетма-кетлик, яъни до – ре – ми – фа – соль – ля – си ноталари ўрнига хо – си – санг – се – конг ноталаридан фойдаланилади. Иккинчидан, Вьетнам муסיқаси овозни сайқаллаш ва импровизация учун эркинлик яратиш хусусиятига эга. Муסיқа таркибий жиҳатдан наянжлар (сарой муסיқаси), куанхо, качу, соан кўшиқлари, донкайгайтлар муסיқа санъати, “Ви” ва “Зам” куйларидан ташкил топган.

Вьетнам муסיқаси ҳақидаги энг қадимги маълумотлар Динь сулоласи замони (X аср)га мансуб бўлиб, ундан аввалги давр муסיқасига доир тафсилотларни фақат адабий манбаларда учратиш мумкин. X асрдан бошлаб мамлакат муסיқаси Хитой ва Ҳиндистон муסיқий маданияти таъсирида ривожланди ва бу даврда цисяньцинъ, дамару каби жанрлар пайдо бўлди. 990 йил Вьетнамда бўлган Хитой элчиси эсдаликларида император Ле Хоаннинг муסיқа санъатига катта эътибор бергани, саройда муסיқа ижрочилари, кўшиқчилар ва раққосалар иштирокида йирик тадбирлар ўтказилгани, уларда асосан халқ куй-кўшиқлари ижро этилиб, алоҳида “сарой муסיқаси” яратилмаганини қайд этади.

XV асрдан бошлаб Вьетнам муסיқасида ҳинд оҳангларининг таъсири сусайиб, эътибор Мин сулоласи даври – Хитой муסיқа санъати анъаналарига қаратилди ва маҳаллий муסיқа санъатида жанр хилма-хиллиги юзага келди.

XIX аср бошларидан Вьетнамда Европа мусикаси оммалашиб борди, мандолина, классик гитара ва скрипка куйларига қизиқиш кучайди.

Вьетнам мусикасини мазмунан диний, сарой ва оммавий мусика турларига ажратиш мумкин. Булар орасида камер ва оммавий таснифга кирувчи қўшиқлар алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, қачу қўшиқлари XVIII–XIX асрларга мансуб бўлиб, байрамларда ижро этилган мусиқий анъаналар негизида шаклланган. Вьетнамнинг марказий қисмида турли аккомпанементлар жўровозлигида ижро этиладиган кахюэ қўшиқлари, мамлакат шимолида юзлаб кўзи ожиз мусикачилар томонидан куйланадиган хо қўшиқлари, жанубда донкайтайтлар мусикаси кенг тарқалган.

Вьетнамнинг шимолий тоғли ҳудудларида истикомат қилувчи мионги, мяо, тхай, тхо элатлари орасида бронзадан ясалган барабан, дантине, кхене, литофон номли мусика асбобларидан фойдаланилади. Бунда портаменто ва глиссандо қўшиқлари сокин тарзда ижро этилиши билан ажралиб туради. Шимолий халқлар куй-қўшиқлари асосан байрамлар, тўй ва меҳнат маросимларида ижро этиладиган қўшиқларга ажратилади.

Марказий Вьетнамда асосан ов, балиқчилик, муҳаббат мавзуси, шунингдек, байрам, мотам маросимлари билан боғлиқ қўшиқлар куйланган. Бу куйлар гонги, тингнинг, тринг, кнн каби чолғулар ёрдамида ижро этилган.

Жанубий Вьетнам аҳолиси мусика маданиятида суяк ёки ёғочдан ясалган саринай, икки томонлама зарбли барабан – гинанг каби мусиқий асбоблар, оддий барабанлар жўровозлигида куйланувчи севги қўшиқлари – айрай, дostonлар ижроси кенг тарқалган. Бамбукли ксилофон – эде, бронза ва бамбукдан ясалган – гонги созлари аёллар ёки аёллар кийимидаги эркаклар томонидангина ижро этилган.

Няняк мусикаси сарой маросимларида кенг урф бўлган. Унинг таркибига нафақат куй-қўшиқлар, балки турли рақслар ҳам киритилган. Няняк мусиқий композициялари Чан ва Нгуенлар сулоласи даврида хилма-хил жанрларда куйланган. Няняклар императорнинг умрбоқий ҳаёти ва ҳукмронлигининг бардавом бўлишига бағишланган. Шунингдек, классик мусикалар ибодатхоналарда маъбудлар, олимлар, хусусан, Конфуций шарафига атаб ҳам ижро этилган.

Нгуенлар сулоласидан сўнг няняклар бутун мамлакат бўйлаб тарқалиб кетди ва 1978 йилгача уни сақлаш, ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмади. 1980 йилдан Вьетнам мактабларида нянякларни тарғиб қилувчи йирик тадбирлар ўтказилди. 2007 йил мамлакат президенти Нгуен Минь Чъетанинг Японияга ташрифи чоғида делегацияга няняклар ансамбли ҳамроҳлик қилди ва император саройида ўтказилган концерт дастурлари томошабинларда катта таассурот қолдирди. 2008 йил няняк ЮНЕСКО томонидан дунё маданий бойликлари рўйхатига киритилди.

*Ботир САНГИРОВ
тайёрлади.*

Рақс



Вьетнам худудида Донгшон бронза маданиятига мансуб раққослар ва маросим жараёнлари тасвирланган бронзали барабан (гонг)лар топилган. Қоятошлар билан бирга сақланиб қолган мазкур тасвирлар Жануби-Шарқий Осиё худудида юзага келган илк театр ва рақс томошалари ҳақида гувоҳлик беради.

Гонгдаги расмлар ранг-баранг бўлиб, марказда юлдуз ёки куёш тасвирини кўриш мумкин. Шунингдек, гонгларда чизик бўйлаб турган раққос ва раққосалар ўйинга тушаётган ҳолатда тасвирланган. Улар патлар билан безатилган улкан бош кийим ва узун юбкалар кийган бўлиб, қўлларида қурол тутган ҳолда акс эттирилган. Рақснинг шунга ўхшаш турлари ҳозирда Жануби-Шарқий Осиёнинг баъзи худудларида ижро этилади.

Мумтоз Вьетнам рақси сокин ва оҳиста ҳаракатларга асосланади. Раққос ва раққосаларнинг ижросида мимика муҳим аҳамият касб этиб, хис- туйғуларни ифодалашга хизмат қилади. Шу боисдан бўлса керак, вьетнамликлар ғарб рақсларини “миа” (“рақс”) эмас, балки “нхай” (“сакраш”) деб аташади.

Вьетнамдаги айрим рақслар табиатдаги мавжуд ҳодисаларни тасвирлайди. Масалан: дарёнинг оқиши, дарахтнинг тебраниши, капалак ва қушларнинг парвози. Бошқа тоифадаги рақслар эса йиғим-терим, кайиқда сузиш каби кундалик юмушларни кўрсатган.

Ижро воситасига кўра, вьетнам миллий рақслари бир неча турга бўлинади. Масалан, шляпа билан ижро этилувчи рақс ўзгача хусусиятга эга бўлиб, асосан иккита мавзуну ифодалайди: вьетнам аёлларининг гўзал ва нозик тимсоли ҳамда оддий халқ турмуши. Елпиғич билан ўйналувчи рақс эса Вьетнамнинг машҳур рақсларидан бўлиб, қирол саройи ва оддий халқ турмушида ижро этилган. Ушбу рақсда елпиғичнинг икки тури ишлатилади. Биринчиси катта ва ёрқин рангда, иккинчиси кичикроқ, сарғиш тусда бўлади ва рақс томошаларини сахналаштиришда асосий восита ҳисобланади.

Вьетнамнинг узоқ йиллик тарихи давомида кўплаб этник гуруҳлар турли рақсларни ижро этишган. Бунга “тронг бонг”, “куат”, “су ту” ва “баи бонг” кабилар мисол бўлади. Буларнинг айримлари кейинчалик профессионал рақсларга замин бўлди.

1945 йилдан бошлаб Вьетнамда замонавий рақс санъати ривожлана бошлади. У ўзида миллий ва Европа рақс мактаблари хусусиятларини мужассам этган. Вьетнам миллий рақсларидан “собон”, “кхен”, “чам” ҳамда товус рақслари маҳаллий аҳоли ва сайёҳлар орасида жуда машҳур.

*Шоҳиста ЯҲЁЕВА
тайёрлади.*



Театр

Вьетнам театрининг келиб чиқиши кўпгина Шарқ мамлакатларида бўлганидек халқ анъанавий куй-кўшиқлари, маросимлари, фольклорга тақалади. Мамлакат театри асосан

тўрт томоша тури – Тео халқ театри, туонг, кайлионг ҳамда кит-ной (замонавий сўзлашув услубидаги) драма театридан вужудга келган. Гарчи уларнинг асоси ўхшаш бўлса-да, шакл ҳамда ифода жиҳатидан бири-биридан фарқланади.

Хуанг Суан Хан, Чан Чонг Ким, Ж.Кордие, А.Прохоров каби тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, туонг – вьетнам классик театрининг тарихи XIII аср охирига бориб тақалади. Тарихчи олим Ле Куй Дон бу театр Си Цюй номли Хитой театри таркибида шаклланган, деб ҳисоблайди. Вьетнамлар 1285 йили хитойлик актёр Ли Жуан Шини асирга олишади. У Хитойдаги туонг театрининг асосчиларидан бири эди. Кўплаб ўзгаришларга қарамай, бу санъат тури Вьетнамда ҳам яшаб қолади. Натижада туонг вьетнам маросимлари ҳамда анъаналари билан бойитилган ҳолда маҳаллий халқ санъатига айланади. Бу томоша туонинг асосини куй-кўшиқ ташкил этиб, сўздан фойдаланилмагани боис, уни вьетнам операси ҳам дейишади.

Манбаларда туонг театрининг қироллик хонадонига кириб келиши XVII аср деб кўрсатилса да, бироқ бунга қадар махсус мусиқачилар ансамбли, рақс ва кўшиқ труппалари саройнинг турли байрамларида иштирок этишган. Амалдорлар ҳаётида туонг санъатининг ўрни бўлакча эди. У ҳар бир қабул маросимининг махсус элементи ҳисобланган. Шунингдек, туонг театр труппаси аъзоларини моддий жиҳатдан юқори лавозимни эгаллаган мансабдорлар таъминларди. Мураккаб ва ўзига хос либослар (баъзида Хитойдан олиб келинарди), актёрларни тайёрлаш жараёни катта маблағ талаб қиларди. Шу боис туонг труппасини ривожлантиришга асосан бадавлат ва амалдор инсонлар ҳомийлик қилишган, натижада у сарой санъати тариқасида ривож топган.

XVII–XVIII асрларда ҳукм сурган Нгуен сулоласи даврида аҳолининг турмуш тарзи фаровонлашгани боис турли байрамлар уюштиришга имконият яратилади. Рақс ва бошқа томоша санъатлари қаторида туонг ҳам тинчликни тараннум этарди. Император Минг Ман ҳам туонгга алоҳида эътибор қаратар, айрим саҳналар учун ўзи воқеалар ҳам ёзиб берарди. Император Ти Дик даврига келиб, сарой санъати сифатида шаклланган туонг юксак поғонага кўтарилади. Қирол сарой ховлисида туонг театри учун махсус бино қурдиради. Ти Дикнинг ўзи адабиётшунос сифатида пьесаларни тўплаб, муҳаррирлик қилади. Маълумотларга кўра, “Ван Биу Чин Тионг”, “Куан Фионг” каби пьесалар 100 кун давомида ҳар оқшом ижро этилган.

Вьетнам театри тарихи, хусусан, туонг театр труппаси ҳақида сўз кетганда, драматург Дао Тан (1845-1907) ижоди ҳақида алоҳида тўхталиш

лозим. У Жанубий Вьетнамда туғилган бўлиб, кейинчалик Хуэга кўчиб ўтади. Амалдор бўлишига қарамай, Дао Тан пьесалар ёзган, кўплаб шо-гирдлар тарбиялаган ва театр назариётчиси сифатида туонг театр труппасининг фаолияти ҳақида изланишлар олиб бориб, “Хи чионг туй бут” (“Театр санъати ҳақида”) номли китобини ёзган. Китобда театрнинг келиб чиқиши, пьесанинг ўзига хослиги, актёрлик маҳорати, драматургия ва ижро уйғунлиги, ҳаётийлик ва сахनावийлик каби қатор масалалар камраб олинган. Ушбу манба ҳанузгача Вьетнамда театршунослар учун асосий қўлланма вазифасини ўтаб келмоқда.

Сўнгги император Бао Дай французча тарбия олгани боис миллий театрға эътибор қаратмади. Янги даврга мослашолмаган ушбу театрнинг маданий ҳаётдаги ўрни аста-секин сустрлаша бошлади. Бу пайтга келиб, Жанубий Вьетнамда “Кай Лионг” театри етакчилик қилиб, туонг ҳам ушбу театрнинг айрим хусусиятларидан андоза олди. Театр репертуаридан машхур “Тарзан” спектакли ўрин эгаллади. Туонг театрида хитойлар ҳам, вьетнамлар ҳам она тилида кўшиқ куйлаб, томошаларни намоиш қилишди.

Кай Лионг – замонавий оҳангларға асосланган мусикали драма бўлиб, диалог ва монологлар ижроси бошқа театрлардан тамомила фарк қиларди. Бу янги театр I жаҳон уруши йиллари вужудға келган бўлиб, унда асосан камбағал, уй-жойсиз артистлар иштирок этишарди. Бу театр дастлаб мамлакатнинг жанубида катта муваффақиятға эришган бўлса, 1930 йиллар ўрталарига келиб, шимолда ҳам шуҳрат қозонди. Кай Лионг театри асосан саргузашт, мелодрама, натурализм элементларидан унумли фойдаланган.

1945 йил август инқилобидан сўнг Вьетнам театрида турғунлик даври бошланади. Ҳокимият тепасига келган коммунистлар туонг театри билан қандай йўл тутиш кераклигини билишмасди. Бир тарафдан туонг ўтмиш билан боғлиқ бўлса, иккинчи тарафи халқ қалбидан чуқур жой олганди.

1952 йилға келиб, ниҳоят биринчи бор туонг давлат труппаси ташкил этилди. Ўн кишидан иборат жамоада Нго Тхи Лиен, Нгуен Лай, Нгуен Ньо Туи каби машхур актёрлар ижод қиларди. Труппа ишни эски пьесалардан айримларини янгилаш билан бошлади. Улардан энг машхури уруш қатнашчилари ҳақидаги “Синглим Нго” асари эди. Худди шу даврда марказий Вьетнамнинг жанубий қисмида “Бешинчи округ туонг труппаси” деб номланган яна бир театр труппаси ташкил этилди. Театр ижодкорлари асосан кўҳна сюжетларни уруш билан боғлаб кўрсатар, айрим сахналарда эса ҳақиқий куруллардан фойдаланишарди. 1954 йили шимолға кўчиб ўтган труппа 1959 йилдан “Шимол Туонг театри” деб аталади.

Вьетнам театрида сахна тузилиши ўзига хос бўлган. Баланд бино ўртасида тепалик жойлашган бўлиб, йиғилганлар томошани тўрт тарафдан кузатишган. Амалдор ва бадавлат кишилар биринчи қаторда, махсус жойларда ўтиришган. Оддий халқ эса орқада тик туришган. Актёрлар барчанинг кўз ўнгида гримм қилади, спектакль тугагач, сахнадан дам оладиган жойларига тушиб, ҳатто томошабинлар билан суҳбат қуришлари мумкин. Вьетнам анъанавий театрида мусиканинг ўрни муҳим. Чунки муайян даврларгача томошалар сўзсиз намоиш

килинган. Кейинчалик театрга сўз кириб келган бўлса-да, мусиқанинг долзарблиги йўқолмади. Тханхуа ва Хабак каби мусиқачилар театрларда энг машхур созанда ва хонандалар саналган.

Вьетнам анъанавий театрига меҳнати ва умрини сарфлаган кўплаб машхур актёрларнинг номи ҳозиргача чуқур эхтиром билан ёдга олинади. Актёр Нгуен Ньо Туи, актриса Монг Диеп шулар жумласидан. Улар ижросидаги баъзи пьесалар жуда машхур бўлиб кетган. “Шон Хоу”, “Нгу Хо”, “Дао Там Суан”, “Нгеу Со Ок Хен” каби тарихий асарларда Вьетнамнинг мураккаб ўтмиши акс этирилган бўлса, замонавий пьесалардан “Дэ Тхам”, “Чинг Ни Вионг”, “Она муҳаббати” кабилар томошабинлар олқишига эришган.

XX асрнинг охирлари, XXI аср бошларига келиб Вьетнамда театрларга, айниқса, кит-нойга эътибор кучайди. Шунингдек, ҳукумат томонидан театр санъатига бўлажак мутахассисларни тайёрлаб берувчи таълим муассасалари қўллаб-қувватланди. Хусусан, 1961 йилда ташкил этилган Олий драма мактабидан етишиб чиқаётган кадрлар театр санъати ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Шу ўринда Вьетнам анъанавий кўғирчоқ театри хусусида алоҳида тўхталиш лозим. Мамлакатда ушбу санъат қадимдан мавжуд бўлган ва унинг хусусиятлари бошқа давлат томошаларидан тубдан фарқ қилади. Яъни, кўғирчоқ спектакллари сувда намойиш этилади. Ижрочилар сув (ҳовуз, баъзан кўл)да сузганича томоша кўрсатишади.

Ҳозирда замонавий Вьетнам театри ижодкорлари мавжуд анъаналарни сақлаган ҳолда янги шакл ва ифода воситаларидан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Анъанавий театр унсурларидан ташкил топган спектакллар вьетнам халқининг миллий ўзига хослигини белгиловчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Шунингдек, мамлакатда хусусий театрлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Булар асосан драматик театрлар бўлиб, репертуари модерн йўналишидаги спектакллардан иборат.

Бахтиёр ЁҚУБОВ
тайёрлади.



Кино

Вьетнамнинг сиёсий ҳаётидаги мезонлар миллий кинематографиянинг шаклланишига ҳам таъсир қилди. Хусусан, Вьетнамда дастлабки суратга олиш ишлари французлар томонидан амалга оширилган. Ҳозиргача “Патъе” компаниясининг қадимий пойтахт Хюэ манзаралари, божхона ва аҳоли турмуши, жамият урф-одатларига оид 1897 йилги лавҳалари сақланиб қолган. 1920 йил Ханойда ташкил этилган биринчи Вьетнам кинотеатри ҳам мазкур ташкилот номи билан боғлиқ.

Тижорий фильмлар ишлаб чиқариш ҳамда хусусий кинотеатрлар фаолиятини кенгайтириш мақсадида 1923 йил французлар томони-

дан “Хиндухитой фильмлари ва кинотеатрлари” компанияси тузилади. Вьетнамда яратилган биринчи бадий фильм – “Ким, Ван ва Киеу” (1923) ушбу корхонанинг илк маҳсулотларидан бўлди.

1924 йил Нгуен Лан Хионг Ханойда “Хионг Ки фильмлар студияси”га асос солиб, тез орада “Тулпор учун пенни” (1924), “Ка Ло” (1924) номли дастлабки тўлиқ метражли миллий бадий фильмларни суратга олади.

1937 йил ноябрида Аннамдаги Санъат арбоблар уюшмаси Жанубий Хитой кинокомпанияси билан “Кўланка майдон” (1938) овозли фильмини яратиш бўйича ҳамкорлик шартномасини имзолайди. Худди шу паллада актёрлар гуруҳи томонидан вьетнамлар ҳақидаги “Пўртана” (1938) номли илк Гонконг фильми ишланди.

1939 йил Сайгондаги “Осиё фильмлар студияси” раҳбари Нгуен Ван Дин ҳамда “Кай Лионг” театри актёри Там Зан ўзларининг “Чин муҳаббат” (1938) деб номланувчи тўқсон дақиқалик оқ-қора тасвирдан иборат биринчи овозли картиналарини намоиш этишди. Шундан кейин Нгуен Ван Диннинг “Ғалаба кўшиғи” (1940), “Тоетни кўрқитган шарпалар” (1940) сингари фильмлари мустақил изланишлар сифатида юзага чиқди.

1953 йил 15 март Вьетнам кинематографиясида муҳим воқелик юз берди. Хо Ши Мин кино ва фото маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи Миллий корхона ташкил этиш тўғрисидаги фармонга имзо чеккан ушбу кун расман Вьетнам миллий кинематографиясининг таваллуд санаси сифатида белгиланди.

XX асрнинг ярмига келиб сиёсий жараёнларнинг беқарорлиги сабабли Вьетнам иккига – Шимолий ва Жанубий ҳудудларга бўлиниб кетгани кинематографияда ҳам ўз нуксини қолдирди. Шимолий Вьетнамда кино давлат томонидан қўллаб-қувватланса-да, каттиқ назоратга олинган ва аниқ ғоявий мақсадларга йўналтирилган эди. Жанубда эса, аксинча, ҳукумат кинематографияга аралашмагани боис тижорий маҳсулотлар ишлаб чиқариш авж олди. Шунинг учун инқироз ва юксалиш, жанр ва сюжет ранг-баранглиги, тажриба қилишдан чўчимаслик, АҚШ, Филиппин, Таиланд, Гонконг, Тайвань ижодкорлари билан ҳамкорлик юритиш каби сифатлар Жанубий Вьетнам киносига хос жиҳатлардан саналади.

Жанубий Вьетнам киносининг энг гуллаган даври 1957 йилларга тўғри келиб, шу вақтда “Лук Ван Тьен” (1957) биринчи вьетнам рангли фильми экранга чиқди. Томошабинлар кўпроқ француз мелодрамалари, американча вестернлар ҳамда ҳинд мусикали фильмларини қизиқиш билан кўришган.

1959 йил Жанубий Вьетнамда ўттизга яқин ижодкорларни жамлаган Миллий кино маркази ташкил қилинди. 1963 йилга келиб Жанубий Вьетнам киносига юксалиш бошланди. Замонавий технологияга эга, сифатли картиналар ишлаб чиқарувчи янги киностудиялар пайдо бўлди. Шулардан “Альфа фильмлар студияси” Ким Кионг ва Къеу Тинь ижросида қатор муваффақиятли фильмлар яратди.

Эътиборлиси шундаки, Вьетнам кинематографияси билан ўзбек киноижодкорларини боғловчи тарихий воқеалар ҳам маълум. 1959-1962 йилларда собиқ Иттифоқ Маданият вазирлиги йўлланмаси билан режиссёр Аждар Ибрагимов ва ўзбек кинооператори Малик Қаюмов Шимолий Вьетнамга юборилади. Улар биргаликда кино мактаби (ҳозирги

Кинематография институти)га асос солиб, актёрлик маҳорати ва режиссурадан сабоқ беришади. Кўп ўтмай ўқувчилар билан “Куз аввалидаги бир кун” (1962), “Оқ кўзли қушча” (1962), “Икки солдат” (1962) сингари тўлиқ ва қисқа метражли фильмларни суратга олишади. Мазкур картиналар юқори баҳо олган.

1970 йилдан ҳар икки-уч йилда мунтазам ўтказиладиган Вьетнам кинофестивали иш бошлайди. 1976 йилда Жанубий ва Шимолий Вьетнам бирлашгач, кино соҳаси янада ривожланди. Мамлакатда асосан миллий фильмлар ишлаб чиқаришга катта эътибор берилди. 1992 йилгача Вьетнамда бирорта ғарбий картинанинг яратилмагани фикримизни тасдиқлайди.

Замонавий Вьетнамда ҳар йили давлат киностудиялари томонидан 15 га яқин бадиий, 20 та ҳужжатли ва 10 дан ортиқ анимацион картина тайёрланади. Давлат киностудияларида суратга олинаётган Вьетнам фильмларининг аксарияти ҳарбий мавзуда.

XXI аср бошларидан кенг томошабинлар аудиториясига мўлжалланган кўнгилочар йўналишдаги картиналар кўпайди. Ле Хоангнинг “Майхонадаги қиз” (2003) мелодрамаси миллий фильмларга қизиқиши сусайиб бораётган вьетнамлик томошабинларни кинотеатрларга қайтарган режиссёрлик иши саналади. Шунинг учун Ле Хоангни мамлакат тижорий кинематографияси асосчиси деб билишади.

Бугунги Вьетнам киноси нуфузли халқаро фестивалларда иштирок этиб, жаҳон маданий жамоатчилигининг эътирофига сазовор бўлмоқда. Муҳими, миллий характердаги фильмлар сон ва сифат жиҳатидан кенгайиб борапти. Умуминсоний ғояларга қаратилган, инсон руҳий олами тадқиқ этилган таъсирчан картиналар суратга олиш борасида изланишлар кечмоқда.

Азиз МАТЁҚУБОВ
 тайёрлади.



ВЬЕТНАМ ШЕЪРИЯТИДАН

НГУЕН ЧАЙ

(1380–1442)

Рус тилидан
Турсун АЛИ
таржимаси

Нгуен Чай – атоқли шоир, давлат арбоби, Вьетнам халқининг миллий қаҳрамони. Нгуен Чай она юртини босқинчилардан озод қилган император Ле Лоянинг яқин дўсти ва маслаҳатчиси эди. Шоир халқни озодликка чорловчи шеърлари билан танилган.

* * *

* * *

<i>Бунда пагодалар¹ кўп экан, талай, Ана, яна бири кўрингай тоғда. Оёғим тагида гижирлайди Ой, Бамбукзор оралаб дайдиган чоғда. Бари ўтмиш! Терак, тагин шўмтол ҳам, Хризантемалар узра шивирлар қайин, Бу ажиб сукунат олтиндан қиммат, Кезаман ўхшашиин асло топмайин.</i>	<i>Оёқ изларидан ийланмиш тош ҳам, Бамбукзор наридан гуллар бир дунё. Маймун чинқириги титратар тоғни, Қуёш деразага боқар маҳлиё. Ибодатхонамиз қуюқ нур тўла, Зумрад сув мавжлари ёнар эшилиб. Кўлда ўрдақлару тагин турналар, Қошкийди барига кетсам қўшилиб.</i>
---	--

* * *

*Ошаймиз батата², тагин жавдар ҳам,
Олхўри сояси – руҳга боп макон.
Бўрондаги сувдек талотум дунё,
Жимжитликка мени чорлар зимистон.
Нилуфарий базм, овлоқда заранг,
Теграсида шеърлар тинглайдир ҳилол.
Бунда маймунлар бор, турналар, қаранг,
Меҳмонга боқишар бегона мисол.*

¹ Манба: Классическая поэзия Индии, Китая, Кореи, Вьетнама, Японии. –М. : Художественная литература, 1977; Стихи вьетнамских поэтов // «Слово» (Россия), 27 января 2012 г.

¹ Пагода – ибодатхона.

² Батата - картошкасимон ўсимлик.

* * *

Oқшом кезинаман. Тиниқ нигоҳим,
 Осмон қушларига таниш кенгликдир.
 Дарахтлар поясин танийдир шамол,
 Тоғлар чўққилари булутларга пир.
 Ҳали ҳам тупроқ-чи, ўша-ўшадир,
 Замин ўша-ўша, худди сув мисол.
 Руҳимни фақат мен англаб етолмам,
 Нимадир, ўйларим элар шу савол.

* * *

Қишлоқ оҳангида ўқийман шеърлар,
 Оққан сув оқдию кетди, қайтмайди.
 Ўтмиш кўздан йитмиш, борар йўлимда,
 Не-не тўсиқлар-да изғийди дайди.
 Бамбук дариғ қолмиш Ой нуридан, боқ,
 Соясин оқизиб билмас шаршара.
 Гулларнинг олтин ранг, кумуш жилваси,
 Йўқотгандан nasib мерос-да, жўра!

* * *

Қаёққа қарама, ҳаммаёқда сув,
 Дарё қайиқлари лангар измида.
 Ой нурларин эрмак айлаб эшаклар,
 Юлдузлар эргашар елкан изидан.
 Сув ҳам кўм-кўк гўё мушук кўзидек,
 Ой нури қаърида оқармиш бошим.
 Қаранг-да, турналар теграмда учар,
 Оқчорлоқлар мудом энди йўлдошим.

ОҚ ҚАЙИН

Совуқ дарахтларга ўнганмас хатар,
 Оқ қайин бардошли барига фақат.
 Тўсин излаганда бўлма кўп сарсон,
 Оқ қайин метиндек, тортма машаққат!

БАМБУК

1

Навқирон толларда гуллабди роса,
 Толларим, адл қаддинг шириндан-шакар.
 Сен ҳақингда ҳамма жойда ҳангома,
 Баркамол йигитдай мағрурсан магар!

*Баркамол, эй йигит, шавкатинг юксак,
Дўстлар кўргай аслинг, хислатинг фақат.
Адл қаднинг ҳикматин билмас бир тентак,
Адллик илдизи бўлганида Адолат!*

ШАФТОЛИ ГУЛЛАРИ

*Шафтоли ҳар баҳор бурканар гулга,
Гўзаллигин сезиб уйғонадир Шарқ.
Хуш ифорин илгаб чорлайдир йўлга,
Шамол, шамол бизни айлаб ёзга зарқ.
Ёз бўйи кетмасдир ўша хуш ифор,
Барига “гуноҳкор” кўклам бир кун.
Айгоқчилик айлар қушлар-да такрор,
Яратган-да кўкда баҳор мафтун!*

ХО СУАН ХИОНГ

(тахминан 1775–1820 йиллар)

Шоира Хо Суан Хионг “Вьетнам шеърятининг қироличаси” деб ном олган. Унинг ижодида инсон қалби ва ҳаёт гўзаллиги табиат манзараларига уйғун ифодаланади. Хо Суанг риёкорлик, ахлоқсизлик каби иллатлар кескин танқид қилинган шеърлари билан ҳам танилган. У кичик шеър (тўртлик ва саккизлик) жанрларни мукамаллаштирган.

* * *

*Ўтди, Суан, сенинг баҳоринг ўтди,
Энди, мана, тез-тез қоларсан ёлғиз.
Тонгда боққа эшик очганинг маҳал,
Боқ, кўрарсан камроқ гулларни, эсиз.
Капалаклар биқиниб олган хонада
Чувалиб туйгулар ришитаси такрор,
Хушифор гултувак ҳам энди муздайин...
Ўтди, Суан, ўтди сендаги баҳор,
Сирли орзуларни инонгунг кимга?
Бош учида болиш, сен эса ёлғиз.
Ҳатто зар жилоси абадий қолмас,
Шундоқ ўтиб кетди баҳор ҳам, эсиз.
Бор эди йўл сари минг битта сўқмоқ,
Пешанада бори – келса минг бало.
Ўтган йилларни-чи, танидингми ҳеч,
Шодлик билан андуҳ эгизак аммо.
Яратганнинг амри метиндан-метин:*

*Жазира, замҳарир бергай бир йўла.
Ёнбошида дўст эди, энди у ҳам йўқ,
Ярми бўш болиш ҳам дагал бир лўла.
Арзингни тинглайди яккаш чор девор:
Ўтди, Суан, энди қайтмайди баҳор!*

ЛО НГАН ШУН

(1945–2013)

*Рус тилидан
Гўзал БЕГИМ таржимаси*

Ло Нган Шун таниқли шоир, Вьетнам Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Бир қанча китоблар, сценарийлар муаллифи.

ГЎЗАЛ

*Гўзал
Қорга менгзайди у,
Қўл теккизсанг – хўп қайноққина.
Гўзал оловмонанд – муздайин
Найзасини санчар қўлларинг тегса.
Истамайсанми сипқоришни
Бир қултум сув каби?
Қара – чўлдаги дайдидай
чанқоғингни синовдан ўтказ.
Кўзи тушар экан кимнингки унга
Очлик қийноққа олар тўқ бўлса ҳам гар,
Қуни битганлар ҳам гўзални кўргач
Қайтиб келар қайта ҳаётга.*

*О! Бу бир орзу гўзал ҳақида
Мангу буғлангувчи самода.*

ОСМОН ВА ЕР

*Самога узатар ер қўлларини,
Осмон жуда олис
Баландлай олмас.
Жудолик қайғусига шўнғийди осмон
Ер сира тебранмас –
Олис йўллари.*

*Юз йилларки ер билан осмон
Бир-бирига ета олмайди.
Сен билан яқинмиз: бу сенсан, бу мен –
Қўлларингни бер.*

ЧУ ТХИ ТХОМ

(1962 йилда туғилган)

Шоир ва журналист Чу Тхи Тхом замонавий Вьетнам адабиётининг самарали ижод қилаётган вакиллари билан бири. Унинг шеърлари ва публицистик мақолалари матбуотда тез-тез чоп қилинади.

БИР КУНИ

*Алангага қиёсласа бўлар севгини,
Ҳаётни булут-ла ёнма-ён қўймоқ,
Сени солиштирдим нўртана билан,
Шамолнинг ишқига мангу бойланган.*

*Ишқ ҳар лаҳза оловланади,
Тебранган булутлар,
Ғуж-ғуж тўлқинларнинг шиддати мисол
Кундалик ҳаётга ўрмалар оқлик.
Оқшом оёқ қўяр, кетиб борар қўрқув хуружи...
Булут–тўлқин–ҳаёт бекик айлана.*

*Бир куни парвозга чоғланар ҳаёт,
Бир куни муҳаббат кулга дўнади,
Бир куни тўлқинлар қўлдан тўкилар...*

КУЗ ТУЙҒУСИ

*Бир куни кун ўтиб кетади кузга. Шимоли-шарқий шамол
Тирноқгул ифорида йўллар заҳиллик. Юрак хотиралардан
донг қотиб қолар. Ёз оловин яширар, илиқ ҳаво қайтмас ортига...
Бир куни шеърлар ивиб ҳўл бўлар, уларни бекитгим келмас (ёмгирдан).
Биз иссиқ гўшага ташириф буюрдик. Мажолсиз эдик, бахтнинг
яшил илдизларин узиб олишга. Ортда қолиб кетар исмсиз гуллар.*

*Кузги гуллар чопар очилмоқ учун. Сонсиз тўфонларнинг хира излари.
Бизнинг ўтмишидаги уйга келиб, қолар мангуга кимдир. Қиё очик эшик
тирқишида алла садоси.*

*Кузги туйғулардан титраниб-титраб, шошаман нам шеърларни
қуритмоқ учун. Елкам узра ястанар сен келар йўллар, қачонлардир
унутилган туш.*

Эски ваъдам сари келяпман қайтиб. Кутавериб, изларинг кўқарар олис йиллар ортида. Энгашиган елкаларда кечмишининг юки. Ўтмишни эсга тизиб, куз сариқ гулларин тўзгитиб сочар...

МАЙ ВАН ПХАН

(1967 йилда туғилган)

Шоир Май Ван Пхан Ханой давлат университетини тамомлаган. Унинг она тилида ўндан ортиқ китоби, инглизчада “Қоронғиликдан чиқиб”, “Кун ва тун уруғлари”, “Томнинг қопқоқсиз осмони” каби асарлари чоп этилган.

УЙИМИЗДАН

*Мавсумга мос меваларни йиғаяпсизми?
Куз учун пўртахол гулдастасини,
Олхўри гулларини эса баҳорга.*

*Биз ҳавонинг томир уриши, чуқур тубсизлик, кўкрак қафаси
мебель жойлаш учун саралаймиз кўзга иссиқ жой
ўриндиққа аниқроқ ўрин.*

*Бори гамхўрликларни дастурхон ортига қўямиз,
Чўп ила йиғамиз сабзавотларни,
Лойтувакдаги хўракни
чўқилаб қочади балиқлар.*

*Биз яхши кўрамиз
Гуручнинг мўй ташилаган изларини,
Чуқур қудуқлар, дарё ва сойлар, ҳовуз ва ҳалқобларни.*

*Олис қолиб кетманг ўз хонангизда,
Балиқлар ўйноқлаган қирғоққа, япроқлар яшилланган
далаларни томоша қилинг.*

*Тишланган ананас ё пўртахолнинг
илдизидан инган бир томчи иффор.*

ТИКИЛАЁТИБ

*Ахлат қутисида ялангоч балиқнинг
қилтаного бор
Шундай бўлса ҳам сузиш ҳолатида ушлаб турилар
бир марталик пардоз тахтасининг ёнида.
Ҳаммасига қон билан чизик тортилган.*

*Иссиққина жун шляпаси
майин ҳиди шампуннинг қазғоққа қариши
соҳиба ҳайиқмас соч замбуругидан.*

*Қайчининг жуфт шиддати. Чойнак. Ручка...
бир қанча топ-тоза қозғоз вараги
учрашув лаҳзаларидан бошлаб
бошқарувчи, котиб ёки вакилларнинг исму шарифи
“Бугун соат 17.30 да... ва яна
жами: 32
турли сабаб билан қатнашмаган: 04...”
Ахлат қутисининг ичидаги
гулдаста устида варрак учади.
Бир неча жуфт пойабзаллар ҳам...
Шамол эса эсар, эсаверади
ариқчани титроққа солиб.*

БУЙ СИМ СИМ

(1969 йилда туғилган)

Буй Сим Сим замонавий Вьетнам шоирларидан бири. Ханой давлат университетини тамомлаган. Бир қанча халқаро ва миллий мукофотларга сазовор бўлган. Ҳозирда пойтахт Ханойда яшаб ижод қилади. Шоиранинг китоблари мамлакатда энг кўп севиб ўқиладиган асарлардан ҳисобланади.

АННАГА АТАЛГАН ҲИСЛАР

*Анна Каренина!
Эҳтимол, поездда турар эдинг сен,
Муҳаббат етиб келган самодан ерга?
Анна Каренина,
Согинмайман сендай севишни,
Қийналишни қайта ва қайта.*

*Тирик қолишингни истадим жуда,
Қийноқ зарур бўлса,
гирдобга учаман
бошим билан мен.
О! Нозиккина Аннам!
Сен билан бормасдим биринчилардан,
Бу дунёда тирик қолмогинг учун,
Ўчмаган, ўтмаган,
Қўрқинчли оловни изламоқ учун
Довдир ва қайноқ – муҳаббат,
Қуёш нурларидан тафтлироқ.
Фақат сокин эмас, фақат нооддий,
Ё Тангрим!
Совқотма, севгилим!
Мен ёниб, қовжираяпман!
Анна ахтарганди худди шу каби*


*Бир лаҳза бўлса-да тўйиб ичмоқни
 Мен шу тахлит дуо қиламан!
 Кўзин юмсин шунчаки ҳислар
 Учқунларсиз, алангаларсиз.
 Анна каби сени қайта-қайта излашдан
 Толиқмасам ҳеч.
 Абадий туйғу бу, абадий хархаша эмас
 Тақдир бу – меники
 Чорлар ярқироқ ҳис: муҳаббат.*

УНУТ ВА ЭСЛА

*Севиш учун эслаш етарли эмас,
 Бегоналик учун унутиш шартмас.
 Икки йўл оралаб изсиз излайман сени,
 Бир томон энгашиб, қўйиб юбораман бошқа бирини.*

*Оқшом мавжсланади кўкда юлдузлар,
 Эшитилар шамолнинг нафис шивири.
 Майсалар кўзларин майин юмишган,
 Малаклар тушишар, илғамас кўкдан*

*Юраклар лиммо-лим муҳаббат билан
 Тўлқинлар шовури – хотираларим,
 Тўртта жаранглаган қатлам оралаб
 Исмим айтиб чорласанг юрагим тошар.*





NASR

Jahon
ADABIYOTI

НГУЕН ТХИ НГОК ТУ

(1942–2013)

ШОЛИЗОРЛАР ОРАЛАБ

Ҳикоя

Рус тилидан
Зилола ЖАЛЛОЛОВА
таржимаси

Таниқли Вьетнам ёзувчиси, журналист, муҳаррир Нгуен Тхи Нгок Ту 2001 йили адабиёт ва санъат бўйича Давлат мукофотиغا сазовор бўлган. “Соя” (1964), “Ерқишлоқ” (1974), “Бургут дарахти” (1980), “Қиш билан видолашув” (1989), “Фақат сен ва мен” (1990) каби романлари, “Бакэнду ким?” (1966), “Япроқлар ҳақида ҳикоялар” (1982), “Уфқдаги излар” (1983) сингари ҳикоялар тўпламлари чоп этилган. Ёзувчининг асарлари асосида бир нечта бадиий фильм суратга олинган.

Йил охирида тоғ этагида жойлашган Х. шаҳарчасига боришимга йил тўғри келди. Бунгача катта шаҳарда кўп вақтимни бекорчи ишларга совурдим, холос. Табиат кўйнида ором олиш қизиқарли туюлди менга. Бундан кайфиятим кўтарилди. Қулай жойлашиб олиш илинжида вокзалга барвақт бордим. Аммо одамлар юк халтасини кўтариб, перронга келиб бўлишган экан. Поезд кутаётган йўловчилар орасидан устма-уст кўйилган жун қоплар ёнидаги йигит ва қизга кўзим тушди. Улар савдогарга ҳам, узоқ қишлоқдан ул-бул харид қилишга келган қишлоқликка ҳам ўхшамасди. Оғзи маҳкам боғланган қопдан бир сиқим гуруч “ширр” этиб ерга тўкилди. Қиз тезлик билан гуруч доналарини битта қўймай териб олди, йигит эса қоғозга ўраб, чўнтагига яширди. Кейин дон тўкилмасин учун қопни бир қур кўздан кечириб чикди. Поезд келди-ю, ҳамма ўзини вагонга урди. Мен ҳалиги жуфтликка қопларини жойлашда ёрдамлашиб юбордим.

– Охиригача борасизларми? – деб сўрадим улардан.

– Ҳа, ҳозир мен кетаман. У эса ортимдан боради, – жавоб берди йигит қизга маъноли назар ташлаб.

– Мен ҳам бугун кетмоқчийдим, иш кўплиги учун улгуролмадим, – кўшимча қилди қиз. – Мана, Бин, сизга йўлдош.

¹ Манба: Зерна мудрости. Серия: Восточный альманах. Выпуск 15. –М.: Художественная литература, 1987.

– Хионг, – деди йигит майин овозда, – йўлга чиқаётганингизда мени бохабар қилинг, хўпми? – Қиз бошини қимирлатди-да, вагон ташқарисида қолди. Поезд жойидан жилгунча улар бир-бирига қўл силкиб, қиз узокдан нуқтадай кўринмай қолгунича вагон ойнасидан термилиб, кейин хотир-жам ўриндикка чўкди.

– Хионг киминг бўлади? – сўрадим ундан биринчи бекатдан ўтгач.

– Қариндошим эмас, деярли, – жавоб берди у. Чехраси ўйчан тус олиб, тўғри ва узун қошлари чимирилди.

– Сендай барно йигит севиб қолса, қайси аҳмоқ йўқ дейди. Очиғини айтсам, сен ундан кўркамоқсан. Рост!

– Аслида чирой асосийси эмас. Бирга яшаганингда хусннинг кераги бўлмай қолади.

– Балки шундайдир...

Шундай дея, деразадан хувиллаб кираётган шамолдан ўзимни паналаб, қоплар орасига жойлашдим. Поезд кенг текисликни кесиб ўтди. Кўз олдимизда кишлоқ манзаралари намоён бўларди: ям-яшил шоліпопарлар; ховур кўтарилаётган далалар; офтоб қорайтирган ер. Мени уйку босиб келарди; шеригимга эса суҳбатдош керак эди. Энди кўзим илинганда йигит безовталаниб мени уйғотди. У мўлтайиб қараганча деди:

– Биласанми, ошна, бу қопларда институтимда етиштирилган гуруч уруғи бор... Янги навни топишди... Менга уруғни манзилига элтиш топширилган. У ерда маълум вақт одамларга ёрдам бераман, сўнг Ханойга қайтаман. Қаерга бўлса ҳам боришга тайёрман, фақат у билан бирга ишламасам, бас. Бу ҳақда яхшилаб ўйладим: акс ҳолда менга тинчлик йўқ. Институтда қолсам, бу бахтсиз муҳаббатга барҳам берилмайди. Хионг мени ҳеч қачон севмайди. Тушун, чидай олмайман бунга, кучим етмайди.

Унга ҳамдардлик билдиргандай, бош ирғаб кўйдим. У бир четдан хикоясини сўзлай бошлади.

– ...Оилада беш фарзанд эдик, мен – яккаю ёлғиз ўғилман. Кетма-кет тўрт қизнинг туғилиши ота-онамни эсанкиратиб кўйган. Дунёга келишимни тақдирнинг улкан меҳрибончилиги деб билишади. Ҳар қандай инжиқлигим оила аъзоларим учун қонун эди. Беш ёшимга довр ерга оёқ босмадим, опаларим мени қўлдан туширмасдилар. Мени кўриб, кўз тегмасин дегандай, яқинларим “туф-туф” қиларди. Унга сари юрагим ғурурга тўлиб, кеккаярдим. Тўғри, кўшни чурвақаларга жўрабоши бўлиб, ўзимга анча-мунча моматалоқ ҳамда ғурраларни орттириб олдим. Аммо ота-онам бағрида беармон яшардим, гарчи бой бўлмасак-да, ҳеч ким раъйимни қайтармасди. Ота-онам қариб қолганди, учта опамни турмушга бериш керак (тўнғич опам чаққонлик қилиб эрга тегиб кетганди). Бутун оила таёқча тайёрлаш билан шуғулланарди – бурама чийрилган ва бошқаларникидан фарқли бўлган хушбўй таёқчалар. Шу билан тирикчилик қилардик. Вақт эса чопқиллаб ўтди-кетди, ўн олтига кирдим. Тўққизинчи синфда ўқийман, орзуларим камалақдай товланарди. Кунлардан-бир кун нонуштадан сўнг, дан¹ чертиб, хиргойи қилиб ўтиргандим. Қутилмаганда бир кампиршо пайдо бўлди. Унинг ортидан ўн уч-ўн тўрт ёшлар чамасидаги қиз ҳам эрғашиб келарди. Кампиршо ота-онамга зорлана кетди:

– Қизни ўзингизга шогирд қилиб олинг.

Қиз унинг жияни экан.

¹ Дан – торли мусиқа асбоби.

– Бунақа ишга жиянингиз ҳали ёшлик қилади-ёв, – деди отам. – Тўғри, таёкча тайёрлайдиганлар ёмғиру жазирамада машаққат чекмас, бироқ сабр-тоқат, маҳорат бўлмаса қийин. Болалар ўйин-кулгидан ортмайди, ҳаёлга берилади, қарабсизки, ишимиз пучга чиқиб турибди...

– Йўқ, йўқ, мухтарам зот, бекангиз билан хотиржам бўлаверинг, у жуда одобли ва тиришқоқ қиз. Қариндош-уруғлари шаҳар ташқарисида яшайди, шу боис мурғаклигидан меҳнатда пишган. Оиласи ночор, уйи тўла бола, ота-онаси қизчани сизларникига жойлаштиришимни илтимос қилди. Бироз ишлаб, мактабга ҳам кириб олади. Мурувват кўрсатсангиз, бас, у барча айтганларингизни эплайди.

– Исми нима экан унинг? – сўради онам.

– Исми – Тиём¹. Бешинчи ойнинг айни йиғим-терим пайтида туғилган...

– Тиём – чиройли исм экан-а, – деди онам. – Бўпти, уни олганим бўлсин.

Буни эшитиб, данни ерга қўйдим ва ҳовлига қарадим. Қизча ҳам бошини кўтариб, менга қаради. Унинг кўзлари қоп-қора, катта-катта бўлгани устига қандайдир ҳайратомуз, юзи дум-думалок, ёқимлигина эди-ю, лекин қишлоқчилиги шундоқ билиниб турарди. Сочлари тўзғиган, кир-чир, қийимлари йиртиқ-ямоқ. Уни кузатаётганимни пайқаб, дарров бошини эгиб, бошмоқсиз оёқларининг учига тикилди.

– Хушбўй таёкчалар тайёрламоқчимисан? – сўради отам, – Аввал ишни ўрганиб, тажриба орттир, ана ундан сўнггина ҳақ талаб қил! Менга қара, хотин, қўлингдаги ишни қизчага бер-да, дамингни ол.

Отам том тагида ётган силлик ёғоч куракчани олиб, Тиёмга узатди.

Онам ўрнидан туриб, иш столига бориб ўтирди, белкуракни олиб, майдаланган, ёпишқоқ хушбўй увокқа ботирди, сўнгра стол устига ёйиб, бир ховучини олди-да, яхшилаб эзди. Иккинчи қўли билан таёкчани кафтидаги увоклар устида айлантди. Увоқлар унга чиппа ёпишиб, хушбўй таёкчалар тайёр бўлди-қолди. Қизча онамнинг ёнида туриб, ҳаммасини диққат билан кузатди.

– Бошингни қийиқча билан ўраб ол, сочингни чанг босиб кетмасин яна, – деди онам.

Кампир шоша-пиша бошидаги қора қийиқни ечиб берди. Қийиқчани ўраб олган қиз кичкина капмиршога ўхшади-қолди. Қизалоқ ўриндикка ўтириб, онамнинг ҳар бир ҳаракатини ўзидай қилиб такрорлади.

– Асосийси, қўлинг енгил ҳаракат қилсин... – деди онам. – Уни равон кимирлат... Шундай!.. Шундай!.. Тўппа-тўғри, баракалла! – дея мақтаб ҳам қўйди.

Қизнинг қўлидаги таёкчани кўриб, хуштак чалиб юбордим, пуфакча бўлаётган увалалар титилиб кетар; шам қинғир-қийшиқ ҳамда ғадир-будир чиқарди.

– Яша, миттивой... Хожам, бу ёққа келинг, манавинга бир қаранг-а! Қандай зийрак қиз экан, биринчи мартадаёқ эплаганини-чи! – мақтар эди онам. Қиз эса унга сайин ғайрати жўшиб, берилиб ишларди. Бир вақт у ишини тўхтатди-да, усти-устига акса уриб, кўзи жикқа ёшга тўлди.

– Ҳали кўникмаганингдан бу! – деди онам. – Бу оддий увалалар, ахир. Янги йил ҳадемай эшик қоқиб келади. Байрамга хушбўй таёкчалар, ши-

¹ Тиём – баҳорги гуруч нави; унинг ҳосили ой тақвимининг бешинчи ойида йиғиштириб олинади.

рин исли чам¹ керак, у димокни ёрадиган бўлиши лозим. Болажоним, ховлига ўтиб, юзингни ювиб кел.

Лекин қиз ўтирган жойидан жилмай, қўли билан кўзини артди. Ёнимдан ўтишга ийманди, шекилли. Лекин унинг бу тортинчоқлиги менга мойдай ёкиб тушаётганди.

– Ҳечкиси йўқ, салда ўрганиб кетади, – деди кампир. – Ҳали бу унга дунёдаги энг ширин хид бўлиб қолади. Бу қиз кўчага чиққанида уст-боши кир бўлсам, ундан таралаётган хушбўй исдан либоси оламдаги энг тоза-сига айланади, гўё. Кўшиқ бор-ку, “Балиқхонадаги шинам ётоқдан кўра, гўзал қизли қапа афзал” деган, ўшанга ўхшаб.

– Қизчангиз ҳали бола-ю, гапираётган гапингизни қаранг, – деди отам қовоғини уйиб ва қизга қаради. – Ана, халос! Яна йиғлаяпсанми? Ташқарига чиқ, кўзингдаги санчиқ кетмагунча кут, юзингни ювишни унутма!

Отамнинг сўзини икки қилмаслик учун қиз бориб, қудук деворига суяниб ўтирди, лекин унинг кўз ёшлари ҳамон тинмасди.

Мен эса хандон отиб кулиб юбордим.

Онам ёнимга келиб секин:

– Нега унинг устидан кулаяпсан? – деди.

Мен эса баттар хохолаб кулиб, кўчага чиқиб кетдим.

Ўшанда мени катта бўлиб қолган деб бўлмасди, аммо ёш бола ҳам эмасдим, ўзимни эплаб юрардим. Олифталанишни бошлаб, чиройли қизларни кўздан қочирмасдим. Синфимизда Бит² исмли хушрўйгина қиз бор эди. Отаси катта шифохонада ишлар, тез-тез чет элга сафарга бориб турарди. Хуллас, Бит синфимизнинг олди қизи, урфга берилган сатанг эди. У менга ёқарди. Дарс маҳали доим ундан кўз узмай ўтирардим, баъзан ўқитувчимизга билдирмай унга хат отардим. Жавоб келса, ўзимда йўқ хурсанд бўлардим.

Бир куни поччам:

– Катта бўлсанг, нима иш қиласан? – деб сўраб қолди.

Унинг ўзи ҳарбий хизматдан четлатилган, энди заводда ишлар ва бизникига тез-тез меҳмонга келарди. Нима дейишимни билмай қолдим. Онам ёнимга кириб, ўзи жавоб берди:

– Қайси ўқишни истаса, ўшанга обкириб кўямиз, унга ҳар қанақа касб ярашаверади, фақат ҳали ўзига ёққанини танламади.

Аслида мен қайси касбни танлашни, нима билан шуғулланишни билмасдим. Бу ҳақда тасаввурга ҳам эга эмасдим, пайтида қанақа ишлар билан шуғулланмадим-а. Данимнинг садолари остида сидқидилдан куйлардим, окшомлари найимнинг нолалари қўшнилариимнинг қалбига туғён соларди. Яна тузуккина рассом ва тўпурар футболчи ҳам эдим.

Тиемга най чалишим роса ёқарди. Найнинг илк овозиданоқ у иш столида тинчиб қолар, куракчаси увадалар орасида тин оларди. Ноодатий, сирли нигоҳи менга қадалган, кўзлари нимадир демоқчи бўларди. Баъзан кўзида ёш тиркирарди. Билмадим, бу ёшлар куйданмиди ёки муаттар хиддан? Кун сайин у менга майлини очиқ намоён этиб борарди. Ишда ўтирса, уйга қайтиб келганимни дарров билиб, хижолатини имо-ишоралар билан билдирар, кеч қолсам, эшик олдига чиқиб, йўлимдан кўз узмай кутарди.

¹ Чам – бургут дарахти, ундан хушбўй қаламча тайёрланади.

² Бит – “зумрад” маъносида.

Имтиҳон пайтида кўп дарс қилишимга тўғри келди. Кийимларим тоғорада қолиб кетганида Тиём ота-онамга билдирмасдан уларни ювиб, қуритиб кўярди. Бироқ буни онамдан яшириб бўлмасди.

– Қизча жуда эътиборли ва тарбияли, – дерди онам. – Камбағал оиладан чиққан бўлса ҳам ҳар ишга укувли, абжир. Уни бизга худо етказди, ҳа, илоҳий неъмат бу, у...

– Ойи, кўйсангиз-чи, илоҳий неъмат нима қилади унда? Бир ками қишлоқи қизга уйланишим қолувди.

Ўшанда онамдан роса жаҳлим чиққанди. Тиёмнинг кўрсатаётган меҳридан фиғоним фалакка ўрларди.

– Бечорани кўймадинг-кўймадинг-да. Ахир, уззукун тинмай ишласа, кечаси ўқиса, яна синфидаги олди қиз бўлса, ҳар йили мақтов ёрлиғи олса. Икки йил ўтиб, кўрасан, ҳали қанақа кароматлар кўрсатади у.

– Яхши бўлса, ўзига, менга нима, – дердим баттар ғижиниб.

Энди, ўзимча уни мутлақо писанд қилмасдим-да. Худбинлигим ва нафсониятим сабаб бўлди бунга... Тиёмни очик-ошкор менсимасдим, мени деб қийналишини, азият чекишини истардим. Унинг олдида най чалиб хузурланардим, гоҳо уйга қизларни таклиф қилардим. Ҳар сафар Тиёмнинг хавотирланиб, ранги оқаришини кўрсам, хурсанд бўлиб, кўнглим жойига тушарди. Қизлар менга унчалик ёқмаса-да, Тиёмни хафа қилиш учун ҳам уларни мақтайверардим.

Тиём боёқиш оиламизда тиришқоқлик билан кейинги ёзгача ишлади. Унинг бўйи етиб қолганди, дўмбоқ юзига қизил югуриб, яна ҳам очилиб кетганди, ўша ёзда кийган кофтаси унга шунақанги ярашгандики, кўяверинг. Мени чин дилдан ҳурмат қилар, муносабати тобора самимийлашиб борарди.

Унинг шаҳардан анча наридаги қишлоғида деҳқончилик ота касб экан. Шу боисдан Тиёмнинг кўли теккан ўсимлик ўз-ўзидан кўкариб, гуллаб кетаверарди. У хонадонимизда яшай бошлагандан кейин ҳовлимиздаги кичкина боғимиз буткул ўзгариб кетди. Ҳар сафар қишлоғига бориб келганида ота-онамга совға олиб келарди. Унинг тухфалари қандайдир кўчатлар, уруғлар бўларди. Баъзан отамга олма билан чирмовикларни пайвандлашда ёрдамлашарди. Бу ота-онамни ўзида йўқ суюнтирар, менинг эса ғашимга тегарди.

Кунлардан-бир кун бизникига офатижон Бит келди. Кетаётиб башараси қийшайиб сўради:

– Манави қишлоқи нега сенга бунча тикилмаса? Ким ўзи у?

– Дадам билан ойимга қарашиб юради, – дедим, сўнг дарров кўшимча қилдим: – Албатта, пулга.

Мен бу гапни атайин баланд овозда айтдим: у эса пинагини ҳам бузмай, хушбўй қаламчалар ясашда давом этди. Сўзларим онамга ёқмади, меҳмоним кетгач:

– Бошқаларни билмадим, ўғлим, лекин сен ўша кўкларга кўтариб мақтайдиган Битинг учига чиққан кўпол экан, – деди. – Мана, бизнинг Тиёмимиз – оғзидан бол томади!

– Лекин, ойи, Бит – мактабимиз юлдузи!

– Бўлса бордир, аммо юзи баркашдай!

Ота-онамнинг Тиёмни ёқтириши аниқ эди. Бунга чидаб бўлмасди, лекин қизнинг ҳар куни яширинча бир-икки хизматимни қилиши кўнглимга

ёқарди. Қиз эмас, бало эди у. Унга нисбатан дилимда хайрихоҳлик уйғона бошлади.

Бир куни мактабдан эрта қайтдим. Уйимизга етганимда ичкарида кимнингдир най чалаётганини эшитдим. Жин урсин, ҳали найимга эга ҳам чиқдим! Велосипедимни итариб юбориб, ўзимни уйга урдим, не кўз билан кўрайки, най чалиб ўтирган Тием экан! Ёнига бориб, найимни тортиб олдим-да, ғазабдан тиришиб кичқирдим:

– Найимга тегишга ким рухсат берди сенга?! Исқирт кўлларинг билан булғабсан уни!

Тием жойидан қимирламай менга қараб турар, катта-катта кўзлари мўлтираб, лаблари билинар-билимас пир-пир қила бошлади, нимадир демоқчи бўларди ю, журъати етмасди.

– Яна шунақа қилиб кўр, нақ мендан кўрадиганингни кўрасан! Тушундингми? – деб уйдан чиқиб кетдим, лекин унинг юзидан думалаб тушаётган кўз ёшини кўришга улгурдим.

Уйга қайтганимда Тием бош кўтармай хушбўй қаламчалар ясаيدиган бурчакдаги столида йўқ эди.

Онам менга ғамгин боқиб:

– Шунақаям кўпол, дилозор бўласанми? Қиз кетди, энди нима қиламан, билмайман. Уни олиб қолишга ҳаракат қилдим, лекин кўнмади. Биргина чора қолди, ўзинг унинг ёнига бориб узр сўрайсан, – деди.

Бир неча кундан сўнг Тиемнинг холаси бизникига ҳисоб-китоб қилгани келди.

– Жияним энди ўзимизга кўмаклашади, – деди.

Аммо опаларимдан бири яширинча суриштириб билдики, Тием қаламчалар ясаидиган қари дояникида ишлаётган эмиш. Ўшандан кейин уни бошқа кўрмадим.

Охирги ёзда мактабни тамомлашим биланоқ институтга қираман, деб ўйлагандим. Чучварани хом санабман, имтиҳондан йиқилдим. Кейинги йили ҳам ўтолмадим. Шундай қилиб, йигирма ёшни ҳам уриб қўйиб, ўша-ўша саланглаб юравердим. Ҳеч қаерда ўқимадим, бир ишнинг бошини ҳам тутмадим. Ўртоқларимга кўшилиб, турли байрамларда, тўйларда отарчилик қилдим, куй чалиб юрдим. Қаерга чақиришса, хўп деб боравердим. Ишлаб топган пулимга замонавий костюмлар, кўйлақлар харид қилдим, хушбўй чой ва қахваларга муккадан кетдим, секин-аста спиртли ичимликларга ўтдим. Қилаётган ишимдан кўнглим тўлар, ўзимни бахтиёр сезардим. Тўйларда созу торни наридан-бери тингиллатардим. Ошналарим билан лавҳалар чизар, театр сахналарига нақш солар эдим. Ҳаттоки сахнада роль ижро этишгача бордим, олқишларга кўмилишдан жуда хузурландим! Азбаройи илҳом келганидан шеърлар ҳам битдим ва уни газеталарга жўнатдим, фақат қайсилиги эсимда йўқ. Эртадан кечгача шаҳар кезавериб, велосипедим қоқ ўртасидан бўлиниб кетди. Ота-онам кексайиб қолишган, улар мени уйлантириш тараддудида эди. Уйланиб жинни бўлибманми, ахир, хотин, бола-чақа дегани оёғингга солинган тушов-ку. Бир тарафдан ишқий саргузаштларим меъдамга теккан, бир замонлар кўнгил қўйган қизларимнинг тўйи ҳақидаги хабарни эшитсам ҳам, юрагим жиз этмас, ачинмасдим. Ўзим ҳам нимани хоҳлаяпман, мақсадим не – билмасдим. Беҳуда нарсалар ортидан югурар, турли урфлар, кийим-кечак кетидан қувганим қувган эди. Янги олган либосим-

ни бир-икки кияман-да, дарров бошқасига алмаштираман. Сурнайпоча шимлар урфдан чиқар-чикмас, кенг карнайлилари тарқалди, ёпишма мис тугмачали кўйлақдан сўнг, бурма ёқали кўйлақлар расм бўлди. Сўнрок тиззаси йиртилган америкача жинсилар кириб келди. Шилқимлик ҳамда ўлдим-куйдим билан ўтаётган вақтимга сира афсусланмадим. Мулозамат қилаётган “предмет”имга тирноқча аҳамият бермасдим. Хуллас, маънисиз яшардим, вақт ғилдираги эса айлангандан айланарди.

Йигирма тўрт ёшни қаршилаганимда қишлоқ хўжалиги техникумига ариза топширдим, узок иккиланиб туриб, охири поездга чипта харид қилдим. Уч йил ўтиб, техникумни тамомлагач, почтамнинг ёрдами билан илмий текшириш институтига йўлланма олдим. Умуман олганда, агроном ёки техник бўлиш ниятим йўқ эди, аммо институтга киргач, Ханойда қолдим. Графикни апил-тапил тўлдириб олсам, у ёғи ҳеч нима эмас. Қийинчилик туғилиши аниқ, лекин уни енгса бўларкан. Шундай қилиб, мен ҳаммасини ўйлаб қўйдим ва аъло кайфиятда биринчи марта ўша “ёқимли” кунда ишга бордим.

Ота-онам орзу қилгандек, башанг ва жиддий кийиниб, чарм портфелимга зарур қоғозларни жойлаб, велосипедимда йўлга чиқдим. Манзилга келиб, хайрон қолдим – ҳаммаси ҳам ўйлаганимдай эмасди. Уезд қишлоқ хўжалиги бўлиmidан бошқа пичоққа илингудек нарсани кўрмадим. Майдоннинг ўртасида жойлашган уйчалар аслида институт бўлими ҳисобланаркан. Ёнгинасида боғ бор эди. Ишчилар яшил майдоннинг ўзидан лабораторияга келаверишаркан. Бу ерда кадрдон дўстим Дай¹ ишларди, унинг лақаби Айиқ эди. Исмини лақаби билан айтганда чиройли эшитилади: Катта Айиқ. Мана шу ёқда ишлашни менга айнан у тавсия қилганди. Ўзи эса агроном ва тупроқшунослик бўлимида ишларди. Мени селекция бўлимига юборишди. Катта Айиқ ўзига етганча маҳмадона йигит, шу боисдан ҳали бу ерга келмасдан олдин ҳамма нарсани билиб олгандим.

– Қандай шамоллар учирди? – деб сўради у мендан. – Эсингдан чиқмадим, раҳбаринг аёллар майдонида. Зоти олияларининг сарой шта-тига келганинг билан қутлайман.

– Эркакми, аёлми – фарқи нима! Асосийси, ҳамкасбларга қаттиқ боғланиб қолмаслик керак. Ўзини император чоғлаган зоти олиялари қанақа ўзи?

– Умуман олганда, янги, икки йил олдин институтни тамомлаб, шу ерга келди. Лекин гуручнинг янги навини ишлаб чиқариш бўйича қизиқарли иши бор. Бошқа бўлимда бўлганим учун кўп нарса билмайман; аммо, менимча, тез чиқишиб кетасан. Битта нарсага аҳамият беришингни истардим: зоти олиялари турмушга чиқмаган, лекин ошиғи олчи. Сен, ахир, барно йигитсан, эҳтиёт бўл, тагин ишқ дардига йўлиқиб юрма...

– Кўриниши қандай?

– Менинг шкалам бўйича тўрт плюс.

– Унда ёмон эмас.

– Жим, ана ўзи келяпти.

Дай кўрсатган томонга қараб, кўк рангли ишчи кийими тиззасига қайрилган икки қизга кўзим тушди. Улар энди бошоқ тортган шоли майдонига қуйилган сувни шалолатиб кечиб келарди. Юз-

¹ Дай – “катта” маъносини англатади.

ларини кўролмадим, аммо қадди-қомати жойидалигини пайқадим. Бирининг кўлида дафтарча бўлиб, унга нималарнидир қайд этарди. Иккинчиси тахтача билан шоли поясининг пастидан бошлаб то ғадир-будир тугунчаларию баргигача ҳисоблаб чиқарди, кейин энг учига ҳам эътибор қаратар, гоҳ-гоҳида кўлини нам тупроққа ботириб олар, чамамда, илдизини ушлаб кўрарди. Баъзан ўтларни юлиб, уватга отарди.

– Анави шолини тортаётгани сенинг зоти олияларинг. Қалай, бўладими? – Айиқ оғзи кулоғига етгудай ишшайди. – Сени кўрган қизлар бефарқ бўларканми-а?! Эҳтиёт бўл!

– Етар энди, генералим, – тўнимни тескари кийиб дедим мен. – Илтимос, гапингизни ўйлаб гапиринг!..

– Майли-майли, келишдик. Ҳазил ўз йўлига! Марҳамат қилиб, ёқангизни тўғрилаб олинг, ўзингизни жиддийроқ кўрсатинг, ана шундай.

Қизлар биз томонга яқинлашиб қолди.

– Ҳой, Хионг¹, бу ёққа қаранг! Меҳмон келди! – деб қичқирди Айиқ.

Кутилмаганда менга Тиёмнинг таниш чехраси бокди. Қачонлардир уйимда хушбўй қаламчаларни ясаган ўша қиз. Бироз тараддулланиб тургандан сўнг дарров яна ўзини қўлга олди. Мен эса... Худди ичимни захарли чумолилар галаси талагандай бўлди. Ўзим билмаган тарзда Дайнинг ортига яширинишга уриндим. У эса мени олдинга сурди.

– Биз ҳали ишларни яқунламадик, – деди Хионг (мен ҳам энди уни ўзим ўрганмаган мана шу исм билан чақира бошладим). – Бироз кутиб туринглар, дўстларим, хўпми? Уйимизга кириб туришингиз ҳам мумкин. Бўшадим, дегунча ёнингизга бораман.

У эгилиб, яна ўз ишини давом эттирди.

– Хари, бу янги ҳамкасбингиз-ку! – Дай менга ишора қилиб, тиржайди (жиддийлигидан дарак йўқ эди). – Балки шу ернинг ўзиданоқ ишни бошлаб юборар?

– Агар хоҳишингиз бўлса, марҳамат! – деганча дафтарча ушлаган қиз кулиб юборди. – Хионг, янги ишчи сенга бегона ўтларни тозалашда ёрдамлашсин. Лекин, – деб у менга қараб гапирди, – мастакни² ўтайман деб, бутун шолини юлиб чиқманг тагин?

– Қаршингизда қишлоқ хўжалиги техникуми битирувчиси турибди, қандайдир девонхона каламуши эмас! Ҳазилингиз ўринсиз! – эътироз билдирди Айиқ.

– Маъзур тутасиз, бироқ лонгвик ўтини ўташ жоиз! Уни топиш эса осон эмас, – деб кулиб юборди кўлида дафтарча ушлаган қиз. У биз томон бир боғ ўтни отди. Ўт шоли поясига жуда ўхшарди. Биргина фарқи – ёввойи ўтнинг барги ёрқинроқ ва пояси узунроқ эди.

– Қани, қайси бирингиз айтасиз, лонгвикни шолидан қандай ажратиш мумкин? – сўради қиз жиддий оҳангда.

– Манави ўтлар узун ва ранги кўкимтироқ, – дедим ўзимни қўлга олиб.

– Гуллашини кутиб ўтирсак, ҳамма нарсани бой берамиз. У шопо-яни босиб кетади, – деб шарақлаб кулди қиз. – Сиз қишлоғимиздаги бир кампирни эслатяпсиз: кўчатини совуқ уриб кетгач, билмасдан майдонга лонгвикни экиб чиққан.

– Агрономлар ҳам адашадими? – сўрадим мен дабдурустдан.

¹ Хионг – “хушбўй ҳид”, “муаттар ис” маъносини англатади.

² Мастак – бегона ўт.

- Эътиборли одам ҳеч қачон адашмайди. Шолида “қулоқ” йўқ, ўтда эса бор. Баргларнинг бўшлиғида миттигина оч-кўк “қулоқчалар” бўлади...
- Бизнинг қулоқчаларга ҳам бир қараб қўйинг-чи, улар кўкимтирмасми? – деганча хандон отди Дай.
- Ҳамиша гапга бурнингни суқиб турасан! – дедим қизишиб.
- Хионг чўнтагидан бир шода калитни олиб, ҳамроҳимга узатди.
- Меҳмонни қабул қилиб олинг, хўпми? Бўлимимизда бугун ҳеч ким йўқ.
- Нега бунча докадай оқариб кетдинг? – сўради Дай тажриба майдонидан узоқлашганимиздан кейин. – Кўзларимга ишонмайман, ахир, ҳамиша жононлар ёнида мулоийм супурги бўлар эдинг.
- Тушунсанг-чи, бу – Тием; бир вақтлар у бизнинг уйимизда ишлаган, хушбўй таёқчаларга аралашиб юрарди. Орадан ўн йил ўтибди, лекин кўз кўзга тушиб, бир-биримизни танидик, ҳарқалай!
- Қойил-е! Ер думалоқ деб тўғри айтишаркан.
- У митти ва кир бўлиб, доим оёқяланг юрарди. Эсимда, бир куни оқсокланиб, қоқиниб, роса кулгили қадам босиб, ёғоч шиппақда келганди.
- Энди эса – илмий ходим. Табриклайман: ажойиб учрашув! Эски танишинг билан тил топишиш осон! – Айиқ мийиғида кулди, у мен учун хурсанд эди.
- Сен ўйлаганчалик эмас. Ўшанда у билан ўртагимизда ёқимсиз воқеа содир бўлган.
- Ҳаммасини сўзлаб бердим. Дай мароқ билан тинглагач, кулиб юборди:
- Эҳ, болаларга хос қилиқлар бу. Энди кап-катта одамсизлар, ўтган гапни қовлашнинг нима нафи бор?
- Биз йўл-йўлакай гап сотиб кетдик. Уйчага етиб борганимизда, Хионг бизни анчадан бери кутиб турган экан. Дай гўнғиллаб узр сўрадида, дарров эшикни очди. Нигоҳим ёғоч тоқчаларга, кутилар, жавонлар, сандиқчаларга тушди. Шунингдек, устма-уст қалашган, қопқоқли ва қопқоқсиз халтачалар, ликоплар, тўқима сават, қоғоз кутилар беҳисоб эди. Чуқур хўрсиндим.
- Хионг бизни самимий ва хушмуомалалик билан кутиб олди. Ўша воқеани унутиб юборгандай туюлди, шубҳасиз, нур устига нур. Қунлар бир-бирини қувиб ўтаверди, бошқаларга қандай муомала қилса, менга ҳам шундай самимий гапирди. Ўзимга келсак, мен генетика ҳамда селекция бўлимида бажарилаётган ишларга мутлақо бефарқ эдим. Эски навни сақлаб қолиб, янги гуруч навини ишлаб чиқиш мен учун мутлақо аҳамиятсиз эди. Барча – илмий ва техник ходимлар эртаю кеч уруғнинг ҳар бир донасини санар, назорат намунасини тарозида ўлчаб кўрардилар. Уларни жойлаб, кўпайтириб, сўнг ҳаммасини яхшилаб ҳисоблардилар. Бир-бирига ёпишган, турфа гуручларнинг навини англаувчи адоқсиз рақамлардан ақлдан озаёздим. Улар дурагайга айланиб бўлган ва “Ф-1”, “Ф-2” навларини етиштиришда ишлатиш учун мўлжалланганди...
- Иш қайнагандан қайнади, рўйхат дафтарлари, ҳисоб-китоблар, жадваллар билан танишмасимданоқ Хионг менга уруғни ундиришни ва кўчат танлашни топшириб қўйди. Хуллас, бир неча кун бош кўтармай далада ишлашимга тўғри келди.
- Нега ишга кўмиб ташладингиз мени? – деб сўрадим бир куни ундан. – Ахир, техник ходимман, бунинг устига, шахсий хизматкорингиз эмасман, ҳамма ишга ҳозир у нозир бўладиган.

У анча вақт лом-мим демай ўтирди. Катта-катта очилган қора кўзларини менга тикиб (аммо ўша кўнгилсиз кундаги сингари улар ёшга тўлмаган, бироқ сал хафа кўринарди) деди:

– Сиз ноҳаксиз, мен сизга шунча юмушни фақат бир сабаб билан топширяпман: келажакда етук мутахиссис бўлишингизни истайман. Янги гуруч навини етиштиришни хоҳлаётган техник ходим кўп нарсани билиши ҳам, қилиши ҳам даркор. Чунки кўпинча барча иш ўз бўйнингизда қолиши мумкин. Хуллас, шу касбни танладингизми, демак, унга меҳр беринг, бирор нарсага эришишни истайсизми, унда иш пайти серғайрат бўлинг. “Хизматкор” деганингиз нимаси, мен ҳам сиз билан тенг ишламаяпманми?

Ўринсиз гапирганимни билиб, оғзимга толқон солгандай жим бўлдим.

Хионгнинг барча уриниши баҳс-мунозарали эди, у энди қобилиятли раҳбар. Унинг кўл остида ўнлаб одам меҳнат қилар, ҳар куни эса юзлаб юмуш кутиб турар, барча муаммоларни хамирдан қил суғургандай дўндирарди. Фақат мендан ташқари ҳамма уни ҳурмат қилиб, яхши кўрарди. Мен ҳам бир куни ноҳақлигимни англадим.

Ўн йил ғир этиб ўтиб кетибди, унинг қандай яшаганини билмадим, қай сабабдан у ҳозиргидай бўлиб қолганини ҳам. Баъзан хотирамга ишонқирамасдим, балки бу Тием бўлмаса-чи деб. Унинг хизмат дафтарчасига Нгуен Тхи Тием Хионг деб ёзилган. Балки болалигида Тием деб чақирингандир.

– Хўш, қалай, эски танишинг билан чиқиб олдингми? – мендан ҳол сўради Дай.

– Чидаса бўлади.

– Демак, ҳаммаси жойида. Айтишларича, у гуручнинг янги навини синовга тайёрлабди ва яқинда бу ҳақда илмий конференцияда маъруза қиларкан.

– Барчасига қандай улгураркан-а? Янги гуруч навини топишга йиллар кетади, бу осон иш эмас.

– Институтдалигидаёқ селекция билан шуғулланган, шекилли. Агар янги гуруч навини давлат рўйхатига киритишса, иши беш деявер! Бизга йўл бўлсин. Тўғриси айтсам, унинг қаршисида бош эгаман!

Шу тобда эркаклик ғурурим озор топгандай туюлиб, жисмимни изтиробли афсус чулғаб олди, гўё ортга қайтариб бўлмас вақт сингари. Сўнгра аламли рашк ўти мени куйдирди. Хионг илм жиҳатидан сени ортда қолдирди, дейсизми? Ҳечқиси йўқ, мен уни кундалик ҳаётдаги юмушларда доғда қолдираман, ўйин-кулги ва шод-хуррамлик қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман ҳали. Кўрамиз, қай биримизга бахт кулиб боқаркан!

Ишда ушланиб қолишни бас қилиб, дам олиш кунлари қиз ўртоқларимни “табиат кўйнига”, институтимга таклиф қила бошладим. Бир куни Лан¹ исмли ёқимтойгина қиз билан, у ғаров дарпарда ясарди, пулдоргина қиз ҳамиша ясан-тусан қилиб, одамни алдаб кўярди, Хионгнинг уйига кирдим. (Айтиб қўяй, ўша пайтда Ланда кўнглим бор эди.) Хионг кичкина хонада яшарди. Бир кишилиқ каравотидан, ёзув столи, китоб тўла шкафдан ташқари, ҳамма жойни уруғ навини текширишда керак бўладиган яна минг хил ашқол-дашқол бо-

¹ Лан – орхидея.

сиб кетганди. Эшик ташқарисида эса унинг тажриба ишлари бошларди, ниҳолларнинг усти ҳали очилмаган, ёнида бошоқли дон ётарди. Яна тоқчада далада ўсадиган сариқ гул солинган гулдон ҳам кўзга ташланади. Уй гуруч ва ёш ўтнинг хидига тўла эди.

Хионг бизни ўзининг доимий хушмуомалалиги билан қарши олди. Сухбат авжига чиқди. Зимдан иккала қизга ҳам назар солдим. Уларни бири-бирига қиёслаганимда Хионг Ландан чиройлироқлигига амин бўлдим. Бу ғашимга тегди, илгари Ланга ўхшаган қизларни бошлаб лақиллатар эдимда. У башанг кийинган, Хионгнинг эғнида пахтадан тикилган катак-катак кўк кофта, даладан эндигина келгани боис сочлари шамолдан тўзғиган. Лан иккимиз ортга қайтаётганимизда у йўл бўйи Хионгни кўкка кўтариб мактаб келди, хафсаламни пир қилди.

Йиғим-терим яқинлашди, иш айна қизғин паллада. Хионг менга янада самимийроқ ҳамда илиқ муносабатда бўлаётгандай туюлди. Ҳар куни гап-га тутар, қарабсизки, ишда мен ўз хоҳишим билан гапирадиган бўлдим.

– Манавини бажаришда менга кўмаклашвор, дўстим! Бугун кун бўйи далада тер тўкишим зарур... – Гоҳида мени дўстим, деб чакирарди.

Қиз шўрлик баъзан экин майдонида кун чиққандан қош қорайгунча, суғориш пайтлари ёки ёмғир ёққанда шоли устини ёпиш учун туни билан ҳам қолиб кетарди. У менга ҳар кунлик қайд дафтарчасини берди. Айрим навларни кўриб, ҳайратдан ёқа тишладим, ўнлаб дон йиғимлари ёзилган, уларни мукаммал кузатиш даркорлигидан ҳайрон бўлдим. Хионг олиб борган текширув кўламига қойил қолиб, унга беихтиёр хурматинг ошади. Дафтарчаларни у хамиша чўнтагида олиб юради.

Охири кўринмас ишга кўмилиб кетганимни пайқадим. Бир куни Катта Айиқ келди.

– Ишларинг тузукми? – сўради менга ғалатироқ қараб ва хохолаб қолиб юборди.

– Ҳар доимгидай, – деб жавоб қайтардим.

– Кузатиб турсам, эсанкираб қолганга ўхшайсан. Ёнингдаги одамни кўрмайсан ҳам, турдим, турдим, боқибёғамсан. Болаларнинг боши қотган, барча дўстларни ташлаб кетиш қандай қилиб кўнглингга сиғди-я?

– Бекорчиманми, ҳайбаракаллачилик қилишдан не наф?

– Кутилмаганда шоликорликка жон-жаҳдинг билан киришиб кетдинг! Бу ёғи нима бўлади энди? – Дай шубҳали боқарди. Сўнг ўгирилиб, нари кетди.

Балки ростдан ҳам ўзгаргандирман. Нафақат дўстларим, ҳаттоки ота-онам шикоят қилиб, ёзгира бошлади. Уйга икки ҳафта бормаганимдан кейин отам:

– Янги дугонанг пайдо бўлдим дейман, ўғлим? – деди.

– Қанақа дугона, дада! Институтда ётиб қолдим. Гуручнинг янги дурагай нави етиштирилди, шу билан банд эдим.

– Аттанг, аввалроқ билмабман-да, – деди отам. – Ишга меҳр қўйибсан, ўғлим, бундан хурсандман.

– Лан келганди, айтишича, уни бутунлай унутиб юборибсан, – деди онам дарров дадамнинг гапини бўлиб. – Билиб қўй, у қизнинг харидори кўп, кейин аттанглаб қолма. Яқинда ўттизга тўласан, сен тенгиларнинг боласи мактабга боряпти...

– Яхши қиз ўзи, – дедим аччиғим келганини билдирмай. – Унга айтиб кўйинг, турмушга чиқаверсин, энди мен уни ёқтирмай кўйдим!..

Институтга қайтгач, Хионг конференцияга кетганини билдим.

– У менга ҳеч нима қолдирмадим? – деб сўрадим бўлимдаги қизлардан.

Улардан бири чўнтагидан бир парча қоғоз чиқариб узатди. Бу Хионгдан қолган хат эди. Унда: “Бин, иш тиғизлигидан кетишимга тўғри келди. Илтимос, менинг ўрнимга ҳаммасини бажариб кўйинг”, деб ёзилганди.

Ҳеч нарса тушунмагандай хатни бир неча марта ўқиб чиқдим. Аввалига хурсанд, сўнг хафа бўлдим, илгари сира бундай ғамга ботмагандим. Экин майдонига бориб, Хионг айтган барча ишни тартиб билан қилардим, аммо иш ўз домига торта олмади, аксинча, ҳолдан тойдирди. Фикрларим эса узоқ-узоқларда, ким билсин, қаерда эди. Бирдан Ханойга, Хионг маъруза қиладиган конференцияга боргим келиб қолди. Шунча йиллар нимага эришганини билишни истардим. Бироқ конференцияга қандай қилиб киришим мумкин, ахир, у ерга илмий ишлари бор, ютуқларга эришганлар келса, мен бўлсам, илм йўлига беўхшов қадам кўяётган одамман – янгиман!

Шу тобда онам келди, мен шоли қаторлари орасидан лонгвик кидираётгандим. Аҳволимни кузатиб, ёнимга яқинлашди:

– Нима бўлди, ўғлим? – Онаминг овози хавотирли чиқди. Унинг кўзига жуда маъюс кўринганимга шубҳа йўқ.

– У хизмат сафарига кетди, беш кундан кейин қайтади, – дедим баттар хаяжонланиб.

– У... Ким ҳақида гапиряпсан, ўғлим?

– Раҳбарим ҳақида! Кетди, мен бўлсам, манави ерда уни деб ўлиб-тирилиб тер тўкяпман.

– Бу менга ёқмаяпти! Техникумни битирган одам далада лой кечиби юриши керакми? Озиб ҳам кетибсан, болам. Отанг жўнатди мени. Уйга келсин, танишимга айтдим, вазирликка ўтказишади, девонхонада ишлайди, деди. Ҳозирок кетишинг керак.

– Ҳеч қаерга ўтмайман!.. Шу ерда қоламан! – дедим қатъий, хатто жаҳл билан.

– Начора, ўғлим, сен айтганча бўла қолсин. Отанг билан сенга тўсик бўлишни истамаймиз, гапимга кўнди онам, – аҳдимдан қайтмаслигимни пайкаб. – Неча ойдан бери уйга тузук-қуруқ бормайсан, келганинда эса ковоқ уйиб, жаҳл қилиб юрасан; отанг сендан хавотирланди, лекин мажбурлаш хаёлига ҳам келгани йўқ.

– Ойижон, мутлақо бошқа сабаб туфайли жаҳлим чиқди. Ёдингиздами, қачонлардир хушбўй исли таёқчалар қилганмиз? Уйимизда бир қиз ишлаганди, эсингиздами?

– Тиёммиди?

– Тасаввур қияпсизми, ойижон, ўша Тиём институтни тамомлади. У энди раҳбарим.

– Раҳбарим, дейсанми?.. Тиём!.. Унинг кўзлари доим нам бўлиб юрарди!..

Гапим онамга яшин теккандай таъсир этди. Ўзига келгач, яна гапира бошлади:

– Нима қилибди, бўлиши мумкин... Қизнинг ўзига ҳос феъли бор эди. Истеъдоди билан барчани ортда қолдириши табиий. Ўрни келганда, болам, айтиб кўй, ундан хурсанд бўлдим. Азалдан унга тан берганман...

Ота-онам ушбу суҳбатдан кейин ҳам мени уйлантириш мақсадида оёк тираб туришди. Лекин хаёлларим умуман бошқа тарафларда. Вазият янада чигаллашди: Хионг ўстирган гуручнинг янги дурагайдан иккитаси давлат реестрига киритилди, кўпайтириб, уруғ фондига ўтказиш тавсия қилинди. Мен эндиликда ундан фақат: “Бин, менга ёрдамлашворинг, илтимос...”, “Бин, манави юмишни бажарворинг, айбга буюрманг тагин...” деган гапларни эшитаман. Ишга кўмиб ташлади, қатор саволлар ечимини топишга мажбурладики, эски ошналаримни, завқ-шавқни, зиёфатларни ўйлашга ҳам тоқатим қолмади. Кимдир мени Хионгни севиб қолган, деб гап чиқарди. Албатта, бу миш-мишларни ёлғон дедим, лекин бир куни севишимга иқрор бўлдим, худо билади, аслида уни қачондан бери севаман. Бундан даҳшатга тушаёздим. Ўша куни эрталаб йиғилишимиз бор эди, кимдир Хионгга қўнғироқ қилди, бироздан сўнг ёнига мотоциклда ёш йигит келди. Узоқ вақт бирга ўтириб, ўзи билан қаергадир олиб кетди. У коронғи тушганда қайтди. Кун бўйи ўзимга сиғмадим, иштахам йўқолди, кўнглим ғаш бўлди. Ўтаётган мотоциклларни кўриб, титроқ босарди мени. Ҳатто Хионг қайтганида заррача қувонмадим.

– Тобингиз қочдимми? – сўради Хионг аҳволимни кўриб.

– Яхшиман... Бироз чарчадим.

– Хонангизга кириб, дам олганингиз дурустмиди?

– Қаерга бордингиз, Хионг? Ким билан? – ўзимни тутиб туrolмадим, аҳмоқона савол ўз-ўзидан отилиб чиқди.

Тиёмнинг юзи аввал жиндай оқарди, кейин анордай ловиллади; лаблари пирпираб, менга нимадир демокчидай бўлди.

– Тиём! – дедим мен шартга унинг қўлларидан тутиб. – Тиём, кечиринг мени! Кечиринг! Сизни севаман... Ортиқ кетиб қолманг. Қўрқяпман. Куни билан аранг нафас олдим.

Тиём кўлини тортиб олди-да, хўрсиниб, мулойим овозда деди:

– Бин, сизнинг ҳеч қандай айбингиз йўқ...

Унинг юзи катъий, жиддийлашган бўлса-да, барибир оламда энг мафтункор чехра эди.

– Йўқ, мен хато қилдим! Қаршингизда жуда айбдорман... Най билан юз берган ўша воқеа... Илтимос, унутинг... Мен ёш бола эдим, ҳеч нарсани тушунмасдим ҳали...

– Унутолмайман, лекин барчасини сиз ўйлаганчалик эмас, бошқачасига эслаб қолганман.

– Қанақасига?! Ахир, қўрслик қилганман!..

– Бошқачасига – демак, яхши маънода! Мана шу воқеадан кейин матонатли ҳамда катъиятли бўлдим. Агар менга яхши муносабатда бўлганингизда, ҳозир умуман бошқача одам бўлардим. Шунинг учун сиздан жаҳлим чиқмайди, аксинча, миннатдорман.

У жилмайди.

– Лекин мен... Мен сизни севаман.

– Ундай бўлса, раҳмат сизга, – деб суҳбатимизга нуқта қўйди.

Қаттиқ безовталик ва умид билан Хионгдан кўз узмай, ҳар бир ҳаракати, имосини тушунишга интилдим. У эса буни кўрмаётгандай, илгаригидек ғайрат ва тиришқоқлик билан бошқа ишларга қўл ураверди.

Кунлар ортидан ойлари ўтди. Муҳаббат қалбимда осмондаги қора булутдай кенгайиб борди, унинг юки кундан-кун оғирлашаверди. Бир нарсани аниқ билардим, бахтимга Хионгнинг севгани йўқ, аммо

мухаббатига эришмоқчи бўлганлар сон-мингта эди. Уларнинг орасида мухандислар, фан номзодлари, университет ўқитувчилари ҳам бор эди. Номзодларни доғда қолдириш, улардан ўзиб кетиш кўлимдан келмаслигини англаб, институтдан кетишга аҳд қилдим. Хионгдан узоқроқ бўлсам, ҳаётим ўз изига тушиб кетар, деб ўйладим. Буни унга маълум қилганимда, менга узоқ тикилиб қолди.

– Ўйлаб кўришимга вақт берасизми? – деди у. – Унгача... Бир муҳим иш бор, уни сизга ишондим, дўстим. Н. вилоятга янги навни олиб бориш зарур. Маҳсулот унча катта эмас. Ўша ерда экишсин. Жоним билан ўзим борардим-у, кўриб турганингиздек, бу ерда иш қалашиб ётибди. Уруғни бергач, ўзингиз бир муддат ўша ерда қолинг, уруғни сепишда, кўкартиришда кўмаклашасиз. Ишни тугатгач, қайтиб келинг, розимисиз? Балки ой охирида, дўстим, ёнингизга ўтиб қоларман.

Кўриб турганингиздек, қоплар билан манзилга отландим, Хионг кузатиб кўйди. Дўстларим уни севишимни билади, шу боисдан ҳеч ким вокзалга келмади: бизни ёлғиз қолдиришни истадилар, ҳатто Катта Айиқ ҳам... Ҳамма гапдан хабар топгач, у менга “Хўш, кўнглинг эриб кетдими? Шартга хужум бошламайсанми, хомкалла!” деди. Севгимга ён босиши мумкин бўлган кўпол хийлаларни айтди. Бироқ буларнинг бари Хионгдай кизнинг олдида пуч ёнғоқлигини билардим.

Мени қандай кузатганини ўзингиз кўрдингиз, одатий хайрлашув, бамисоли дўстига оқ йўл тилагандай, тамом...

Шу пайт йўлдошим, вагон ойнасидан кенг далага боқди. Ўгирилган юзидан қирра бурни, ўрам-ўрам тим қора жингалак сочлари менга ажойиб туюлди.

– Ҳикоянгни тинглаб, ҳаёлимга бир фикр келди, – дедим.

– Нима экан, айт-чи? Менга ўринли маслаҳат керак, – жавоб берди йўлдошим ойнадан юз ўгирмай.

– Сен билан эндигина танишдим, лекин дилингдагини очик-ойдин тўкиб солдингки, ўзимни сенга дўстдек ҳис этяпман. Чин сўзим, ҳеч қаерга, ҳеч қанақа ишга ўтиб ўтирма. Вокзалда аҳволингни билмаган бўлсам-да, лекин иккингизни кузатиб, бир нарсани англадим, ўйлайманки...

– Хўш, хўш... – бетоқатлик билан мен томонга ўгирилиб қаради – кўзлари оловдай чакнарди.

Кенг пешонасига боқиб, ўйга толдим: “Йўк, бу олов йигитни булутсиз, ғам-ташвишдан холи ҳаёт кутиб тургани йўк, бундай яшашдан барча ёшлар ўзини торгади. Ҳаётда адашишлар, изланишлар бўлсин, шунда кўпгина яхши ишлар амалга ошади, фақат... – ҳаёлимга келган фикрдан жилмайиб кўйдим. – Ердан яшил новдалари униб чиқадиган уруғ тўла қоплар билан бугунги йўлга чиқиш, бу – бир баҳона”. Йигитга эса шундай дедим:

– Менимча, у сени яхши кўради. Фақат ундан тез оққан сой каби оташин мухаббат изҳор қилишини кутма. Қиз сендан ишонч, тиришқоқлик ва сўнмас руҳни талаб қилади. Албатта, бахтинг кулиб боқади, мени айтди дерсан!..

Гапимни тамомлаб, тилагим амалга ошишига ишонч билдирдим: иккиси бир-бирини севади, нима бўлишидан қатъи назар, улар бахтли бўлишади.

Ханой, 1981 йил



ХАЛОЛЛИК МЕЗОНИ

Ўтган асрнинг 80-йилларида ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад ўқиб чиқарсиз, деб ҳикоясининг қўлёзмасини негадир ийманибгина қўлимга тутқазди. Ўша кезлар биз, тенгдош ижодкорлар орасида янги асаримизни ёр-дўстларга тавсия этиш одати бор эди, шуни ўйлаб, қўлёзмани дарров ўқиб чиқдим. Ҳикоя ниҳоятда таъсирчан, ўзбекона, асосийси, Абдулла Қаҳҳор ибораси билан айтганда, ҳалол ёзилган эди. Мен ўзбек адабиётида ҳикоя жанрининг ютуғи ҳисобланишига арзигулик гўзал ҳикояларни ўқигандим, лекин Хуршиднинг ўша ҳикояси бутунлай бошқача таъсир қилди. Унинг ўзи тасвирлаётган ёки акс эттираётган воқеаларга, одамларга, уларнинг ҳаёти, хаёллари, турмушига ёндашуви ҳеч кимниқига ўхшамаслиги, ҳақиқий ўзбекона, янаям бўрттириб, айниқса, ўша пайтда ишлатиладиган таъриф билан айтсак, миллий муносабатининг фавқулудда ўзига хослиги билан ажралиб турарди...

Мен нимага бирдан буларни эслаб қолдим: Вьетнам ёзувчиларининг оддий ҳикояларини ўқигач. Улар зўрма-зўраки, мукофотга сазовор бўлиш илинжида ёзилмаган. Оддийгина, лекин ҳаёт нафаси гуркираб турган ҳалол ижод маҳсуллари. “Қақнус ривояти” қаҳрамони профессор Нинь туғилиб ўсган диёрига археолог олим сифатида келади-ю, илк муҳаббати, орзу-армонлари қуршовида бир ойча яшайди. Унга ёрдам учун юборилган Фiong исмли қиз олимнинг ҳаёт ҳақидаги ўйларини алғов-далғов қилиб юборади. Тасодифни қаранги, қизнинг исми ўзбекчада Қақнус бўлади. Тўғри, бу рамзий маъно учун ўйлаб топилган. Лекин Қақнус ҳақидаги афсонани эсласангиз (у ҳикояда ҳам келтирилади), ким қақнус вазифасини ўтаяпти – ўйлаб қоласиз. Олимнинг қалбида қандай туйғулар қайта жонланаяпти? Фiongга сочлари, қилиқлари, жилмайишлари билан ниҳоятда ўхшаган қизга бўлган илк муҳаббатими ёки гўзал орзулари, фаолиятга ташналик иштиёқи... Ҳарқалай, оддий ҳамда самимий ҳикоя худди қўшнимиз, синфдошимиз ҳақида ёзилган кичик бир дostonдек таъсир қилади ва беихтиёр, ўтмишида хато қилмаган бўлса-да, тақдирига шунча кечмишлар ёзилган кишининг ҳаётни қайтадан бошлаш, яшашни янгидан ўрганишига кўнглида рағбат уйғонаётгани сизга ҳам юқаетганини ҳис қиласиз.

Иккинчи ҳикоя – “Эртаклар олами” афсоналар, ривоятлар, эртакларнинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида. Мен уни мунис ҳикоя, деган бўлардим. Шундай гўзал, ҳикматли, сермазмун нақллар оғушида яшаётган одамларнинг беғуборлиги, одамшавандалигини кўриб, ўзимизнинг адабиётдаги асарларни – Фарҳод Мусажоннинг “Оддий умрнинг бир куни”, Одил Ёқубовнинг “Тилла узук”, Омон Мухторнинг “Зарифа”, Учқун Назаровнинг “Қўшчинор”, Шукур Холмирзаевнинг “Бодом қишда гуллади”, Уткир Ҳошимовнинг “Узун кўчалар”, Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Дашту далаларда”, Назар Эшонқулнинг “Момоқўшиқ” каби қисса ва ҳикояларини эсладим, кўнглимда бир хушнудлик туйдим. Чунки бу ҳикоялар замонасозлик, маиший турмушнинг ўткинчи ҳодисаларига берилиш, жўн донолик, саёз ғоялар, одам тилга олишга уялдиган мавзуларга мубтало бўлишдек иллатлардан холи эди.

Уларда одамларнинг беғубор, ҳаққоний ҳаёти акс эттирилган эди.

Улар адабиётнинг ҳалол йўлида яратилган асарлар эди.

Таржимондан

ЧАН ТХЮИ МАЙ

(1954 йилда туғилган)

ҚАҚНУС РИВОЯТИ

Хикоя

Рус тилидан
Олим ОТАХОН
таржимаси

Чан Тхюи Май – таниқли ёзувчи, шоир ва публицист. “Сўнги одимлар”, “Дарё соҳилида”, “Оловли йўл” каби асарлари билан танилган. Унинг ифода услуби ўзига хос бўлиб, замонавий мавзудаги хикоя, қисса, романларига Вьетнам миллий афсона ҳамда ривоятларини сингдириб юборадики, натижада асарларда рамзий маънолар юзага келади. Бу ўқувчиларда миллий гурурни, шунингдек, мушоҳада малакасини пайдо қилади.

– Салом, профессор... Сиз... Сизни куттириб қўймадимми?

Нинь чўчиб бошини кўтарди. Мутолаа қилмасдан олдин у эшикни ланг очиб қўйганди. Иш столидан зина кафтдек кўзга ташланар, демак, битта-яримта келса, у дархол сезган бўларди. Бу қиз қандай қилиб билдирмасдан кириб келдийкан?! Қиз ичкарига киришини ҳам, кирмаслигини ҳам билмай остонада туриб қолди, уялинқирагандек ерга боқди.

– Келинг, хизмат... Менда ишингиз борми?

– Мен сайёҳларга хизмат кўрсатиш компаниясиданман... Сиз археология институтидан келган профессор Нинь бўласизми?

Қиз ҳамон ўзининг бежиримгина оқ сумкасидан кўзини олмай гапирарди.

– Ҳа, кининг, марҳамат. Мен нима учундир йигитлардан юборишса керак, деб ўйлабман.

Қиз охиста, товуш чиқармай хонага кирди. Сочлари чиройли турмак-ланган, эгнида калта оқ кўйлак билан яшил шим, тагчарми қалин шиппак кийиб олган. Ёқимтойгина, тенгдошларидан заррача фарқ қилмайди.

Нинь ўрнидан туриб пиёлага чой қуйди. Қиз стулга омонатгина ўтирди.

– Хўш, олдин танишиб олайлик, исмингиз нима?

– Тон Тиеу Фионг. Оддийгина Фионг¹, десангиз ҳам бўлади.

Нинь бир ҳафтадан бери Хюэда² эди. У қадимий қалъа билан мақбараларни тадқиқ қилиш учун келганди. Табаррук қадамжоларни асраш давлат идораси Сайёҳларга хизмат кўрсатиш кўмитасидан йўлбошловчи – экскурсовод юборишни сўраган эди. Бу қиз шунинг учун унинг хузурига келган бўлиши керак.

Қиз бу ҳақида сўрагандан сўнг Нинь мулойимлик билан мақсадга ўтди.

^{*} Манба: Повести и рассказы вьетнамских писателей. –М.: Художественная литература, 1981.

¹ Фионг – аёллар исми, қақнус дегани.

² Хюэ – Вьетнамнинг қадимий пойтахти.

– Менга нима ёрдам беришингиз мумкин?

– Ўзим ҳам билмайман... Бу сизга боғлиқ, устоз, мен Дайной калъасини, мақбаралар, ибодатхоналар, хуллас, шу ерда жойлашган кўпгина тарихий обидалар тарихини яхши биламан. Ҳаммасини бирма-бир сизга кўрсатиб, улар ҳақида ҳикоялару ривоятлардан тортиб, ўтмиш олимларининг тахминларигача айтиб бера оламан. Саёҳатчилар гуруҳига мўлжалланган дастур даражасида, албатта.

Нинь бир зум ўйланиб қолди. Сайёҳлар учун тузилган умумий маълумотларни ўзи ҳам яхши билади. Экскурсоводдан наф бормикан?

– Нима ҳам дердим, жуда соз. Қачон бошлаймиз бўлмаса?

– Қачон десангиз ўшанда, устоз. Бугун десангиз бугун...

Қизнинг дангал овозида бояги иккиланиш, ҳадик энди сезилмасди... Қора кўзлари тик боқар, тортинчоқликдан асар ҳам қолмагани.

Қиз манглайига тушиб турган кокилини тузатиш учун кўлини кўтарди. Бу табиий, шу билан бирга зебо ҳаракат профессорга ҳаддан зиёд таниш туюлди. У ҳаво етмай, боши айланаётганини ҳис қилиб, шартта ўрнидан турди-да, базўр қизга бош чайқади.

– Ҳа, йўқ, Фионг, бугун танишиб олдик. Эртага эрталабдан иш бошлаймиз, бўптими?

Фионг хайрлашиб хонадан чиқиб кетди. У боя ногаҳоний пайдо бўлганида қандай сокин ва товушсиз келган бўлса, кетиши ҳам шундай эди. Нинь уни кузатиб кўйди-да, яна жойига келиб ўтирди. Лабларида ўйчан табассум жилваланди.

* * *

Ниннинг кўз ўнгида икки тарафида барги энли баҳайбат дарахтлар қад ростлаган Ле Лой¹ шоҳқўчаси намоён бўлди; бу дарахтларнинг шохлари бир-бирларига шунчалар чирмашиб кетган эдики, азбаройи ям-яшил девор дейсиз. У ўзига-ўзи гапиргандек, лекин эшитиларли овозда:

– Бир замонлар бу катта кўча Жюль Ферри² деб аталарди, – дея гудранди.

Унинг хотирасидан ўқувчилик даври кино тасмасидек лип-лип ўта бошлади. Хюэ, эрта тонг, ҳаво салқин, лекин мусаффо; ўқувчилар узундан-узун, эгри-бугри йўллардан шошилмай кетишмоқда; мана, улар Муаттар дарёни охишта сузиб ўтаётган солда бир-бирларига суяниб ўтиришибди. Дарё сатҳини қуюқ туман қоплагани учун гўё сол алланечук сирли булутлар узра сирғалиб бораётгандек туюлади, қирғоқ қайси тарафда эканини ҳам билиб бўлмайди... Тхиафудан паромда кечиб ўтишлар... Элас-элас данбау³ садолари эшитилади... Қалин дарахтлар ортида номаълум қўшиқчи кўҳна ва гўзал пойтахт ҳақида куйлайди... Поль Берта кўчасида қадам ташлаб бораётган қизларнинг бинафшаранг кўйлақлари беором ҳилпирайди... Буларнинг орасида энг кучли, ўчмас таассурот қолдиргани – Бой Хоан исмли қизнинг сиймоси... Олис йиллар тўзонида ҳар қанча ғубор босган бўлса ҳам кўнгил осмонида ҳусни талъатининг таровати ўчмас юлдуз шуъласидек ҳамон порлаб турибди.

¹ Ле Лой – мамлакатни Хитой феодаллари зулмидан озод қилишда кўзғолонга етакчилик қилган Вьетнам халқ қаҳрамони.

² Жюль Ферри – Франциянинг 1880–1885 йиллардаги бош вазири.

³ Данбау – бир торли миллий мусиқа асбоби.

Мана шу кўчалар тарвақайлаган баҳайбат дарахтлар каби юрагида бир умр сақлаиб қолган.

Нинь болохонанинг ланг очик деразаси ёнида китоб ўқиб ўтирган ўша дилбар оқшомларни сира эсидан чиқаролмайди. Шу ердан девор билан ўралган, дарвозаси олдида ганчдан ишланган иккита норвал¹ ўрнатилган ховли кафтдек кўзга ташланарди. Пешайвонда, нақшинкор ёғоч қаравотда сочлари шалола янглиғ қўйлагининг этакларига тўкилган бир нозанин ўтирарди. У нилуфарнинг донатор уруғини эпчил ва нафис бир ҳаракат билан ювар, вақти-вақти билан бошини кўтарар ва Ниннинг ўзига тикилиб турганини кўриб, ўша заҳоти кўзини олиб қочар, юзига нимтабассум югурар, шунда ёноқларида чиройли кулгичлар пайдо бўлар эди.

Август инқилобининг жўшқин кунлари Нинь Бой Хоанни адабий кечалар, одам гавжум йиғинларда тез-тез учратиб турарди. Нинь доим яқинроқ боришга талпинарди, йигитчанинг хаёлчан тикилишларини сезган Бой Хоан кўзларини яширар ва ўзига хос ҳаракат билан манглайига тушиб турган сочларини тузатиб қўйиш баҳонасида нигоҳини ундан олиб қочарди.

– Устоз, сиздан бир нарсани сўрамоқчийдим, нима учун ўзингизни айнан археологияга бағишлагансиз?

Фiongнинг бу саволидан Нинь сергак тортди ва хотиралар уммонидан чекинди.

– Нима учун дейсанми? Сабабини сенга айтсам, анча йиллар олдин, тахминимча, чамаси, ўттиз йиллар аввал кўнглимда бир орзуми, умидми туғилганди: ўшанда мен ўтмиш хаёллари билан яшардим.

Қиз тушундим, дегандек бош қимирлатди ва жилмайиб қўйди.

– Сен-чи? Сен нима жин уриб бу соҳани танлагансан?

– Чунки мен ёшлигимдан одамларга нафосат, ўтмиш маданияти ҳақида ҳикоя қилиб беришни яхши кўрардим. Ана шу истагимни амалга ошириш учун фақат археология ёрдам бериши мумкин, дея ишонаман.

– Сен шу ерликмисан?

– Ҳа.

– Буни қаранг-а! – деб юборди Нинь, нега бундай деганини ўзи ҳам билмасдан.

– Дайнойга юрайми? – деб сўради ҳайдовчи унга юзланиб.

Нинь боши билан тасдиқлади. Машина чорраҳада бурилиб Фусуан кўприги сари ўрлай бошлади. Қиз хаёлга чўмди. Нинь кўз қири билан унинг ёқалари кенг очилган бўйни, хушбичим ияги ва нимочиқ лабла-рига тикилиб қарар экан, бир нимани эслагандек бўлди.

– Бир пайтлари Хюэда аозай² кийиш расм эди, кўриб одамнинг кўзи яшнарди, ҳозир камдан-кам аёллар бунақа кийинишади, аттанг, – дея кўнглига келган гапни айтди Нинь.

– Сайёҳларни бирон ерга олиб борадиган бўлсам, сиз айтгандек аозай кияман. Бугун сиз билан қадимий қалъа харобаларини кўришга кетяпмиз. У ерда тиззагача етадиган ўт-ўлан ўсиб ётибди, тиканли гиёҳлар кўп. Шойи кўйлак кийиб бўлмайди, ҳаш-паш дегунча кўйлак расво бўлади...

– Жуда эҳтиёткор экансан-ку! Лекин ким мажбур қияпти сени кўрғонга боришга? Агар зарурат туғилса, мен ўзим уддалайман. Ўзингга

¹ Норвал – тумшуғида шохсимон тиши бўлган денгиз ҳайвони.

² Аозай – Вьетнам аёлларининг миллий либоси.

малол келадиган ишни қилма, мени бир оддийгина сайёҳ деб ўйлагин, хўпми?

Фионгнинг чехрасида норозилик зухур этди:

– Менга экскурсия топширилган, деб ўйлаяпсизми... Мени сизга кўмаклашиш учун юборишган. Демак, қаерга десангиз, ўша ерга бораман, устоз!

Қизнинг қиёфасида бунчалик қатъият ва ўжарликни кўриб, Нинь ўзини кулгидан тўхтатолмади.

Машина Хиенён дарвозаси олдида тўхтади. Нинь билан Фионг машинадан тушдилар. Ҳайдовчи машинани буриб, улкан баньян дарахти остига элтиб кўйди. Фионг сумкасини елкасига ташлаб, соатига қаради:

– Машина бизни чорраҳада ўн беш дақиқа кутади. Вақтимиз оз, шошилишга тўғри келади, устоз.

Қиз шундай деди-да, олдинга ўтиб йўл бошлади. У тез юрар, бироқ ажабо, ҳар доимгидек кадам товушлари эшитилмас эди. Ногаҳон Бой Хоаннинг енгил одимлашлари Ниннинг ёдига тушди.

– Секинроқ юр, Фионг, бунақа шошмагин-да! – деди Нинь ва кутилмаган савол оғзидан чиқди: – Сен чинданам Хюэда туғилганмисан?

– Нимайди, устоз?

Фионг тўхтаб ўғирилди, унинг кўзлари ҳайрат-ла боқарди.

* * *

Туғилиб-ўсган шаҳарларига бориб келган профессорнинг тенгдошлари: “Илгариги Хюэдан асар қолмаган”, дейишарди. Болаликлари ўтган Амхон майдони бузилиб кетмаган бўлса ҳам мутлақо таниб бўлмасди. Одамлар, шаҳар осмони, ҳатто дов-дарахтлар ҳам ўзгариб кетгандек туюларди. Ҳалиям номи Хюэ бўлгани билан унинг ўзига хос, бетакрор қиёфасидан ному нишон йўқ эди.

Нинь таниш-билишларининг гапларини жимгина эшитарди-ю, бироқ ишонмасди. Бу шаҳар унинг ота макони эмасди, у бошқа ерда туғилгани, бироқ беғубор болалиги шу ерда ўтди, биринчи муҳаббатнинг маст килувчи шаробини шу масканда тотиб кўрди, қайноқ ёшлигининг бебаҳо дамлари хазон япроқлари янглиғ шу шаҳри азим тупроғига кўмилди. Бу ерларни тарк этиб кетгач, шунча йиллар ичи яшноқ гулларга бурканган Оқ йўлбарс кўпригида ўтказган нурли окшомларни, чирилдоқларнинг тинмай чириллашини хотирламаган бирор кунини эслолмайди.

Мана шу ўтган давр – ўттиз йилдан зиёдроқ вақт ичида шимолий худудларда ер қатламларини қазиб, қадимий иншоотлар: Колоа, Хоала, Нямак, Няхо қўрғонлари тарихини ўрганди. Ҳар сафар янги ишга қўл урар экан, кун келиб, албатта, Хюэда ҳам археологик қазिशмалар олиб боришига умид қиларди.

Мана, ниҳоят умидлари рўёбга чиқди.

Археологнинг беқўним ҳаёти Нинни бу қадимий шаҳарга келтириб ташлади. У тинчлигини ўғирлаган яккашоҳлар қўриқлаётган уйни излаб топди.

Уйга олиб борадиган сўқмоқ бузилиб, ўт-ўлан ўсиб кетибди. Лекин бошқа жиҳатлари ўша-ўша: нафис нақш билан чизилган парда, салқин айвондаги йўниб ишланган ёғоч сўри. Ўтган ўттиз йил бадалида буюм-

лар эскирган, аммо улардан бирортасининг ўрни ўзгармаган. Унинг ҳаётида эса кўп ўзгаришлар рўй берди. Пешонаси шўр экан, меҳрибон, суюкли рафиқаси уруш йилларида ҳалок бўлди. У ўттиз йил аввалгидек интизорлик ва умид туйғулари билан Бой Хоан ҳақида ўйламайди, лекин ўтмишни хотирлар экан, жон-дилдан унга бахтли умр тилар эди. Нима бўлган тақдирда ҳам, ёши улғайган сари кадрдон гўша, ўқувчилик йиллари, ёшлик даврини кўп эслайдиган бўлиб қолган...

Нинь эшикни тақиллатди. Эшик зўрға очилди. Остонада ўрта бўйли аёл пайдо бўлди, у эгнига калта кўйлак кийиб олган эди. Озгин, хорғин чехрасини ажин тирнаган. Аёл Нинга диққат билан разм солди. Бирок рўпарасидаги одамни таний олмади, ҳамма нарса унинг хотиридан ўчиб кетганди. Ораларида вужудга келган ноқулай жимликка барҳам бериш учун аёл қўли билан ишора қилиб уни ичкарига таклиф этди. Унинг озгин қўлларида қаҳрабо билагузук ярақлар эди. У мулойимгина жилмайди ва бу табассум эвазига унинг ёноқларини иккита чуқур ажин қоплади: ёқимтой кулгичлар, мана, нимага айланар экан...

Нинь армияга кетгач, Бой Хоан уч йилдан сўнг турмушга чиққанини эшитганди. Унинг эри Туйендик вилояти раҳбарларидан бири бўлиб, автомобиль ҳалокатида ҳаётдан кўз юмганди. Францияда илм олган тўнғич ўғли 1975 йилдан буён ўша ерда умрбод қолиб кетган, пировардида Бой Хоан саккиз яшар кичик қизи билан бир ўзи яшар эди.

– Қизингиз яхшими, Бой Хоан... тузукми? Уни кўрсам бўладими?

– Раҳмат, яхши, фақат ҳозир уйда йўқ эди, дугоналари билан аллақаерларда ўйнаб юргандир. Кечгача аҳвол шу, ўйнагани-ўйнаган. Кўчадан бери келмайди, қиз болаям шунақа бўладими?

– Бола қанча югуриб ўйнаса, шунча соғлом ўсади. Парво қилманг. Ҳали уйда кўп ўтиришига тўғри келади, ўйнаб қолсин ҳозир, – дея уни юпатди Нинь.

– Ўйнасин, майли, кўнглини оғритмай дейман, шунинг учун ёмон гапирмайман унга. – Аёлнинг юзига аччиқ кулги ифодалари ёйилди. – Лекин аллақаерларда оёғи куйган товукдек югуриб юриш учун туққанманми уни? – Шундай деб у пиёлаларга чой куйиб узатди. – Олинг, чой ичинг. Лотос баргидан дамладим, отам шу чойдан ичарди, лоақал одатларимизни эслайсиз.

Нинь индамай чойдан ҳўплади.

Наҳотки у ўттиз йилдан буён орзиқиб кутаётган учрашув шу бўлса?

* * *

Мана, у ўша орзу қилган заминдаги машҳур қалъа деворлари остида ўтирибди. Гир айланадаги тизза бўйи ўт ўсиб кетган, ранг-баранг гуллар шамолда тебранади.

Шу чоқ кимнингдир шарақлаб кулгани эшитилди. Қамишлар орасидан жажжигина қушча париллаб учиб чиқди-да, қуюқ майсалар ичига ўзини урди, унинг ортидан Фионг югуриб чиқди ва тутиб олиш учун ўзини унга отди.

– Эҳтиёт бўл, Фионг! Ҳаммаёқ қамиш бўлса, қўлларингни кесиб олма яна.

Фионг унга яқин келиб, Ниннинг ёнидаги харсангга ўтирди.

– Ёшинг нечада, Фионг?

– Йигирмада.

– Анча бўлдим ишлаётганинга? Ёки энди иш бошладингми?

– Икки йил бўлди. Ўрта мактабни тугатгач ишга кирганман.

Қуёш шуъласи барглар орасидан ўтиб улар ўртасидаги ўтлар устига тўкилди.

– Ишинг ўзингга ёқяптими?

– Ҳа, жудаям. Сайёҳларни турли ерларга олиб бораман, уларга тарихий ёдгорликлар ҳақида сўзлаб бераман. Шунақаям ҳаяжонланаманки. Агар Линь Минг макбараси ёки Хон Тен саройига бориш керак бўлса, аждаҳо шаклидаги қайиқда Хушбўй дарёсининг хушманзара гўшаларига боришга тўғри келади. Баъзан хорижий юртлардан кўплаб сайёҳлар ташриф буюришганда ҳафталаб, дам олмасдан саёҳат қиламиз.

Нинь диққат билан қизга тикилди.

– Менга қара, Фионг... зериккан кунларинг ҳам бўладими?

– Чарчайман, бунақаси бўлиб туради. Ҳафталаб тик оёқда юраверганинга билмай ҳам қоласан чарчаганингни... Оёқларинг қакшайди, пой-абзалинг йиртилиб ҳам кетади баъзан. Лекин – зерикмаганман ҳеч қачон.

Гапираётиб қиз беихтиёр барқ уриб очилиш арафасидаги ғунчани узиб олди, бироқ новдасида бўртган ўткир игналар бармоғига кирди-ю, дархол улоқтириб юборди ва дастрўмолини олиб бармоқларининг юмшоқ ерларини артди.

Уларнинг ўртасида ётсираш сезилмасди. Ўзаро ҳамкорлик уларни яқинлаштирган, шунинг учун Фионг ўзини анча енгил ва очиқ-ойдин тугарди.

– Биласизми, устоз, илгари мен бирам уятчан, тортинчоқ эдим. Донгкҳандаги мактабда ўқиганман, у ерда асосан қизлар ўқирди. Икки-учта қиз ўртоқ бўлиб юрардик, шунинг учунми, кўпчиликнинг ичига кирсам, одамларнинг савлати босармиди, ишқилиб, ўзимни йўқотиб кўярдим. Энди иш бошлаган кезларим ҳам бошимни кўтаролмас, туфлимнинг учидан кўзимни сира узолмас эдим.

Қиз шарақлаб кулди.

– Ҳалиям шунақамисан?

– Йўғ-а, аввалига нимаси ёмон бу одатининг, деб шунга кўникмоқчи ҳам бўлганман, ундан қутулиш ўрнига яхши томонимни ахтарардим. Кейин вазият тақозоси билан ўзимни нисбатан бўлсин, дадилроқ ва эркинроқ тутишни ўргандим. Ишим равон, мантиқан асослаб гапиришни тақозо этарди, шунга ўрганиш учун ўзимча машқ қилдим. Уйда тошойна қаршисида туриб олиб, фасоҳат билан гапириш, одамлар эътиборини жалб қилиш сирларини, умуман, қизиқарли ҳикоя қилишни ўргандим. Натижа ёмон бўлмади. Ҳозир аввалгидек тортинмайман. Фикримни жамлаб хотиржам ҳолатда сайёҳларни қизиқтирадиган ривоятлар, латифалар айтиб бераман. Ҳар битта ёдгорлик ёнида гапириш учун ўн дақиқа ажратилган бўлса-да, дастурдан чиқиб кетишдан чўчимайдиган бўлдим. Сухбатни халқ афсоналари билан бойитаман. Менимча, ўз ишимни яхши кўрганим сабабли шуларга эришдим.

Қайтаётганда йўллари яна Фусуан кўприги орқали ўтарди. Муаттар дарёсининг яшил сувлари таянч устунлар атрофида ўрама ҳосил

килиб, шошилмай оқарди. Машина ойнасидан сарин, хушбўй шамо­л ёпирилиб кирарди.

– Айбга буюрмасангиз бир гап айтаман, устоз, – деди Фионг ва са­дафдек тишларини ярақлатиб жилмайди.

– Хўш, гапиравер.

– Ювинаётган чоғингизда мен сизнинг дафтарларингизни кўриб, бир неча саҳифасини ўқиб чиқдим. Назаримда, ноаник, чалкаш маъ­лумотлар кўп.

– Ким айтди сенга уларни ўқисин деб? – деди Нинь қовоғини уйиб.

– Эшитинг, масалан, сиз Ванниён мақбарасини куриш учун ҳар куни уч мингдан зиёд ишчи кучидан фойдаланилган, деб ёзибсиз. Ме­нимча, уч минг эмас, ўттиз мингта бўлса керак.

– Қаердан топдинг бу маълумотни?

– Бу хусусда оғзаки ривоятларда айтилган. Афсоналарнинг бирида бахтиқаро ҳаммоллар ҳақида шундай ҳикоя қилинади: “Ўттиз мингдан зиёд бенаво, очликдан силласи қуриган, рўшнолик кўрмаганлар залворли харсангларни елкаларида ташир, оҳактошларни майдалар эдилар...” Мен ҳозир шу рақам тилга олинган бошқа, янаям ишончлироқ манбаларни из­ляяпман. Бундай олиб қараганда ҳам, тош майдаловчиларнинг шунақа йи­рик кўзғолони учун уч мингта одам кам экани кўришиб турибди. Одамлар оч-яланғоч, бир бурда нонга зор бўлишган. Бу ёқда оғир, тинка-мадорни қуритадиган мехнат... Шунинг учун улар болга, тўқмоқлар билан сарой­га хужум қилишган, кўрқишмаган, чунки пичоқ суякка бориб қадалган, улар кўрқувни унутган ва ўзларига ишонганлар. Нега? Лоақал кўпчилик бўлишгани учун, тўғрими? Яхши қурулланишмаган, лекин сон-саноксиз...

– Гапингда жон бор! – дея тасдиқлади Нинь ич-ичида қизнинг да­лил-исботларидан яйраб. Шу чоққача у экскурсовод деганда ҳатто биттагина бўлсин хорижий тилни билиш тугул, ясан-тусан қилишдан бошқасига қизиқмайдиган йигитчаларни кўз олди­га келтирар, улар­га “ойимқовоқлар” деб ном кўйиб олганди. Фионгнинг тахминларини эшитиб, жуда қувониб кетди.

– Биласанми, бу маълумотларни менга шу бугун тақдим этишганди, ҳали тузуккина танишиб чиқишга ям улгурмагандим. Агар хўп десанг, ҳамма материалларни ўқиб чиқасан бундан буён, кейин... Шундай қилсак, менга жуда катта ёрдаминг тегарди, нима дединг?

– Ростданми? Жиддий айтяпсизми? Жон-дилим билан, агар сиз ло­зим топсангиз! – дея чапак чалиб юбораёзди Фионг қувонганидан.

* * *

Ўша куни кечқурун Нинь ўзининг хомаки ёзувларини диққат би­лан ўқиб чиқди. Дарҳақиқат, тахминлар, аниқлаштириш шарт бўлган қайдлар кўп экан. У чой хўплар экан, бу камчиликларни сезмай қолгани учун ичида ўзини янир, сўқар эди. Нимасини айтасиз, сўнгги йилларда унинг мантикий фикрлаши, ўткир зехни, заковатига кўз тег­ди, шекилли. Кексалик аломатлари бўлмасин-да, ишқилиб! Эндигина элликдан ўтган бўлса, илм кишиси учун айни балоғат ёши-ку!

Ўша кундан сўнг Фионг Нинь учун ўта зарур, фаол ёрдамчига айланди-қўйди. Унинг қайдларига, тўплаган маълумотлари, қиёсларига

қанча ўзгартиришлар киритди – номаълум, бироқ Фионгнинг беғараз, астойдил кўмаги олиб бораётган илмий тадқиқотларига янги мазмун бахш этиши муқаррар эканини кун сайин сезарди.

– Устоз, Ванниен мақбарасининг қурилишида ишлаган коранда-ларнинг сонига нима учун ахамият берганимни энди айтсам бўлар. – Шундай деб Фионг сумкасидан бир даста қоғоз чиқарди. – Чунки мени Тошмайдаловчилар кўзғолони билан боғлиқ жамики маълумотлар – улар қандай бўлишидан қатъий назар, каттами-кичикми, арзигуликми-йўқми, фарқи йўқ – жуда кизиқтирарди. Ти Дик¹ маыбараси ҳақида ҳикоя қилаётганимда мен хаёлан майсалар қоплаган тепаликни тасав-вур қиламан. Император дунё ташвишларидан халос бўлиш учун шу ерда ҳаловат топишни истаган. Ҳатто кўнглидан ўтган бу орзусини яқин кишисига васият қилган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам у тириклигидаёқ жамики эзилган халқни шу ерга ҳайдатиб келтирган. Оч-яланғоч одамлар харсангтошлар остида эзилиб, дардини ичига ютиб, калтак ва зўрлик ҳукмида ўша иншоотни қуришга киришган... Мана шундай машаққатларга чидаёлмай охири кўзғолон кўтаришган. Қон дарё бўлиб оққан, дейилади афсоналарда... Тарих ўтмиш қаърида қолди, ўн минглаб кишиларнинг кўз ёшлари-ю тўккан терлари ёлғиз гунг ва лол тошлар бағрига сингиб кетди... Сайёҳларга тахминан шундай ҳикоя қилиб бераман. Назаримда, бу бебаҳо ғиштлар тарихи ҳақида рўйи-рост гапирмоқчи бўлсанг, энг аввало, шуларни терган, ўрнатганларни эслаш билан ўша қиссаларни бошлаш керак, шундай эмасми!

– Фикрингга тўлиқ кўшиламан, – маъқуллади Нинь.

Қиз жилмайди ва енгилгина ҳаракат билан сочларини тузатди. Ўша-ўша дудоклар, ўша табассум, ўша нозик билаклар... Нинь хўрсиниб кўйди ва боши айланганини сезди, сўнг ланг очик дераза ёнига борди.

– Устоз, мазангиз қочдимми?

– Йўқ, йўқ, ҳаммаси жойида. Фақат бироз ҳаяжонландим, ше-килли. Бизнинг ёшимизда бу нарса зоҳиран акс этади. – Нинь ўзини кўлга олиш учун бир-икки маротаба кўксини тўлдириб чуқур нафас олди. – Эҳтимол, шунинг учун тоби келишмаётган одамдек таассурот қолдирарман. – Унинг овозида ҳазил оҳанглари йўқ эмасди.

– Нега энди, ҳечам-да! Мен толиққан бўлсангиз керак, деб ўйладим. Чунки охирги кунлари дам олиш эсингизга ҳам келмаяпти.

– Ўтиб кетади бу. Лекин, очиғини айтсам, мен ҳаётимда ҳозиргичалик ишлаб роҳат қилмаганман... – Нинь қизни ёнида узокроқ ушлаб туриш ниятида гапини тугатмай хаёлга чўмди, лекин ўзи сезмаган ҳолда ода-ти бўйича унга жавоб берди: – Хўп, майли, кетишинг мумкин. Бугунги ишимиз жуда унумли бўлди.

* * *

Сўнги иш куни – оқшомга яқин уларнинг кидирув ишлари ниҳоясига етмоқда эди. Уч кундан кейин Нинь Ханойга қайтиб кетади. Бу ерда бир ойдан буён яшаяпти, шу муддат ичида ўттиздан зиёд қадимий обидалар тарихини ўрганиб чиқди, тўрт юз саҳифадан ортиқ ҳужжат ва маълумот тўплади.

¹ Ти Дик – Вьетнам императори (1840–1883).

Тхи Дик макбарасида ганчдан ясалган кўзалардаги қордек оппоқ гулларнинг ғунчалари барқ уриб очилди. Унинг муаттар бўйи ён-атрофга таралди.

Нинь билан Фионг мақбарани айланиб чиқишди. Улар асосий ҳисобланган катта залда иккита ҳорижий сайёҳлар гуруҳи билан вьетнамликларни учратишди. Сайёҳлар орасида юргилари келмаганидан улар кираверишдаги кўҳна йўсин қоплаган айвончага чиқиб кетишди.

Фионг эгнига кўкиш-кулранг, этаги узун миллий русумдаги кўйлак кийиб олганди, ботаётган қуёшнинг заррин нурлари унинг нозик дид билан гардишига гуллар тикилган гўзал шляпасини ёритарди.

Нинь оёғи остидаги баҳайбат кулранг-мовий харсангтошларни кўздан кечирар экан, уларни бу ерга қандай қийинчиликлар эвазига келтиришганини тасаввур қилди. Бундан бир неча аср муқаддам бўлиб ўтган кўзғолон ҳақидаги қизнинг гапларини эслади. У ўгирилиб қизга юзланди:

– Эрта-индин Ханойга борганимда сенга Доан Чингнинг “Бурч ва эътиқодга садоқат” деган ривоятлар китобини юбораман.

– Бошим осмонга етарди... Лекин, илтимос, илмий тадқиқотингизни ҳам кўшиб юборинг, хўпми?

– Адолат юзасидан айтганда, сенинг номинг ҳам китобнинг титул варағида туриши даркор. Сенинг ёрдамингиз бу ишни охирига етказолмасдим, ҳа, чин сўзим.

– Кўйсангиз-чи... – Фионг қизариб кетди. – Хижолат қилманг... одамни. Мен шунчаки кораламаларингизни ўқиб чиқдим, холос. Қанақасига тадқиқотчи бўламан?

– Хоҳласанг, археология билан шуғулланишингга ёрдам бераман. Вақти келиб институтимизда ишлайсан!

Фионг бошини қуйи солди. Бугун соч тўғноғич тақмагани учун сочлари шалолодек елкасига тўкилди.

– Археология менинг жону дилим, лекин экскурсовод бўлиб қолишни истайман. Башарти тарихни ўрганар эканман, мақсадим битта, у ҳам бўлса, малакамни ошириш. – Фионг бир зум хаёлга толди, сўнг гапини давом эттирди. – Мен битта нарсага қатъий ишонаман: гўзалликка ошно бўлган одамлар эзгуликни нозик фаҳмлайдиган бўладилар, уларнинг ички олами турли нуксонлардан фориғ бўлади.

Улар ўринларидан туриб, ташқарига йўл олишди. Мўъжазгина кўл юзида қуёшнинг тилла жилолари ўйнайди. Саёҳатчилар кўринмайди, улар мақбаранинг ички залларини томоша қилгани кириб кетишган бўлишса керак.

– Мен умримда сизга ўхшаган инсонни учратмаганман. Сиз билан ёнма-ён туриб ишлаш менинг бирдан-бир орзуимдир. Афсуски, бу нарса пешонамга ёзилмаган экан. – Қиз чин кўнгилдан куюнарди.

Соат бешларда тепалик ёнбағридан келаётган оқ “Жип” кўринди.

Бир неча дақиқадан сўнг хайдовчи Нам Зяо пайдо бўлди. Ярим соатдан сўнг улар йўлда кетишар эди. Мана, машина яна Ле Лой шоҳкўчасида шитоб билан кетиб борарди.

Нинь беихтиёр бир пайтлар ўқиган кўҳна ҳинд афсонасини эслади. Афсонада қакнус ҳақида ҳикоя қилинарди. Қуш кексайиб қолганини сезгач, олис-олислардаги яланғоч қояларга учиб кетади ва ўша ерда ўзи

учун дарахт шохларидан ин ясайди. Мустаҳкамроқ бўлиши учун мой аралаштиради. Кейин мана шу уяга кириб ётади ва ботаётган қуёшнинг сўнгги нурлари остида жон беради, унинг жисми кулга айланади. Бирок бир ҳовуч кул ўрнида оппоққина, бежирим тухум пайдо бўлади. Кўклам келиб тухумдан бутун вужудини момик пат қоплаган, кўркмас ва гўзал қакнус жўжаси чиқади.

Нинь ҳорғин жилмайди. Бўлажак илмий ишининг муқаддимасида шу афсонани келтирса бўларкан.

Унинг ўтмиш ҳаётида бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисалар тарихига ана энди сўнгги нуқтани кўйса бўлади.

ЛИ ЛАН

(1957 йилда туғилган)

ЭРТАКЛАР ОЛАМИ

Ҳикоя

Ли Лан – вьетнамлик адиба, таржимон. Биринчи ҳикоялар тўплами шоир ва ёзувчи Чан Тхю Май ҳикоялари билан биргаликда чоп этилган. Адиба 2008 йили “Аёл қиссаси” китоби учун энг яхши китоб номинацияси бўйича Вьетнам миллий мукофоти билан тақдирланган. Инглизчадан она тилига ўзгартган кўплаб таржималари билан танилган.

Қадим замонларда...

У пайтларда бувим ёшгина, ўн беш яшар келин бўлиб, биринчи марта қадрдон гўшасини ташлаб, эри билан мамлакатнинг шарқий ҳудудига жўнаб кетган эди. Бувам ҳам навқирон йигитча эди ўшанда, унинг ёш ва гўзал хотини-ю бўксасига осиб олган энли ханжаридан бўлак бойлиги йўқ эди.

Теварак-атроф ўтиб бўлмас чангалзор ва ўрмондан иборат. Бирок қўл ковуштириб ўтиришдан фойда йўқ, пировардида бувам дарахт кесиб, ер очди, тўнқаларни қовлаб олиб ташлаб, экинзор учун жой ҳозирлади, бувим эса ўша майдонда боғ барпо қилди. У биринчи бўлиб дурьян дарахтини эккан экан...

– Ўша дарахт ҳалиям борми?

– Бор. Бу меваларни ўша дарахтдан узиб келтирганман. Ана тепага қаранг.

Биз бир-биримизга қараб олдик. Дарҳақиқат, биз ана ўша кекса дарахт соясида ўтирар эдик. Чинданам унинг аллазамонларда экилгани сезиларди: пўстлоғи қуриб-қовжираган ва кўпгина ерлари оқариб олапес ҳолга келган, бироқ танаси ҳамон темирдай қаттиқ ҳамда шунчалар йўғон эдики, биз, уч нафар бола қўл ушлашиб ҳам уни қучоғимизга сиғдирилмаймиз. Унинг ғадир-будур шохлари тарвақайлаб ўсган, йирик-йирик мевалари эса дағал тиканли пўстлоқ билан қопланган эди.

– Бундан чиқди, дарахтнинг ёши ярим асрдан ўтган экан-да?

¹ Манба: Вьетнамские писатели о молодежи. Мой приятель Сык. – М.: Молодая гвардия, 1988.

– Эллик олти йил бўлди унганига. У менинг оймидан бир ёш катта. Бувим унга ҳазиллашиб: “Бу дурьян – сенинг катта аканг бўлади”, дер эди.

Ан куюқ яшил япроқларга тикилиб жим бўлиб қолди. Негадир онаси эсига тушиб кетди. Бир вақтлари онаси тириклигида у жажжигина қизалоқ бўлиб, навнихол дарахт новдаларини ушлаб алпанг-талпанг қадам ташлаб юришни ўрганар эди. Кейинчалик улғайиб шу тарвақайлаган дарахт соясида дугоналари билан ўйнайдиган бўлди, ўша кезлари улар учун бебаҳо бойлик ҳисобланган қаттиқ, қуриб-қовжираган япроқларни терар эди. Аммо Аннинг хотираси ночор ва узук-юлуқ – онаси ҳали у кўғирчоқ ўйнаб юрганида вафот этиб кетган. У онасига икки томчи сувдек ўхшарди, отаси эса уни бувисига тортган, дерди. Ростини айтганда, бугун бувиси ёшлигида қанақа бўлган – тасаввур қилиш қийин. Невараларига доим ёшланиб турувчи ҳасратли кўзлари билан боқувчи, кулганда табассум қиляаптими, оғриқдан оғзи қийшайаптими, билиб бўлмайдиган, ошини ошаб, ёшини яшаган кампир: қурукшаган лаблари ёрилиб кетган, кўзлари ич-ичига чуқур ботган, ажин тилиб ташлаган юзи тунд ва ифодасиз. Аннинг бўйи бувисидан қарийб икки калла баланд эди. У ёшига муносиб қийинган: оч-сарик шими тор оёқларига ёпишиб турибди, кўйлаги кенг, энги шамолда хилпирайди. Илгари сочларини калта қилиб кестирадди, ҳозир эса замонавий русум бўйича елкасига тушиб туради. Кўзлари равшан, нигоҳи мулойим, ёноқлари нафармон, юзи табассумдан ёришган, у мавзункад бўлиб, бошини хиёл ёнга солинтириб турибди.

Мен дурьян дарахтига бир каромат ахтараётгандек тикилардим. Кўнглимдан эса бувим айтиб берган ривоят ўтарди. Унинг маъноси ҳеч қачон ёдимдан чиқмаса керак. Чунки у фавқулудда таъсирчан эди.

– Бир замонлар ўрмон ёқасида эр-хотин яшар экан. Кунлардан бир кун эри ўрмонга ўтин учун шох-шабба олиб келгани борибди-ю, ўша ерда унга йўлбарс учраб қолибди. Орада омонсиз жанг бошланибди, одам йиртқичга пичоқ урибди, оғир яраланган она йўлбарс қочибди. Одам қандай бўлмасин, йиртқичнинг уясини топиб, уни ўлдиришга аҳд қилибди, негаки, агар шундай қилмаса, у ўч олиши муқаррар экан. Қонли излар уни йўлбарс яшайдиган ғорга олиб борибди. У йиртқични ўлдирибди ва унинг жасадини ўзи билан олиб кетибди. Янги туғилган йўлбарс боласи онасини қаёққадир олиб кетишаётганини кўриб, унинг ортидан эргашибди. Ўлган йўлбарсни уйига олиб келган одамзод уни ҳовли ўртасига ташлабди-да, хотинига: “Сенга совға келтирдим, терисини шилиб ол!” деб қичкирибди. Хотини чиқиб қараса, ҳовлида ўлдирилган йўлбарс мурдасининг бағрида қичкинагина боласи ҳадеб унинг қорнига суйкалиб очликдан ангиллаётган эмиш. Раҳми келган аёл кўкрагини соғиб, сутини йўлбарс боласига тутибди. Шу тариқа йўлбарсча ўзини сийлаи раҳм қилиб боқаётган “энага” кўлида униб-ўсибди. У баҳайбат ва ёвуз бўлиб улғайибди. Эри, бирон кор-ҳол рўй бермасин, деб, уни ўлдирмоқчи бўлибди, бироқ ўзи туғмаган бўлса ҳам, оқ сути билан боққан хотинига ачинибди. Унга тегмабди. Аёл йўлбарсни ўрмонга қўйиб юборибди. Йиртқич бўлса ҳам, йўлбарс боққан “энага” сини унутмабди, уни соғиниб, узокдан бўлса ҳам кўриш учун ҳар куни уйлари атрофига келар экан, лекин яқин боришдан чўчир

экан. Унинг ёнига аёлнинг ўзи бораркан, ширин-ширин гаплар билан уни эркалар экан. Эри эса хотини баъзан қаёққадир бориб келаётганини сезиб қолибди-ю, биров билан ўрмонда учрашяпти, дея ўйлаб рашк қилибди. Ханжарини олиб бир куни хотинининг изидан борибди, чангалзорда йўлбарсни кўриб қолиб, ўша заҳоти унга ташланиб, ўлдирибди. Йўлбарс қони тўкилган ерда дарахт ўсиб чиқибди. Унинг мевалари кўринишидан бадбуруш, бунинг устига тиконли пўстлок қоплаган, мағзи эса ширин, хушхўр, она сути сингари хушбўй экан.

Биз учаламиз кекса дурьян дарахти остида ўтирар эканмиз, гўё япроқлар шамолда шитирлаб, мана шу кўҳна афсонани айтиб бераётгандек туюларди. Чирилдоқларнинг бир маромдаги, зерикарли ва толиқтирувчи чириллаши бамисли буйруқ берилгандек бирдан тўхтади ва боғ одатдагидан бошқача, ғайриоддий ва сирли сукунат оғушига чўмди. Бир неча лаҳзадан кейин ҳашоратларнинг кўринмас гуруҳи қандай тўхтаган бўлса, худди шундай ногоҳоний ҳолатда бисотидаги ягона, ҳасратли куйини бошлаб юборишган эдики, биз сесканиб тушдик. Мен, тўғриси айтсам, уларни ҳеч қачон кўрмаганман. Биз, Сайгоннинг туб аҳолиси, улар ҳақида фақат китобларда ўқигандик. Ан кўзларини ола-кула қилиб:

– Наҳотки кўрмаган бўлсанг? – деб сўраб қолди. – Сенга уч-тўрттасини тутиб берайми? Кўргинг келяптими?

– Қандай тутиб берасиз?

– Бу жуда осон. Чирилдоқлар жуда баландга чиқиб олишган бўлади, шунинг учун узунроқ таёқ олиб, учки қисмидан бир қаричини нон дарахтининг ширасига ботирасан ва юқорига – ғуж-ғуж чирилдоқлар орасига секин кўтарсанг, бас, марра сеники. Беш-ўнтасининг қаноти таёқ учига ёпишиб қолади – ҳеч қанақасига қочиб қутулолмайди.

Биз таёқ топиб, қайси дарахтда ҳашоратлар кўпроқ тўпланганини аниқлаш учун бошимизни орқага ташлаб қидирганча боғ бўйлаб кетдик. Мен ҳар қанча бақрайиб тикилганим билан ҳеч нарса кўролмадим. Ҳаётингда бир марта ҳам кўрмаган нарсангни қандай танишинг мумкин? Бунинг устига кўз олдимда хол-хол қизғиш-қора доғлар чаплашиб кетганди. Ҳолбуки, улар “аждаҳо кўзи”нинг пишган ғужумлари эди. Улар гўё, мени узиб есанг-чи, татиб кўр, афсус қилмайсан, деган каби бошимиз узра шитирлар, елкаларимизга уриларди. Мен уларнинг таклифига қарши боролмай чирилдоқ тутишни Ан билан Лиеннинг ўзларига ҳавола қилдим.

– Қара, нақадар кўрқинчли улар!

– Нега энди, аксинча, жудаям бежирим улар!

Лиен шохларни ҳар тарафга суриб, қўлларини узатганча менинг ёнимга келарди. Унинг дўмбоқ, пуштиранг кафтида боларидан жиндеккина йирикроқ ҳашоратлар ғимирларди. Мен уларга синчиклаб разм солдим. Қизиқадиган жойи йўқ.

Шу асно қош қорайди. Кучсизгина шамол кўзғалди. Боғча жонланди, япроқлар яна кўҳна ривоятлар ҳикоя қилиб бераётгандек шивирлай бошлади. Мен кўзларимни юмдим ва ўзимни худди эртақлар оламида юргандек ҳис қилдим. Бувим айтиб берган афсона ва ривоятлар хотирамда жонланиб, мени гўё мўъжизакор ҳамда сирли олис ўтмиш сари етакларди...

Мен кутилмаганда ёнгинамда янграган овозлардан хушимга келдим. Кўзимни очсам яна XX асрдаман. Ан нотаниш бир йигит билан гаплашарди:

– Биз эрталабдан бери шу ердамиз.

Улар менинг ёнимга келишди, мен ўрнимдан турдим, улар билан саломлашдим. Хай – ўша йигитни шундай деб аташарди – аввал менга бошдан-оёқ разм солиб чиқди, кейин ўгирилиб Лиенга диққат билан тикилди. Биз ҳақимизда, икки томчи сувдек бир-бирига ўхшайди, деб бекорга айтишмас эди, шекилли. Биз ҳам нотаниш одамдан кўзимизни узмасдик: оқ оралаган сочлари силлиқ таралган, юзида қахрли ифода зухур этган, кўзлари жиддий, ўзи қотма, шунинг эвазига тик кўринар, эгнида эски, дазмолланган кўйлак, мошранг шими тўзиган... Лиен яна бир бор унга қаради-да, қулоғимга шивирлади:

– Бир кор ҳол бўлганга ўхшайди.

Лекин у бизга бошқа аҳамият бермади. Ан билан савол-жавоб қилганча уй тарафга юрди. Биз уларга эргашдик.

* * *

Боғда тун чўккани тезроқ сезилади. Уйда чироқларни ёқишди. Биз кечки овқатга ўтирдик. Лиен балиқ қайласини қандай тайёрлашаётганидан хабар олгани ошхонага чиқиб кетди, Ан эса менга хаёлчан овозда деди:

– Агар ўзингизни яхши тутсангиз, бугун Хай амакининг ғалати тарихини айтиб бераман.

Мен тушунолмадим, ким ўзи бу Хай, қариндошми ёки оддийгина танишми? Унга яқин одамдек муомала қилишяпти-ю, лекин бегона бўлса керак. Тўғриси, у менга инсон сифатида ёқди, шунинг учунми, у билан гаплашгим келарди.

– Амаки, биз томонлар эртак, афсоналарнинг кони эканини билсангиз керак. Ҳар битта дарахт, меваларнинг ўз афсонаси, келиб чиқиш тарихи бор. Мен бир мақолни кўп эшитганман: “Ҳар ирмоқнинг манбаи бор, ҳар гиёҳнинг илдизи”, лекин рости, буни эндигина тушуниб етгандекман.

Хай ёвшанга ўхшаган майсанинг учидан узиб, менга узатди:

– Гиёҳлар билан ҳам боғлиқ қанчадан-қанча нақллар бор. Мана, масалан, бундай сатрлар мавжуд:

*Фалакда чарх уриб учар чучук хантал,
Ёвшан пастда, замин дарди билан яшар.*

– Дарсда ёдлаганмиз шу мисраларни. Эсимда қолган. “Мақоллар, маталлар ва халқ кўшиқлари” деган китобда. Ёки мана бундай афсона бор: “Бор экан, йўқ экан, бир одам бўлган экан. Бир куни у ўрмонга кетиб, қайтиб келмабди. Уйда ёш хотини, тўртта боласи ва кекса онаси қолибди. Ёш-ёш болалар овқат ейман, деб бақиришаркан, кампир нолиркан, ажалим етмасдан бир пиёла бўтқа беринглар деб, уйда эса ҳеч вако йўқ экан, ҳатто бир дона гуруч қолмабди. Начора, ёш жувон кишлок оксоқолининг ҳузурига бориб, қарзга гуруч сўрабди, оксоқол

уни кўздан кечирибди-да: “Эринг ўлиб, кечаси ёлғиз ётганда совук емаяпсанми?” деб сўрабди беҳаёлик билан. Жувон унинг шаънига ҳар хил гаплар айтиб қочиб кетибди. Уйига келса болалар йиғлаётган экан, кампир зорланаётган экан, ичкарига кирмабди, қайтиб ортига равона бўлибди. Юриб-юриб қишлоқни айланиб чиқибди, охири яна ўша оқсоқолнинг уйига келишга мажбур бўлибди. Тишини тишига босиб, ичкарига кирибди... У ердан бир халта гуруч билан қайтиб чиқибди. Қишлоқ кўчалари оралаб келаётганда, ҳамқишлоқлари унинг ортидан ғийбат қилишибди. Аёл бошини эгиб, тезроқ уйига етиб олиш учун шошилибди. Йўлда кетаяпти-ю, кўзларидан шашқатор ёш оқармиш. Кўзларидан оққан ёш томчилари тушган ерда ташқи томони ям-яшил, ички томони оч сиёҳранг, хушбўй, таъми аччиқ гиёҳлар ўсиб чиқибди”.

Лампа чирокнинг нури ҳовлимизни аранг ёритарди. Боғни зулмат қоплади. Шамол зўридан баланд дарахтлар чайқалади, баъзан-баъзан чирилдоқлар ва қора чигирткаларнинг чириллагани эшитилади. Лиен бир нима деганди, ўз хаёлларим билан банд бўлганимдан эшитмадим. Хай амаки кулиб юборди. У бошмалдоғида қалинроқ сигарани ёқиб, хузуруланиб ичига тортди, сўнг оғзидан халқа-халқа тутун чиқарди.

– Ҳозирги ёш авлод француз мустамлакачиларини тушида ҳам кўрмаган, улар улғайганда америкаликлар билан бўлиб ўтган уруш ҳам тугаганди. Халқимиз тарихи сизлар учун бир эртақдек гап. Ишонишингиз амримаҳол. Майли, энди ётиб ухланг, вақт алламаҳал бўлди, мен ҳам боришим керак.

Хайрлашиб жўнаб кетди. Боғдаги дарахтларнинг шохлари энгилгина силкиниб, оёқ остидаги гиёҳлар шитирлаганча ортидан кузатиб қолди. Бир ё икки эртақ ёхуд ривоят билан ҳали-вери тинчимаслигимизга кўзи етган Ан Хайнинг бошидан ўтган воқеалари гапириб берди.

– Жанубдаги ерларимиз озод қилинган йили, мен ўн саккиз яшар эдим, шундан охириги ўн йилни эвакуациядан сўнг отам билан Сайгонда ўтказдик. Иттифоқо, бир кун бузимни кўргани бордим. У ерларни кўрмаганимга анча бўлганди, аммо-лекин болалигимдаги кўп нарсалар ўзгариб кетган экан. Қишлоққа етмасдан берироқдаги чорраҳада ҳарбий кийимдаги бир йигитни кўрдим. У худди мени кутиб тургандек туюлди. Мен нима қилишимни билмай, кўрқиб хавотирга тушдим. У исмимни, қаерда туғилганимни, отам билан онам, бузим билан бобом кимлигини сўради. Очиғи, уни соқчи деб ўйлаб, ҳар битта саволига мулойимроқ жавоб беришга ҳаракат қилардим.

– Ҳа, шундай... мухтарам соқчи, ҳа, мухтарам соқчи...

У гапимни бўлиб:

– Мени амаки дегин, тушундингми, амаки, – деди самимий оҳангда.

– Мен асли шу ерликман, бу ердан кетганимда сен ҳали туғилмаган эдинг. Лекин онангга жудаям ўхшар экансан. Узоқдан кўриб, аввалига ишонгим келмади, яқинроқ келганимда янглишмаганимни сездим. Неччига чиқдинг? Ўн саккиз! Мен кетаётганимда онанг ҳам эндигина ўн саккизга кирганди. У мана шу чорраҳада мени кузатиб қўйган, ортимдан қўл силкиб хайрлашган эди... Қара... Вақтнинг ўтиб кетишини. Онанг яхшими, соғлиғи қалай?

– Ўн йил бўлди онам вафот этганига.

– Эҳ-хе...

Унинг хайратомуз, шу билан бирга дардли овозидан юрагим сиқилди. Онам вафотидан сўнг бу томонларга энди келишим, тавба, биринчи учратган одамим у ҳақда ҳижжалаб сўраса-я!.. У ҳам майли, лекин унинг кўксидан отилиб чиққан хўрсиниш аралаш надомат бунчалар кучли? Ким у? Мен унинг ҳалиям ёшлик чоғидаги салобатини эслатаётган азамат елкалари, маъноли кўзларига кўз қирим билан назар солдим. У чурқ этмади, мен хайрлашиб, йўлга тушдим ва уч-тўрт қадам юргач, ўгирилиб қарадим. У ҳамон қимир этмай ҳайкалдек қотиб турар, эғнидаги эски, ранги ўнгиб кетган чанг ҳарбий кийими унинг бу алфозда қотиб туришига ўзгача бир мазмун, кўрк бахш этарди, у менинг ортимдан хайрат ва кучли изтироб ичида термиларди.

– Амаки, менга яна бир нима демоқчи эдингизми?

– А... йўк, йўк. Сен худди онангга ўхшаб қадам ташлар экансан.

Уйга келгач, бувимга ўша нотаниш киши ҳақида оқизмай-томизмай гапириб бердим. Бувим унинг ким эканлигини аниқлай олмади, бўлмаса, узоқ-яқин қариндошларимизнинг ҳаммасини бир бошдан эслаб чиқди.

Охири бир нимани эслади-ю, анчагача менга айтишга иккиланиб турди, бармоқларини букиб, ўтган йилларни ўзича бир нимага қўшиб чамалади. Сўнг гап очди:

– Қўшни қишлоқда Шау Ванг Ронг деган одам бўларди... У бувангга ўхшаб кўрик ерлар очарди. Жуда яхши одам эди, бой-бадавлат бўлишдан кўра чин инсон бўлишни афзал биларди. У эртароқ уйланганди, битта ўғли бор эди. Исми Хай Диен. Эсимда, ўша йили кекса Шау бизникига ташриф буюрганди, қизимизга совчи бўлиб, урф-одатларимизга кўра совға кўтариб келганди. Ўғлига қизимизнинг қўлини сўради. Хуллас, рози бўлдик, тўйни қишда қиладиган бўлдик. Ана шунда уруш бошланиб қолди. Хай тенгдошлари билан жангга кетди, кўриб турганингдек, энди кепти. Бечора онанг ўн бир йил кутди уни. Қизларнинг қисмати шу экан. Буванг уни отангга турмушга берганида, у ўттиз ёшга чиқиб қолганди. Илож қанча? Ҳай, шунча кутганда ҳам келмаган бўлса, яна қанча кутади? Мана, у келди. Фақат ўттиз йилдан кейин. Ўша чорраҳа, ўша овоз, ўша қадам ташлашлар, ўша ўн саккиз ёш... Бироқ кузатгани чиққан нозанин тириклар орасида йўк, бугун қаршисида турган қиз эса уни танимайди. Кўраяпсанми, вақтнинг тез ўтишини, лекин у шафқатсиз...

Ан жимиб қолди, биз ҳам кимирлашга истиҳола қилгандек сукут сақлаб ўтирардик. Ҳеч биримизнинг уйқумиз келмасди. Мен қоронғилик оғушидаги боққа кўз югуртирдим. Қирол Хунг Вионг сулоласининг шон-шухратига гувоҳ бўлган пальмалар, муқаддас кекса дурьян, нон дарахтлари... Япроқлар бамисоли ўз таассуротларини ўртоқлашаётгандек оҳиста шивирлайди. Эртага қанақа дарахтлар ўсиб чиқади-ю, улар эртақлар боғига келганлар учун қандай ривоятларни хикоя қилиб бераркан?



ДАНГ НЯТ МИН

Вьетнам кинематографиясининг ёркин вакилларидан бири Данг Нят Мин исмини дунё кино санъати ихлосмандлари яхши билади. Айниқса, у 1999 йили машхур “Никкеи Осиё” совринини (Nikkei Asia Prize) кўлга киритган биринчи вьетнамлик режиссёр бўлгач, ижодий ишларига бўлган қизиқиш янада ортди. Режиссёрнинг умр йўлига назар ташлар эканмиз, ижодкор учун ибратли ходисалар борлигига гувоҳ бўлдик...

Данг Нят Мин 1938 йили Ху шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топган. Отаси Данг Ванг Нгу шифокор бўлиб, тиббиёт соҳасидаги изланишлари билан ном чиқарган эди. Жумладан, ихтирочи-шифокор Вьетнамда уй шароитида биринчи бўлиб пенициллинни олишга муваффақ бўлади. Оилавий муҳит сабаб ёш Данг дастлаб тиббиётга қизиқади. Аммо кейинчалик икки йил давомида Россияда яшаши ва рус тилини ўрганиши, айниқса, рус фильмларини она тилига ўгириши унинг дунёқарашида сезиларли ўзгариш ясади. Ўзини кинога бағишлашга аҳд қилган Данг Вьетнам Кинематография мактабида илмий тадқиқот олиб бора бошлайди.

Навқирон режиссёрнинг дастлабки фильми 1965 йил геолог-

муҳандис ҳақидаги хужжатли кинокартинадир. Асар кинотанқидчилар ва томошабинлар эътиборига сазовор бўлади. Чунки илмий салоҳияти чуқур Данг хужжатли фильмда аниқ манба ва далиллардан унумли тарзда, таъсирчан йўсинда фойдаланади.

Хужжатли фильмининг муваффақиятидан руҳланган Данг Нят Мин бадиий фильм суратга олишга киришади. Ниҳоят, 1973 йили яратилган “Опа Нунг” картинаси Данг Миннинг Вьетнам кино оламида ўзига хос дастхати бор режиссёр эканини ҳар жиҳатдан тасдиқлади. Шундан сўнг суратга олинган “Майдаги чехра” (1976), “Кафтдаги қишлоқ” (1983), “Ўнинчи ой бошланганда” (1984), “Дарёдаги қиз” (1986), “Қайтиш” (1994), “Ватанни кўмсаб” (1995) каби фильмлар Данг Нят Миннинг нафақат вьетнамлик ижодкорлар орасида, балки жаҳон кино намояндалари ўртасида ҳам алоҳида ўрни борлигидан далолат бўлди.

Режиссёр фаолияти билан боғлиқ эътиборга молик ходисалардан бири шундаки, “Ўнинчи ой бошланганда” фильми Вьетнам ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатларнинг қайта тикланишига туртки бўлди. Кинонинг халқлар дўстлигини

мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ноёб восита экани ҳақида Данг Нят Мин 2013 йили Хао Сен университетидаги маҳорат машғулотида шундай деган эди: “Дунё бўйлаб ўтказилувчи кинофестиваллар нафақат кино санъатининг ривожланиши, балки халқаро муносабатларнинг мустаҳкамланишига ҳам имкон яратади”.

Дарҳақиқат, режиссёр Данг Нят Мин фильмларида тинчлик, инсонийлик, меҳр-оқибат каби фазилатлар тараннум этилади. Чунки у кинони шунчаки кўнгилочар томоша эмас, инсон онги ва руҳиятига таъсир қилувчи қудратли куч деб ҳисоблайди. Режиссёрнинг фикрича, фильм орқали миллатнинг ўзлиги, қадриятлари, асрлар давомида барҳаёт яшаб келаётган эзгу тилак-мақсадларини ифодалаш лозим. Шу боис Данг Нят Мин ўз асарларида Вьетнам халқининг орзу-ниятларини акс эттиришга, софдил ва меҳнаткаш аҳолининг турмуш тарзини кўрсатишга ҳаракат қилади.

Данг Нят илгари сурган ғоялардан яна бири – тинчлик мавзусидир. Жумладан, унинг “Буни ёндирманг” фильмида уруш ва тотувлик, истибдод ва истиқлол мавзуси бадиий-таъсирчан лавҳаларда акс эттирилади. Картинанинг бош қаҳрамони йигирма тўрт ёшли шифокор қиз кўнгилли тарзда жанг майдонига боради ва аскарларга тиббий ёрдам кўрсатиш асносида хотираларини онасига мактуб шаклида кундаликка ёзиб боради. Уруш қурбонсиз бўлмайди. Шифокор қиз ҳам жанглардан бирида жон беради. Унинг кундалиги америкалик аскарнинг кўлига тушиб қолади. Кундаликдаги чексиз дарду изтироб, ўтли туғёнлар аскарга шижоат беради, машаққатларни

матонат билан енгиб ўтишига кўмаклашади. Уруш ниҳоясига етиб, аскар уйига қайтганида, онаси кундаликни ўқиб, ғоят таъсирланади ва уни шифокор аёлнинг онасига топширишни буюради: “Мен ҳам онаман, жангга кетган фарзанд соғинчи, изтироби нима эканини яхши тушунам. Ким бўлмасин, кундалик онаизорга етказилиши керак...”

Шу тарика режиссёр, гарчи бир-бирига қарши қурол кўтараётган бўлса-да, рўпарама-рўпара турган қўшинларнинг аскарлари инсоний туйғуларга бегона эмаслиги, уруш туфайлигина бир-бирига душман бўлиб қолганини маҳорат билан кўрсатади. Ушбу фильм 2009 йили Ханойда ўтказилган АSEM халқаро кинофестивалида намоён этилиб, ҳайъат аъзоларининг олқишига сазовор бўлди. 2013 йили эса режиссёр тинчлик ва озодликни мадҳ қилувчи фильм яратгани учун Жанубий Кореянинг мукофоти билан ҳам тақдирланди.

Дарвоқе, Данг Нят Мин яратган картиналар халқаро миқёсда эътибор топмоқда. У 1985 йилдаёқ VII Вьетнам фестивалида “Олтин нулуфар” совринини кўлга киритган бўлса, кейинчалик Тинчлик халқаро кинофестивалида, Гавайи халқаро кинотанловида, Осиё-Тинч океани халқаро кинофестивалида, Франциянинг Нант шаҳрида бўлиб ўтган Уч қитъа кинофорумида олий ўринларга лойиқ кўрилди.

Истеъдодли ижодкор Данг Нят Мин фақат режиссура билан чекланиб қолмай, Вьетнам Кинематография ассоциацияси бош қотиби вазифасида ҳам самарали фаолият кўрсатди, талабаларга кино санъатидан сабоқ берди. У ҳозирги кунда ҳам ижод билан банд.

*Нодира ҚОСИМОВА
тайёрлади.*

ДАНГ ВАН КАН



Данг Ван Кан Вьетнам тасвирий санъатининг ёрқин намояндаларидан бири. У 1957 йили Виньлонг провинциясининг Лонг Хо туманида туғилган. Рассом ёшлигиданоқ сурат чизишга қизиқади. 1976 йилдан газета ва журналларга иллюстрациялар ишлай бошлайди. Кўргазмаларда фаол қатнашиб, кўплаб мукофотларга сазовор бўлган Дан Кан ҳозирги кунда Вьетнам Тасвирий санъат ассоциациясининг фахрий аъзоси.

Данг Ван Кан картиналарида она юртининг ўзига хослиги, халқининг турмуш тарзи, бой маданиятидаги ўзгачаликлар маҳорат билан акс этирилади. Шу боис ҳам мутахассислар унинг асарлари ҳақида: “Данг Ван Кан манзараларида оддий саёҳатчининг кўзи илғамайдиган яширин жиҳатлар бор”, дейди.

Мусаввир Данг суратларидаги олам ширин тушга ўхшайди, шу билан бирга пурмаъно. Унинг ҳар бир асарида фақат ташки кўриниши билан илғанмайдиган, диққатни жалб этувчи чуқур мазмун борки, бу жиҳат томошабинни фикр-мулоҳаза юритишга ундайди. Дангнинг кўплаб суратларида Меконг худудининг мафтункор ва улуғвор манзараси, дарё бўйидаги уйлар, қайиқлар, миллий кийимдаги қизлар, балиқчиларни учратиш мумкин.

Журналимиз муқовасини безаган “Соҳил одамлари” картинасида дарё одамларининг ўзига хос турмуш тарзи ва кундалик ҳаёти чуқур тасвирланган. Дарё уларнинг туғилиб ўсган макони, айна вақтда тирикчилик манбаи. Уларнинг касб-кори ва насибаси ҳам дарё билан боғлиқ. Улар балиқчилик ортидан рўзгор тебратади. Эътиборли жиҳати шундаки, суратда бу ҳолатлар бағоят таъсирчан акс этирилган, одатдаги тирикчилиги билан овора одамлар (кимдир қайиқ ичида, кимдир сув бўйида ўтирибди, болалар бир чеккада ҳангома қияпти) кайфияти беихтиёр томошабинга ҳам юқади.

*Аброр УМАРОВ
тайёрлади.*

УЛАР ҲАМ ШУ ОЙДА ТУҒИЛГАНЛАР...

3 ОКТАБРЬ

1900–1938 йиллар. ТОМАС ВУЛФ, америкалик ёзувчи. “Ўз уйингга боқ, фаришта”, “Вақт ва дарё ҳақида”, “Ўлимдан тонггача”, “Ўргимчак ва қоя”, “Уйга қайтиш душвор” каби қатор романлари машҳур.

4 ОКТАБРЬ

1960–2002 йиллар. АЪЗАМ ЎКТАМ, истеъдодли ўзбек шоири. “Кузда қулган чечаклар”, “Кузатиш” “Зиёрат”, “Тараддуд”, “Икки дунё саодати”, “Қирқинчи баҳор” каби шеърий тўпламлар муаллифи. “Бола дунёни тебратар”, “Хабар” насрий асарлари чоп этилган. Рабиндранат Тагор ва Николай Рубцовнинг туркум шеърларини ўзбек тилига ўгирган.

6 ОКТАБРЬ

1887–1965 йиллар. ШАРЛЬ-ЭДУАР ЖАННЕРЕ-ГРИ, машҳур француз архитектори, рассом ва дизайнер. Жаҳоннинг кўплаб давлатларида унинг бинокорлик лойиҳалари асосидаги иншоотлар қад ростлаган. Токиодаги Миллий санъат музейи, Цюрихдаги “Хейди Вебер” павильони лойиҳаси муаллифи. Унинг том устида боғ яратиш ғояси асосида кўплаб меъморий иншоотлар барпо этилган.

8 ОКТАБРЬ

1936 йил. ЛЕОНИД КУРАВЛЁВ, Россия халқ актёри. Унга “Иван Васильевич қасбини ўзгартиради” (Милославский), “Кўринмас одам” (Марвел), “Бригада” (ИИВ генерали), “Меросхўрлар” (маъмурият бошлиғи), “Ёмғир изи” (Павел Сергеевич) сингари фильмлардаги роллари шухрат келтирган. 1990 йилнинг охирида “Леонид Куравлёв билан китоб дунёсига саёҳат” телекўрсатуви билан ҳам танилган.

9 ОКТАБРЬ

1926–1992 йиллар. ЕВГЕНИЙ ЕВСТИГНЕЕВ, таниқли рус актёри. “Шаҳар узра чавандоз” (Владя тоға), “Учрашув жойини ўзгартириб бўлмади” (Пётр Ручников, “Ручечник” лақабли), “Аккордеон ушлаган одам” (Лопатин), “Таградаги қиш оқшоми” (Алексей Беглов), “Итюррак” (профессор Преображенский) фильмларидаги роллари билан ном қозонган.

1451–1506 йиллар. ХРИСТОФОР КОЛУМБ, испаниялик машҳур сайёҳ, денгизчи. 1492 йилдаги саёҳатлари натижасида Жанубий ва Марказий Америкага Еуропадан йўл очган. Атлантика океанига келган илк денгизчи ва Кариб денгизи бўйлаб сузган биринчи ғарб денгизчиси саналади.

13 ОКТАБРЬ

1933 йил. МАРК ЗАХАРОВ, Россия халқ артисти, театр ва кино режиссёри, сценарийнавис. Кўплаб орден ҳамда мукофотлар соҳиби. “Ўн икки стул”, “Муҳаббат формуласи”, “Свифт курган уй” сингари режиссёрлик ишлари, “Поезд бекати – икки дақиқа”, “Санников ери”, “Аждарнинг ўлими”, “Иф қалъасининг маҳбуси” фильмларининг сценарийлари улкан муваффақият қозонган.

15 ОКТАБРЬ

1926–1984 йиллар. МИШЕЛЬ ПОЛЬ ФУКО, француз файласуфи. Илк бор Францияда психоанализ кафедрасига асос солди. Ижтимоий илм ва тиббиётга оид кўплаб китоблар муаллифи. “Сўз ва буюмлар”, “Билимлар археологияси” ҳамда “Клиникаларнинг пайдо бўлиши: археология шифокор нигоҳида” китоблари билан танилган.

16 ОКТАБРЬ

1854–1900 йиллар. ОСКАР УАЙЛЬД, ирландиялик таниқли ёзувчи ва шоир. “Падуан герцогиняси”, “Саломея” пьесалари, “Дориан Грей портрети” романи, “Лорд Артур Сэвилъянинг жинояти” ҳикояси, “Бахтиёр шахзода”, “Булбул ва атиргул”, “Ўзини ўйлайдиган дев” каби эртақларини китобхонлар севиб ўқийди.

18 ОКТАБРЬ

1938 йил. ЁҚУБ АҲМЕДОВ, истеъдодли ўзбек театр ва кино актёри, Ўзбекистон халқ артисти. Театр сахнаси ва кинода юздан ортиқ образ яратган. “Фуркат”, “Алибобо ва қирқ қароқчи”, “Алишер Навоий”, “Улуғбек хазинаси”, “Диёнат”, “Гирдоб”, “Ичкуёв” сингари бадиий ва видеофильмлардаги етакчи роллари билан довруқ қозонган. “Танг дарёсининг қизи” (Окхой), “Зумрад” (Қодиров), “Ўткан кунлар” (Азизбек), “Меҳробдан чаён” (Султонали) сингари фильмларда суратга тушган.

20 ОКТАБРЬ

1926–2009 йиллар. ОДИЛ ЁҚУБОВ, атоқли ўзбек адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси. “Муқаддас”, “Тилла узук”, “Бир фелъетон қиссаси”, “Қанот жуфт бўлади”, “Матлуба” сингари қисса ва ҳикоялар тўплами, “Улуғбек хазинаси”, “Кўхна дунё”, “Диёнат”, “Оққушлар, оппоқ қушлар”, “Адолат манзили” каби романлари эълон қилинган. “Чин муҳаббат”, “Айтсам тилим, айтмасам дилим қуяди”, “Музаффар Темур”, “Бир қошона сирлари” ва бошқа пьесалар ҳамда “Дилбарим”, “Баҳор ёмғирлари” киносценарийлари муаллифи.

22 ОКТАБРЬ

1943 йил. КАТРИН ДЕНЁВ, француз актрисаси. “Шербурск соябонлари”, “Йўқолган қалб”, “Сўз ва мусика”, “Оқ қиролича”, “Янги йил эртаги”, “Қирол саройи”, “Уч юрак” каби фильмлардаги роллари билан шуҳрат қозонган. “Оскар” мукофоти билан тақдирланган.

1916–1993 йиллар. МИХАИЛ МАНСУРОВ, таниқли ўзбек ва рус театри актёри, Ўзбекистон халқ артисти. Ўзбекистонда рус театрининг асосчиларидан. У жаҳон, рус ва ўзбек драматургияси намуналари бўлган “Чин инсон ҳақида қисса”, “Клим Самгиннинг хаёти”, “Яков Богомолов”, “Чайка”, “Паранжи сирлари”,



●●● Основной чертой творчества выдающегося представителя литературы США XX века, лауреата Нобелевской премии Уильяма Фолкнера является высокий гуманизм. Фолкнер известен как писатель, чьи произведения правдиво и ярко изображают жизнь американского общества XIX–XX веков. Рассказ “Поджигатель” заставляет читателя смотреть на противоречивый мир взрослых глазами невинного ребенка. При этом автор не сглаживает жесткие стороны жизни, а наоборот – подчеркивает. В рассказе “Когда наступает ночь” с высоко-реалистическим мастерством описаны страдания и чувство страха чернокожей женщины Нэнси, обречшей себя на жестокое наказание. Произведения Фолкнера, представленные в рубрике “Жемчужины мировой литературы”, обрели узбекское звучание благодаря именитому мастеру перевода Ибрагиму Гафурову.

●●● 10 октября народ Вьетнама отмечает День освобождения столицы. В связи с этим событием, в данном номере журнала уделено особое место вьетнамской литературе и искусству. В рубрике “Меридианы поэзии” приведены примеры творчества таких поэтов как, Нгуен Чай, Хо Суан Хионг, Чу Тхи Тхом. В рубрике “Литературное путешествие” представлены рассказы известных вьетнамских писателей Чана Тхюи Мая и Ли Лана. Согласно традиции, в рубрике “Глобус” читатель может ознакомиться со статьями о литературе, музыке, архитектуре, театральном искусстве и кино Вьетнама. Рубрика “Культура и искусство мира” посвящена творческой деятельности одного из ярких представителей кинематографии Вьетнама Данга Нята Мина.

●●● В рубрике “Литературоведение. Философия” статья ученого-литературоведа, кандидата филологических наук Узака Джуракулова “Типология жанрового хронотопа: Хамсе. Эпос. Роман” построена на анализе сходств и различий между произведениями хамсе и европейскими романами. “Типологические сходства поэм хамсе с европейскими романами имеют определенные границы. С определенной точки начинается отсчет самостоятельного действия поэм. Это напоминает движения космической ракеты, собирающейся оторваться от орбиты Земли”, пишет автор.

●●● В предыдущих номерах журнала была начата публикация латышского героического эпоса “Лачплесис”, воссозданного Андреем Пумпуром на основе народных преданий. Заключительную часть произведения вы сможете прочитать в рубрике “Эпос – сокровищница мысли”. Перевод данного эпоса на узбекский язык – особое событие в литературной жизни, и надеемся, что это событие внесет вклад в дело укрепления дружбы между узбекским и латышскими народами. Примечательно, что ежегодно 11 ноября в Латвии отмечается День Лачплесиса, как день памяти народных героев.



●●● As a tradition a well-known ghazal by Alisher Navoi in prose form, also its translation into Russian and English and an interpretation is published in “Lessons by Navoi” rubric. This ghazal is a praise to Allah and a great poet writes about pure soul which is a pledge on the way to truth.

●●● Great writer Leo Tolstoy tries to find a meaning in human life in his works. His narrative named “The Death of Ivan Ilyich” is given in “Treasures of World Literary” rubric. A character of this work is a person who lived all his life retiring into his shell and at death’s door he realized all his mistakes.

●●● November 3 is an independent day of Panama. That’s why some interesting articles about literary and art of Panama are published in “Globe” rubric. You can read about the life and creative work of well-known Panamanian poet, painter and statesman Chang Marin in “Unforgettable Persons” rubric.

●●● The Panamanian people suffered under occupation for a long period. So freedom and independence became a meaning of life for them. You can feel it in poems by Ricardo Miro, Demetrio Corsi, Demetrio Errera Seviliano, Karlos Francisco Chang Marin, Rohelio Sinan presented in “Meridians of Poetry” rubric. For example, a poem “Landscape of Panama” by Demetrio Corsi is about loss of merit which is main cause of slavery. Demetrio Errera Seviliano also underlines terrible consequences of slavery. Another well-known poet Ricardo Miro hopes to revival of ancient traditions and prosperity for his motherland in his poem “Portobelo”.

●●● A great Irish writer James Joyce also was a poet. His collection of poems named “Penny Each” consists of 13 poems. At first author decided to complete this collection from 12 poems and sell it for one penny. But then one more poem was added and it was named Tilly. Two translations (both translated from original) were published in “Meridians of Poetry” rubric.

●●● Literary critic Shavkat Karimov in his article “The Light of Early Burned Out Star” writes about one of the talented figures of German literary Wolfgang Borhert. This writer who lived only 26 years tried to describe all tragedies of war in his works. He thought that people growing away from each other and named his coevals as “generation of wretches”. Read the article in “Literary Criticism. Philosophy” rubric.

Жаҳон АДАБИЁТИ

2016 йил октябрь сони

Навбатчи муҳаррир: А.ТОЖИЕВ
Техник муҳаррир: О.СОБИР ўғли
Мусахҳих: Д.АЛИЕВА
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.

Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олиниши шарт.

Таҳририят манзили:

100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: (0371) 244-41-60, 244-41-61, 244-41-62.

Сайт: www.jahonadabiyoti.uz

E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 7.11.2016 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.

Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.

Адади 2000 нусха. 4483 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компьютер марказида

териблиб, “Sharq” НМАКда чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

© Жаҳон адабиёти, 2016 й.